700-СОН АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ (ҚАЙТА ТАҲРИРЛАНГАН)
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ТЎҒРИСИДА ФИКР ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ХУЛОСА БЕРИШ

(2016 йил 15 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисоботлар аудитига нисбатан амал қилади)

МУНДАРИЖА

Банд

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси ..... 1−4

Кучга кириш санаси 5

Мақсадлар 6

Таърифлар 7–9

Талаблар

Молиявий ҳисоботлар бўйича фикр шакллантириш ..... 10−15

Фикр шакли ..... 16−19

Аудиторлик хулосаси ..... 20−52

Молиявий ҳисоботлар билан бирга тақдим этилган қўшимча маълумотлар ..... 53−54

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

Ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби амалиётларининг сифат жиҳатлари ..... А1−А3

Молиявий ҳисоботларда тегишли равишда ёритиб берилган ҳисоб сиёсати А4

Молиявий ҳисоботларда тақдим этилган маълумотнинг ўринлилиги, ишончлилиги, қиёсийлиги ва тушунарлилиги А5

Молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларга муҳим операциялар ва ҳодисаларнинг таъсирига оид маълумотларни ёритиб бериш А6

Молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тақдим этилишига эришишни баҳолаш А7–А9

Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг тавсифи ..... А10−А15

Фикр шакли ..... А16−А17

Аудиторлик хулосаси ..... А18−А78

Молиявий ҳисоботлар билан бирга тақдим этилган қўшимча маълумотлар ..... А79−А85

Илова: Молиявий ҳисоботлар бўйича мустақил аудитор хулосаларининг намуналари

700-сон Аудитнинг халқаро стандарти (Қайта таҳрирланган), *"Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр шакллантириш ва хулоса бериш"* 200-сон АХС *"Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш"* билан биргаликда ўқилиши лозим.

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси

1. Мазкур Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) молиявий ҳисоботлар бўйича фикр шакллантириш бўйича аудиторнинг жавобгарликларини белгилайди. У шунингдек, молиявий ҳисоботлар аудити натижасида чиқариладиган аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмунини ҳам белгилайди.

2. 701-сон АХС[1] аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалаларини етказиш бўйича аудиторнинг жавобгарлигини белгилайди. 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[2] ва 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[3] аудитор модификация қилинган фикр билдирганда ёки аудиторлик хулосасига Алоҳида масалалар бандини ёки Бошқа масалалар бандини киритганда аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни қандай ўзгаришини кўрсатади. Бошқа АХСлар ҳам аудиторлик хулосасини чиқаришда қўлланиладиган хулоса бериш талабларини ўз ичига олади.

3. Ушбу АХС умумий мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини аудитдан ўтказишга тааллуқли бўлиб, шу контекстда ёзилган. 800-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[4] молиявий ҳисоботлар махсус мақсадли концептуал асосларга мувофиқ тайёрланганда алоҳида мулоҳазаларни кўриб чиқади. 805-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[5] битта молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг аниқ элементи, ҳисоби ёки моддасининг аудити учун алоҳида мулоҳазаларни ўз ичига олади. Ушбу АХС шунингдек 800-сон АХС (Қайта таҳрирланган) ёки 805-сон АХС (Қайта таҳрирланган) қўлланиладиган аудитларга ҳам тааллуқлидир.

4. Ушбу АХС талаблари аудиторлик хулосасининг дунё миқёсида изчиллиги ва қиёсийлигига бўлган эҳтиёж ва аудиторлик хулосасидаги маълумотларни фойдаланувчилар учун кўпроқ аҳамиятли қилиш орқали аудиторлик хулосасининг қийматини ошириш эҳтиёжи ўртасида тўғри мувозанатни таъминлашга қаратилган. Ушбу АХС аудиторлик хулосасининг изчиллигини таъминлайди, аммо айрим юрисдикцияларнинг ўзига хос шароитларига мослашиш учун мослашувчанлик зарурлигини тан олади. Аудит АХСларга мувофиқ ўтказилганда, аудиторлик хулосасининг изчиллиги, глобал миқёсда тан олинган стандартларга мувофиқ ўтказилган аудитларни осонроқ аниқлаш имконини бериш орқали глобал бозорда ишончлиликни таъминлайди. Бу, шунингдек, фойдаланувчиларнинг тушунишини ривожлантиришга ва ноодатий ҳолатларни, улар рўй берганда, аниқлашга ёрдам беради.

Кучга кириш санаси

5. Ушбу АХС 2016 йил 15 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисоботлар аудитига нисбатан амал қилади.

Мақсадлар

6. Аудиторнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

   (a) Аудит давомида олинган аудит далилларидан чиқарилган хулосаларни баҳолаш асосида молиявий ҳисоботлар бўйича фикр шакллантириш; ва

   (b) Ушбу фикрни ёзма хулоса орқали аниқ билдириш.

Таърифлар

7. АХСлар мақсадларида қуйидаги атамалар мазкур маъноларга эга:

   (a) Умумий мақсадли молиявий ҳисоботлар – Умумий мақсадли концептуал асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар.

   (b) Умумий мақсадли концептуал асослар – Кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг умумий молиявий маълумот эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот концептуал асослари. Молиявий ҳисобот концептуал асослари ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари ёки мувофиқлик концептуал асослари бўлиши мумкин.

   "Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари" атамаси концептуал асос талабларига мувофиқликни ва қуйидагиларни талаб қиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига ишора қилиш учун қўлланилади:

---

1 701-сон АХС, *"Мустақил аудитор хулоса (ҳисоботи)да аудитнинг асосий масалаларини етказиш"*

2 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Мустақил аудитор хулоса (ҳисоботи)даги фикрни модификация қилиш"*

3 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Мустақил аудитор хулоса (ҳисоботи)даги алоҳида масалалар бандлари ва бошқа масалалар бандлари"*

4 800-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Махсус мулоҳазалар — махсус мақсадли концептуал асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудити"*

5 805-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Махсус мулоҳазалар — алоҳида молиявий ҳисоботлар ва молиявий ҳисоботнинг аниқ элементлари, ҳисоблари ёки моддаларининг аудити"*

(i) Молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тақдим этилишига эришиш учун раҳбарият концептуал асос томонидан махсус талаб қилинган маълумотларни ёритиб беришдан ташқари қўшимча маълумотларни ёритиб беришни тақдим этиши зарур бўлиши мумкинлигини очиқ тан олади ёки назарда тутади; ёки

(ii) Молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тақдим этилишига эришиш учун раҳбарият концептуал асос талабларидан четга чиқиши зарур бўлиши мумкинлигини очиқ тан олади. Бундай четга чиқишлар фақат жуда камдан-кам ҳолларда зарур бўлиши кутилади.

"Мувофиқлик концептуал асослари" атамаси концептуал асос талабларига мувофиқликни талаб қиладиган, лекин юқоридаги (i) ёки (ii) бандлардаги тан олишларни ўз ичига олмайдиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига ишора қилиш учун қўлланилади.[6]

(c) Модификацияланмаган фикр – Аудитор молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган деган хулосага келганда аудитор томонидан билдирилган фикр.[7]

8. Ушбу АХСда "молиявий ҳисоботлар"га ҳавола "умумий мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами"ни англатади.[8] Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг талаблари молиявий ҳисоботларнинг тақдим этилиши, тузилиши ва мазмунини, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини нима ташкил этишини белгилайди.

9. Ушбу АХСда "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари"га ҳавола Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС), ва "Давлат секторининг бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари"га ҳавола эса Давлат секторининг бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган Давлат секторининг бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини (ДСБҲХС) англатади.

Талаблар

Молиявий ҳисоботлар бўйича фикр шакллантириш

10. Аудитор молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланганлиги тўғрисида фикр шакллантириши лозим.[9,10]

11. Бу фикрни шакллантириш учун аудитор молиявий ҳисоботлар яхлит олганда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч олинганлиги ёки олинмаганлиги тўғрисида хулоса чиқариши лозим. Бу хулоса қуйидагиларни ҳисобга олиши лозим:

(a) 330-сон АХСга мувофиқ, аудиторнинг етарли ва муносиб аудит далиллари олинганлиги ҳақидаги хулосаси;[11]

(b) 450-сон АХСга мувофиқ, аудиторнинг тузатилмаган бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жамланганда муҳимлиги ёки муҳим бўлмаганлиги ҳақидаги хулосаси;[12] ва

(c) 12-15-бандларда талаб қилинган баҳолашлар.

12. Аудитор молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг талабларига мувофиқ тайёрланганлигини баҳолаши лозим. Бу баҳолаш раҳбарият мулоҳазаларидаги йўл қўйиши мумкин бўлган нохолислик кўрсаткичларини ҳам қўшган ҳолда, ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби амалиётларининг сифат жиҳатларини кўриб чиқишни ўз ичига олиши лозим. (А1–А3-бандларга қаранг)

13. Хусусан, аудитор қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари талаблари нуқтаи назаридан қуйидагиларни баҳолаши лозим:

(a) Молиявий ҳисоботлар танланган ва қўлланилган аҳамиятли ҳисоб сиёсатини тегишли равишда ёритиб берганлиги. Бу баҳолашни амалга оширишда, аудитор ҳисоб сиёсатининг ташкилотга тегишлилигини ва улар тушунарли тарзда тақдим этилганлигини кўриб чиқиши лозим; (А4-бандга қаранг)

(b) Танланган ва қўлланилган ҳисоб сиёсати қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мос

---

6 200-сон АХС, *"Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш"*, 13(а)-банд

7 25-26-бандлар ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари ва мувофиқлик концептуал асослари ҳолатида бу фикр билдириш учун қўлланиладиган иборалар билан шуғулланади.

8 200-сон АХС, 13(f)-банд молиявий ҳисоботларнинг мазмунини белгилайди.

9 200-сон АХС, 11-банд

10 25-26-бандлар ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари ва мувофиқлик концептуал асослари ҳолатида бу фикр билдириш учун қўлланиладиган иборалар билан шуғулланади.

11 330-сон АХС, *"Аудиторнинг баҳо берилган рискларга жавоблари"*, 26-банд

12 450-сон АХС, *"Аудит давомида аниқланган бузиб кўрсатишларни баҳолаш"*, 11-банд

келиши ва ўринли эканлиги;

(c) Раҳбарият томонидан қилинган ҳисоб баҳолари ва уларга тегишли маълумотларни ёритиб беришлар оқилона эканлиги;

(d) Молиявий ҳисоботларда тақдим этилган маълумот ўринли, ишончли, қиёсий ва тушунарли эканлиги. Бу баҳолашни амалга оширишда аудитор қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:

- Киритилиши керак бўлган маълумот киритилганлиги ва бундай маълумот тегишли равишда таснифланган, жамланган ёки ажратилган, ва тавсифланганлиги.

- Молиявий ҳисоботларнинг умумий тақдим этилиши ўринли бўлмаган ёки ёритиб берилган масалаларнинг тўғри тушунилишини ноаниқлаштирадиган маълумотларни киритиш орқали заифлашмаганлиги. (А5-бандга қаранг)

(e) Молиявий ҳисоботлар мўлжалланган фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларга муҳим операциялар ва ҳодисаларнинг таъсирини тушуниш имконини берувчи етарли маълумотларни ёритиб беришни тақдим этганлиги; ва (А6-бандга қаранг)

(f) Ҳар бир молиявий ҳисоботнинг номи ҳам қўшилган ҳолда, молиявий ҳисоботларда қўлланилган атамалар ўринли эканлиги.

14. Молиявий ҳисоботлар ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланганда, 12-13-бандларда талаб қилинган баҳолаш шунингдек молиявий ҳисоботлар ҳаққоний тақдим этилишга эришганлигини ҳам ўз ичига олиши лозим. Молиявий ҳисоботлар ҳаққоний тақдим этилишга эришганлигини аудиторнинг баҳолаши қуйидагиларни кўриб чиқишни ўз ичига олиши лозим: (А7-А9-бандларга қаранг)

(a) Молиявий ҳисоботларнинг умумий тақдим этилиши, тузилиши ва мазмуни; ва

(b) Молиявий ҳисоботлар асосда ётган операциялар ва ҳодисаларни ҳаққоний тақдим этилишга эришадиган тарзда ифодалаши.

15. Аудитор молиявий ҳисоботлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларини етарли даражада ҳавола ёки тавсиф этишини баҳолаши лозим. (А10-А15-бандларга қаранг)

Фикр шакли

16. Аудитор молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган деган хулосага келганда модификацияланмаган фикр билдириши лозим.

17. Агар аудитор:

(a) Олинган аудит далилларига асосланиб, молиявий ҳисоботлар яхлит олганда муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эмас деган хулосага келса; ёки

(b) Молиявий ҳисоботлар яхлит олганда муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш учун етарли ва муносиб аудит далилларини ололмаса,

аудитор 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ аудиторлик хулосасидаги фикрни модификация қилиши лозим.

18. Агар ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари талабларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар ҳаққоний тақдим этилишга эришмаса, аудитор бу масалани раҳбарият билан муҳокама қилиши ва қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг талабларига ва бу масала қандай ҳал қилинишига қараб, 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ аудиторлик хулосасидаги фикрни модификация қилиш зарурлигини аниқлаши лозим. (А16-бандга қаранг)

19. Молиявий ҳисоботлар мувофиқлик концептуал асосларига мувофиқ тайёрланганда, аудитордан молиявий ҳисоботлар ҳаққоний тақдим этилишга эришганлигини баҳолаш талаб қилинмайди. Бироқ, жуда камдан-кам ҳолатларда, аудитор бундай молиявий ҳисоботлар чалғитувчи эканлиги ҳақида хулосага келса, аудитор бу масалани раҳбарият билан муҳокама қилиши ва бу масала қандай ҳал қилинишига қараб, аудиторлик хулосасида буни етказиш керак ёки керак эмаслигини ва қандай етказиш кераклигини аниқлаши лозим. (А17-бандга қаранг)

Аудиторлик хулосаси

20. Аудиторлик хулосаси ёзма шаклда бўлиши лозим. (А18-А19-бандларга қаранг)

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудитлар учун аудиторлик хулосаси

Сарлавҳа

21. Аудиторлик хулосаси у мустақил аудиторнинг хулосаси эканлигини аниқ кўрсатувчи сарлавҳага эга бўлиши лозим. (А20-бандга қаранг)

Манзил эгаси

22. Аудиторлик хулосаси, топшириқ шароитларига қараб, тегишли равишда йўналтирилиши лозим. (А21-бандга қаранг)

Аудиторлик фикри

23. Аудиторлик хулосасининг биринчи банди аудиторнинг фикрини ўз ичига олиши ва "Фикр" сарлавҳасига эга бўлиши лозим.

24. Аудиторлик хулосасининг Фикр банди шунингдек:

    (a) Молиявий ҳисоботлари аудитдан ўтказилган ташкилотни аниқлаши;

    (b) Молиявий ҳисоботлар аудитдан ўтказилганлигини баён қилиши;

    (c) Молиявий ҳисоботларни ташкил этувчи ҳар бир ҳисоботнинг номини аниқлаши;

    (d) Аҳамиятли ҳисоб сиёсати қисқача тавсифини ҳам қўшган ҳолда, изоҳларга ҳавола қилиши; ва

    (e) Молиявий ҳисоботларни ташкил этувчи ҳар бир молиявий ҳисоботнинг санасини ёки қамраб олинган даврини кўрсатиши лозим. (А22-А23-бандларга қаранг)

25. Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар бўйича модификацияланмаган фикр билдиришда, қонун ёки норматив ҳужжатлар бошқача талаб қилмаса, аудиторлик фикри эквивалент деб ҳисобланадиган қуйидаги иборалардан бирини қўллаши лозим:

    (a) Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда [...] [қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари]га мувофиқ ҳаққоний тақдим этилган; ёки

    (b) Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар [...] [қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари]га мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради. (А24-А31-бандларга қаранг)

26. Мувофиқлик концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар бўйича модификацияланмаган фикр билдиришда, аудиторлик фикри илова қилинган молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда [қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари]га мувофиқ тайёрланган деган фикрдан иборат бўлиши лозим. (А26-А31-бандларга қаранг)

27. Агар аудиторлик фикрида қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига ҳавола Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган МҲХСларга ёки Давлат секторининг бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган ДСБҲХСларга эмас, бошқа концептуал асосларга бўлса, аудиторлик фикри концептуал асоснинг келиб чиқиш юрисдикциясини аниқлаши лозим.

Фикр билдириш учун асос

28. Аудиторлик хулосаси "Фикр билдириш учун асос" сарлавҳаси билан, Фикр бандидан кейин тўғридан-тўғри жойлашган бандни ўз ичига олиши ва унда: (А32-бандга қаранг)

    (a) Аудит Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилганлигини баён қилиши; (А33-бандга қаранг)

    (b) Аудиторлик хулосасининг АХСлар бўйича аудиторнинг жавобгарликларини тавсифловчи бандига ҳавола қилиши;

    (c) Аудитор аудитга оид тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ ташкилотдан мустақил эканлиги ва аудитор ўзининг бошқа ахлоқий мажбуриятларини ушбу талабларга мувофиқ бажарганлигини ўз ичига олувчи баёнот киритиши лозим.

        (i) Баёнот тегишли ахлоқий талабларнинг келиб чиқиш юрисдикциясини аниқлаши ёки Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари кенгашининг *Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ кодексига (Халқаро мустақиллик стандартларини ҳам қўшган ҳолда)* (БХАСК Кодекси) ҳавола қилиши лозим; (А34-А35, А37-А38-бандларга қаранг)

        (ii) Агар тегишли ахлоқий талаблар аудитордан муайян ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитига хос мустақиллик талаблари қўлланилганда буни оммавий ошкор қилишни талаб қилса, баёнот аудитор ушбу ташкилотлар аудитларига қўлланиладиган мустақиллик талабларига мувофиқ ташкилотдан мустақил эканлигини кўрсатиши лозим; ва (А36-бандга қаранг)

    (d) Аудитор олган аудит далиллари аудиторлик фикрини билдириш учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб эканлигига ишонч ҳосил қилинганлигини баён қилиши лозим.

Фаолият узлуксизлиги

29. Қўлланиладиган бўлса, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериши лозим.[13]

Аудитнинг асосий масалалари

30. Листингга кирган ташкилотларнинг умумий мақсадли молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламларининг аудити учун, аудитор 701-сон АХСга мувофиқ аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалаларини етказиши лозим.

31. Аудитор қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан бошқа ҳолларда талаб қилинганда ёки аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалаларини етказишга қарор қилганда, аудитор буни 701-сон АХСга мувофиқ амалга ошириши лозим. (А41-А43-бандларга қаранг)

Бошқа маълумотлар

32. Қўлланиладиган бўлса, аудитор 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериши лозим.[14]

Молиявий ҳисоботлар учун жавобгарликлар

33. Аудиторлик хулосаси "Молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарликлари" сарлавҳасидаги бандни ўз ичига олиши лозим. Аудиторлик хулосаси муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий концептуал асос контекстида ўринли бўлган атамани қўллаши лозим ва аниқ "раҳбарият"га ҳавола қилиши шарт эмас. Баъзи юрисдикцияларда, тўғри ҳавола бошқарув учун масъул шахсларга бўлиши мумкин. (А45-бандга қаранг)

34. Аудиторлик хулосасининг бу банди раҳбариятнинг қуйидаги жавобгарликларини тавсифлаши лозим: (А46-А49-бандларга қаранг)

    (a) Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, ва фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини таъминлаш учун раҳбарият зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизимини таъминлаш; ва

    (b) Ташкилотнинг фаолият узлуксизлиги[15] ва фаолият узлуксизлиги тамойилига асосланган бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш ўринли эканлигини, шунингдек, тегишли ҳолларда, фаолият узлуксизлигига тегишли масалаларни ёритиб беришни баҳолаш. Раҳбариятнинг ушбу баҳолаш учун жавобгарлиги тушунтирилиши фаолият узлуксизлиги тамойилига асосланган бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш қачон ўринли бўлиши ҳақидаги тавсифни ўз ичига олиши лозим. (А49-бандга қаранг)

35. Аудиторлик хулосасининг бу банди шунингдек молиявий ҳисобот бериш жараёнини назорат қилиш учун жавобгар бўлган шахсларни, агар бундай назорат учун жавобгар бўлган шахслар юқоридаги 34-бандда тавсифланган жавобгарликларни бажарадиган шахслардан фарқли бўлса, аниқлаши лозим. Бу ҳолатда, бу бандниг сарлавҳаси шунингдек "Бошқарув учун масъул шахслар" ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий концептуал асос контекстида ўринли бўлган бошқа атамага ҳавола қилиши лозим. (А50-бандга қаранг)

36. Молиявий ҳисоботлар ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланганда, аудиторлик хулосасидаги молиявий ҳисоботлар учун жавобгарликлар тавсифи шароитларга қараб "ушбу молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш" ёки "ҳаққоний ва тўғри тасаввур берувчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш"га ҳавола қилиши лозим.

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

37. Аудиторлик хулосаси "Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" сарлавҳасидаги бандни ўз ичига олиши лозим.

38. Аудиторлик хулосасининг бу банди: (А51-бандга қаранг)

    (a) Аудиторнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат эканлигини баён қилиши лозим:

        (i) Молиявий ҳисоботлар яхлит олганда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч олиш; ва
        (ii) Аудиторлик фикрини ўз ичига олувчи аудиторлик хулосасини чиқариш. (А52-бандга қаранг)

    (b) Оқилона ишонч юқори даражадаги ишонч эканлигини, аммо АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда уни ҳар доим аниқлайди деган кафолат эмаслигини баён қилиши; ва

---

13 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"фаолият узлуксизлиги"*, 21-23-бандлар

14 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарликлари"*

15 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 2-банд

(c) Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкинлигини баён қилиши, ва:

(i) Агар бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жамланганда, ушбу молиявий ҳисоботлар асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона кутилса, улар муҳим деб ҳисобланиши тавсифланиши;[16] ёки

(ii) Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ муҳимлик таърифи ёки тавсифини тақдим этиши лозим. (А54-бандга қаранг)

39. Аудиторлик хулосасидаги "Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" банди қуйидагиларни ҳам ўз ичига олиши лозим: (А51-бандга қаранг)

(a) АХСларга мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида, аудитор бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритиши ва профессионал скептицизмни сақлаб қолиши ҳақида баёнот бериш; ва

(b) Аудиторнинг жавобгарликлари қуйидагилардан иборат эканлигини баён қилиш орқали аудитни тавсифлаши лозим:

(i) Молиявий ҳисоботларда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва уларга баҳо бериш; бу рискларга жавоб берувчи аудит тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ва бажариш; ва аудиторлик фикрини билдириш учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш. Фирибгарлик, тил бириктириш, сохталаштириш, қасддан тушириб қолдириш, ноўрин тақдим этиш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтишни ўз ичига олиши мумкин бўлгани учун, фирибгарлик туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик риски хатолик туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик рискидан юқори.

(ii) Шароитларга мос аудит тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида аудитга тегишли ички назорат тизимини тушуниш, лекин ташкилотнинг ички назорат тизими самарадорлиги бўйича фикр билдириш мақсадида эмас. Аудитор шунингдек молиявий ҳисоботлар аудити билан бирга ички назорат тизими самарадорлиги ҳақида фикр билдириш жавобгарлигига эга бўлган ҳолатларда, аудитор ўзининг ички назорат тизимини кўриб чиқиши ташкилотнинг ички назорат тизими самарадорлиги ҳақида фикр билдириш мақсадида эмаслиги ҳақидаги жумлани тушириб қолдириши лозим.

(iii) Қўлланилган ҳисоб сиёсатининг ўринлилигини ва раҳбарият томонидан қилинган бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб баҳолари ҳамда тегишли маълумотларни ёритиб беришларнинг асослилигини баҳолаш.

(iv) Раҳбарият томонидан фаолият узлуксизлиги тамойилига асосланган бухгалтерия ҳисобидан фойдаланишнинг ўринлилиги ҳақида хулоса чиқариш ва, олинган аудит далилларига асосланиб, ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эканлиги ёки йўқлиги ҳақида хулоса чиқариш. Агар аудитор муҳим ноаниқлик мавжуд деган хулосага келса, аудитор аудиторлик хулосасида молиявий ҳисоботлардаги тегишли маълумотларни ёритиб беришларга диққатни жалб қилиши ёки, агар бундай маълумотларни ёритиб беришлар етарли бўлмаса, фикрни модификация қилиши талаб қилинади. Аудиторнинг хулосалари аудиторлик хулосаси санасигача олинган аудит далилларига асосланади. Бироқ, келгусидаги ҳодисалар ёки шарт-шароитлар ташкилотнинг фаолиятни узлуксиз давом эттиришни тўхтатишига сабаб бўлиши мумкин.

(v) Молиявий ҳисоботлар ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланганда, маълумотларни ёритиб беришларни ҳам қўшган ҳолда, молиявий ҳисоботларнинг умумий тақдим этилиши, тузилиши ва мазмунини, ва молиявий ҳисоботлар асосда ётган операциялар ва ҳодисаларни ҳаққоний тақдим этилишга эришадиган тарзда ифодалашини баҳолаш.

(c) 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[17] қўлланилганда, аудиторнинг жавобгарликларини гуруҳ аудити топшириғида қуйидагиларни баён қилиш орқали кенгроқ тавсифлаш лозим:

(i) Аудиторнинг жавобгарликлари гуруҳ молиявий ҳисоботлари бўйича фикр билдириш учун гуруҳ ичидаги ташкилотлар ёки бизнес бирликлари бўйича молиявий маълумотларга оид етарли ва муносиб аудит далилларини олиш мақсадида гуруҳ аудитини режалаштириш ва ўтказишдир;

(ii) Аудитор гуруҳ аудити мақсадларида бажарилган аудит ишини йўналтириш, назорат қилиш ва кўриб чиқиш учун жавобгардир; ва

(iii) Аудитор аудиторлик фикри учун фақат ўзи жавобгар бўлиб қолади.[18]

40. Аудиторлик хулосасининг Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари банди

---

[16] 320-сон АХС, *"Аудитни режалаштириш ва бажаришда муҳимлик"*, 2-банд

[17] 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Махсус мулоҳазалар — гуруҳ молиявий ҳисоботлари аудити (компонент аудиторлари ишини ҳам қўшган ҳолда)"*

[18] 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 53-банд

шунингдек: (А51-бандга қаранг)

(a) Аудитор бошқарув учун масъул шахслар билан, бошқа масалалар қаторида, аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддатлари ҳамда аудит давомида аудитор аниқлаган ички назорат тизимидаги ҳар қандай аҳамиятли камчиликларни ўз ичига олувчи аҳамиятли аудит топилмалари ҳақида мулоқот қилишини баён қилиши;

(b) Листингга кирган ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудити учун, аудитор бошқарув учун масъул шахсларга аудитор мустақиллик бўйича тегишли ахлоқий талабларга риоя қилганлиги ҳақидаги баёнотни тақдим этиши ва улар билан аудиторнинг мустақиллигига таъсир қилиши оқилона тарзда тахмин қилиниши мумкин бўлган барча муносабатлар ҳамда бошқа масалаларни, ва қўлланиладиган бўлса, таҳдидларни бартараф этиш учун қўлланилган чора-тадбирлар ёки ҳимоя воситаларини маълум қилишини баён қилиши; ва

(c) Листингга кирган ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудити ва 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалалари етказиладиган бошқа ҳар қандай ташкилотларнинг аудити учун, аудитор бошқарув учун масъул шахслар билан муҳокама қилинган масалалардан, жорий давр молиявий ҳисоботларининг аудитида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ва шунинг учун аудитнинг асосий масалалари бўлган масалаларни аниқлашини баён қилиши лозим. Аудитор бу масалаларни аудиторлик хулосасида тавсифлайди, қонун ёки норматив ҳужжатлар масала ҳақида оммавий маълумотларни ёритиб беришни тақиқламаса ёки, жуда камдан-кам ҳолатларда, аудитор бу масалани аудиторлик хулосасида ёритиб бериш салбий оқибатлари бундай ёритиб беришнинг жамоатчилик манфаатлари фойдасидан ошиб кетиши оқилона тарзда кутилиши мумкин деб аниқлаганда. (А54-бандга қаранг)

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари тавсифининг жойлашуви

41. 39-40-бандларда талаб қилинган молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари тавсифи қуйидагиларда киритилиши лозим: (А55-бандга қаранг)

(a) Аудиторлик хулосасининг матнида;

(b) Аудиторлик хулосасининг иловасида, бунда аудиторлик хулосаси илованинг жойлашувига ҳаволани ўз ичига олиши лозим; ёки (А56-А58-бандларга қаранг)

(c) Қонун, норматив ҳужжат ёки миллий аудит стандартлари аудиторга бундай қилишга аниқ рухсат берганда, тегишли органнинг веб-сайтидаги бундай тавсифнинг жойлашувига аудиторлик хулосасидаги аниқ ҳавола орқали. (А55, А57-А58-бандларга қаранг)

42. Аудитор тегишли органнинг веб-сайтидаги аудиторнинг жавобгарликлари тавсифига ҳавола қилганда, аудитор бундай тавсиф ушбу АХСнинг 39-40-бандларидаги талабларни қамраб олишини ва уларга зид эмаслигини аниқлаши лозим. (А57-бандга қаранг)

Бошқа хулоса бериш жавобгарликлари

43. Агар аудитор АХСлар бўйича аудиторнинг жавобгарликларига қўшимча равишда молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик хулосасида бошқа хулоса бериш жавобгарликларини кўриб чиқса, бу бошқа хулоса бериш жавобгарликлари аудиторлик хулосасида "Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса" сарлавҳаси билан ёки банд мазмунига мос равишда бошқача тарзда алоҳида бандда кўриб чиқилиши лозим, бу бошқа хулоса бериш жавобгарликлари АХСлар томонидан талаб қилинган хулоса бериш жавобгарликлари остида тақдим этилган мавзулар билан бир хил бўлган ҳоллар бундан мустасно, бу ҳолда бошқа хулоса бериш жавобгарликлари АХСлар томонидан талаб қилинган хулоса элементлари билан бир хил бандда тақдим этилиши мумкин. (А59-А61-бандларга қаранг)

44. Агар бошқа хулоса бериш жавобгарликлари АХСлар томонидан талаб қилинган тегишли хулоса элементлари билан бир хил бандда тақдим этилса, аудиторлик хулосаси бошқа хулоса бериш жавобгарликларини АХСлар томонидан талаб қилинган хулосадан аниқ ажратиши лозим. (А61-бандга қаранг)

45. Агар аудиторлик хулосаси бошқа хулоса бериш жавобгарликларини кўриб чиқадиган алоҳида бандни ўз ичига олса, ушбу АХСнинг 21-40-бандларидаги талаблар "Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича хулоса" сарлавҳаси остидаги бандда ўз ичига олиниши лозим. "Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса" "Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича хулоса"дан кейин келиши лозим. (А61-бандга қаранг)

Топшириқ партнёрининг номи

46. Топшириқ партнёрининг номи листингга кирган ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосасига киритилиши лозим, камдан-кам ҳолларда, бундай маълумотларни ёритиб бериш аҳамиятли шахсий хавфсизлик таҳдидига олиб келиши оқилона кутилиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно. Аудитор аудиторлик хулосасига топшириқ партнёрининг номини киритмасликни мўлжаллаган камдан-кам ҳолатларда, аудитор бу ниятни аҳамиятли шахсий хавфсизлик таҳдидининг эҳтимоли ва жиддийлигини баҳолашни хабардор қилиш учун бошқарув учун масъул шахслар билан муҳокама қилиши лозим. (А62-А64-

бандларга қаранг)

Аудиторнинг имзоси

47. Аудиторлик хулосаси имзоланган бўлиши лозим. (А65-А66-бандларга қаранг)

Аудиторнинг манзили

48. Аудиторлик хулосаси аудитор фаолият юритадиган юрисдикциядаги жойлашувни номлаши лозим.

Аудиторлик хулосасининг санаси

49. Аудиторлик хулосаси аудитор молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик фикри учун асос бўладиган етарли ва муносиб аудит далилларини, шу жумладан қуйидаги далилларни олган санадан олдинги сана билан белгиланмаслиги лозим: (А67-А70-бандларга қаранг)

(a) Молиявий ҳисоботларни ташкил этувчи барча ҳисоботлар ва маълумотларни ёритиб беришлар тайёрланган; ва

(b) Тан олинган ваколатга эга бўлган шахслар ўзларининг ушбу молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлик олганликларини тасдиқлаган.

Қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан белгиланган аудиторлик хулосаси

50. Агар аудитордан муайян юрисдикциянинг қонуни ёки норматив ҳужжатлари томонидан аудиторлик хулосасининг аниқ шакли ёки матнидан фойдаланиш талаб қилинса, аудиторлик хулосаси Аудитнинг халқаро стандартларига фақат аудиторлик хулосаси, камида, қуйидаги элементларнинг ҳар бирини ўз ичига олганда ҳавола қилиши лозим: (А71-А72-бандларга қаранг)

(a) Сарлавҳа.

(b) Топшириқ шартлари талаб қилганидек, манзил эгаси.

(c) Молиявий ҳисоботлар бўйича фикр билдиришни ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун қўлланилган молиявий ҳисобот концептуал асосларига ҳаволани ўз ичига олувчи Фикр банди (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ёки Давлат секторининг бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўлмаган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг келиб чиқиш юрисдикциясини аниқлашни ҳам қўшган ҳолда, 27-бандга қаранг).

(d) Аудитдан ўтказилган ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини аниқлаш.

(e) Аудитор аудитга оид тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ ташкилотдан мустақил эканлиги ва аудитор ўзининг бошқа ахлоқий мажбуриятларини ушбу талабларга мувофиқ бажарганлигини баён қилиш.

(i) Баёнот тегишли ахлоқий талабларнинг келиб чиқиш юрисдикциясини аниқлаши ёки БХАСК Кодексига ҳавола қилиши лозим.

(ii) Агар тегишли ахлоқий талаблар аудитордан муайян ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитига хос мустақиллик талаблари қўлланилганда буни оммавий ошкор қилишни талаб қилса, баёнот аудитор ушбу ташкилотлар аудитларига қўлланиладиган мустақиллик талабларига мувофиқ ташкилотдан мустақил эканлигини кўрсатиши лозим.

(f) Қўлланиладиган бўлса, 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 22-бандидаги ҳисобот бериш талабларини қамраб оладиган ва уларга зид бўлмаган банд.

(g) Қўлланиладиган бўлса, 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 23-бандидаги ҳисобот бериш талабларини қамраб оладиган ва уларга зид бўлмаган шартли (ёки салбий) фикр билдириш учун асос банди.

(h) Қўлланиладиган бўлса, 701-сон АХС томонидан талаб қилинган маълумотларни ёки қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан белгиланган ва ўша АХСдаги хулоса бериш талабларини қамраб оладиган ҳамда уларга зид бўлмаган аудит ҳақида қўшимча маълумотларни ўз ичига олувчи банд.[19] (А73-А76-бандларга қаранг)

(i) Қўлланиладиган бўлса, 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 24-бандидаги хулоса бериш талабларини қамраб оладиган банд.

(j) 33-36-бандлардаги талабларни қамраб оладиган ва уларга зид бўлмаган, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун раҳбариятнинг жавобгарликларини тавсифловчи ва молиявий ҳисобот бериш жараёнини назорат қилиш учун жавобгар шахсларни аниқловчи банд.

---

[19] 701-сон АХС, 11-16-бандлар

(k) Аудитнинг халқаро стандартларига ва қонун ёки норматив ҳужжатларга ҳавола, ва 37-40-бандлардаги талабларни қамраб оладиган ҳамда уларга зид бўлмаган молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари тавсифи. (А51-А54-бандларга қаранг)

(l) Листингга кирган ташкилотларнинг умумий мақсадли молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламлари аудити учун, камдан-кам ҳолларда, бундай маълумотларни ёритиб бериш аҳамиятли шахсий хавфсизлик таҳдидига олиб келиши оқилона кутилиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно, топшириқ партнёрининг номи.

(m) Аудиторнинг имзоси.

(n) Аудиторнинг манзили.

(o) Аудиторлик хулосасининг санаси.

Муайян юрисдикциянинг аудит стандартларига ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудитлар учун аудиторлик хулосаси

51. Аудитордан муайян юрисдикциянинг аудит стандартларига ("миллий аудит стандартлари") мувофиқ аудит ўтказиш талаб қилиниши мумкин, ва аудитни ўтказишда қўшимча равишда АХСларга риоя қилган бўлса, аудиторлик хулосаси миллий аудит стандартларига қўшимча равишда Аудитнинг халқаро стандартларига ҳавола қилиши мумкин, лекин аудитор буни фақат қуйидаги ҳолатларда қилиши лозим: (А77-А78-бандларга қаранг)

(a) Миллий аудит стандартларидаги ва АХСлардаги талаблар ўртасида аудиторни (i) бошқача фикр шакллантиришга, ёки (ii) муайян ҳолатларда, АХСлар томонидан талаб қилинадиган Алоҳида масалалар бандини ёки Бошқа масалалар бандини киритмасликка олиб келадиган зиддият бўлмаса; ва

(b) Аудитор миллий аудит стандартлари томонидан белгиланган шакл ёки матндан фойдаланганда, аудиторлик хулосаси, камида, 50(a)-(o)-бандларида келтирилган ҳар бир элементни ўз ичига олса. Бироқ, 50(k)-банддаги "қонун ёки норматив ҳужжатлар"га ҳавола миллий аудит стандартларига ҳавола сифатида ўқилиши лозим. Шу орқали аудиторлик хулосаси бундай миллий аудит стандартларини аниқлаши лозим.

52. Аудиторлик хулосаси ҳам миллий аудит стандартларига, ҳам Аудитнинг халқаро стандартларига ҳавола қилганда, аудиторлик хулосаси миллий аудит стандартларининг келиб чиқиш юрисдикциясини аниқлаши лозим.

Молиявий ҳисоботлар билан бирга тақдим этилган қўшимча маълумотлар (А79-А85-бандларга қаранг)

53. Агар қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари томонидан талаб қилинмаган қўшимча маълумотлар аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботлар билан бирга тақдим этилса, аудитор ўзининг профессионал мулоҳазасига кўра, қўшимча маълумотлар ўзининг характери ёки қандай тақдим этилишига кўра барибир молиявий ҳисоботларнинг ажралмас қисми эканлигини баҳолаши лозим. Бу молиявий ҳисоботларнинг ажралмас қисми бўлганда, қўшимча маълумотлар аудиторлик фикри билан қамраб олиниши лозим.

54. Агар қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари томонидан талаб қилинмаган қўшимча маълумотлар аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботларнинг ажралмас қисми сифатида ҳисобланмаса, аудитор бундай қўшимча маълумотлар уни аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботлардан етарли даражада ва аниқ ажратадиган тарзда тақдим этилганлигини баҳолаши лозим. Агар бундай бўлмаса, аудитор раҳбариятдан аудитдан ўтказилмаган қўшимча маълумотларнинг тақдим этилиш усулини ўзгартиришни сўраши лозим. Агар раҳбарият буни қилишдан бош тортса, аудитор аудитдан ўтказилмаган қўшимча маълумотларни аниқлаши ва аудиторлик хулосасида бундай қўшимча маълумотлар аудитдан ўтказилмаганлигини тушунтириши лозим.

***

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

Ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби амалиётларининг сифат жиҳатлари (12-бандга қаранг)

А1. Раҳбарият молиявий ҳисоботлардаги суммалар ва маълумотларни ёритиб беришлар ҳақида бир қатор мулоҳазалар қилади.

А2. 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бухгалтерия ҳисоби амалиётларининг сифат жиҳатлари муҳокамасини ўз ичига олади.[20] Ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби амалиётларининг сифат жиҳатларини кўриб чиқишда, аудитор раҳбарият мулоҳазаларидаги йўл қўйиши мумкин бўлган нохолисликдан хабардор бўлиши мумкин.

---

[20] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Бошқарув учун масъул шахслар билан алоқа қилиш"*, 2-илова

Аудитор холисликнинг етишмаслиги кумулятив таъсири, тузатилмаган бузиб кўрсатишларнинг таъсири билан биргаликда, молиявий ҳисоботларни яхлит олганда муҳим даражада бузиб кўрсатилишига олиб келади деган хулосага келиши мумкин. Аудиторнинг молиявий ҳисоботлар яхлит олганда муҳим даражада бузиб кўрсатилганлиги ёки йўқлигини баҳолашига таъсир қилиши мумкин бўлган холисликнинг етишмаслиги кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- Аудит давомида раҳбариятнинг эътиборига етказилган бузиб кўрсатишларни танлаб тузатиш (масалан, ҳисобот қилинган фойдани оширувчи таъсирга эга бўлган бузиб кўрсатишларни тузатиш, лекин ҳисобот қилинган фойдани камайтирувчи таъсирга эга бўлган бузиб кўрсатишларни тузатмаслик).

- Бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб баҳоларини амалга оширишда раҳбариятнинг йўл қўйиши мумкин бўлган нохолислиги.

А3. 540-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб баҳоларни амалга оширишда раҳбариятнинг йўл қўйиши мумкин бўлган нохолислигини кўриб чиқади.[21] Раҳбариятнинг йўл қўйиши мумкин бўлган нохолислиги кўрсаткичлари алоҳида бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб баҳоларнинг асослилиги бўйича хулосалар чиқариш мақсадларида бузиб кўрсатишларни ташкил этмайди. Бироқ, улар аудиторнинг молиявий ҳисоботлар яхлит олганда муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигини баҳолашига таъсир қилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботларда тегишли равишда ёритиб берилган ҳисоб сиёсати (13(а)-бандга қаранг)

А4. Молиявий ҳисоботлар танланган ва қўлланилган аҳамиятли ҳисоб сиёсатини тегишли равишда ёритиб берганлигини баҳолашда, аудиторнинг кўриб чиқиши қуйидаги каби масалаларни ўз ичига олади:

- Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари томонидан киритилиши талаб қилинган аҳамиятли ҳисоб сиёсатига тегишли барча маълумотларни ёритиб беришлар киритилганлиги;

- Аҳамиятли ҳисоб сиёсати ҳақида ёритиб берилган маълумот ўринли эканлиги ва шунинг учун қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларидаги тан олиш, баҳолаш ва тақдим этиш мезонлари ташкилот фаолияти ҳамда унинг муҳитининг муайян шароитларида молиявий ҳисоботлардаги операциялар турларига, ҳисоб қолдиқларига ва маълумотларни ёритиб беришларга қандай қўлланилганлигини акс эттириши; ва

- Аҳамиятли ҳисоб сиёсати қанчалик аниқлик билан тақдим этилганлиги.

Молиявий ҳисоботларда тақдим этилган маълумотнинг ўринлилиги, ишончлилиги, қиёсийлиги ва тушунарлилиги (13(d)-бандга қаранг**)**

А5. Молиявий ҳисоботларнинг тушунарлилигини баҳолаш қуйидаги каби масалаларни кўриб чиқишни ўз ичига олади:

- Молиявий ҳисоботлардаги маълумотлар аниқ ва қисқа тарзда тақдим этилганлиги.

- Аҳамиятли ёритиб беришларнинг жойлашуви уларга тегишли муҳимликни беради (масалан, фойдаланувчилар учун ташкилотга хос маълумотнинг қиймати англашилганда), ва маълумотларни ёритиб беришлар фойдаланувчилар зарур маълумотларни аниқлашда муҳим қийинчиликларга олиб келмайдиган тарзда тегишли ўзаро ҳаволалар билан таъминланганлиги.

Молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларга муҳим операциялар ва ҳодисаларнинг таъсирига оид маълумотларни ёритиб бериш (13(е)-бандга қаранг)

А6. Умумий мақсадли концептуал асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг ташкилотнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларини тақдим этиши оддий ҳолат ҳисобланади. Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари нуқтаи назаридан, молиявий ҳисоботлар мўлжалланган фойдаланувчиларга ташкилотнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларига муҳим операциялар ва ҳодисаларнинг таъсирини тушуниш имконини берувчи етарли маълумотларни ёритиб беришни тақдим этганлигини баҳолаш қуйидаги каби масалаларни кўриб чиқишни ўз ичига олади:

- Молиявий ҳисоботлардаги маълумотнинг ташкилотнинг шароитлари учун ўринлилиги ва аниқлиги даражаси; ва

- Маълумотларни ёритиб беришлар мўлжалланган фойдаланувчиларга қуйидагиларни тушунишда етарли ёрдам бериши:

    - Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари томонидан белгиланган тан олиш мезонларига мос келмайдиган (ёки тан олишни бекор қилиш мезонларига) операциялар ёки

---

[21] 540-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Бухгалтерия ҳисобидаги тахминий баҳолар ва уларга тегишли маълумотларни ёритиб беришни аудит қилиш"*, 32-банд

ҳодисалардан юзага келадиган ташкилотнинг потенциал активлари ва мажбуриятларининг характери ва кўлами.

- Операциялар ва ҳодисалардан юзага келадиган муҳим бузиб кўрсатиш рискларининг характери ва кўлами.
- Қўлланилган усуллар ва қилинган фаразлар ҳамда мулоҳазалар, уларнинг ўзгаришлари, бу ўзгаришлар тақдим этилган ёки бошқача тарзда ёритиб берилган суммаларга таъсири, тегишли сезгирлик таҳлилларини ҳам қўшган ҳолда.

Молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тақдим этилишига эришишни баҳолаш (14-бандга қаранг)

A7. Баъзи молиявий ҳисобот концептуал асослари ҳаққоний тақдим этиш концепциясини очиқ тан олади ёки назарда тутади.[22] Ушбу АХСнинг 7(b)-бандида таъкидланганидек, ҳаққоний тақдим этиш[23] молиявий ҳисобот концептуал асослари нафақат концептуал асос талабларига мувофиқликни талаб қилади, балки раҳбарият концептуал асос томонидан махсус талаб қилинган маълумотларни ёритиб беришдан ташқари қўшимча маълумотларни ёритиб беришни тақдим этиши зарур бўлиши мумкинлигини очиқ тан олади ёки назарда тутади.[24]

A8. Молиявий ҳисоботлар ҳам тақдим этиш, ҳам маълумотларни ёритиб бериш нуқтаи назаридан ҳаққоний тақдим этилишга эришганлиги ҳақидаги аудиторнинг баҳолаши профессионал мулоҳаза масаласидир. Бу баҳолаш аудиторнинг ташкилотни тушуниши ва аудит давомида олинган аудит далилларига асосланган ҳолда, ташкилотнинг фактлари ва шароитлари, шу жумладан улардаги ўзгаришларни ҳисобга олади. Баҳолаш шунингдек, масалан, муҳим бўлиши мумкин бўлган масалалардан (яъни, умуман олганда, бузиб кўрсатишлар молиявий ҳисоботлар асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона кутилса, улар муҳим деб ҳисобланади) юзага келадиган ҳаққоний тақдим этилишга эришиш учун зарур бўлган маълумотларни ёритиб беришларни кўриб чиқишни, масалан, ривожланаётган молиявий ҳисобот бериш талаблари ёки ўзгарувчан иқтисодий муҳит таъсирини ўз ичига олади.

A9. Молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тақдим этилишига эришганлигини баҳолаш, масалан, нима учун маълум бир тақдим этилиш танланганлиги, шунингдек кўриб чиқилиши мумкин бўлган муқобил вариантлар ҳақида раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан уларнинг қарашлари тўғрисидаги муҳокамаларни ўз ичига олиши мумкин. Муҳокамалар, масалан, қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Молиявий ҳисоботлардаги суммаларнинг жамланганлик ёки ажратилганлик даражаси, ва суммалар ёки маълумотларни ёритиб беришларнинг тақдим этилиши фойдали маълумотларни яширади ёки чалғитувчи маълумотларга олиб келиши.
- Тегишли соҳа амалиёти билан изчиллик, ёки ҳар қандай четга чиқишлар ташкилотнинг шароитлари учун ўринли эканлиги ва шунинг учун асосланганлиги.

Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг тавсифи (15-бандга қаранг)

A10. 200-сон АХСда тушунтирилганидек, раҳбарият ва, зарур бўлса, бошқарув учун масъул шахслар томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлаш молиявий ҳисоботларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг етарли тавсифини киритишни талаб қилади.[25] Бу тавсиф молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларига молиявий ҳисоботлар асосланган концептуал асослар ҳақида маълумот беради.

A11. Молиявий ҳисоботлар муайян қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланганлигини тавсифи фақат молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботлар қамраб олган давр мобайнида амалда бўлган ўша концептуал асоснинг барча талабларига мувофиқ бўлсагина ўринли ҳисобланади.

A12. Ноаниқ тасниф ёки чекловчи тил сақлаган қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг тавсифи (масалан, "молиявий ҳисоботлар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосан мувофиқ") у концептуал асоснинг етарли тавсифи эмас, чунки у молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларини чалғитиши мумкин.

Бирдан ортиқ молиявий ҳисобот концептуал асосларига ҳавола

A13. Баъзи ҳолларда, молиявий ҳисоботлар иккита молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланганлигини ифодалаши мумкин (масалан, миллий концептуал асослар ва МҲХСлар). Бу раҳбариятдан

---

[22] Масалан, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ҳаққоний тақдим этиш активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар учун таърифлар ва тан олиш мезонларига мувофиқ операциялар, бошқа ҳодисалар ва шарт-шароитлар таъсирининг ҳаққоний акс эттирилишини талаб қилишини таъкидлайди.

[23] 200-сон АХС, 13(а)-бандга қаранг

[24] Масалан, МҲХСлар МҲХСлардаги махсус талабларга мувофиқлик фойдаланувчиларга муайян операциялар, бошқа ҳодисалар ва шарт-шароитларнинг ташкилотнинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларига таъсирини тушуниш учун етарли бўлмаса, ташкилотдан қўшимча маълумотларни ёритиб беришлар тақдим этишни талаб қилади (1-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти, *"Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш"*, 17(с)-банд).

[25] 200-сон АХС, А2-А3-бандлар

талаб қилинган, ёки у танлаган, иккала концептуал асос бўйича молиявий ҳисоботларни тайёрлаш сабабли бўлиши мумкин, бу ҳолда иккаласи ҳам қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари ҳисобланади. Бундай тавсиф фақат молиявий ҳисоботлар ҳар бир концептуал асос талабларига алоҳида мувофиқ бўлсагина ўринли ҳисобланади. Иккала концептуал асосларга мувофиқ тайёрланган деб ҳисобланиш учун, молиявий ҳисоботлар иккала концептуал асосларга бир вақтнинг ўзида ва ҳар қандай мувофиқлаштириш баёнотларисиз мувофиқ бўлиши керак. Амалда, агар юрисдикция бошқа концептуал асосни (масалан, МҲХСларни) ўзининг миллий концептуал асоси сифатида қабул қилмаган бўлса, ёки унга мувофиқликка барча тўсиқларни бартараф этмаган бўлса, бир вақтнинг ўзида мувофиқлик эҳтимоли кам.

А14. Бир молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган ва бошқа концептуал асос бўйича кўрсатиладиган натижаларга мувофиқлаштирувчи изоҳ ёки қўшимча баёнотни ўз ичига олган молиявий ҳисоботлар ўша бошқа концептуал асосга мувофиқ тайёрланган ҳисобланмайди. Чунки молиявий ҳисоботлар ўша бошқа концептуал асос томонидан талаб қилинган тарзда барча маълумотларни ўз ичига олмайди.

А15. Молиявий ҳисоботлар, бироқ, бир қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланиши ва, бунга қўшимча равишда, молиявий ҳисоботлар изоҳларида молиявий ҳисоботлар бошқа концептуал асосга қанчалик мувофиқ эканлигини тавсифлаши мумкин (масалан, миллий асосга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар шунингдек МҲХСларга қанчалик мувофиқ эканлигини тавсифлаши). Бундай тавсиф 54-бандда муҳокама қилинганидек қўшимча молиявий маълумотларни ташкил этиши мумкин ва агар у молиявий ҳисоботлардан аниқ ажратилмаса, аудиторлик фикри билан қамраб олинади.

Фикр шакли

А16. Молиявий ҳисоботлар ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари талабларига мувофиқ тайёрланган бўлсада, ҳаққоний тақдим этилишга эришмаган ҳоллар бўлиши мумкин. Бу ҳолатда, раҳбарият молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тақдим этилишига эришиш учун молиявий ҳисоботларга концептуал асос томонидан махсус талаб қилинган маълумотларни ёритиб беришдан ташқари қўшимча маълумотларни ёритиб беришни киритиши ёки, жуда камдан-кам ҳолатларда, концептуал асос талабларидан четга чиқиши мумкин. (18-бандга қаранг)

А17. 210-сон АХСга мувофиқ, аудитор концептуал асосни мақбул деб аниқлаган бўлса, аудитор мувофиқлик концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларни чалғитувчи деб ҳисоблаши жуда камдан-кам ҳолатларда бўлади.[26] (19-бандга қаранг)

Аудиторлик хулосаси (20-бандга қаранг)

А18. Ёзма хулоса қоғоз нусхада чиқарилган ва электрон воситада чиқарилган хулосаларни ўз ичига олади.

А19. Ушбу АХСнинг иловаси 21-49-бандларда белгиланган элементларни ўз ичига олган молиявий ҳисоботлар бўйича аудитор хулосалари намуналарини ўз ичига олади. Фикр ва Фикр билдириш учун асос бандларидан ташқари, ушбу АХС аудиторлик хулосаси элементларини тартиблаш учун талаблар белгиламайди. Бироқ, ушбу АХС АХСларга мувофиқ ўтказилган аудитларга ҳавола қилувчи аудитор хулосаларини, айниқса аудиторлик хулосаси элементлари ушбу АХСнинг иловасидаги намунавий аудитор хулосаларидан фарқли тартибда тақдим этилган ҳолатларда, кўпроқ таниб олинадиган қилишга ёрдам бериш учун мўлжалланган махсус сарлавҳалардан фойдаланишни талаб қилади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудитлар учун аудиторлик хулосаси

Сарлавҳа (21-бандга қаранг)

А20. Ҳисобот мустақил аудиторлик хулосаси эканлигини кўрсатувчи сарлавҳа, масалан, "Мустақил аудиторнинг хулосаси", мустақил аудиторлик хулосасини бошқалар томонидан чиқарилган ҳисоботлардан ажратади.

Манзил эгаси (22-бандга қаранг)

А21. Қонун, норматив ҳужжатлар ёки топшириқ шартлари ўша муайян юрисдикцияда аудиторлик хулосаси кимга йўналтирилиши лозимлигини белгилаши мумкин. Аудиторлик хулосаси одатда ҳисобот кимлар учун тайёрланган бўлса, уларга, кўпинча акциядорларга ёки молиявий ҳисоботлари аудитдан ўтказилаётган ташкилотнинг бошқарув учун масъул шахсларига йўналтирилади.

Аудиторлик фикри (24-26-бандларга қаранг)

Аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботларга ҳавола

А22. Аудиторлик хулосаси, масалан, аудитор ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказганлигини, улар [қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари томонидан талаб қилинган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини ташкил этувчи ҳар бир молиявий ҳисоботнинг номини, ҳар бир молиявий ҳисобот қамраб олган сана ёки даврни кўрсатган ҳолда] ва аҳамиятли ҳисоб сиёсати қисқача тавсифини

---

[26] 210-сон АХС, *"Аудит топшириғи шартларига келишиш"*, 6(а)-банд

қўшган ҳолда, молиявий ҳисоботларга изоҳларни ўз ичига олишини баён қилади.

A23. Аудитор аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботлар бошқа маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжатга, масалан йиллик ҳисоботга, киритилишидан хабардор бўлганда, аудитор, агар тақдим этилиш шакли имкон берса, аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботлар тақдим этилган саҳифа рақамларини кўрсатишни кўриб чиқиши мумкин. Бу фойдаланувчиларга аудиторлик хулосаси тегишли бўлган молиявий ҳисоботларни аниқлашда ёрдам беради.

"Барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этилган" ёки "тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради"

A24. "Барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этилган" ва "тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради" иборалари эквивалент деб ҳисобланади. "Барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этилган" ёки "тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради" иборасидан ҳар қандай муайян юрисдикцияда фойдаланиш ўша юрисдикцияда молиявий ҳисоботлар аудитини бошқарувчи қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан, ёки ўша юрисдикцияда умумий қабул қилинган амалиёт томонидан аниқланади. Қонун ёки норматив ҳужжатлар бошқа матндан фойдаланишни талаб қилганда, бу ушбу АХСнинг 14-бандидаги аудитор ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тақдим этилишини баҳолаши талабига таъсир қилмайди.

A25. Аудитор модификацияланмаган фикр билдирганда, фикрга нисбатан "юқоридаги тушунтириш билан" ёки "... га боғлиқ равишда" каби иборалардан фойдаланиш ўринли эмас, чунки булар шартли фикр ёки фикрнинг заифланиши ёки модификация қилинишини кўрсатади.

Молиявий ҳисоботлар ва улар тақдим этадиган масалаларнинг тавсифи

A26. Аудиторлик фикри қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари томонидан белгиланган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини қамраб олади. Масалан, кўплаб умумий мақсадли концептуал асослар ҳолатида, молиявий ҳисоботлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ва тегишли изоҳлар, улар одатда аҳамиятли ҳисоб сиёсати қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат. Баъзи юрисдикцияларда, қўшимча маълумотлар ҳам молиявий ҳисоботларнинг ажралмас қисми сифатида ҳисобланиши мумкин.

A27. Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар ҳолатида, аудиторлик фикри молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда, тақдим этиш учун мўлжалланган масалаларни ҳаққоний тақдим этишини ёки уларнинг ҳаққоний ва тўғри тасаввурини беришини баён қилади. Масалан, МҲХСларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар ҳолатида, бу масалалар *ташкилотнинг давр охиридаги молиявий ҳолати ва шу даврдаги ташкилотнинг молиявий натижалари ҳамда пул оқимларидир.* Натижада, 25-банд ва ушбу АХСнинг бошқа жойларидаги [...] ўрнига қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари МҲХСлар бўлганда, олдинги жумладаги курсив билан ажратилган сўзлар, ёки бошқа қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари ҳолатида, молиявий ҳисоботлар тақдим этиш учун мўлжалланган масалаларни тавсифловчи сўзлар билан алмаштирилиши мўлжалланган.

Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари тавсифи ва у аудиторлик фикрига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги

A28. Аудиторлик фикрида қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларини аниқлаш аудиторлик хулосаси фойдаланувчиларига аудиторлик фикри ифодаланган контекст ҳақида маълумот бериш учун мўлжалланган; у 14-бандда талаб қилинган баҳолашни чеклаш учун мўлжалланмаган. Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари қуйидаги каби атамалар билан аниқланади:

"... Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ" ёки

"... Х юрисдикцияда умумий қабул қилинган бухгалтерия тамойилларига мувофиқ ..."

A29. Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари молиявий ҳисобот стандартлари ва ҳуқуқий ёки норматив талабларни ўз ичига олганда, концептуал асослар "... Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва Х юрисдикцияси Корпорациялар тўғрисидаги қонуни талабларига мувофиқ" каби атамалар билан аниқланади. 210-сон АХС молиявий ҳисобот стандартлари ва қонунчилик ёки норматив талаблар ўртасида зиддиятлар мавжуд бўлган ҳолатларни кўриб чиқади.[27]

A30. А13-бандда кўрсатилганидек, молиявий ҳисоботлар иккита молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланиши мумкин, шунинг учун улар иккаласи ҳам қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари ҳисобланади. Шунга кўра, молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик фикрини шакллантиришда ҳар бир концептуал асос алоҳида кўриб чиқилади, ва 25-27-бандларга мувофиқ аудиторлик фикри иккала концептуал асосга қуйидагича ҳавола қилади:

---

[27] 210-сон АХС, 18-банд

(a) Агар молиявий ҳисоботлар ҳар бир концептуал асос талабларига алоҳида мувофиқ бўлса, иккита фикр билдирилади: яъни, молиявий ҳисоботлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларидан бирига (масалан, миллий концептуал асосларга) мувофиқ тайёрланган деган фикр ва молиявий ҳисоботлар бошқа қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига (масалан, МҲХСларга) мувофиқ тайёрланган деган фикр. Бу фикрлар алоҳида ёки битта жумлада (масалан, молиявий ҳисоботлар Х юрисдикцияда умумий қабул қилинган бухгалтерия тамойилларига ва МҲХСларга мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этилган [...]) билдирилиши мумкин.

(b) Агар молиявий ҳисоботлар концептуал асослардан бирига мувофиқ бўлса-да, бошқа концептуал асосга мувофиқ бўлмаса, молиявий ҳисоботлар бир концептуал асосга (масалан, миллий концептуал асосларга) мувофиқ тайёрлангани ҳақида модификацияланмаган фикр, лекин бошқа концептуал асосга (масалан, МҲХСларга) нисбатан 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ модификацияланган фикр билдирилиши мумкин.

А31. А15-бандда кўрсатилганидек, молиявий ҳисоботлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқликни тавсифлаши ва бунга қўшимча равишда, бошқа молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқлик даражасини ёритиб бериши мумкин. Бундай қўшимча маълумотлар, агар у молиявий ҳисоботлардан аниқ ажратилмаса, аудиторлик фикри билан қамраб олинади (53-54-бандлар ва А79-А85-бандлардаги тегишли изоҳловчи материалларга қаранг). Шунга кўра:

(a) Агар бошқа концептуал асосга мувофиқлик ҳақидаги маълумотларни ёритиб бериш чалғитувчи бўлса, 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ модификацияланган фикр ифодаланади.

(b) Агар маълумотларни ёритиб бериш чалғитувчи бўлмаса, аммо аудитор уни фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботларни тушуниши учун асосий аҳамиятга эга бўлган даражада муҳим деб ҳисобласа, 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ маълумотларни ёритиб беришга эътиборни жалб қилувчи Алоҳида масалалар банд қўшилади.

Фикр билдириш учун асос (28-бандга қаранг)

А32. Фикр билдириш учун асос банди аудитор фикри ҳақида муҳим контекстни тақдим этади. Шунга кўра, ушбу АХС Фикр билдириш учун асос банди аудиторлик хулосасида Фикр бандидан кейин тўғридан-тўғри келишини талаб қилади.

А33. Қўлланилган стандартларга ҳавола аудиторлик хулосаси фойдаланувчиларига аудит белгиланган стандартларга мувофиқ ўтказилганини етказади.

Тегишли ахлоқий талаблар (28(c)-бандга қаранг)

А34. Тегишли ахлоқий талабларнинг келиб чиқиш юрисдикциясини аниқлаш муайян аудит топшириғига тегишли бўлган бу талаблар ҳақидаги шаффофликни оширади. 200-сон АХС тегишли ахлоқий талаблар одатда молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли БХАСК Кодекси қоидаларини, ундан кўра қатъийроқ бўлган миллий талаблар билан биргаликда ўз ичига олишини тушунтиради.[28] Тегишли ахлоқий талаблар БХАСК Кодекси қоидаларини ўз ичига олганда, баёнот шунингдек БХАСК Кодексига ҳам ҳавола қилиши мумкин. Агар БХАСК Кодекси аудитга тегишли бўлган ахлоқий талабларнинг ҳаммасини ташкил этса, баёнот келиб чиқиш юрисдикциясини аниқлаши шарт эмас.

А35. Баъзи юрисдикцияларда, тегишли ахлоқий талаблар бир нечта турли манбаларда мавжуд бўлиши мумкин, масалан, ахлоқ кодекс(лар)и ва қонун ҳамда норматив ҳужжатлардаги қўшимча қоидалар ва талаблар. Мустақиллик ва бошқа тегишли ахлоқий талаблар чекланган миқдордаги манбаларда мавжуд бўлганда, аудитор тегишли манба(лар)ни номлашни танлаши (масалан, юрисдикцияда қўлланиладиган кодекс, қоида ёки норматив ҳужжатнинг номи), ёки умумий тушунилган ва бу манбаларни тегишли равишда умумлаштирувчи атамага ҳавола қилиши мумкин (масалан, Х юрисдикциясида хусусий ташкилотлар аудити учун мустақиллик талаблари).

А36. Тегишли ахлоқий талаблар:

- Тегишли ахлоқий талабларда кўрсатилган муайян ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитига хос бўлган мустақиллик талабларини белгилаши мумкин, масалан, БХАСК Кодексидаги жамоатчилик манфаатидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудити учун мустақиллик талаблари. Тегишли ахлоқий талаблар шунингдек аудитордан бундай мустақиллик талабларини тегишли ахлоқий талабларда кўрсатилган ташкилотлардан бошқа ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитларига қўллаш ўринли ёки ўринли эмаслигини аниқлашни талаб қилиши ёки бунга ундаши мумкин.

- Аудитордан муайян ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитига хос мустақиллик талаблари қўлланилганда буни оммавий ошкор қилишни талаб қилиши мумкин. Масалан, БХАСК Кодекси, агар фирма ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари аудитини бажаришда жамоатчилик манфаатидаги

[28] 200-сон АХС, А17-банд

ташкилотлар учун мустақиллик талабларини қўллаган бўлса, бундай ошкор қилиш ташкилотнинг махфий келгуси режаларини ошкор қилишга олиб келадиган ҳоллардан ташқари, фирма бу фактни оммавий ошкор қилишини талаб қилади.[29]

260-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[30] бошқарув учун масъул шахслар билан аудиторнинг мулоқотига оид талаблар ва кўрсатмаларни белгилайди, бу ушбу ҳолатлар учун мулоқотларни ҳам ўз ичига олади.

А37. Қонун ёки норматив ҳужжатлар, миллий аудит стандартлари ёки аудит топшириғи шартлари аудитордан аудиторлик хулосасида молиявий ҳисоботлар аудитига қўлланилган тегишли ахлоқий талаблар манбалари, шу жумладан мустақилликка оид талаблар ҳақида кўпроқ аниқ маълумот беришни талаб қилиши мумкин.

А38. Молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли ахлоқий талабларнинг кўп манбалари мавжуд бўлганда, аудиторлик хулосасига киритиладиган маълумотнинг тегишли ҳажмини аниқлашда муҳим мулоҳаза шаффофлик ва аудиторлик хулосасидаги бошқа фойдали маълумотларнинг ноаниқлашиши хавфи ўртасидаги мувозанатдир.

Гуруҳ аудитларига хос жиҳатлар

А39. Мустақиллик талабларини ҳам қўшган ҳолда, тегишли ахлоқий талабларнинг кўп манбалари мавжуд бўлган гуруҳ аудитларида, аудиторлик хулосасида юрисдикцияга ҳавола одатда гуруҳ аудиторига қўлланиладиган тегишли ахлоқий талабларга тегишли бўлади. Бунинг сабаби, гуруҳ аудитида компонент аудиторлари ҳам гуруҳ аудитига тегишли бўлган ахлоқий талабларга бўйсунади.[31]

А40. АХСлар аудиторлар, шу жумладан компонент аудиторлари учун махсус мустақиллик ёки ахлоқий талабларни белгиламайди, ва шунинг учун БХАСК Кодекси ёки гуруҳ аудиторига қўлланиладиган бошқа ахлоқий талабларнинг мустақиллик талабларини кенгайтирмайди ёки бошқача тарзда бекор қилмайди, шунингдек АХСлар компонент аудиторидан барча ҳолларда гуруҳ аудиторига қўлланиладиган махсус мустақиллик талабларига бўйсунишни талаб қилмайди. Натижада, мустақиллик талабларини ҳам қўшган ҳолда, тегишли ахлоқий талаблар гуруҳ аудити шароитида мураккаб бўлиши мумкин. 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[32] аудиторларга гуруҳ аудити учун компонентнинг молиявий маълумотлари бўйича иш бажаришда, шу жумладан компонент аудитори гуруҳ аудитига тегишли мустақиллик талабларига мос келмайдиган ҳолатларда, кўрсатмалар беради.

Аудитнинг асосий масалалари (31-бандга қаранг)

А41. Қонун ёки норматив ҳужжатлар листингга кирган ташкилотлардан ташқари бошқа ташкилотлар аудитлари учун аудитнинг асосий масалалари ҳақида маълумот беришни талаб қилиши мумкин, масалан, бундай қонун ёки норматив ҳужжатларда жамоатчилик манфаатидаги ташкилотлар сифатида тавсифланган ташкилотлар.

А42. Аудитор шунингдек бошқа ташкилотлар учун ҳам, шу жумладан кўп сонли ва кенг доирадаги манфаатдор томонларга эга бўлганлиги, шунингдек бизнеснинг характери ва ҳажмини ҳисобга олган ҳолда аҳамиятли жамоатчилик манфаатига эга бўлиши мумкин бўлган ташкилотлар учун, аудитнинг асосий масалаларини маълум қилишга қарор қилиши мумкин. Бундай ташкилотларга молиявий муассасалар (банклар, суғурта компаниялари ва пенсия фондлари каби) ва хайрия ташкилотлари каби бошқа ташкилотлар кириши мумкин.

А43. 210-сон АХС аудитордан аудит топшириғи шартларини раҳбарият ва, тегишли равишда, бошқарув учун масъул шахслар билан келишишни талаб қилади, ва ташкилот учун аудит топшириғи шартларини келишишда раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг роллари ташкилотнинг корпоратив бошқарув тартиблари ва тегишли қонун ёки норматив ҳужжатларга боғлиқлигини тушунтиради.[33] 210-сон АХС шунингдек аудит топшириғи хати ёки бошқа мос ёзма келишув шаклига аудитор томонидан чиқариладиган ҳар қандай хулосаларнинг кутилаётган шакли ва мазмунига ҳаволани киритишни талаб қилади.[34] Аудитордан бошқача тарзда аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш талаб қилинмаганда, 210-сон АХС[35] аудитор учун аудит топшириғи шартларида аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш имконияти ҳақида эслатиш фойдали бўлиши мумкинлигини тушунтиради ва, айрим юрисдикцияларда, аудитор буни қилиш имконини сақлаб қолиш учун бундай имкониятга ҳавола киритиши зарур бўлиши мумкин.

Давлат секторидаги ташкилотларга хос жиҳатлар

А44. Листингга кирган ташкилотлар давлат секторида кенг тарқалмаган. Бироқ, давлат секторидаги ташкилотлар ҳажми, мураккаблиги ёки жамоатчилик манфаати жиҳатлари туфайли аҳамиятли бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, давлат секторидаги ташкилот аудиторидан қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан аудиторлик

---

29 БХАСК Кодекси, R400.20–R400.21-бандлар

30 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 17 ва А29-бандлар

31 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган), А56-А57, А66-А68-бандлар

32 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 25 ва 27-бандлар

33 210-сон АХС, 9 ва А22-бандлар

34 210-сон АХС, 10-банд

35 210-сон АХС, А25-банд

хулосасида аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш талаб қилиниши мумкин ёки аудитор бошқача тарзда буни қилишга қарор қилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботлар учун жавобгарликлар (33-34-бандларга қаранг)

A45. 200-сон АХС раҳбарият ва, тегишли равишда, бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликларига боғлиқ бўлган, АХСларга мувофиқ аудит ўтказиладиган асосни тушунтиради.[36] Раҳбарият ва, тегишли равишда, бошқарув учун масъул шахслар, тегишли бўлганда, уларнинг ҳаққоний тақдим этилишини ҳам қўшган ҳолда, қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгарликни қабул қиладилар. Раҳбарият шунингдек фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини таъминлаш учун ўзи зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизими учун жавобгарликни қабул қилади. Аудиторлик хулосасидаги раҳбариятнинг жавобгарликлари тавсифи иккала жавобгарликка ҳам ҳавола қилади, чунки бу фойдаланувчиларга аудит ўтказиладиган асосни тушунтиришда ёрдам беради. 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган) ташкилотни назорат қилиш учун жавобгар бўлган шахс(лар) ёки ташкилот(лар)ни тавсифлаш учун бошқарув учун масъул шахслар атамасини қўллайди, ва юрисдикциялар бўйлаб ҳамда ташкилотларга кўра корпоратив бошқарув тузилмалари хилма-хиллиги ҳақида муҳокама беради.

A46. Аудитор учун муайян юрисдикция контекстида ёки ташкилотнинг характери бўйича молиявий ҳисоботларни тайёрлашга тегишли қўшимча жавобгарликларни акс эттириш учун 34-35-бандлардаги раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари тавсифига қўшиш мос бўлган ҳолатлар бўлиши мумкин.

A47. 210-сон АХС аудитордан раҳбариятнинг жавобгарликларини топшириқ хатида ёки бошқа мос ёзма келишув шаклида келишишни талаб қилади.[37] 210-сон АХС буни қилишда маълум мослашувчанликни таъминлайди, агар қонун ёки норматив ҳужжатлар молиявий ҳисобот беришга нисбатан раҳбарият ва, тегишли равишда, бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликларини белгиласа, аудитор қонун ёки норматив ҳужжатлар аудиторнинг мулоҳазасига кўра, 210-сон АХСда белгиланганларга таъсири жиҳатдан эквивалент бўлган жавобгарликларни ўз ичига олишини аниқлаши мумкинлигини тушунтириш орқали. Бундай эквивалент жавобгарликлар учун, аудитор уларни топшириқ хатида ёки бошқа мос ёзма келишув шаклида тавсифлаш учун қонун ёки норматив ҳужжатлар матнидан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолларда, бу матн шунингдек ушбу АХСнинг 34(а)-банди талаб қилган жавобгарликларни тавсифлаш учун аудиторлик хулосасида ҳам қўлланилиши мумкин. Бошқа ҳолатларда, шу жумладан аудитор топшириқ хатида қўлланилган қонун ёки норматив ҳужжатлар матнидан фойдаланмасликка қарор қилганда, ушбу АХСнинг 34(а)-бандидаги матн қўлланилади. 34-бандда талаб қилинганидек, аудиторлик хулосасига раҳбариятнинг жавобгарликлари тавсифини киритишдан ташқари, аудитор бундай маълумот олиниши мумкин бўлган жойга ҳавола қилиш орқали (масалан, ташкилотнинг йиллик ҳисоботи ёки тегишли орган веб-сайтида) бу жавобгарликларнинг батафсилроқ тавсифига ҳавола қилиши мумкин.

A48. Баъзи юрисдикцияларда, раҳбариятнинг жавобгарликларини белгиловчи қонун ёки норматив ҳужжатлар бухгалтерия китоблари ва ёзувлари, ёки бухгалтерия тизимининг етарлилиги учун жавобгарликка махсус ҳавола қилиши мумкин. Китоблар, ёзувлар ва тизимлар ички назорат тизимининг ажралмас қисми бўлгани учун, 210-сон АХС ва 34-банддаги тавсифлар уларга махсус ҳавола қилмайди.

A49. Ушбу АХСнинг иловаси 34(b)-банддаги талаб қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари МҲХСлар бўлганда қандай қўлланилишининг намуналарини тақдим этади. Агар МҲХСлардан бошқа қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари қўлланилса, ушбу АХСнинг иловасида келтирилган намунавий баёнотлар бошқа молиявий ҳисобот концептуал асосларининг шароитларда қўлланилишини акс эттириш учун мослаштирилиши керак бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисобот бериш жараёнини назорат қилиш (35-бандга қаранг)

A50. Молиявий ҳисобот бериш жараёнини назорат қилишда иштирок этувчи шахсларнинг баъзиси, лекин барчаси эмас, молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ҳам иштирок этганда, ушбу АХСнинг 35-банди томонидан талаб қилинган тавсиф ташкилотнинг ўзига хос шароитларини тегишли равишда акс эттириш учун ўзгартирилиши керак бўлиши мумкин. Молиявий ҳисобот бериш жараёнини назорат қилиш учун жавобгар шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгар бўлган шахслар билан бир хил бўлганда, назорат қилиш жавобгарликларига ҳавола қилиш талаб қилинмайди.

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари (37-40-бандларга қаранг)

A51. Ушбу АХСнинг 37-40-бандлари томонидан талаб қилинган аудиторнинг жавобгарликлари тавсифи ташкилотнинг ўзига хос характерини акс эттириш учун мослаштирилиши мумкин, масалан, аудиторлик хулосаси консолидациялашган молиявий ҳисоботларга мурожаат қилганда. Ушбу АХСнинг иловасидаги 2-намуна бу қандай қилиниши мумкинлигининг мисолини ўз ичига олади.

---

[36] 200-сон АХС, 13(j)-банд

[37] 210-сон АХС, 6(b)(i)-(ii)-банд

Аудиторнинг мақсадлари (38(a)-бандга қаранг)

A52. Аудиторлик хулосаси аудиторнинг мақсадлари молиявий ҳисоботлар яхлит олганда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч олиш ва аудиторлик фикрини ўз ичига олувчи аудиторлик хулосасини чиқариш эканлигини тушунтиради. Булар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш бўйича раҳбариятнинг жавобгарликларидан фарқ қилади.

Муҳимликнинг тавсифи (38(c)-бандга қаранг)

A53. Ушбу АХСнинг иловаси 38(c)-банддаги муҳимлик тавсифини тақдим этиш талаби қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари МҲХСлар бўлганда қандай қўлланилишининг намуналарини тақдим этади. Агар МҲХСлардан бошқа қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари қўлланилса, ушбу АХСнинг иловасида келтирилган намунавий баёнотлар бошқа молиявий ҳисобот концептуал асосларининг шароитларда қўлланилишини акс эттириш учун мослаштирилиши керак бўлиши мумкин.

701-сон АХСга тегишли аудиторнинг жавобгарликлари (40(c)-бандга қаранг)

A54. Аудитор шунингдек 40(c)-бандда талаб қилинганидан ташқари аудиторнинг жавобгарликлари тавсифида қўшимча маълумот бериш фойдали деб ҳисоблаши мумкин. Масалан, аудитор 701-сон АХСнинг 9-бандидаги талабга ҳавола қилиши мумкин, бу талаб 315-сон АХС (2019 йилда қайта таҳрирланган)га мувофиқ аниқланган муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган риски юқори бўлган соҳаларни ёки аҳамиятли рискларни, юқори баҳо бериш ноаниқлигига эга эканлиги аниқланган бухгалтерия ҳисобидаги тахминий баҳоларни қўшган ҳолда аҳамиятли раҳбарият мулоҳазасини жалб қилган молиявий ҳисоботлар соҳаларига тегишли аҳамиятли аудитор мулоҳазаларини; ва давр мобайнида содир бўлган аҳамиятли ҳодисалар ёки операцияларнинг аудитга таъсирларини ҳисобга олган ҳолда, аудитни бажаришда аҳамиятли аудитор эътиборини талаб қилган масалаларни аниқлашдан иборат.

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари тавсифининг жойлашуви (41, 50(j)-бандларга қаранг)

A55. Ушбу АХСнинг 39-40-бандларида талаб қилинган маълумотларни аудиторлик хулосасининг иловасига киритиш ёки, қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари аниқ рухсат берганда, бундай маълумотни ўз ичига олган тегишли органнинг веб-сайтига ҳавола қилиш аудиторлик хулосаси мазмунини соддалаштиришнинг фойдали усули бўлиши мумкин. Бироқ, аудиторнинг жавобгарликлари тавсифи АХСларга мувофиқ ўтказилган аудитдан фойдаланувчиларнинг кутилмаларини хабардор қилиш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олгани учун, аудиторлик хулосасига бундай маълумотга қаерда кириш мумкинлигини кўрсатувчи ҳавола киритилиши талаб қилинади.

Иловадаги жойлашув (41(b), 50(j)-бандларга қаранг)

A56. 41-банд аудиторга 39-40-бандларда талаб қилинган, молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликларини тавсифловчи баёнотларни аудиторлик хулосасининг иловасига киритишга, аудиторлик хулосаси матнида илованинг жойлашувига тегишли ҳавола киритилган бўлса, рухсат беради. Қуйидагилар иловага бундай ҳавола аудиторлик хулосасида қандай қилиниши мумкинлигининг намунасидир:

> **Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари**
>
> Бизнинг мақсадларимиз молиявий ҳисоботлар яхлит олганда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч олиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олувчи аудиторлик хулосасини чиқаришдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончдир, аммо АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда уни ҳар доим аниқлаши кафолати эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва агар улар алоҳида ёки жамланганда, ушбу молиявий ҳисоботлар асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона кутилса, муҳим деб ҳисобланади.
>
> Молиявий ҳисоботлар аудити учун жавобгарликларимизнинг қўшимча тавсифи ушбу аудиторлик хулосасининг X иловасида берилган. Бу тавсиф, *[тавсиф жойлашувига саҳифа рақами ёки бошқа аниқ ҳаволани кўрсатинг]* да жойлашган, бизнинг аудиторлик хулосасимизнинг қисмидир.

Тегишли органнинг веб-сайтига ҳавола (41(c), 42-бандларга қаранг)

A57. 41-банд аудитор аудиторнинг жавобгарликлари тавсифига тегишли органнинг веб-сайтида жойлашган ҳолда, фақат қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари томонидан аниқ рухсат берилган бўлсагина, ҳавола қилиши мумкинлигини тушунтиради. Бундай маълумот топилиши мумкин бўлган веб-сайт жойлашувига аниқ ҳавола орқали аудиторлик хулосасига киритилган веб-сайтдаги маълумотлар аудиторнинг ишини ёки АХСларга мувофиқ аудитни кенгроқ тарзда тавсифлаши мумкин, аммо у ушбу АХСнинг 39-40-бандларида талаб қилинган тавсифга зид бўлиши мумкин эмас. Бу веб-сайтдаги аудиторнинг жавобгарликлари тавсифи матни батафсилроқ бўлиши ёки молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли бошқа масалаларни кўриб чиқиши мумкинлигини, бундай матн 39-40-бандларда кўриб чиқилган масалаларни акс

эттириши ва уларга зид келмаслиги шарти билан, англатади.

А58. Тегишли орган миллий аудит стандартларини белгиловчи, тартибга солувчи ёки аудитни назорат қилувчи орган бўлиши мумкин. Бундай ташкилотлар стандартлаштирилган маълумотнинг аниқлиги, тўлиқлиги ва узлуксиз мавжудлигини таъминлаш учун энг қулай мавқега эга. Аудитор учун бундай веб-сайтни сақлаб туриш ўринли бўлмасди. Қуйидагилар веб-сайтга бундай ҳавола аудиторлик хулосасида қандай қилиниши мумкинлигининг намунасидир:

> **Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари**
>
> Бизнинг мақсадларимиз молиявий ҳисоботлар яхлит олганда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч олиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олувчи аудиторлик хулосасини чиқаришдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончдир, аммо АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда уни ҳар доим аниқлаши кафолати эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва агар улар алоҳида ёки жамланганда, ушбу молиявий ҳисоботлар асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона кутилса, муҳим деб ҳисобланади.
>
> Молиявий ҳисоботлар аудити учун жавобгарликларимизнинг қўшимча тавсифи *[Ташкилот номи]*нинг: *[веб-сайт манзили]* веб-сайтида жойлашган. Бу тавсиф бизнинг аудиторлик хулосасимизнинг қисмидир.

Бошқа хулоса бериш жавобгарликлари (43-45-бандларга қаранг)

А59. Баъзи юрисдикцияларда, аудитор АХСлар бўйича аудиторнинг жавобгарликларига қўшимча равишда бошқа масалалар бўйича хулоса бериш бўйича қўшимча жавобгарликларга эга бўлиши мумкин. Масалан, аудитордан молиявий ҳисоботлар аудити давомида аудиторнинг эътиборига тушган маълум масалалар ҳақида хулоса беришни сўраш мумкин. Бошқа томондан, аудитордан қўшимча аниқ тартиб-таомилларни бажариш ва хулоса бериш, ёки бухгалтерия китоблари ва ёзувларининг етарлилиги, молиявий ҳисобот бериш бўйича ички назорат тизими ёки бошқа маълумотлар каби аниқ масалалар бўйича фикр билдиришни сўраш мумкин. Муайян юрисдикциядаги аудит стандартлари кўпинча ўша юрисдикциядаги аниқ қўшимча ҳисобот бериш жавобгарликларига нисбатан аудиторнинг жавобгарликлари бўйича кўрсатмалар беради.

А60. Баъзи ҳолларда, тегишли қонун ёки норматив ҳужжатлар аудитордан бу бошқа жавобгарликлар ҳақида молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик хулосасининг қисми сифатида хулоса беришни талаб қилиши ёки рухсат бериши мумкин. Бошқа ҳолларда, аудитордан улар ҳақида алоҳида хулосада хулоса бериш талаб қилиниши ёки рухсат берилиши мумкин.

А61. Ушбу АХСнинг 43-45-бандлари бошқа хулоса бериш жавобгарликлари ва АХСлар бўйича аудиторнинг жавобгарликларини биргаликда тақдим этишни фақат улар бир хил мавзуларни қамраб олганда ва аудиторлик хулосасининг матни бошқа хулоса бериш жавобгарликларини АХСлар бўйича жавобгарликлардан аниқ ажратганда рухсат беради. Бундай аниқ ажратиш аудиторлик хулосасида бошқа хулоса бериш жавобгарликларининг манбасига ҳавола қилиш ва бундай жавобгарликлар АХСлар бўйича талаб қилинганлардан ташқарида эканлигини баён қилиш зарур бўлиши мумкин. Акс ҳолда, бошқа хулоса бериш жавобгарликлари аудиторлик хулосасида "Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса" сарлавҳали ёки банд мазмунига мос равишда бошқача алоҳида бандда кўриб чиқилиши талаб қилинади. Бундай ҳолларда, 44-банд аудитордан АХСлар бўйича хулоса бериш жавобгарликларини "Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича хулоса" сарлавҳаси остида киритишни талаб қилади.

Топшириқ партнёрининг номи (46-бандга қаранг)

А62. 1-сон СБХСдаги[38] фирманинг мақсади фирмага қуйидагиларга оқилона ишонч берувчи сифат бошқаруви тизимини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ишлатишдан иборат:

- Фирма ва унинг ходимлари профессионал стандартлар ва қўлланиладиган ҳуқуқий ҳамда норматив талабларга мувофиқ ўз жавобгарликларини бажаради, ва топшириқларни бундай стандартлар ва талабларга мувофиқ бажаради; ва
- Фирма ёки топшириқ партнёрлари томонидан чиқарилган топшириқ ҳисоботлари шароитларда ўринли.

1-сон СБХС мақсадига қарамасдан, аудиторлик хулосасида топшириқ партнёрининг номини кўрсатиш листингга кирган ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси фойдаланувчиларига кўпроқ шаффофлик таъминлаш учун мўлжалланган.

А63. Қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари аудиторлик хулосаси листингга кирган

---

[38] 1-сон СБХС, *"Молиявий ҳисоботлар аудитини ёки шарҳини, ёки бошқа ишончлилик ёки тегишли хизматлар топшириқларини бажарувчи фирмалар учун сифат бошқаруви"*, 14-банд

ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларидан бошқа аудитлар учун жавобгар бўлган топшириқ партнёрининг номини ўз ичига олишини талаб қилиши мумкин. Аудитордан шунингдек қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари томонидан талаб қилиниши мумкин, ёки у аудиторлик хулосасида топшириқ партнёрининг номидан ташқари қўшимча маълумотларни киритишга қарор қилиши мумкин, масалан, аудитор фаолият юритадиган юрисдикцияга тегишли бўлган топшириқ партнёрининг профессионал лицензия рақами.

A64. Камдан-кам ҳолатларда, аудитор топшириқ партнёрининг шахси оммага маълум қилинса, топшириқ партнёрига, топшириқ гуруҳининг бошқа аъзоларига ёки бошқа яқин алоқадор шахсларга жисмоний зарар етказилишига олиб келиши мумкин бўлган шахсий хавфсизлик таҳдиди эҳтимолини кўрсатувчи маълумотни аниқлаши ёки тажрибаларга дуч келиши мумкин. Бироқ, бундай таҳдид, масалан, ҳуқуқий жавобгарлик ёки ҳуқуқий, норматив ёки профессионал санкциялар таҳдидларини ўз ичига олмайди. Жисмоний зарарга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида бошқарув учун масъул шахслар билан муҳокамалар аҳамиятли шахсий хавфсизлик таҳдидининг эҳтимоли ёки жиддийлиги ҳақида қўшимча маълумот бериши мумкин. Қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари топшириқ партнёрининг номини ёритиб беришдан воз кечиш мумкинлигини аниқлашга тегишли қўшимча талабларни белгилаши мумкин.

Аудиторнинг имзоси (47-бандга қаранг)

A65. Аудиторнинг имзоси муайян юрисдикция учун ўринли бўлганидек, аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий номи ёки иккаласи билан қўйилади. Аудиторнинг имзосидан ташқари, айрим юрисдикцияларда, аудитордан аудиторлик хулосасида аудиторнинг профессионал бухгалтерлик малакасини ёки аудитор ёки фирма, тегишли равишда, ўша юрисдикциядаги тегишли лицензиялаш органи томонидан тан олинганлиги фактини маълум қилиш талаб қилиниши мумкин.

A66. Баъзи ҳолларда, қонун ёки норматив ҳужжат аудиторлик хулосасида электрон имзолардан фойдаланишга рухсат бериши мумкин.

Аудиторлик хулосасининг санаси (49-бандга қаранг)

A67. Аудиторлик хулосасининг санаси аудиторлик хулосаси фойдаланувчисини аудитор ўша санагача содир бўлган ва аудиторга маълум бўлган ҳодисалар ва операцияларнинг таъсирини кўриб чиққанини хабардор қилади. Аудиторлик хулосаси санасидан кейинги ҳодисалар ва операциялар учун аудиторнинг жавобгарлиги 560-сон АХСда кўриб чиқилган.[39]

A68. Аудиторлик фикри молиявий ҳисоботлар бўйича берилгани ва молиявий ҳисоботлар раҳбариятнинг жавобгарлиги бўлгани учун, аудитор молиявий ҳисоботларни ташкил этувчи барча ҳисоботлар ва маълумотларни ёритиб беришлар тайёрланганлиги ва раҳбарият улар учун жавобгарликни қабул қилганлиги ҳақидаги далиллар олингунча етарли ва муносиб аудит далиллари олинганлиги ҳақида хулоса чиқариш мавқеида эмас.

A69. Баъзи юрисдикцияларда, қонун ёки норматив ҳужжатлар молиявий ҳисоботларни ташкил этувчи барча ҳисоботлар ва маълумотларни ёритиб беришлар тайёрланганлиги ҳақида хулоса чиқариш учун жавобгар бўлган шахслар ёки органларни (масалан, директорларни) аниқлайди, ва зарур тасдиқлаш жараёнини белгилайди. Бундай ҳолларда, молиявий ҳисоботлар бўйича хулосага сана қўйишдан олдин бу тасдиқлаш ҳақидаги далил олинади. Бироқ, бошқа юрисдикцияларда, тасдиқлаш жараёни қонун ёки норматив ҳужжатларда белгиланмаган. Бундай ҳолларда, молиявий ҳисоботларни, шу жумладан тегишли изоҳларни, ташкил этувчи барча ҳисоботлар тайёрланган деб хулоса чиқариш ваколатига эга бўлган шахслар ёки органни аниқлаш учун ташкилот унинг раҳбарият ва корпоратив бошқарув тузилмаларини ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботларини тайёрлаш ва якунлашда амал қиладиган тартиб-таомиллари кўриб чиқилади. Баъзи ҳолларда, қонун ёки норматив ҳужжатлар аудит якунланиши кутилаётган молиявий ҳисобот бериш жараёнидаги нуқтани аниқлайди.

A70. Баъзи юрисдикцияларда, молиявий ҳисоботлар оммага эълон қилинишидан олдин акциядорлар томонидан молиявий ҳисоботларнинг якуний тасдиқланиши талаб қилинади. Бу юрисдикцияларда, аудитор етарли ва муносиб аудит далиллари олинганлиги ҳақида хулоса чиқариши учун акциядорлар томонидан якуний тасдиқлаш зарур эмас. АХСлар мақсадларида молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш санаси тан олинган ваколатга эга бўлган шахслар молиявий ҳисоботларни ташкил этувчи барча ҳисоботлар ва маълумотларни ёритиб беришлар тайёрланганлигини ва тан олинган ваколатга эга бўлган шахслар улар учун жавобгарликни олганликларини тасдиқлаганлигини аниқлаган энг эртанги санадир.

Қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан белгиланган аудиторлик хулосаси (50-бандга қаранг)

A71. 200-сон АХС аудитордан АХСларга қўшимча равишда ҳуқуқий ёки норматив талабларга риоя қилиш талаб қилиниши мумкинлигини тушунтиради.[40] Ҳуқуқий ёки норматив талаблар ва АХСлар ўртасидаги фарқлар фақат аудиторлик хулосасининг шакли ва матнига тегишли бўлганда, 50(а)-(о)-банддаги талаблар Аудитнинг

---

[39] 560-сон АХС, *"Кейинги ҳодисалар"*, 10-17-бандлар

[40] 200-сон АХС, А60-банд

халқаро стандартларига ҳаволани имкон бериш учун аудиторлик хулосасига киритиладиган минимал элементларни белгилайди. Бу ҳолатларда, 50(a)-(o)-бандда киритилмаган 21-49-бандлардаги талабларни қўллаш талаб қилинмайди, шу жумладан, масалан, Фикр ва Фикр билдириш учун асос бандларининг талаб қилинган тартиби.

A72. Муайян юрисдикциядаги махсус талаблар АХСларга зид бўлмаган ҳолатларда, ушбу АХСнинг 21-49-бандларида талаб қилинган шакл ва матн аудиторлик хулосаси фойдаланувчиларига аудиторлик хулосасини АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳисоботи сифатида осонроқ таниб олишида ёрдам беради.

701-сон АХС томонидан талаб қилинган маълумот (50(h)-бандга қаранг)

A73. Қонун ёки норматив ҳужжатлар аудитордан бажарилган аудит ҳақида қўшимча маълумот беришни талаб қилиши мумкин, бу маълумот 701-сон АХС мақсадларига мос маълумотларни ўз ичига олиши мумкин, ёки бундай масалалар ҳақида маълумот бериш характери ва кўламини белгилаши мумкин.

A74. АХСлар молиявий ҳисоботлар аудитини бошқарувчи қонун ёки норматив ҳужжатларни бекор қилмайди. 701-сон АХС қўлланилганда, аудиторлик хулосасида АХСларга ҳавола қилиш фақат қонун ёки норматив ҳужжатларни қўллашда, ушбу АХСнинг 50(h)-банди томонидан талаб қилинган банд 701-сон АХСдаги ҳисобот бериш талабларига зид бўлмаса, амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолатларда, аудитор 701-сон АХСда талаб қилинган аудиторлик хулосасидаги аудитнинг асосий масалалари ҳақидаги маълумотнинг айрим жиҳатларини мослаштириши керак бўлиши мумкин, масалан:

- Агар қонун ёки норматив ҳужжатлар махсус сарлавҳани белгиласа, "Аудитнинг асосий масалалари" сарлавҳасини ўзгартириш;
- Қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан талаб қилинган маълумот нима учун аудиторлик хулосасида тақдим этилаётганини тушунтириш, масалан тегишли қонун ёки норматив ҳужжатга ҳавола қилиш ва бу маълумот аудитнинг асосий масалаларига қандай боғлиқлигини тавсифлаш;
- Қонун ёки норматив ҳужжатлар тавсифнинг характери ва кўламини белгилаган ҳолларда, 701-сон АХСнинг 13-бандидаги талабга мос келадиган аудитнинг ҳар бир асосий масаласининг умумий тавсифига эришиш учун белгиланган маълумотни тўлдириш.

A75. 210-сон АХС тегишли юрисдикциянинг қонун ёки норматив ҳужжатлари аудиторлик хулосасининг шаклини ёки матнини АХСлар талабларидан аҳамиятли даражада фарқ қиладиган тарзда белгилайдиган ҳолатларни кўриб чиқади, бу хусусан аудиторлик фикрини ўз ичига олади. Бу ҳолатларда, 210-сон АХС аудитордан қуйидагиларни баҳолашни талаб қилади:

(a) Фойдаланувчилар молиявий ҳисоботлар аудитидан олинган ишончни нотўғри тушуниши мумкинми, ва агар шундай бўлса,

(b) Аудиторлик хулосасидаги қўшимча тушунтириш мумкин бўлган нотўғри тушунишни камайтира оладими.

Агар аудитор аудиторлик хулосасидаги қўшимча тушунтириш мумкин бўлган нотўғри тушунишни камайтира олмайди деган хулосага келса, 210-сон АХС аудитордан аудит топшириғини қабул қилмасликни талаб қилади, қонун ёки норматив ҳужжатлар шундай қилишни талаб қилмаса. 210-сон АХСга мувофиқ, бундай қонун ёки норматив ҳужжатларга мувофиқ ўтказилган аудит АХСларга мувофиқ эмас. Шунга кўра, аудитор аудиторлик хулосасида аудит Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилганлигига ҳар қандай ҳаволани киритмайди.[41]

Давлат секторидаги ташкилотларга хос жиҳатлар

A76. Давлат секторидаги ташкилотлар аудиторлари шунингдек қонун ёки норматив ҳужжатларга мувофиқ аудиторлик хулосасида ёки қўшимча ҳисоботда маълум масалалар ҳақида оммага ҳисобот бериш имкониятига эга бўлиши мумкин, бу 701-сон АХС мақсадларига мос маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. Бундай ҳолатларда, аудитор 701-сон АХСда талаб қилинган аудиторлик хулосасидаги аудитнинг асосий масалалари ҳақидаги маълумотнинг айрим жиҳатларини мослаштириши ёки аудиторлик хулосасида масаланинг қўшимча ҳисоботдаги тавсифига ҳавола киритиши керак бўлиши мумкин.

Муайян юрисдикциянинг аудит стандартларига ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудитлар учун аудиторлик хулосаси (51-бандга қаранг)

A77. Аудитор тегишли миллий аудит стандартларига риоя қилишдан ташқари, аудитга тегишли ҳар бир АХСга риоя қилганда, аудиторлик хулосасида аудит ҳам Аудитнинг халқаро стандартларига, ҳам миллий аудит стандартларига мувофиқ ўтказилганлигига ҳавола қилиши мумкин.[42]

---

41 210-сон АХС, 21-банд

42 200-сон АХС, A61-банд

A78. АХСлар ва миллий аудит стандартларидаги талаблар ўртасида аудиторни бошқача фикр шакллантиришига ёки муайян шароитларда АХСлар томонидан талаб қилинадиган Алоҳида масалалар бандини ёки Бошқа масалалар бандини киритмасликка олиб келадиган зиддият мавжуд бўлса, ҳам Аудитнинг халқаро стандартларига, ҳам миллий аудит стандартларига ҳавола қилиш ўринли эмас. Бундай ҳолатда, аудиторлик хулосаси фақат аудиторлик хулосаси тайёрланган аудит стандартларига (ё Аудитнинг халқаро стандартлари ёки миллий аудит стандартлари) ҳавола қилади.

Молиявий ҳисоботлар билан бирга тақдим этилган қўшимча маълумотлар (53-54-бандларга қаранг)

A79. Баъзи ҳолатларда, ташкилотдан қонун, норматив ҳужжатлар ёки стандартлар томонидан талаб қилиниши ёки у ихтиёрий равишда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари томонидан талаб қилинмайдиган қўшимча маълумотларни молиявий ҳисоботлар билан бирга тақдим этишни танлаши мумкин. Масалан, қўшимча маълумотлар фойдаланувчининг қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларини тушунишини кучайтириш ёки муайян молиявий ҳисобот моддалари ҳақида қўшимча тушунтириш бериш учун тақдим этилиши мумкин. Бундай маълумотлар одатда ё қўшимча жадваллар ёки қўшимча изоҳлар шаклида тақдим этилади.

A80. Ушбу АХСнинг 53-банди аудиторлик фикри ўзининг характери ёки қандай тақдим этилишига кўра молиявий ҳисоботларнинг ажралмас қисми бўлган қўшимча маълумотларни қамраб олишини тушунтиради. Бу баҳолаш профессионал мулоҳаза масаласидир. Мисол учун:

- Молиявий ҳисоботларга изоҳлар молиявий ҳисоботлар бошқа молиявий ҳисобот концептуал асосларига қанчалик мувофиқлигини тушунтиришни ёки мувофиқлаштиришни ўз ичига олганда, аудитор буни молиявий ҳисоботлардан аниқ ажратиб бўлмайдиган қўшимча маълумот деб ҳисоблаши мумкин. Аудиторлик фикри шунингдек молиявий ҳисоботлардан ўзаро ҳавола қилинган изоҳлар ёки қўшимча жадвалларни ҳам қамраб олади.

- Харажатларнинг муайян моддаларини очиб берувчи қўшимча фойда ва зарар ҳисоботи молиявий ҳисоботларга Илова сифатида киритилган алоҳида жадвал сифатида ёритиб берилганда, аудитор буни молиявий ҳисоботлардан аниқ ажратиш мумкин бўлган қўшимча маълумот деб ҳисоблаши мумкин.

A81. Аудиторлик фикри билан қамраб олинган қўшимча маълумотларга аудиторлик хулосасида аудиторлик хулосасидаги молиявий ҳисоботларни ташкил этувчи ҳисоботлар тавсифида изоҳларга ҳавола етарли бўлганда, махсус ҳавола қилиш талаб қилинмайди.

A82. Қонун ёки норматив ҳужжатлар қўшимча маълумотларни аудитдан ўтказишни талаб қилмаслиги мумкин, ва раҳбарият аудитордан қўшимча маълумотларни молиявий ҳисоботлар аудити доирасига киритмасликни сўрашга қарор қилиши мумкин.

A83. Аудитдан ўтказилмаган қўшимча маълумотлар аудиторнинг фикри билан қамраб олингандек талқин қилиниши мумкин бўлган тарзда тақдим этилганлигини аудиторлик баҳолаши, масалан, бу маълумотлар молиявий ҳисоботлар ва ҳар қандай аудитдан ўтказилган қўшимча маълумотларга нисбатан қаерда тақдим этилганлигини, ва улар "аудитдан ўтказилмаган" деб аниқ белгиланганлигини ўз ичига олади.

A84. Раҳбарият аудиторлик фикри билан қамраб олингандек талқин қилиниши мумкин бўлган аудитдан ўтказилмаган қўшимча маълумотларнинг тақдим этилишини, масалан, қуйидагича ўзгартириши мумкин:

- Молиявий ҳисоботлардан аудитдан ўтказилмаган қўшимча жадвалларга ёки аудитдан ўтказилмаган изоҳларга ҳар қандай ўзаро ҳаволаларни олиб ташлаш, шу тариқа аудитдан ўтказилган ва аудитдан ўтказилмаган маълумотлар ўртасидаги чегара етарлича аниқ бўлади.

- Аудитдан ўтказилмаган қўшимча маълумотларни молиявий ҳисоботлардан ташқарига жойлаштириш ёки, агар бу шароитларда имконсиз бўлса, камида аудитдан ўтказилмаган изоҳларни молиявий ҳисоботларга талаб қилинадиган изоҳларнинг охирида бирга жойлаштириш ва уларни аудитдан ўтказилмаган деб аниқ белгилаш. Аудитдан ўтказилган изоҳлар билан аралаштирилган аудитдан ўтказилмаган изоҳлар аудитдан ўтказилган сифатида нотўғри талқин қилиниши мумкин.

A85. Қўшимча маълумотларнинг аудитдан ўтказилмаганлиги факти аудиторни 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)да тавсифланган жавобгарликлардан озод қилмайди.

Илова

(А19-бандга қаранг)

Молиявий ҳисоботлар бўйича мустақил аудитор хулосаларининг намуналари

- 1-намуна: Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган Листингга кирган ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси
- 2-намуна: Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган Листингга кирган ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси
- 3-намуна: Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган Листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси (тегишли органнинг веб-сайтида жойлашган материалга ҳавола қилингани ҳолда)
- 4-намуна: Умумий мақсадли мувофиқлик концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси

1-намуна – Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган Листингга кирган ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси учун қуйидаги ҳолатлар тахмин қилинган:

- **Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларидан фойдаланган ҳолда Листингга кирган ташкилотнинг молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламининг аудити. Аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган) қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган МҲХСларга (умумий мақсадли концептуал асосларга) мувофиқ тайёрланган.**
- **Аудит топшириғи шартлари 210-сон АХСдаги молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини акс эттиради.**
- **Аудитор олинган аудит далилларига асосланиб модификацияланмаган (яъни, "тоза") фикр ўринли деган хулосага келган.**
- **Аудитга қўлланиладиган тегишли ахлоқий талаблар Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари кенгашининг *Профессионал бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ кодекси (Халқаро мустақиллик стандартларини ҳам қўшган ҳолда)* (БХАСК Кодекси)га, жамоатчилик манфаатидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитига қўлланиладиган тарзда, шунингдек юрисдикциядаги аудитга тегишли ахлоқий талабларни ўз ичига олади, ва аудитор иккаласига ҳам ҳавола қилади. БХАСК Кодекси ва юрисдикциядаги аудитга тегишли ахлоқий талаблар жамоатчилик манфаатидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитига қўлланиладиган мустақиллик талабларини ўз ичига олади. Улар шунингдек аудитордан жамоатчилик манфаатидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитига қўлланиладиган мустақиллик талаблари қўлланилганлигини оммавий ошкор қилишни ҳам талаб қилади.**
- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудитнинг асосий масалалари 701-сон АХСга мувофиқ маълум қилинган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва ҳали бошқа маълумотларнинг муҳим бузиб кўрсатилишини аниқламаган.**
- **Молиявий ҳисоботларни назорат қилиш учун жавобгар шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгар бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Молиявий ҳисоботлар аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун бўйича талаб қилинадиган бошқа хулоса бериш жавобгарликларига эга.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС Компанияси акциядорларига [ёки Бошқа тегишли манзил эгасига]

Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича хулоса[1]

Фикр

Биз АВС Компанияси (Компания) молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик, улар 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, ва шу санада тугаган йил учун умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ҳам қўшган ҳолда, молиявий ҳисоботларга изоҳларни ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар Компаниянинг 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолатини, ва шу санада тугаган йил учун унинг молиявий натижалари ва пул оқимларини Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХСлар) мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради).

Фикр билдириш учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХСлар) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг *Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари* бандида батафсил баён қилинган. Биз Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари кенгашининг *Профессионал бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ кодексига (Халқаро мустақиллик стандартларини ҳам қўшган ҳолда) (БХАСК Кодекси),* шунингдек [юрисдикция]да жамоатчилик манфаатидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз, ва биз бу талаблар ва БХАСК Кодекси бўйича бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари фикр билдиришимиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг асосий масалалари

Аудитнинг асосий масалалари бизнинг профессионал мулоҳазамизга кўра, жорий давр молиявий ҳисоботларининг аудитида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалардир. Бу масалалар молиявий ҳисоботларни яхлит олганда аудит қилиш контекстида ва улар бўйича фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган, ва биз бу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

[*701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг ҳар бир асосий масаласининг тавсифи.*]

Бошқа маълумотлар [ёки "Молиявий ҳисоботлар ва улар бўйича аудиторлик хулосасидан бошқа маълумотлар" каби бошқа тегишли сарлавҳа]

[*720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги хулоса бериш талабларига мувофиқ хулоса бериш - 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 2-иловасидаги 1-намунага қаранг.*]

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[2]

Раҳбарият молиявий ҳисоботларни МҲХСларга[3] мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, ва фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини таъминлаш учун раҳбарият зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда, раҳбарият Компаниянинг фаолият узлуксизлигини баҳолаш, тегишли ҳолларда фаолият узлуксизлигига тегишли масалаларни ёритиб бериш ва раҳбарият Компанияни тугатиш ёки фаолиятни тўхтатишни мўлжалламаса, ёки бундай қилишдан бошқа реал муқобил йўли бўлмаса, фаолият узлуксизлиги тамойилига асосланган бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш учун жавобгардир.

Бошқарув учун масъул шахслар Компаниянинг молиявий ҳисобот бериш жараёнини назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

Бизнинг мақсадларимиз молиявий ҳисоботлар яхлит олганда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч олиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олувчи аудиторлик хулосасини чиқаришдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончдир, аммо АХСларга

---

[1] "Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича хулоса (ҳисобот)" қўшимча сарлавҳаси иккинчи қўшимча сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса ҳисобот)" қўлланилмайдиган ҳолатларда зарур эмас.

[2] Ушбу намунавий аудитор хулосалари (ҳисоботлари) давомида, раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар атамалари муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий концептуал асос контекстида ўринли бўлган бошқа атама билан алмаштирилиши керак бўлиши мумкин.

[3] Раҳбариятнинг жавобгарлиги тўғри ва ҳаққоний тасаввур берувчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш бўлган ҳолатда, бу қуйидагича ўқилиши мумкин: " Раҳбарият Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тасаввур берувчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, ва ..."

мувофиқ ўтказилган аудит муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда уни ҳар доим аниқлаши кафолати эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва агар улар алоҳида ёки жамланганда, ушбу молиявий ҳисоботлар асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона кутилса, муҳим деб ҳисобланади.

Ушбу АХСнинг 41(b)-банди қуйида ажратилган матн аудиторлик хулосасининг иловасида жойлаштирилиши мумкинлигини тушунтиради. 41(c)-банд тушунтиришича, қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари аниқ рухсат берганда, аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини аудиторлик хулосасига киритиш ўрнига, агар веб-сайтдаги тавсиф қуйидаги аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини қамраб олса ва унга зид бўлмаса, бу тавсифни ўз ичига олган тегишли органнинг веб-сайтига ҳавола қилиш мумкин.

АХСларга мувофиқ аудит ўтказишнинг бир қисми сифатида, биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни сақлаб қоламиз. Биз шунингдек:

- Молиявий ҳисоботларда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаймиз ва уларга баҳо берамиз, бу рискларга жавоб берувчи аудит тартиб-таомилларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, ва фикр билдиришимиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб аудит далилларини оламиз. Фирибгарлик тил бириктириш, сохталаштириш, қасддан тушириб қолдириш, ноўрин тақдим этиш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтишни ўз ичига олиши мумкин бўлгани учун, фирибгарлик туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик риски хатолик туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик рискидан юқори.

- Шароитларга мос аудит тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида аудитга тегишли ички назорат тизимини тушунамиз, лекин Компаниянинг ички назорат тизими самарадорлиги бўйича фикр билдириш мақсадида эмас.[4]

- Қўлланилган ҳисоб сиёсатининг ўринлилигини ва раҳбарият томонидан қилинган бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб баҳолар ҳамда уларга тегишли маълумотларни ёритиб беришларнинг асослилигини баҳолаймиз.

- Раҳбарият томонидан фаолият узлуксизлиги тамойилига асосланган бухгалтерия ҳисобидан фойдаланишнинг ўринлилиги ҳақида хулоса чиқарамиз ва, олинган аудит далилларига асосланиб, Компаниянинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эканлиги ёки йўқлиги ҳақида хулоса чиқарамиз. Агар биз муҳим ноаниқлик мавжуд деган хулосага келсак, бизнинг аудиторлик хулосасимизда молиявий ҳисоботлардаги тегишли маълумотларни ёритиб беришларга диққатни жалб қилишимиз ёки, агар бундай маълумотларни ёритиб беришлар етарли бўлмаса, фикримизни модификация қилишимиз талаб қилинади. Бизнинг хулосаларимиз аудиторлик хулосасимиз санасигача олинган аудит далилларига асосланади. Бироқ, келгусидаги ҳодисалар ёки шарт-шароитлар Компаниянинг фаолият узлуксизлигини тўхтатишига сабаб бўлиши мумкин.

- Маълумотларни ёритиб беришларни ҳам қўшган ҳолда, молиявий ҳисоботларнинг умумий тақдим этилиши, тузилиши ва мазмунини, ва молиявий ҳисоботлар асосда ётган операциялар ва ҳодисаларни ҳаққоний тақдим этилишга эришадиган тарзда ифодалашини баҳолаймиз.

Биз бошқарув учун масъул шахслар билан, бошқа масалалар қаторида, аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддатлари ҳамда аудит давомида аниқлаган ички назорат тизимидаги ҳар қандай аҳамиятли камчиликларни ўз ичига олувчи аҳамиятли аудит топилмалари ҳақида мулоқот қиламиз.

Биз шунингдек бошқарув учун масъул шахсларга мустақиллик бўйича тегишли ахлоқий талабларга риоя қилганлигимиз ҳақидаги баёнотни тақдим этамиз, ва улар билан бизнинг мустақиллигимизга таъсир қилиши оқилона тарзда тахмин қилиниши мумкин бўлган барча муносабатлар ҳамда бошқа масалаларни, ва қўлланиладиган бўлса, таҳдидларни бартараф этиш учун қўлланилган чора-тадбирлар ёки ҳимоя воситаларини маълум қиламиз.

Бошқарув учун масъул шахслар билан муҳокама қилинган масалалардан, биз жорий давр молиявий ҳисоботларининг аудитида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ва шунинг учун аудитнинг асосий масалалари бўлган масалаларни аниқлаймиз. Биз бу масалаларни қонун ёки норматив ҳужжатлар масала ҳақида оммавий маълумотларни ёритиб беришни тақиқламаса ёки, жуда камдан-кам ҳолатларда, биз бу масалани хулосамизда ёритиб бериш салбий оқибатлари бундай ёритиб беришнинг жамоатчилик манфаатлари фойдасидан ошиб кетиши оқилона тарзда кутилиши мумкин деб аниқлаганда аудиторлик хулосасимизда тавсифлаймиз.

Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса

[*Аудиторлик хулосасининг бу бандининг шакли ва мазмуни маҳаллий қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари томонидан белгиланган аудиторнинг бошқа хулоса бериш жавобгарликларининг характерига қараб*

[4] Аудитор шунингдек молиявий ҳисоботлар аудити билан бирга ички назорат тизими самарадорлиги ҳақида фикр билдириш жавобгарлигига эга бўлган ҳолатларда, бу жумла тегишли равишда ўзгартирилади.

ўзгаради. Бошқа қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартларида кўриб чиқилган масалалар ("бошқа хулоса бериш жавобгарликлари" деб номланади) бошқа хулоса бериш жавобгарликлари Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича хулоса бандининг бир қисми сифатида АХСлар томонидан талаб қилинган хулоса бериш жавобгарликлари остида тақдим этилган мавзулар билан бир хил мавзуларни кўриб чиқмаса, бу бандда кўриб чиқилиши лозим. АХСлар томонидан талаб қилинган мавзулар билан бир хил мавзуларни қамраб оладиган бошқа хулоса бериш жавобгарликлари бўйича хулоса бериш (яъни, тегишли қўшимча сарлавҳалар остида Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича хулоса бандига киритилиши мумкин) бириктирилиши мумкин, бунда аудиторлик хулосасидаги матн бошқа хулоса бериш жавобгарликларини АХСлар томонидан талаб қилинган хулосадан, бундай фарқ мавжуд бўлса, аниқ ажратиши шарти билан.]

Бу мустақил аудиторлик хулосаси билан натижаланган аудит бўйича топшириқ партнёри - [*исм*].

[*Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий номи, ёки иккаласи билан имзо, муайян юрисдикция учун ўринли бўлганидек*]

[*Аудитор манзили*]

[*Сана*]

2-намуна – Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган Листингга кирган ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси учун қуйидаги ҳолатлар тахмин қилинган:

- **Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларидан фойдаланган ҳолда Листингга кирган ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламининг аудити. Аудит шўъба корхоналарга эга бўлган ташкилотнинг гуруҳ аудитидир (яъни, 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган) қўлланилади).**
- **Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган МҲХСларга (умумий мақсадли концептуал асосларга) мувофиқ тайёрланган.**
- **Аудит топшириғи шартлари 210-сон АХСдаги консолидациялашган молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини акс эттиради.**
- **Аудитор олинган аудит далилларига асосланиб модификацияланмаган (яъни, "тоза") фикр ўринли деган хулосага келган.**
- **Аудитга қўлланиладиган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикциянинг талабларидир. Юрисдикциядаги аудитга тегишли ахлоқий талаблар жамоатчилик манфаатидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитига қўлланиладиган мустақиллик талабларини ўз ичига олади. Улар шунингдек аудитордан жамоатчилик манфаатидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитига қўлланиладиган мустақиллик талаблари қўлланилганлигини оммавий ошкор қилишни ҳам талаб қилади.**
- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудитнинг асосий масалалари 701-сон АХСга мувофиқ маълум қилинган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва бошқа маълумотларнинг муҳим бузиб кўрсатилишини аниқламаган.**
- **Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни назорат қилиш учун жавобгар шахслар консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгар бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун бўйича талаб қилинадиган бошқа хулоса бериш жавобгарликларига эга.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС Компанияси акциядорларига [ёки Бошқа тегишли манзил эгасига]

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити бўйича хулоса[5]

Фикр

Биз АВС Компанияси ва унинг шўъба корхоналари (Гуруҳ) консолидациялашган молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик, улар 20X1 йил 31 декабр ҳолатига консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, ва шу санада тугаган йил учун консолидациялашган умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, консолидациялашган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва консолидациялашган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ҳам қўшган ҳолда, консолидациялашган молиявий ҳисоботларга изоҳларни ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган консолидациялашган молиявий ҳисоботлар Гуруҳнинг 20X1 йил 31 декабр ҳолатига консолидациялашган молиявий ҳолатини, ва шу санада тугаган йил учун унинг консолидациялашган молиявий натижалари ва консолидациялашган пул оқимларини Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХСлар) мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади *(ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради).*

Фикр билдириш учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХСлар) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг *Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари* бандида батафсил баён қилинган. Биз [юрисдикция]да жамоатчилик манфаатидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Гуруҳдан мустақилмиз, ва биз ушбу талаблар бўйича бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари фикр билдиришимиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг асосий масалалари

Аудитнинг асосий масалалари бизнинг профессионал мулоҳазамизга кўра, жорий давр консолидациялашган молиявий ҳисоботларининг аудитида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалардир. Бу масалалар консолидациялашган молиявий ҳисоботларни яхлит олганда аудит қилиш контекстида ва улар бўйича фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган, ва биз бу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

[701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг ҳар бир асосий масаласининг тавсифи.]

Бошқа маълумотлар [ёки "Молиявий ҳисоботлар ва улар бўйича аудиторлик хулосасидан бошқа маълумотлар" каби бошқа тегишли сарлавҳа]

[720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги ҳисобот бериш талабларига мувофиқ хулоса бериш - 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 2-иловасидаги 1-намунага қаранг.]

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[6]

Раҳбарият консолидациялашган молиявий ҳисоботларни МҲХСларга[7] мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, ва фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини таъминлаш учун раҳбарият зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгардир.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлашда, раҳбарият Гуруҳнинг фаолият узлуксизлигини баҳолаш, тегишли ҳолларда фаолият узлуксизлигига тегишли масалаларни ёритиб бериш ва раҳбарият Гуруҳни тугатиш ёки фаолиятни тўхтатишни мўлжалламаса, ёки бундай қилишдан бошқа реал муқобил йўли бўлмаса, фаолият узлуксизлиги тамойилига асосланган бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш учун жавобгардир.

Бошқарув учун масъул шахслар Гуруҳнинг молиявий ҳисобот бериш жараёнини назорат қилиш учун жавобгардир.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

Бизнинг мақсадларимиз консолидациялашган молиявий ҳисоботлар яхлит олганда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч олиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олувчи аудиторлик хулосасини чиқаришдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги

---

5 "Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити бўйича хулоса (ҳисобот)" қўшимча сарлавҳаси иккинчи қўшимча сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса ҳисобот)" қўлланилмайдиган ҳолатларда зарур эмас.

6 Ёки муайян юрисдикциянинг ҳуқуқий концептуал асоси контекстида ўринли бўлган бошқа атамалар

7 Раҳбариятнинг жавобгарлиги тўғри ва ҳаққоний тасаввур берувчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш бўлган ҳолатда, бу қуйидагича ўқилиши мумкин: "Раҳбарият Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тасаввур берувчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, ва ..."

ишончдир, аммо АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда уни ҳар доим аниқлаши кафолати эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва агар улар алоҳида ёки жамланганда, ушбу консолидациялашган молиявий ҳисоботлар асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона кутилса, муҳим деб ҳисобланади.

Ушбу АХСнинг 41(b)-банди қуйида ажратилган матн аудиторлик хулосасининг иловасида жойлаштирилиши мумкинлигини тушунтиради. 41(c)-банд тушунтиришича, қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари аниқ рухсат берганда, аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини аудиторлик хулосасига киритиш ўрнига, агар веб-сайтдаги тавсиф қуйидаги аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини қамраб олса ва унга зид бўлмаса, бу тавсифни ўз ичига олган тегишли органнинг веб-сайтига ҳавола қилиш мумкин.

АХСларга мувофиқ аудит ўтказишнинг бир қисми сифатида, биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни сақлаб қоламиз. Биз шунингдек:

- Консолидациялашган молиявий ҳисоботларда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаймиз ва уларга баҳо берамиз, бу рискларга жавоб берувчи аудит тартиб-таомилларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, ва фикр билдиришимиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб аудит далилларини оламиз. Фирибгарлик тил бириктириш, сохталаштириш, қасддан тушириб қолдириш, ноўрин тақдим этиш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтишни ўз ичига олиши мумкин бўлгани учун, фирибгарлик туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик риски хатолик туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик рискидан юқори.

- Шароитларга мос аудит тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида аудитга тегишли ички назорат тизимини тушунамиз, лекин Гуруҳнинг ички назорат тизими самарадорлиги бўйича фикр билдириш мақсадида эмас.[8]

- Қўлланилган ҳисоб сиёсатининг ўринлилигини ва раҳбарият томонидан қилинган бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб баҳолари ҳамда уларга тегишли маълумотларни ёритиб беришларнинг асослилигини баҳолаймиз.

- Раҳбарият томонидан фаолият узлуксизлиги тамойилига асосланган бухгалтерия ҳисобидан фойдаланишнинг ўринлилиги ҳақида хулоса чиқарамиз ва, олинган аудит далилларига асосланиб, Гуруҳнинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эканлиги ёки йўқлиги ҳақида хулоса чиқарамиз. Агар биз муҳим ноаниқлик мавжуд деган хулосага келсак, бизнинг аудиторлик хулосасимизда консолидациялашган молиявий ҳисоботлардаги тегишли маълумотларни ёритиб беришларга диққатни жалб қилишимиз ёки, агар бундай маълумотларни ёритиб беришлар етарли бўлмаса, фикримизни модификация қилишимиз талаб қилинади. Бизнинг хулосаларимиз аудиторлик хулосасимиз санасигача олинган аудит далилларига асосланади. Бироқ, келгусидаги ҳодисалар ёки шарт-шароитлар Гуруҳнинг фаолият узлуксизлигини тўхтатишига сабаб бўлиши мумкин.

- Маълумотларни ёритиб беришларни ҳам қўшган ҳолда, консолидациялашган молиявий ҳисоботларнинг умумий тақдим этилиши, тузилиши ва мазмунини, ва консолидациялашган молиявий ҳисоботлар асосда ётган операциялар ва ҳодисаларни ҳаққоний тақдим этилишга эришадиган тарзда ифодалашини баҳолаймиз.

- Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар бўйича фикр билдириш учун Гуруҳ ичидаги ташкилотлар ёки бизнес бирликларининг молиявий маълумотлари бўйича етарли ва муносиб аудит далилларини олиш учун гуруҳ аудитини режалаштирамиз ва ўтказамиз. Биз гуруҳ аудити мақсадларида бажарилган аудит ишини йўналтириш, назорат қилиш ва кўриб чиқиш учун жавобгармиз. Биз аудиторлик фикримиз учун фақат ўзимиз жавобгар бўлиб қоламиз.

Биз бошқарув учун масъул шахслар билан, бошқа масалалар қаторида, аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддатлари ҳамда аудит давомида аниқлаган ички назорат тизимидаги ҳар қандай аҳамиятли камчиликларни ўз ичига олувчи аҳамиятли аудит топилмалари ҳақида мулоқот қиламиз.

Биз шунингдек бошқарув учун масъул шахсларга мустақиллик бўйича тегишли ахлоқий талабларга риоя қилганлигимиз ҳақидаги баёнотни тақдим этамиз, ва улар билан бизнинг мустақиллигимизга таъсир қилиши оқилона тарзда тахмин қилиниши мумкин бўлган барча муносабатлар ҳамда бошқа масалаларни, ва қўлланиладиган бўлса, таҳдидларни бартараф этиш учун қўлланилган чора-тадбирлар ёки ҳимоя воситаларини маълум қиламиз.

Бошқарув учун масъул шахслар билан муҳокама қилинган масалалардан, биз жорий давр консолидациялашган молиявий ҳисоботларининг аудитида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ва шунинг учун аудитнинг асосий масалалари бўлган масалаларни аниқлаймиз. Биз бу масалаларни аудиторлик хулосасимизда тавсифлаймиз, қонун ёки норматив ҳужжатлар масала ҳақида оммавий маълумотларни ёритиб беришни тақиқламаса ёки, жуда

[8] Аудитор шунингдек консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити билан бирга ички назорат тизими самарадорлиги ҳақида фикр билдириш жавобгарлигига эга бўлган ҳолатларда, бу жумла тегишли равишда ўзгартирилади.

камдан-кам ҳолатларда, биз бу масалани хулосамизда ёритиб бериш салбий оқибатлари бундай ёритиб беришнинг жамоатчилик манфаатлари фойдасидан ошиб кетиши оқилона тарзда кутилиши мумкин деб аниқлаганда.

Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса

[Аудиторлик хулосасининг бу бандининг шакли ва мазмуни маҳаллий қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари томонидан белгиланган аудиторнинг бошқа хулоса бериш жавобгарликларининг характерига қараб ўзгаради. Бошқа қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартларида кўриб чиқилган масалалар ("бошқа хулоса бериш жавобгарликлари" деб номланади) бошқа хулоса бериш жавобгарликлари Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити бўйича хулоса бандининг бир қисми сифатида АХСлар томонидан талаб қилинган хулоса бериш жавобгарликлари остида тақдим этилган мавзулар билан бир хил мавзуларни кўриб чиқмаса, бу бандда кўриб чиқилиши лозим. АХСлар томонидан талаб қилинган мавзулар билан бир хил мавзуларни қамраб оладиган бошқа хулоса бериш жавобгарликлари бўйича хулоса бериш (яъни, тегишли қўшимча сарлавҳалар остида Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити бўйича хулоса бандига киритилиши мумкин) бириктирилиши мумкин, бунда аудиторлик хулосасидаги матн бошқа хулоса бериш жавобгарликларини АХСлар томонидан талаб қилинган хулосадан, бундай фарқ мавжуд бўлса, аниқ ажратиши шарти билан]

Бу мустақил аудиторлик хулосаси билан натижаланган аудит бўйича топшириқ партнёри - [*исм*].

[*Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий номи, ёки иккаласи билан имзо, муайян юрисдикция учун ўринли бўлганидек*]

[*Аудитор манзили*]

[*Сана*]

3-намуна – Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси учун қуйидаги ҳолатлар тахмин қилинган:

- **Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларидан фойдаланган ҳолда листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламининг аудити. Аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АҲС (Қайта таҳрирланган) қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган МҲҲСларга (умумий мақсадли концептуал асосларга) мувофиқ тайёрланган.**
- **Аудит топшириғи шартлари 210-сон АҲСдаги молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини акс эттиради.**
- **Аудитор олинган аудит далилларига асосланиб модификацияланмаган (яъни, "тоза") фикр ўринли деган хулосага келган.**
- **Аудитга қўлланиладиган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикциянинг талабларидир.**
- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АҲС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудитордан 701-сон АҲСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш талаб қилинмайди, ва у бошқача тарзда буни қилишга қарор қилмаган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва бошқа маълумотларнинг муҳим бузиб кўрсатилишини аниқламаган.**
- **Молиявий ҳисоботларни назорат қилиш учун жавобгар шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгар бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Аудитор маҳаллий қонун бўйича талаб қилинадиган бошқа хулоса бериш жавобгарликларига эга эмас.**
- **Аудитор тегишли органнинг веб-сайтида киритилган аудиторнинг жавобгарлиги тавсифига ҳавола қилишни танлайди.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС Компанияси акциядорларига [ёки Бошқа тегишли манзил эгасига]

Фикр

Биз АВС Компанияси (Компания) молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик, улар 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, ва шу санада тугаган йил учун умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ҳам қўшган ҳолда, молиявий ҳисоботларга изоҳларни ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар Компаниянинг 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолатини, ва шу санада тугаган йил учун унинг молиявий натижалари ва пул оқимларини Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХСлар) мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади (ёки *тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради*).

Фикр билдириш учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХСлар) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг *Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари* бандида батафсил баён қилинган. Биз [*юрисдикция*]да молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз, ва биз бу талаблар бўйича бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари фикр билдиришимиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Бошқа маълумотлар [ёки "Молиявий ҳисоботлар ва улар бўйича аудиторлик хулосасидан бошқа маълумотлар" каби бошқа тегишли сарлавҳа]

[720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги хулоса бериш талабларига мувофиқ хулоса бериш - 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) нинг 2-иловасидаги 1-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[9]

Раҳбарият молиявий ҳисоботларни МҲХСларга[10] мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, ва фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини таъминлаш учун раҳбарият зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда, раҳбарият Компаниянинг фаолият узлуксизлигини баҳолаш, тегишли ҳолларда фаолият узлуксизлигига тегишли масалаларни ёритиб бериш ва раҳбарият Компанияни тугатиш ёки фаолиятни тўхтатишни мўлжалламаса, ёки бундай қилишдан бошқа реал муқобил йўли бўлмаса, фаолият узлуксизлиги тамойилига асосланган бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш учун жавобгардир.

Бошқарув учун масъул шахслар Компаниянинг молиявий ҳисобот бериш жараёнини назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

Бизнинг мақсадларимиз молиявий ҳисоботлар яхлит олганда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч олиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олувчи аудиторлик хулосасини чиқаришдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончдир, аммо АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда уни ҳар доим аниқлаши кафолати эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва агар улар алоҳида ёки жамланганда, ушбу молиявий ҳисоботлар асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона кутилса, муҳим деб ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликларининг қўшимча тавсифи [*Ташкилот номи*]нинг: [*веб-сайт манзили*] веб-сайтида жойлашган. Бу тавсиф бизнинг аудиторлик хулосасимизнинг қисмидир.

[*Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий номи, ёки иккаласи билан имзо, муайян юрисдикция учун ўринли бўлганидек*]

[*Аудитор манзили*]

[*Сана*]

---

[9] Ёки муайян юрисдикциянинг ҳуқуқий концептуал асоси контекстида ўринли бўлган бошқа атамалар

[10] Раҳбариятнинг жавобгарлиги тўғри ва ҳаққоний тасаввур берувчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш бўлган ҳолатда, бу қуйидагича ўқилиши мумкин: "Раҳбарият Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тасаввур берувчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, ва ..."

4-намуна – Умумий мақсадли мувофиқлик концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси учун қуйидаги ҳолатлар тахмин қилинган:

- **Қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан талаб қилинган листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламининг аудити. Аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган) қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан Х юрисдикциясининг Молиявий ҳисобот концептуал асосларига (XYZ Қонуни) мувофиқ тайёрланган (яъни, кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг умумий молиявий маълумот эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган, қонун ёки норматив ҳужжатларни ўз ичига олувчи, аммо ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари бўлмаган молиявий ҳисобот концептуал асослари).**
- **Аудит топшириғи шартлари 210-сон АХСдаги молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини акс эттиради.**
- **Аудитор олинган аудит далилларига асосланиб модификацияланмаган (яъни, "тоза") фикр ўринли деган хулосага келган.**
- **Аудитга қўлланиладиган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикциянинг талабларидир.**
- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудитордан 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш талаб қилинмайди, ва у бошқача тарзда буни қилишга қарор қилмаган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва бошқа маълумотларнинг муҳим бузиб кўрсатилишини аниқламаган.**
- **Молиявий ҳисоботларни назорат қилиш учун жавобгар шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгар бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Аудитор маҳаллий қонун бўйича талаб қилинадиган бошқа хулоса бериш жавобгарликларига эга эмас.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

[Тегишли манзил эгасига]

Фикр

Биз ABC Компанияси (Компания) молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик, улар 20X1 йил 31 декабр ҳолатига бухгалтерия баланси, ва шу санада тугаган йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек аҳамиятли ҳисоб сиёсати қисқача тавсифини ҳам қўшган ҳолда, молиявий ҳисоботларга изоҳларни ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, Компаниянинг илова қилинган молиявий ҳисоботлари X юрисдикциясининг XYZ Қонунига мувофиқ барча муҳим жиҳатларда тайёрланган.

Фикр билдириш учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХСлар) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг *Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари* бандида батафсил баён қилинган. Биз [*юрисдикция*]да молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз, ва биз бу талаблар бўйича бошқа жавобгарликларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари фикр билдиришимиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Бошқа маълумотлар [ёки "Молиявий ҳисоботлар ва улар бўйича аудиторлик хулосасидан бошқа маълумотлар" каби бошқа тегишли сарлавҳа]

[720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги хулоса бериш талабларига мувофиқ хулоса бериш - 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 2-иловасидаги 1-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[11]

Раҳбарият молиявий ҳисоботларни X юрисдикциясининг XYZ Қонунига[12] мувофиқ тайёрлаш, ва фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини таъминлаш учун раҳбарият зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда, раҳбарият Компаниянинг фаолият узлуксизлигини баҳолаш, тегишли ҳолларда фаолият узлуксизлигига тегишли масалаларни ёритиб бериш ва раҳбарият Компанияни тугатиш ёки фаолиятни тўхтатишни мўлжалламаса, ёки бундай қилишдан бошқа реал муқобил йўли бўлмаса, фаолият узлуксизлиги тамойилига асосланган бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш учун жавобгардир.

Бошқарув учун масъул шахслар Компаниянинг молиявий ҳисобот бериш жараёнини назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

Бизнинг мақсадларимиз молиявий ҳисоботлар яхлит олганда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч олиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олувчи аудиторлик хулосасини чиқаришдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончдир, аммо АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда уни ҳар доим аниқлаши кафолати эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва агар улар алоҳида ёки жамланганда, ушбу молиявий ҳисоботлар асосида фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши оқилона кутилса, муҳим деб ҳисобланади.

Ушбу АХСнинг 41(b)-банди қуйида ажратилган матн аудиторлик хулосасининг иловасида жойлаштирилиши мумкинлигини тушунтиради. 41(c)-банд тушунтиришича, қонун, норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари аниқ рухсат берганда, аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини аудиторлик хулосасига киритиш ўрнига, агар веб-сайтдаги тавсиф қуйидаги аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини қамраб олса ва унга зид бўлмаса, бу тавсифни ўз ичига олган тегишли органнинг веб-сайтига ҳавола қилиш мумкин.

АХСларга мувофиқ аудит ўтказишнинг бир қисми сифатида, биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни сақлаб қоламиз. Биз шунингдек:

- Молиявий ҳисоботларда фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаймиз ва уларга баҳо берамиз, бу рискларга жавоб берувчи аудит тартиб-таомилларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, ва фикр билдиришимиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб аудит далилларини оламиз. Фирибгарлик тил бириктириш, сохталаштириш, қасддан тушириб

---

[11] Ёки муайян юрисдикциянинг ҳуқуқий концептуал асоси контекстида ўринли бўлган бошқа атамалар

[12] Раҳбариятнинг жавобгарлиги тўғри ва ҳаққоний тасаввур берувчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш бўлган ҳолатда, бу қуйидагича ўқилиши мумкин: "Раҳбарият Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тасаввур берувчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, ва ..."

қолдириш, ноўрин тақдим этиш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтишни ўз ичига олиши мумкин бўлгани учун, фирибгарлик туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик риски хатолик туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаслик рискидан юқори.

- Шароитларга мос аудит тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида аудитга тегишли ички назорат тизимини тушунамиз, лекин Компаниянинг ички назорат тизими самарадорлиги бўйича фикр билдириш мақсадида эмас.[13]

- Қўлланилган ҳисоб сиёсатининг ўринлилигини ва раҳбарият томонидан қилинган бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб баҳолари ҳамда уларга тегишли маълумотларни ёритиб беришларнинг асослилигини баҳолаймиз.

- Раҳбарият томонидан фаолият узлуксизлиги тамойилига асосланган бухгалтерия ҳисобидан фойдаланишнинг ўринлилиги ҳақида хулоса чиқарамиз ва, олинган аудит далилларига асосланиб, Компаниянинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эканлиги ёки йўқлиги ҳақида хулоса чиқарамиз. Агар биз муҳим ноаниқлик мавжуд деган хулосага келсак, бизнинг аудиторлик хулосасимизда молиявий ҳисоботлардаги тегишли маълумотларни ёритиб беришларга диққатни жалб қилишимиз ёки, агар бундай маълумотларни ёритиб беришлар етарли бўлмаса, фикримизни модификация қилишимиз талаб қилинади. Бизнинг хулосаларимиз аудиторлик хулосамиз санасигача олинган аудит далилларига асосланади. Бироқ, келгусидаги ҳодисалар ёки шарт-шароитлар Компаниянинг фаолият узлуксизлигини тўхтатишига сабаб бўлиши мумкин.

Биз бошқарув учун масъул шахслар билан, бошқа масалалар қаторида, аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддатлари ҳамда аудит давомида аниқлаган ички назорат тизимидаги ҳар қандай аҳамиятли камчиликларни ўз ичига олувчи аҳамиятли аудит топилмалари ҳақида мулоқот қиламиз.

[*Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий номи, ёки иккаласи билан имзо, муайян юрисдикция учун ўринли бўлганидек*]

[*Аудитор манзили*]

[*Сана*]

[13] Аудитор шунингдек молиявий ҳисоботлар аудити билан бирга ички назорат тизими самарадорлиги ҳақида фикр билдириш жавобгарлигига эга бўлган ҳолатларда, бу жумла тегишли равишда ўзгартирилади.

701-СОН АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ
МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИДА АУДИТНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИНИ ЕТКАЗИШ
(2016 йил 15 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисоботлар аудитига нисбатан амал қилади)

МУНДАРИЖА

Банд

Кириш
АХСнинг қўллаш доираси ..... 1−5
Кучга кириш санаси 6
Мақсадлар 7
Таъриф 8
Талаблар
Аудитнинг асосий масалаларини аниқлаш 9–10
Аудитнинг асосий масалаларини етказиш ..... 11−16
Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот 17
Ҳужжатлаштириш 18
Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар
АХСнинг қўллаш доираси ..... А1−А8
Аудитнинг асосий масалаларини аниқлаш ..... А9−А30
Аудитнинг асосий масалаларини етказиш ..... А31−А59
Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот А60–А63
Ҳужжатлаштириш А64

701-сон Аудитнинг халқаро стандарти (АХС), *"Мустақил аудиторнинг хулосасида аудитнинг асосий масалаларини етказиш"*, 200-сон АХС, *"Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш"* билан биргаликда ўқилиши лозим.

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси

1. Ушбу Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) аудиторнинг аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалаларини етказиш бўйича жавобгарлигини кўриб чиқади. У аудиторнинг аудиторлик хулосасида нимани етказиш тўғрисидаги профессионал мулоҳазасини, шунингдек бундай маълумотларнинг шакли ва мазмунини ҳал қилишга қаратилган.

2 Аудитнинг асосий масалаларини етказишнинг мақсади ўтказилган аудит ҳақида кўпроқ шаффофлик таъминлаш орқали аудиторлик хулосасининг маълумот бериш қийматини оширишдир. Аудитнинг асосий масалаларини етказиш молиявий ҳисоботларнинг мўлжалланган фойдаланувчиларига ("мўлжалланган фойдаланувчилар") аудиторнинг профессионал мулоҳазасига кўра жорий давр молиявий ҳисоботлари аудитида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни тушунишда ёрдам бериш учун қўшимча маълумот беради. Аудитнинг асосий масалаларини етказиш мўлжалланган фойдаланувчиларга ташкилотни ва аудит қилинган молиявий ҳисоботларда раҳбариятнинг муҳим мулоҳазалари билан боғлиқ соҳаларни тушунишда ҳам ёрдам бериши мумкин. (А1–А4-бандларга қаранг)

3 Аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалаларини етказиш мўлжалланган фойдаланувчиларга ташкилот, аудит қилинган молиявий ҳисоботлар ёки ўтказилган аудит билан боғлиқ айрим масалалар бўйича раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан янада мулоқот қилиш учун асос бўлиши мумкин.

4 Аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалаларини етказиш аудитор молиявий ҳисоботларни умуман баҳолаб, фикр шакллантирган контекстда амалга оширилади. Аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалаларини етказиш қуйидагилар ўрнига хизмат қилмайди:

   a. Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари раҳбариятдан талаб қиладиган ёки ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун зарур бўлган молиявий ҳисоботлардаги ёритиб беришлар ўрнига;

   b. Муайян аудит топшириғи шароитлари талаб қилганда, 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ аудитор томонидан модификация қилинган фикр билдириш ўрнига;[1]

   c. Ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд бўлганда, 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[2] га мувофиқ хулоса бериш ўрнига; ёки

   d. Алоҳида масалалар бўйича алоҳида фикр. (А5–А8-бандларга қаранг)

5 Ушбу АХС листингга кирган ташкилотларнинг умумий мақсадли молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламининг аудитига ва аудитор аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалаларини етказишга бошқача қарор қилган ҳолатларга қўлланилади. Ушбу АХС, шунингдек, қонун ёки норматив ҳужжатлар аудитордан аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалаларини етказишни талаб қилганда ҳам қўлланилади.[3] Бироқ, 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитор молиявий ҳисоботлар бўйича фикр билдиришдан воз кечганда аудитнинг асосий масалаларини етказишни, агар бундай ҳисобот бериш қонун ёки норматив ҳужжатлар билан талаб қилинмаса, тақиқлайди.[4]

Кучга кириш санаси

6 Ушбу АХС 2016 йил 15 декабрдан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисоботлар аудитига нисбатан амал қилади.

Мақсадлар

7 Аудиторнинг мақсадлари аудитнинг асосий масалаларини аниқлаш ва молиявий ҳисоботлар бўйича фикр шакллантирган ҳолда, ушбу масалаларни аудиторлик хулосасида тавсифлаш орқали етказишдан иборат.

Таъриф

8 АХС мақсадларида қуйидаги атама мазкур маънога эга:

Аудитнинг асосий масалалари — аудиторнинг профессионал мулоҳазасига кўра, жорий давр молиявий ҳисоботлари аудитида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар. Аудитнинг асосий масалалари бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилинган масалалардан танланади.

Талаблар

Аудитнинг асосий масалаларини аниқлаш

9 Аудитор бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилинган масалалардан аудитни ўтказишда аудитор диққатини талаб қилган аҳамиятли масалаларни аниқлаши лозим. Бу аниқлашни амалга оширишда аудитор қуйидагиларни инобатга олиши лозим: (А9–А18-бандларга қаранг)

---

1 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Мустақил Аудиторлик хулосаси (ҳисоботи)даги фикрни модификация қилиш"*

2 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Фаолият узлуксизлиги"*, 22–23-бандлар

3 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Молиявий ҳисоботлар бўйича фикр шакллантириш ва хулоса (ҳисобот) бериш"*, 30-31-бандлар

4 *705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 29-банд*

a. Муҳим бузиб кўрсатиш рискини юқори деб баҳо берилган соҳалар ёки 315-сон АХС (2019 йилда Қайта таҳрирланган) га мувофиқ аниқланган муҳим рисклар.[5] (А19–А22-бандларга қаранг)

b. Раҳбариятнинг муҳим мулоҳазаларини ўз ичига олган молиявий ҳисоботлар соҳалари билан боғлиқ муҳим аудитор мулоҳазалари, жумладан, баҳолаш ноаниқлиги юқори даражада бўлган ҳисоб баҳолари. (А23–А24-бандларга қаранг)

c. Давр мобайнида содир бўлган аҳамиятли ҳодисалар ёки операцияларнинг аудитга таъсири. (А25–А26-бандларга қаранг)

10 Аудитор 9-бандга мувофиқ аниқланган масалалардан қайсилари жорий давр молиявий ҳисоботлари аудитида энг муҳим аҳамиятга эга бўлганини ва шу сабабли аудитнинг асосий масалалари эканини аниқлаши лозим. (А9–А11, А27–А30-бандларга қаранг)

Аудитнинг асосий масалаларини етказиш

11 Аудитор ҳар бир аудитнинг асосий масаласини, 14 ёки 15-бандларда кўрсатилган ҳолатлар қўлланилмаса, мувофиқ кичик сарлавҳа ишлатиб, аудиторлик хулосасининг "Аудитнинг асосий масалалари" сарлавҳаси остидаги алоҳида бандида тавсифлаши лозим. Ушбу банднинг кириш қисмида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

a. Аудитнинг асосий масалалари аудиторнинг профессионал мулоҳазасига кўра, [жорий давр] молиявий ҳисоботлари аудитида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар эканлиги; ва

b. Ушбу масалалар молиявий ҳисоботларнинг умумий аудити контекстида ва аудиторнинг улар бўйича фикрини шакллантиришда кўриб чиқилган бўлиб, аудитор бу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмайди. (А31–А33-бандларга қаранг)

Аудитнинг асосий масалалари модификация қилинган фикр билдириш ўрнига хизмат қилмайди

12 Агар масала туфайли аудитор 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ фикрни модификация қилиши талаб қилинса, аудитор ушбу масалани аудиторлик хулосасининг "Аудитнинг асосий масалалари" бандида хабар қилмаслиги лозим. (А5-бандга қаранг)

Алоҳида аудитнинг асосий масалаларининг тавсифи

13 Аудиторлик хулосасининг "Аудитнинг асосий масалалари" бандида ҳар бир аудитнинг асосий масаласининг тавсифи, агар мавжуд бўлса, молиявий ҳисоботлардаги тегишли ёритиб бериш(лар)га ишорани ўз ичига олиши ва қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим: (А34–А41-бандларга қаранг)

a. Масала нега аудитда энг муҳим аҳамиятга эга деб ҳисобланган ва шу сабабли аудитнинг асосий масаласи сифатида аниқланганлиги; ва (А42–А45-бандларга қаранг)

b. Масала аудитда қандай кўриб чиқилганлиги. (А46–А51-бандларга қаранг)

Аудитнинг асосий масаласи сифатида аниқланган масала аудиторлик хулосасида етказилмайдиган ҳолатлар

14 Аудитор ҳар бир аудитнинг асосий масаласини аудиторлик хулосасида тавсифлаши лозим, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно: (А53–А56-бандларга қаранг)

a. Қонун ёки норматив ҳужжатлар масала ҳақида оммавий ёритиб беришни тақиқласа; ёки (А52-бандга қаранг)

b. Жуда камдан-кам ҳолатларда, аудитор масалани аудиторлик хулосасида етказмасликка қарор қилса, чунки бундай қилишнинг салбий оқибатлари ушбу маълумотни етказишнинг жамоат манфаатлари учун фойдасидан кўпроқ бўлиши мумкин деб асосли равишда кутилса. Агар ташкилот масала ҳақида оммавий маълумот ёритган бўлса, бу қоида қўлланилмайди.

Аудитнинг асосий масалаларининг тавсифи ва аудиторлик хулосасида кўрсатилиши талаб қилинадиган бошқа элементлар ўртасидаги ўзаро таъсир

15 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ модификация қилинган фикрга сабаб бўлган масала ёки 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик ўз характерига кўра аудитнинг асосий масалаларидир. Бироқ, бундай ҳолатларда ушбу масалалар аудиторлик хулосасининг "Аудитнинг асосий масалалари" бандида тавсифланмаслиги лозим ва 13–14-бандлардаги талаблар қўлланилмайди. Бундан кўра, аудитор қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

(a) Ушбу масала(лар)ни тегишли АХС (лар)га мувофиқ хулоса қилиш; ва

(b) "Аудитнинг асосий масалалари" бандида "Изоҳлар билан (салбий) фикр билдириш учун асос" ёки "Фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик" банд(лар)ига ишорани киритиш. (А6–А7-бандларга қаранг)

---

[5] *315-сон АХС (2019 йилда қайта кўриб чиқилган), "Муҳимлиги баланд бўлган нотўғри кўрсатиш рискиларини аниқлаш ва уларга баҳо бериш"*

Бошқа ҳолатларда "Аудитнинг асосий масалалари" бандининг шакли ва мазмуни

16 Агар аудитор ташкилот ва аудитнинг фактлари ва шароитларига қараб, етказиш учун аудитнинг асосий масалалари йўқлигини ёки етказилган ягона аудитнинг асосий масалалари 15-бандда кўриб чиқилган масалалар эканини аниқласа, аудитор бу ҳақда "Аудитнинг асосий масалалари" сарлавҳаси остидаги аудиторлик хулосасининг алоҳида бандида баёнот киритиши лозим. (А57–А59-бандларга қаранг)

Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот

17 Аудитор бошқарув учун масъул шахслар билан қуйидагиларни мулоқот қилиши лозим:

a. Аудитор аудитнинг асосий масалалари деб аниқлаган масалалар; ёки

b. Агар қўлланилса, ташкилот ва аудитнинг фактлари ва шароитларига қараб, аудиторнинг аудиторлик хулосасида етказиш учун аудитнинг асосий масалалари йўқлиги тўғрисидаги қарори. (А60–А63-бандларга қаранг)

Ҳужжатлаштириш

18 Аудитор аудит ҳужжатларига қуйидагиларни киритиши лозим:[6] (А64-бандга қаранг)

c. 9-бандга мувофиқ аудитор диққатини талаб қилган аҳамиятли масалалар ва аудиторнинг ушбу масалаларнинг ҳар бири 10-бандга мувофиқ аудитнинг асосий масаласи экани ёки эмаслиги тўғрисидаги қароринининг асослари;

d. Агар қўлланилса, аудиторнинг аудиторлик хулосасида етказиш учун аудитнинг асосий масалалари йўқлиги ёки етказиладиган ягона аудитнинг асосий масалалари 15-бандда кўриб чиқилган масалалар экани тўғрисидаги қароринининг асослари; ва

e. Агар қўлланилса, аудиторнинг аудитнинг асосий масаласи деб аниқланган масалани аудиторлик хулосасида етказмаслик тўғрисидаги қароринининг асослари.

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

Ушбу АХСнинг қўллаш доираси (2-бандга қаранг)

А1. Аҳамият масаланинг контекстда олинган нисбий муҳимлиги сифатида тавсифланиши мумкин. Масаланинг аҳамияти аудитор томонидан у кўриб чиқилаётган контекстда баҳоланади. Аҳамият миқдорий ва сифат жиҳатларидан кўриб чиқилиши мумкин, масалан, нисбий катталик, масаланинг характери ва мавзуга таъсири, шунингдек мўлжалланган фойдаланувчилар ёки олувчиларнинг ифода этилган манфаатлари. Бу фактлар ва шароитларнинг холис таҳлилини,жумладан, бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқотнинг характери ва даражасини ўз ичига олади.

А2. Молиявий ҳисоботлар фойдаланувчилари 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[7] талаб қиладиган икки томонлама мулоқот доирасида аудитор бошқарув учун масъул шахслар билан энг мустаҳкам муҳокама қилган масалаларга қизиқиш билдирган ва ушбу мулоқотлар ҳақида қўшимча шаффофлик талаб қилган. Масалан, фойдаланувчилар аудиторнинг молиявий ҳисоботлар бўйича умумий фикр шакллантиришда қабул қилган муҳим мулоҳазаларини тушунишга алоҳида қизиқиш билдирган, чунки булар кўпинча молиявий ҳисоботларни тайёрлашда раҳбариятнинг муҳим мулоҳазалари билан боғлиқ соҳаларга алоқадор.

А3. Аудиторлардан аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалаларини етказишни талаб қилиш аудитор ва бошқарув учун масъул шахслар ўртасидаги ушбу масалалар бўйича мулоқотни яхшилаши мумкин, шунингдек раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг аудиторлик хулосасида ишора қилинган молиявий ҳисоботлардаги ёритиб беришларга эътиборини ошириши мумкин.

А4. 320-сон АХС[8] да аудитор молиявий ҳисоботлар фойдаланувчилари қуйидагиларни назарда тутиши мумкин деб ҳисоблаш оқилона эканлиги тушунтирилади:

(a) Бизнес ва иқтисодий фаолият, шунингдек бухгалтерия ҳисоби бўйича оқилона билимга эга бўлиб, молиявий ҳисоботлардаги маълумотларни оқилона эътибор билан ўрганишга тайёр бўлиш;

(b) Молиявий ҳисоботлар муҳимлик даражаларига кўра тайёрланади, тақдим этилади ва аудит қилинади деб тушуниш;

(c) Баҳолар, мулоҳазалар ва келажакдаги ҳодисаларни инобатга олишга асосланган миқдорларни ўлчашда мавжуд бўлган ноаниқликларни тан олиш; ва

(d) Молиявий ҳисоботлардаги маълумотлар асосида оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилиш.

Аудиторлик хулосаси аудит қилинган молиявий ҳисоботлар билан бирга тақдим этилганлиги сабабли, аудиторлик хулосаси фойдаланувчилари молиявий ҳисоботларнинг мўлжалланган фойдаланувчилари билан бир хил деб ҳисобланади.

---

[6] 230-сон АХС, Аудит ҳужжатлари, 8–11 ва А6-бандларга қаранг

[7] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Корпоратив бошқарув учун жавобгар шахслар билан мулоқот"*

[8] 320-сон АХС, Аудитни режалаштиришда ва ўтказишда муҳимликни баҳолаш, 4-банд

Аудитнинг асосий масалалари, аудитор фикри ва аудиторлик хулосасининг бошқа элементлари ўртасидаги алоқа (4, 12, 15-бандларга қаранг)

A5. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) молиявий ҳисоботлар бўйича фикр шакллантириш бўйича талабларни белгилайди ва кўрсатмалар беради.[9] Аудитнинг асосий масалаларини етказиш қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари раҳбариятдан талаб қиладиган ёки ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун зарур бўлган молиявий ҳисоботлардаги ёритиб беришлар ўрнини босмайди. 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитор молиявий ҳисоботлардаги ёритиб беришларнинг тўғри ёки етарли эмаслиги билан боғлиқ муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келган ҳолатларни кўриб чиқади.[10]

A6. Агар аудитор 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ изоҳлар билан ёки салбий фикр билдирса, модификация қилинган фикрга сабаб бўлган масаланинг тавсифини “Изоҳлар билан (салбий) фикр билдириш учун асос” бандида тақдим этиш мўлжалланган фойдаланувчиларнинг тушунишини оширишга ва бундай ҳолатлар юзага келганда уларни аниқлашга ёрдам беради. Бу масаланинг мулоқотини “Аудитнинг асосий масалалари” бандида тавсифланган бошқа аудитнинг асосий масалаларидан ажратиш унга аудиторлик хулосасида тегишли даражада эътибор қаратилишини таъминлайди (15-бандга қаранг). 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) нинг Иловасида аудитор изоҳлар билан ёки салбий фикр билдирганда ва аудиторлик хулосасида бошқа аудитнинг асосий масалалари етказилганда “Аудитнинг асосий масалалари” бандининг кириш қисми қандай таъсирланишига доир намунавий мисоллар мавжуд. Ушбу АХСнинг А58-банди аудитор “Изоҳлар билан (салбий) фикр билдириш учун асос” банди ёки аудиторлик хулосасининг “Фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик” бандида кўриб чиқилган масалалардан ташқари аудиторлик хулосасида етказиш учун бошқа аудитнинг асосий масалалари мавжуд эмаслигини аниқлаганда “Аудитнинг асосий масалалари” банди қандай тақдим этилишини кўрсатади.

A7. Агар аудитор изоҳлар билан ёки салбий фикр билдирса, бошқа аудитнинг асосий масалаларини етказиш мўлжалланган фойдаланувчиларнинг аудитни тушунишини ошириш учун ҳамон долзарб бўлиб қолади, шу сабабли аудитнинг асосий масалаларини аниқлаш талаблари қўлланилади. Бироқ, салбий фикр аудитор бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки умумий ҳисобда молиявий ҳисоботлар учун муҳим ва кенг тарқалган деб хулосага келган ҳолатларда билдирилганлиги сабабли:[11]

(a) Салбий фикрга сабаб бўлган масала(лар)нинг аҳамиятига қараб, аудитор бошқа ҳеч қандай масалалар аудитнинг асосий масалалари эмас деб аниқлаши мумкин. Бундай ҳолатларда 15-банддаги талаб қўлланилади (А58-бандга қаранг).

(b) Агар салбий фикрга сабаб бўлган масала(лар)дан ташқари бир ёки бир нечта масалалар аудитнинг асосий масалалари деб аниқланса, бундай бошқа аудитнинг асосий масалаларининг тавсифлари салбий фикрни инобатга олганда, молиявий ҳисоботларнинг умумий ҳолда ушбу масалалар бўйича вазиятга нисбатан муносиб бўлганидан кўра кўпроқ ишончли эканини билвосита кўрсатмаслиги алоҳида муҳимдир (А47-бандга қаранг).

A8. 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[12] барча ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудиторлари учун, агар аудитор бундай қилишни зарур деб билса аудиторлик хулосасида “Алоҳида масалалар” бандлари ва “Бошқа масалалар” бандлари орқали қўшимча мулоқотни таъминлаш механизмларини белгилайди. Бундай ҳолатларда ушбу бандлар аудиторлик хулосасининг “Аудитнинг асосий масалалари” бандидан алоҳида тақдим этилади. Агар масала аудитнинг асосий масаласи деб аниқланган бўлса, бундай бандлардан фойдаланиш 13-бандга мувофиқ алоҳида аудитнинг асосий масаласининг тавсифи ўрнини босмайди.[13] 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитнинг асосий масалалари ва ушбу АХСга мувофиқ “Алоҳида масалалар” бандлари ўртасидаги алоқа бўйича қўшимча кўрсатмалар беради.[14]

Аудитнинг асосий масалаларини аниқлаш (9–10-бандларга қаранг)

A9. Аудиторнинг аудитнинг асосий масалаларини аниқлашда қарор қабул қилиш тартиб-таомили бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилинган масалалардан, аудиторнинг жорий давр молиявий ҳисоботлари аудитида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар тўғрисидаги мулоҳазасига асосланиб, камроқ миқдордаги масалаларни танлашга қаратилган.

---

[9] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 10–15 ва А1–А15 бандлар

[10] 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), А7 бандига қаранг

[11] 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 8-банд

[12] 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган), “Аудиторлик хулосаси (ҳисоботи)да муҳим масалани тушунтиришш бандлари ва бошқа масалалар бандлари”

[13] 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 8(b) ва 10(b)-бандларга қаранг

[14] 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган), А1–А3-бандлар

A10. Аудиторнинг аудитнинг асосий масалаларини аниқлаши, ҳатто қиёсий молиявий ҳисоботлар тақдим этилган бўлса ҳам (яъни, аудиторнинг фикри молиявий ҳисоботлар тақдим этилган ҳар бир даврга ишора қилса ҳам)[15] , жорий давр молиявий ҳисоботлари аудитида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар билан чекланади.

A11. Аудиторнинг аудитнинг асосий масалаларини аниқлаши жорий давр молиявий ҳисоботлари аудитига қаратилган бўлиб, ушбу АХС аудитордан ўтган давр аудиторлик хулосасида кўрсатилган аудитнинг асосий масалаларини янгиллашни талаб қилмаса-да, ўтган давр молиявий ҳисоботлари аудитида аудитнинг асосий масаласи бўлган масала жорий давр молиявий ҳисоботлари аудитида ҳам аудитнинг асосий масаласи бўлиб қолиши мумкинлигини кўриб чиқиш аудитор учун фойдали бўлиши мумкин.

Аудитор аҳамиятли диққатини талаб қилган масалалар (9-бандга қаранг)

A12. Аудиторнинг аҳамиятли диққати тушунчаси аудитнинг рискга асосланганлигини ва молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатиш рискиларини аниқлаш ва уларга баҳо бериш, ушбу рискларга жавоб берадиган аудит тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек аудитор фикри учун асос бўладиган етарли ва муносиб аудит далилларини олишга қаратилганлигини тан олади. Муайян ҳисоб қолдиғи, операциялар тури ёки маълумотларни ёритиб бериш учун тасдиқлар даражасида муҳим бузиб кўрсатиш риски қанчалик юқори бўлса, аудит тартиб-таомилларини режалаштириш ва амалга ошириш, шунингдек натижаларни баҳолашда мулоҳаза юритиш кўпинча шунчалик кўпроқ талаб қилинади. Қўшимча аудит тартиб-таомилларини ишлаб чиқишда аудитор рискни баҳолаш даражаси юқори бўлганда кўпроқ ишончли аудит далилларини олишга мажбурдир.[16] Рискни юқори баҳолаш сабабли кўпроқ ишончли аудит далилларини олишда аудитор далиллар миқдорини ошириши ёки кўпроқ мувофиқ ёки ишончли далиллар олиши мумкин, масалан, учинчи томон далилларини олишга кўпроқ эътибор қаратиш ёки бир нечта мустақил манбалардан тасдиқловчи далиллар олиш орқали.[17]

A13. Шунга кўра, аудитор учун етарли ва муносиб аудит далилларини олишда қийинчиликлар туғдирадиган ёки молиявий ҳисоботлар бўйича фикр шакллантиришда муаммолар келтириб чиқарадиган масалалар аудиторнинг аудитнинг асосий масалаларини аниқлашида алоҳида аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

A14. Аудиторнинг аҳамиятли диққати соҳалари кўпинча молиявий ҳисоботлардаги мураккаблик ва раҳбариятнинг муҳим мулоҳазалари билан боғлиқ соҳаларга тааллуқли бўлиб, шу сабабли кўпинча аудиторнинг қийин ёки мураккаб мулоҳазаларини талаб қилади. Бу ўз навбатида, кўпинча аудиторнинг умумий аудит стратегиясига, ресурслар тақсимотига ва бундай масалаларга нисбатан аудит кўламига таъсир қилади. Бу таъсирлар, масалан, аудит топшириғида юқори мартабали ходимларнинг иштирок этиш даражасини ёки аудит фирмаси томонидан ушбу соҳаларни кўриб чиқиш учун жалб қилинган ёки ишга қабул қилинган аудитор эксперти ёки бухгалтерия ёки аудитнинг махсус соҳасида тажрибага эга шахсларнинг иштирокини ўз ичига олиши мумкин.

A15. Турли АХСлар бошқарув учун масъул шахслар ва бошқалар билан аҳамиятли аудитор диққати соҳаларига тааллуқли бўлиши мумкин бўлган махсус мулоқотларни талаб қилади. Масалан:

- 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитордан аудит жараёнида дуч келган муҳим қийинчиликларни, агар мавжуд бўлса, бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилишни талаб қилади.[18] АХСлар, масалан, қуйидагиларга нисбатан потенциал қийинчиликларни тан олади:
  - Боғлиқ томонлар билан операциялар,[19] хусусан, аудиторнинг боғлиқ томон операциясининг (нархдан ташқари) бошқа барча жиҳатлари ўхшаш бозор шартларидаги операцияга эквивалент эканлигига доир аудит далилларини олиш имкониятининг чекланганлиги.
  - Гуруҳ аудитидаги чекловлар, масалан, маълумот ёки шахсларга кириш чекланган бўлса.[20]
- 220-сон АХС (Қайта таҳрирланган) топшириқ раҳбари учун қийин ёки низоли масалалар, фирма сиёсати ёки тартиб-таомиллари маслахатлашишни талаб қиладиган масалалар[21] ва топшириқ раҳбарининг профессионал мулоҳазасига кўра маслахатлашишни талаб қиладиган бошқа масалалар бўйича тегишли маслаҳатлашувлар ўтказишга доир талабларни белгилайди. Масалан, аудитор фирма

---

15 710-сон АХС, *"Қиёсий маълумот — мувофиқ рақамлар ва қиёсий молиявий ҳисоботлар"*га қаранг.

16 330-сон АХС, *"Баҳоланган хавфларга аудиторнинг жавоблари"*, 7(b)-банд

17 330-сон АХС, A19-банд

18 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 16(b) ва A21-бандлар

19 550-сон АХС, Алоқадор томонлар, A42-банд

20 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган), "Гуруҳ молиявий ҳисоботлари аудити (бўлим аудиторлари ишини ўз ичига олади) учун махсус мулоҳазалар", 57(c)-банд

21 220-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Молиявий ҳисоботлар аудитида сифат бошқаруви"*, 35-банд

ичида ёки ташқаридаги бошқалар билан муҳим техник масала бўйича маслаҳатлашган бўлиши мумкин, бу унинг аудитнинг асосий масаласи эканининг кўрсаткичи бўлиши мумкин. Топшириқ раҳбари, бундан ташқари, аудит топшириғи давомида юзага келган муҳим масалалар ва муҳим мулоҳазаларни, жумладан, топшириқ сифатини кўриб чиқувчи билан муҳокама қилиши талаб қилинади.[22]

Аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қилган масалаларни аниқлашдаги мулоҳазалар (9-бандга қаранг)

A16. Аудитор режалаштириш босқичида аудитда аҳамиятли аудитор диққати соҳалари бўлиши мумкин бўлган ва шу сабабли аудитнинг асосий масалалари бўлиши мумкин бўлган масалалар ҳақида дастлабки фикрни ишлаб чиқиши мумкин. Аудитор буни 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддатини муҳокама қилганда бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилиши мумкин. Бироқ, аудиторнинг аудитнинг асосий масалаларини аниқлаши аудит натижаларига ёки аудит давомида олинган далилларга асосланади.

A17. 9-банд аудиторнинг аҳамиятли аудитор диққатини талаб қилган масалаларни аниқлашида махсус талаб қилинадиган мулоҳазаларни ўз ичига олади. Ушбу мулоҳазалар бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилинган масалаларнинг характерига қаратилган бўлиб, кўпинча молиявий ҳисоботларда ёритиб берилган масалалар билан боғлиқ ва молиявий ҳисоботлар аудитининг мўлжалланган фойдаланувчилар учун алоҳида қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган соҳаларни акс эттиришга хизмат қилади. Ушбу мулоҳазалар талаб қилинаётгани уларга алоқадор масалалар доимо аудитнинг асосий масалалари эканини англатиш учун эмас; аксинча, бундай махсус мулоҳазаларга алоқадор масалалар фақат 10-бандга мувофиқ аудитда энг муҳим аҳамиятга эга деб аниқланганда аудитнинг асосий масалалари бўлади. Мулоҳазалар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиши мумкин (масалан, 9(b)-(c)-бандларда тавсифланган ҳолатларга оид масалалар муҳим рисклар сифатида ҳам аниқланиши мумкин), шу сабабли бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилинган муайян масалага бирдан ортиқ мулоҳаза қўлланилиши аудиторнинг ушбу масалани аудитнинг асосий масаласи сифатида аниқлаш эҳтимолини ошириши мумкин.

A18. 9-бандда кўрсатилган махсус талаб қилинадиган мулоҳазаларга алоқадор масалалардан ташқари, бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилинган, аҳамиятли аудитор диққатини талаб қилган ва шу сабабли 10-бандга мувофиқ аудитнинг асосий масалалари деб аниқланиши мумкин бўлган бошқа масалалар ҳам бўлиши мумкин. Бундай масалалар, масалан, ўтказилган аудит билан боғлиқ, лекин молиявий ҳисоботларда ёритиб берилиши талаб қилинмаган масалаларни ўз ичига олиши мумкин. Мисол учун, давр мобайнида янги АТ тизимининг жорий қилиниши (ёки мавжуд АТ тизимидаги муҳим ўзгаришлар) аҳамиятли аудитор диққати соҳаси бўлиши мумкин, айниқса, бундай ўзгариш аудиторнинг умумий аудит стратегиясига аҳамиятли таъсир кўрсатган бўлса ёки муҳим риск билан боғлиқ бўлса (масалан, даромадни тан олишга таъсир қилувчи тизим ўзгаришлари).

Муҳим бузиб кўрсатиш риски юқори деб баҳо берилган соҳалар ёки 315-сон АХС (2019 йилда қайта таҳрирланган) га мувофиқ аниқланган муҳим рисклар (9(a)-бандга қаранг)

A19. 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитордан бошқарув учун масъул шахслар билан аудитор томонидан аниқланган муҳим рисклар ҳақида мулоқот қилишни талаб қилади.[23] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг A13-бандида аудитор бошқарув учун масъул шахслар билан муҳим бузиб кўрсатиш риски юқори деб баҳоланган соҳаларни қандай кўриб чиқишни режалаштираётгани ҳақида ҳам мулоқот қилиши мумкинлиги тушунтирилади.

A20. 315-сон АХС (2019 йилда қайта таҳрирланган) аҳамиятли рискни муҳим бузиб кўрсатиш риски сифатида аниқлайди, бунда ажралмас риск омиллари бузиб кўрсатиш юзага келиш эҳтимоли ва агар бундай бузиб кўрсатиш юзага келган тақдирда потенциал бузиб кўрсатишнинг катталигига таъсир қилиш даражасига қараб ажралмас рискни баҳолаш ажралмас риск спекторининг юқори чегарасига яқин бўлади.[24] Раҳбариятнинг аҳамиятли мулоҳазалари соҳалари ва аҳамиятли ноодатий операциялар кўпинча аҳамиятли рисклар сифатида аниқланади. Шу сабабли аҳамиятли рисклар аксарият ҳолларда аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қиладиган соҳалардир.

A21. Бироқ, бу барча аҳамиятли рискларга нисбатан тўғри келмаслиги мумкин. Масалан, 240-сон АХС даромадни тан олишда фирибгарлик рисклар мавжуд деб фараз қилади ва аудитордан фирибгарлик сабабли муҳим бузиб кўрсатиш риски деб баҳоланган ушбу рискларни аҳамиятли рисклар сифатида кўриб чиқишни талаб

---

[22] 220-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 36-банд

[23] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 15-банд

[24] 315-сон АХС (2019 йилда қайта кўриб чиқилган), 12(l)-банд

қилади.[25] Бундан ташқари, 240-сон АХС раҳбариятнинг назоратни четлаб ўтиши кутилмаган тарзда юзага келиши мумкинлиги сабабли, бу фирибгарлик туфайли муҳим бузиб кўрсатиш риск эканлигини ва шу сабабли аҳамиятли риск эканини кўрсатади.[26] Ушбу рискларнинг характерига қараб, улар аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қилмаслиги мумкин ва шу сабабли 10-бандга мувофиқ аудиторнинг аудитнинг асосий масалаларини аниқлашида кўриб чиқилмайди.

А22. 315-сон АХС (2019 йилда қайта таҳрирланган) аудиторнинг тасдиқлар даражасида муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолаш аудит жараёнида қўшимча аудитор далиллари олиниши билан ўзгариши мумкинлигини тушунтиради.[27] Аудиторнинг рискни баҳолашни қайта кўриб чиқиши ва молиявий ҳисоботнинг муайян соҳасига нисбатан режалаштирилган аудиторлик тартиб-таомилларини қайта баҳолаш (яъни, аудит ёндашувида аҳамиятли ўзгариш, масалан, агар аудиторнинг рискни баҳолаши муайян назоратлар самарали ишлаётганлигига умид қилишга асосланган бўлса ва аудитор ушбу назоратлар аудит даври мобайнида, айниқса муҳим бузиб кўрсатиш риски юқори деб баҳоланган соҳада, самарали ишламаётганига доир аудит далилларини олган бўлса) натижасида ушбу соҳа аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қиладиган соҳа сифатида аниқланиши мумкин.

Молиявий ҳисоботда раҳбариятнинг аҳамиятли мулоҳазаларини ўз ичига олган соҳалар, жумладан баҳолаш ноаниқлиги юқори даражада бўлган ҳисоб баҳолари билан боғлиқ аҳамиятли аудитор мулоҳазалари (9(b)-бандга қаранг)

А23. 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитордан бошқарув учун масъул шахслар билан ташкилотнинг бухгалтерия амалиётининг аҳамиятли сифат жиҳатлари, жумладан ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолари ва молиявий ҳисоботдаги ёритиб беришлар ҳақидаги аудитор нуқтаи назари бўйича мулоқот ўрнатишни талаб қилади.[28] Кўп ҳолларда бу аҳамиятли ҳисоб баҳолари ва уларга алоқадор ёритиб беришлар билан боғлиқ бўлиб, улар аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қиладиган соҳалари бўлиши эҳтимоли юқори ва аҳамиятли рисклар сифатида ҳам аниқланиши мумкин.

А24. Молиявий ҳисобот фойдаланувчилари баҳолаш ноаниқлиги юқори даражада бўлган ҳисоб баҳоларига (540-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га қаранг[29]) қизиқишларини таъкидлаганлар, бу ҳисоб баҳолари аҳамиятли рисклар сифатида белгиланмаган бўлиши мумкин. Бошқа нарсалар қаторида, бундай ҳисоб баҳолари раҳбарият мулоҳазасига юқори даражада боғлиқ бўлиб, кўпинча молиявий ҳисоботнинг энг мураккаб соҳаларидир ва раҳбарият эксперти, шунингдек аудитор экспертининг иштирокини талаб қилиши мумкин. Фойдаланувчилар, шунингдек, молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсатадиган ҳисоб сиёсати (ва ушбу сиёсатлардаги муҳим ўзгаришлар) уларнинг молиявий ҳисоботни тушуниши учун муҳим эканини таъкидлаганлар, айниқса ташкилотнинг амалиёти ўз соҳасидаги бошқалар билан мос келмаган ҳолатларда.

Давр мобайнида содир бўлган аҳамиятли ҳодисалар ёки операцияларнинг аудитга таъсири (9(c)-бандга қаранг)

А25. Молиявий ҳисоботга ёки аудитга аҳамиятли таъсир кўрсатган ҳодисалар ёки операциялар аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қиладиган соҳалари бўлиши мумкин ва аҳамиятли рисклар сифатида аниқланиши мумкин. Масалан, аудитор аудитнинг турли босқичларида раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан боғлиқ томонлар билан аҳамиятли операциялар ёки ташкилот учун одатий бизнес жараёнидан ташқаридаги аҳамиятли операциялар ёки ноодатий кўринадиган операцияларнинг молиявий ҳисоботга таъсири ҳақида кенг муҳокамалар ўтказган бўлиши мумкин.[30] Раҳбарият бундай операцияларни тан олиш, баҳолаш, тақдим этиш ёки ёритиб беришда қийин ёки мураккаб мулоҳазалар қабул қилган бўлиши мумкин, бу аудиторнинг умумий стратегиясига аҳамиятли таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

А26. Раҳбариятнинг фаразлари ёки мулоҳазаларига таъсир қилган аҳамиятли иқтисодий, бухгалтерия, тартибга солиш, соҳа ёки бошқа ривожланишлар аудиторнинг аудитга умумий ёндашувига таъсир кўрсатиши ва аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қиладиган масалага олиб келиши мумкин.

Юқори аҳамиятга эга масалалар (10-бандга қаранг)

А27. Аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қилган масалалар бошқарув учун масъул шахслар билан аҳамиятли ўзаро таъсирга ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин. Бундай масалалар бўйича бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқотнинг характери ва даражаси кўпинча қайси масалалар аудитда юқори

---

[25] 240-сон АХС, “Аудиторнинг молиявий ҳисоботлар аудитида фирибгарликка оид жавобгарликлари”, 26–27-бандлар

[26] 240-сон АХС, 32-банд

[27] 315-сон АХС (2019 йилда қайта кўриб чиқилган),37-банд

[28] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 16(a)-банд

[29] 540-сон АХС (Қайта таҳрирланган), “Бухгалтерия баҳолари ва уларга алоқадор ёритиб беришлар аудити” 16–17-бандларига қаранг

[30] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 16(a), 16(c), А22-бандлари ва 2-иловасига қаранг

аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Масалан, аудитор у ёки раҳбариятнинг аҳамиятли мулоҳазалари мавзуси бўлган муҳим бухгалтерия сиёсатини қўллаш каби қийин ва мураккаб масалалар бўйича бошқарув учун масъул шахслар билан чуқурроқ, тез-тез ёки мустаҳкамроқ ўзаро мулоқот қилган бўлиши мумкин.

А28. Юқори аҳамиятга эга масалалар тушунчаси ташкилот ва ўтказилган аудит контекстида қўлланилади. Шундай қилиб, аудиторнинг аудитнинг асосий масалаларини аниқлаши ва етказиши аудитга хос масалаларни аниқлашга ва уларнинг аудитдаги бошқа масалаларга нисбатан аҳамияти тўғрисида мулоҳаза юритишни ўз ичига олади.

А29. Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилинган масаланинг нисбий аҳамиятини аниқлаш ва бундай масаланинг аудитнинг асосий масаласи эканини аниқлашда аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа мулоҳазалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Масаланинг мўлжалланган фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботни умумий тушуниши учун аҳамияти, хусусан, унинг молиявий ҳисобот учун муҳимлиги.
- Масалага оид асосий ҳисоб сиёсатининг характери ёки раҳбариятнинг ўз соҳасидаги бошқа ташкилотларга нисбатан мувофиқ сиёсат танлашидаги мураккаблиги ёки субъективлиги.
- Масала билан боғлиқ фирибгарлик ёки хато туфайли тузатилган ва тўпланган тузатилмаган бузиб кўрсатишларнинг миқдорий ёки сифат жиҳатидан характери ва муҳимлиги, агар мавжуд бўлса.
- Масалани кўриб чиқиш учун зарур бўлган аудит кўлами ва характери, жумладан:
- Масалани кўриб чиқиш ёки ушбу жараёнлар натижаларини баҳолаш учун аудит тартиб-таомилларини қўллашда зарур бўлган махсус малака ёки билим даражаси, агар мавжуд бўлса.
- Масала бўйича топшириқ гуруҳидан ташқарида ўтказилган маслаҳатлашувларнинг характери.
- Аудит тартиб-таомилларини қўллаш, ушбу таритб-таомиллар натижаларини баҳолаш ва аудитор фикрига асос бўладиган ўринли ва ишончли далилларни олишдаги қийинчиликларнинг характери ва жиддийлиги, айниқса аудитор мулоҳазалари кўпроқ субъектив бўлганда.
- Масалага алоқадор аниқланган назорат камчиликларининг долзарблиги.
- Масаланинг бир-бири билан боғлиқ, лекин алоҳида аудит мулоҳазаларини ўз ичига олиши. Масалан, узоқ муддатли шартномалар бўйича даромадни тан олиш, даъволар ёки бошқа шартли вазиятлар бўйича аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қилиши мумкин ва бошқа ҳисоб баҳоларига таъсир кўрсатиши мумкин.

А30. Жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қилган масалалардан қайсилари ва қанчаси юқори аҳамиятга эга бўлганини аниқлаш профессионал мулоҳаза масаласидир. Аудиторлик ҳулосасига киритиладиган аудитнинг асосий масалалари сони ташкилотнинг ҳажми ва мураккаблиги, унинг бизнеси ва муҳитининг характери, шунингдек аудит топшириғининг фактлари ва шароитларига таъсир қилиши мумкин. Умуман олганда, дастлаб аудитнинг асосий масалалари деб аниқланган масалалар сони қанчалик кўп бўлса, аудитор ушбу масалаларнинг ҳар бири аудитнинг асосий масаласи таърифига мувофиқлигини қайта кўриб чиқиши керак бўлади. Аудитнинг асосий масалаларининг узун рўйхатлари ушбу масалаларнинг аудитда юқори аҳамиятга эга эканлиги тушунчасига зид бўлиши мумкин.

Аудитнинг асосий масалаларини етказиш

Аудиторлик хулосасида алоҳида "Аудитнинг асосий масалалари" банди (11-бандга қаранг)

А31. Алоҳида "Аудитнинг асосий масалалари" бандини аудитор фикрига яқин жойлаштириш ушбу маълумотга алоҳида эътибор қаратилишига хизмат қилиши ва мўлжалланган фойдаланувчилар учун топшириққа хос маълумотларнинг қийматини эътироф этиши мумкин.

А32. "Аудитнинг асосий масалалари" бандида алоҳида масалаларни тақдим этиш тартиби профессионал мулоҳаза масаласидир. Масалан, бундай маълумотлар аудитор мулоҳазасига асосланиб, нисбий аҳамият тартибида жойлаштирилиши мумкин ёки молиявий ҳисоботда масалалар ёритиб берилган тарзга мувофиқ бўлиши мумкин. 11-банддаги кичик сарлавҳаларни киритиш талаби масалаларни янада фарқлашга хизмат қилади.

А33. Қиёсий молиявий маълумотлар тақдим этилганда, "Аудитнинг асосий масалалари" бандининг кириш қисми тавсифланган аудитнинг асосий масалалари фақат жорий давр молиявий ҳисоботи аудитига тегишли эканига эътибор қаратиш учун мослаштирилади ва ушбу молиявий ҳисобот қамраб олган муайян даврга ҳаволани ўз ичига олиши мумкин (масалан, "20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун").

Алоҳида аудитнинг асосий масалаларининг тавсифи (13-бандга қаранг)

A34. Аудитнинг асосий масаласининг тавсифининг етарлилиги профессионал мулоҳаза масаласидир. Аудитнинг асосий масаласининг тавсифи мўлжалланган фойдаланувчиларга масала нега аудитда юқори аҳамиятга эга бўлгани ва у аудитда қандай кўриб чиқилганини тушуниш имконини бериш учун қисқа ва мутаносиб тушунтириш беришга қаратилган. Юқори даражадаги техник аудит терминларидан фойдаланишни чеклаш, аудит бўйича оқилона билимга эга бўлмаган фойдаланувчиларга аудиторнинг аудит жараёнида муайян масалаларга эътибор қаратгани асосларини тушунишга ёрдам беради. Аудитор томонидан тақдим этилган маълумотларнинг характери ва даражаси тегишли томонларнинг масъулияти контекстида мутаносиб бўлиши мақсад қилинади (яъни, аудитор учун фойдали маълумотларни қисқа ва тушунарли шаклда тақдим этиш, лекин ташкилот ҳақидаги асл маълумотларни ўринсиз равишда тақдим этмаслик).

A35. Асл маълумот — бу ташкилот томонидан оммавий равишда ошкор қилинмаган ташкилотга оид ҳар қандай маълумот (масалан, молиявий ҳисоботда ёки аудиторлик ҳулосаси санасида мавжуд бўлган бошқа маълумотларда кўрсатилмаган, ёки раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар томонидан бошқа оғзаки ёки ёзма мулоқотларда, масалан, молиявий маълумотларнинг дастлабки эълони ёки инвесторлар учун брифингларда кўриб чиқилмаган). Бундай маълумотлар ташкилот раҳбарияти ва бошқарув учун масъул шахсларнинг масъулиятига киради.

A36. Аудитор аудитнинг асосий масаласининг тавсифида ташкилот ҳақида ўринсиз асл маълумотлар берилишидан қочиши ўринли. Аудитнинг асосий масаласининг тавсифи одатда ўзи ташкилот ҳақида асл маълумот бўлмайди, чунки у масалани аудит контекстида тавсифлайди. Бироқ, аудитор масала нега аудитда юқори аҳамиятга эга деб ҳисоблангани ва шу сабабли аудитнинг асосий масаласи сифатида аниқлангани, шунингдек масала аудитда қандай кўриб чиқилганини тушунтириш учун қўшимча маълумотларни киритишни зарур деб билиши мумкин, агар бундай маълумотларни ошкор қилиш қонун ёки норматив ҳужжатлар билан тақиқланмаса. Агар аудитор бундай маълумотлар зарур деб топса, аудитор раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахсларни қўшимча маълумотларни ошкор қилишга ундаши мумкин, бунинг ўрнига аудиторлик хулосасида асл маълумотларни тақдим этмасликка ҳаракат қилади.

A37. Раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар масала аудиторлик хулосасида етказилишини инобатга олиб, молиявий ҳисоботда ёки йиллик ҳисоботнинг бошқа жойларида аудитнинг асосий масаласига оид янги ёки такомиллаштирилган ёритиб беришни қўшишга қарор қилиши мумкин. Бундай янги ёки такомиллаштирилган ёритиб беришлар, масалан, ҳисоб баҳоларида ишлатилган асосий фаразларнинг сезгирлиги тўғрисида кўпроқ мустаҳкам маълумот бериш ёки қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосларида мавжуд бўлган муқобил вариантлар мавжуд бўлганда ташкилотнинг муайян бухгалтерия амалиёти ёки сиёсати учун асосларини таъминлаш учун киритилиши мумкин.

A38. 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) йиллик ҳисобот атамасини таърифлайди ва раҳбарият ҳисоботи, раҳбарият шарҳи, фаолият ва молиявий таҳлил ёки бошқарув учун масъул шахслар томонидан тайёрланган шунга ўхшаш ҳисоботлар (масалан, директорлар ҳисоботи), раис баёноти, корпоратив бошқарув баёноти ёки ички назорат ва рискни баҳолаш ҳисоботлари каби ҳужжатлар йиллик ҳисоботнинг бир қисми бўлиши мумкинлигини тушунтиради.[31] 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) йиллик ҳисоботга киритилган бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади. Аудиторнинг молиявий ҳисобот бўйича фикри бошқа маълумотларни қамраб олмаса-да, аудитор аудитнинг асосий масаласининг тавсифини шакллантиришда ушбу маълумотларни, шунингдек ташкилот томонидан оммавий равишда тақдим этилган бошқа ахборотларни ёки бошқа ишончли манбаларни ҳисобга олиши мумкин.

A39. Аудит жараёнида тайёрланган аудит ҳужжатлари аудиторга аудитнинг асосий масаласининг тавсифини шакллантиришда фойдали бўлиши мумкин. Масалан, бошқарув учун масъул шахслар билан ёзма маълумотлар ёки аудиторнинг оғзаки маълумотларнинг ҳужжатлаштирилиши, шунингдек бошқа аудит ҳужжатлари аудиторнинг аудиторлик хулосасидаги ахбороти учун фойдали асос бўлиб хизмат қилади. Бу 230-сон АХСга мувофиқ аудит ҳужжатлари аудит жараёнида юзага келган аҳамиятли масалаларни, улар бўйича қабул қилинган хулосаларни ва бу хулосаларга эришишда қабул қилинган муҳим профессионал мулоҳазаларни кўриб чиқишга қаратилгани ва ўтказилган аудит жараёнларининг характери, муддати ва даражаси, ушбу жараёнлар натижалари ва олинган аудит далилларининг ёзувлари сифатида хизмат қилиши билан боғлиқ. Бундай ҳужжатлар аудиторга масаланинг аҳамиятини тушунтирувчи аудитнинг асосий масалалари тавсифини ишлаб чиқишда ва 18-банддаги талабни қўллашда ёрдам бериши мумкин.

Молиявий ҳисоботда масала қаерда ёритиб берилганига ҳавола (13-бандга қаранг)

---

[31] 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган), “Йиллик ҳисоботдаги бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг масъулияти”, 12-банд ва А1–А2-бандлар

A40. 13(a)-(b)-бандлар ҳар бир аудитнинг асосий масаласининг тавсифида аудитор масалани нега аудитда юқори аҳамиятга эга деб ҳисоблагани ва масала аудитда қандай кўриб чиқилгани кўрсатилишини талаб қилади. Шунга кўра, аудитнинг асосий масалаларининг тавсифи молиявий ҳисоботда ёритиб берилган маълумотларнинг оддий такрорланиши эмас. Бироқ, тегишли ёритиб бериш(лар)га ҳавола фойдаланувчиларга раҳбариятнинг молиявий ҳисоботни тайёрлашда масалани қандай кўриб чиққанини янада тушуниш имконини беради.

A41. Тегишли ёритиб бериш(лар)га ҳавола қилишдан ташқари, аудитор уларнинг асосий жиҳатларига эътибор қаратиши мумкин. Раҳбарият томонидан муайян масала жорий давр молиявий ҳисоботига қандай таъсир кўрсатаётганига оид аниқ жиҳатлар ёки омиллар тўғрисидаги ёритиб бериш даражаси аудиторга масаланинг аудитда қандай кўриб чиқилганининг аниқ жиҳатларини аниқлашда ёрдам бериши мумкин, бу мўлжалланган фойдаланувчиларга масаланинг нега аудитнинг асосий масаласи эканлигини тушуниш имконини беради. Масалан:

- Ташкилот ҳисоб баҳолари тўғрисида мустаҳкам ёритиб беришни қўшганда, аудитор масаланинг аудитда юқори аҳамиятга эга бўлгани ва унга қандай ёндошилганини кўрсатиш доирасида асосий фаразларнинг ошкор қилиниши, мумкин бўлган натижалар диапазонининг ошкор қилиниши, шунингдек баҳолаш ноаниқлигининг асосий манбалари ёки ҳисоб баҳоларига оид бошқа сифат ва миқдорий ёритиб беришларга эътибор қаратиши мумкин.
- Аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ ташкилотнинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга оид муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келганда, аудитор шунга қарамай 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) доирасидаги аудитор иш кўламидан келиб чиққан ушбу хулоса билан боғлиқ бир ёки бир нечта масалалар аудитнинг асосий масалалари эканини аниқлаши мумкин. Бундай ҳолатларда, аудиторнинг аудиторлик хулосасида бундай аудитнинг асосий масалаларининг тавсифи молиявий ҳисоботда ёритиб берилган ҳодисалар ёки шарт-шароитларнинг жиҳатларини, масалан, катта операцион зарарлар, мавжуд қарз олиш имкониятлари ва қарзни қайта молиялаштириш имконияти ёки қарз шартномаларига риоя қилмаслик, шунингдек уларга тегишли камайтирувчи омилларни ўз ичига олиши мумкин.[32]

Аудитор масалани нега аудитда юқори аҳамиятга эга деб ҳисоблагани (13(a)-бандга қаранг)

A42. Аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масаласининг тавсифи масала нега аудитнинг асосий масаласи сифатида аниқлангани ҳақида тушунча беришга қаратилган. Шунга кўра, 9–10-бандлардаги аудитнинг асосий масалаларини аниқлашга оид талаблар ва A12–A29-бандлардаги қўллаш материаллари аудиторга бундай масалаларни аудиторлик хулосасида қандай етказиш кераклигини кўриб чиқишда ёрдам бериши мумкин. Масалан, аудиторни муайян масала аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қилгани ва аудитда юқори аҳамиятга эга бўлгани хулосасига олиб келган омилларни тушунтириш мўлжалланган фойдаланувчилар учун қизиқарли бўлиши эҳтимоли юқори.

A43. Маълумотнинг мўлжалланган фойдаланувчилар учун ўринлилиги аудитор учун аудитнинг асосий масаласининг тавсифига нимани киритиш кераклигини аниқлашда мулоҳаза юритиладиган омилдир. Бу тавсиф аудитни ва аудитор мулоҳазаларини яхшироқ тушунишга имкон берадими ёки йўқлигини ўз ичига олиши мумкин.

A44. Масалани ташкилотнинг муайян шароитлари билан бевосита боғлаш, бундай тавсифларнинг ортиқча стандартлашиши ва вақт ўтиши билан камроқ фойдали бўлиб қолиши эҳтимолини минималлаштиришга ёрдам бериши мумкин. Масалан, соҳанинг шароитлари ёки молиявий ҳисобот беришнинг асосий мураккаблиги туфайли муайян масалалар бир қатор ташкилотлар бўйича муайян соҳада аудитнинг асосий масалалари сифатида аниқланиши мумкин. Аудитор масалани нега юқори аҳамиятга эга деб ҳисоблаганини тавсифлар экан, ташкилотга хос жиҳатларни (масалан, жорий давр молиявий ҳисоботида қабул қилинган мулоҳазаларга таъсир қилган шароитлар) таъкидлаш тавсифни мўлжалланган фойдаланувчилар учун янада муҳим қилиши мумкин. Бу даврлар давомида такрорланадиган аудитнинг асосий масаласини тавсифлашда ҳам долзарб бўлиши мумкин.

A45. Тавсифда, шунингдек, аудиторни аудит шароитларида масалани юқори аҳамиятга эга деб аниқлашга олиб келган асосий мулоҳазаларга ҳавола қилиниши мумкин, масалан:

- Аудит далилларини олиш қобилиятига таъсир қилган иқтисодий шароитлар, масалан, муайян молиявий инструментлар учун ликвидсиз бозорлар.

---

[32] 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган), А3-бандга қаранг

- Янги ёки такомиллашаётган ҳисоб сиёсатлари, масалан, топшириқ гуруҳи фирма ичида маслаҳатлашган ташкилотга хос ёки соҳага хос масалалар.
- Ташкилотнинг стратегияси ёки бизнес моделидаги молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатган ўзгаришлар.

Масала аудитда қандай кўриб чиқилиши (13(b)-бандга қаранг)

A46. Аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масаласининг аудитда қандай кўриб чиқилганини тавсифлаш учун тақдим этиладиган тафсилотлар миқдори профессионал мулоҳаза масаласидир. 13(b)-бандга мувофиқ, аудитор қуйидагиларни тавсифлаши мумкин:

- Масалага ёки муҳим бузиб кўрсатиш рискини баҳоланган даражасига хос ёки унга муносиб бўлган аудитор жавобининг ёки ёндашувининг жиҳатлари;
- Бажарилган жараёнларнинг қисқача умумий мазмуни;
- Аудитор жараёнларининг натижасини кўрсатиш; ёки
- Масала бўйича асосий кузатувлар ёки ушбу элементларнинг баъзи бирикмаси.

Қонун ёки норматив ҳужжатлар ёки миллий аудит стандартлари аудитнинг асосий масаласининг тавсифи учун муайян шакл ёки мазмунни белгилаши ёки ушбу элементлардан бири ёки бир нечтасини киритишни талаб қилиши мумкин.

A47. Мўлжалланган фойдаланувчиларга аудитнинг асосий масаласининг молиявий ҳисоботни умуман аудит қилиш контекстидаги аҳамиятлилигини, шунингдек аудитнинг асосий масалалари ва аудиторлик хулосасининг бошқа элементлари, жумладан аудитор фикри ўртасидаги алоқани тушуниш учун, аудитнинг асосий масаласининг тавсифида ишлатилган матнда қуйидагиларга эътибор беришни талаб қилиши мумкин:

- Масала аудитор томонидан молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантиришда тўғри ҳал қилинмаганлигини билвосита кўрсатмаслиги керак.
- Масалани ташкилотнинг муайян шароитлари билан бевосита боғлаш, умумий ёки стандартлашган матндан қочиш.
- Агар мавжуд бўлса, молиявий ҳисоботдаги тегишли ёритиб бериш(лар)да масала қандай кўриб чиқилганини инобатга олиш.
- Молиявий ҳисоботнинг алоҳида элементлари бўйича алоҳида фикрларни ўз ичига олмаслиги ёки билвосита кўрсатмаслиги керак.

A48. Масалага аудиторнинг жавоби ёки ёндашувининг жиҳатларини тавсифлаш, айниқса аудит ёндашуви ташкилотнинг фактлари ва шароитларига кўра аҳамиятли даражада мослаштиришни талаб қилганда, мўлжалланган фойдаланувчиларга ноодатий шароитларни ва муҳим бузиб кўрсатиш рискини бартараф этиш учун зарур бўлган аудиторнинг аҳамиятли мулоҳазаларини тушунишда ёрдам бериши мумкин. Бундан ташқари, муайян даврдаги аудит ёндашувига ташкилотга хос шароитлар, иқтисодий вазият ёки соҳа ривожланиши таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Аудиторга масала бўйича бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқотларнинг характери ва даражасига ҳавола қилиш ҳам фойдали бўлиши мумкин.

A49. Масалан, баҳоланиши ноаниқлиги юқори бўлган ҳисоб баҳолари, жумладан, мураккаб молиявий инструментларни баҳолаш каби масалада аудиторнинг ёндашувини тавсифлар экан, аудитор ўзи жалб қилган ёки ишга қабул қилган аудитор экспертидан фойдаланганини таъкидлашни хоҳлаши мумкин. Аудитор экспертидан фойдаланишга бундай ҳавола аудиторнинг молиявий ҳисобот бўйича фикр учун масъулиятини камайтирмайди ва шу сабабли 620-сон АХС нинг 14–15-бандларига зид эмас.[33]

A50. Аудитор тартиб-таомилларни тавсифлаш, айниқса аудитнинг мураккаб, мулоҳазали соҳаларида қийинчиликлар туғдириши мумкин. Хусусан, бажарилган тартиб-таомилларни баҳоланган муҳим бузиб кўрсатиш рискига аудитор жавобининг характери ва даражасини, шунингдек ўз ичига олинган аудиторнинг аҳамиятли мулоҳазаларини етарли даражада етказадиган қисқа шаклда умумлаштириш қийин бўлиши мумкин. Шунга қарамай, аудитор масаланинг аудитда қандай кўриб чиқилганини етказиш учун муайян жараёнларни тавсифлашни зарур деб билиши мумкин. Бундай тавсиф одатда жараёнларнинг батафсил тавсифини ўз ичига олмасдан юқори даражада бўлиши мумкин.

A51. A46-бандда қайд этилганидек, аудитор аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масаласининг тавсифида аудитор жавобининг натижасига ҳавола қилиши мумкин. Бироқ, агар бу амалга оширилса, тавсиф алоҳида аудитнинг асосий масаласи бўйича мустақил фикр билдираётгандай таассурот уйғотмаслиги ёки молиявий ҳисобот бўйича аудитор фикрига шубҳа туғдирмаслиги учун эҳтиёткорлик талаб қилинади.

---

[33] 620-сон АХС, “Аудиторнинг экспертидан фойдаланиш”

Аудитнинг асосий масаласи деб аниқланган масала аудиторлик хулосасида етказилмайдиган ҳолатлар (14-бандга қаранг)

A52. Қонун ёки норматив ҳужжатлар раҳбарият ёки аудитор томонидан аудитнинг асосий масаласи деб аниқланган муайян масала ҳақида оммавий ошкор қилишни тақиқлаши мумкин. Масалан, қонун ёки норматив ҳужжатлар тегишли орган томонидан ҳақиқий ёки гумон қилинган ноқонуний ҳаракат (масалан, пул ювиш билан боғлиқ ёки шунга ўхшаш кўринадиган масалалар) бўйича ўтказилаётган терговга путур етказиши мумкин бўлган оммавий ахборотни махсус тақиқлаши мумкин

A53. 14(b)-бандда кўрсатилганидек, аудитнинг асосий масаласи деб аниқланган масаланинг аудиторлик хулосасида етказилмаслиги жуда камдан-кам ҳолат бўлади. Бу мўлжалланган фойдаланувчилар учун аудит ҳақида кўпроқ шаффофлик таъминлашда жамоат манфаати фойдаси бор деб ҳисобланади. Шунга кўра, аудитнинг асосий масаласини етказмаслик тўғрисидаги қарор фақат бундай ахборот натижасида ташкилот ёки жамоат учун салбий оқибатлар шу қадар аҳамиятли деб баҳоланса, улар масала ҳақида ахборот бериш жамоат манфаати фойдаларидан кўпроқ бўлиши мумкин деб асосли равишда кутилган ҳоллардагина мувофиқдир.

A54. Аудитнинг асосий масаласини етказмаслик тўғрисидаги қарор масалага оид фактлар ва шароитларни ҳисобга олади. Раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот аудиторга масала ҳақида ахборот бериш натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг аҳамияти тўғрисида раҳбариятнинг қарашларини тушунишга ёрдам беради. Хусусан, раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот аудиторнинг масалани етказиш ёки етказмаслик тўғрисидаги мулоҳазасини шакллантиришда қуйидагилар орқали ёрдам беради:

- Аудиторга масала нега ташкилот томонидан оммавий ошкор қилинмаганини тушунишда ёрдам бериш (масалан, агар қонун, норматив ҳужжатлар ёки муайян молиявий ҳисобот асослари масалани кечиктириб ошкор қилиш ёки ошкор қилмасликка рухсат берса) ва ошкор қилишнинг салбий оқибатлари, агар мавжуд бўлса, тўғрисида раҳбариятнинг қарашлари. Раҳбарият қонун ёки норматив ҳужжатлардаги ёки бошқа ваколатли манбалардаги салбий оқибатларни кўриб чиқишда аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган муайян жиҳатларга эътибор қаратиши мумкин (масалан, бундай жиҳатлар ташкилотнинг тижорат музокараларига ёки рақобатбардош мавқеига зарар етказишини ўз ичига олиши мумкин). Бироқ, раҳбариятнинг салбий оқибатлар тўғрисидаги қарашлари ёлғиз ўзи аудиторнинг 14(b)-бандга мувофиқ салбий оқибатлар жамоат манфаати фойдаларидан кўпроқ бўлиши мумкинлигини аниқлаш заруратини бартараф этмайди.
- Масалага нисбатан тегишли тартибга солиш, ижро ёки назорат органлари билан муҳокама қилинганлиги, хусусан, бундай муҳокамалар масала ҳақида оммавий ошкор қилиш мувофиқ эмаслиги тўғрисида раҳбариятнинг даъвосини қўллаб-қувватлайдиган кўринадими ёки йўқлигини аниқлаш.
- Аудиторга, агар мувофиқ бўлса, раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларни масалага оид тегишли маълумотларни оммавий ошкор қилишга ундаш имконини бериш. Хусусан, агар раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг ахборот билан боғлиқ хавотирлари масаланинг муайян жиҳатлари билан чекланса, масаланинг муайян маълумотлари камроқ сезгир бўлиши ва етказилиши мумкин.

Аудитор, шунингдек, раҳбариятдан масала ҳақида оммавий ошкор қилиш нега мувофиқ эмаслиги, шу жумладан бундай ахборот натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг аҳамияти тўғрисида раҳбарият қарашини ўз ичига олган ёзма баёнот олишни зарур деб билиши мумкин.

A55. Аудитор аудитнинг асосий масаласи деб аниқланган масала ҳақида мулоқот қилишнинг оқибатларини тегишли ахлоқий талаблар нуқтаи назаридан кўриб чиқиши зарур бўлиши мумкин. Бундан ташқари, қонун ёки норматив ҳужжатлар аудитордан масала аудиторлик хулосасида етказилган-етказилмаганидан қатъи назар, тегишли тартибга солиш, ижро ёки назорат органлари билан мулоқот қилишни талаб қилиши мумкин. Бундай мулоқот аудиторга масала ҳақида мулоқот қилишдан келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларни кўриб чиқишда маълумот беришда фойдали бўлиши мумкин.

A56. Аудитор томонидан масалани етказмаслик тўғрисидаги қарорга оид кўриб чиқиладиган масалалар мураккаб бўлиб, аудиторнинг ахамиятли мулоҳазаларини талаб қилади. Шунга кўра, аудитор юридик маслаҳат олишни мувофиқ деб билиши мумкин.

Бошқа ҳолатларда аудитнинг асосий масалалари бандининг шакли ва мазмуни (16-бандга қаранг)

A57. 16-банддаги талаб учта ҳолатда қўлланилади:

(a) Аудитор 10-бандга мувофиқ аудитнинг асосий масалалари йўқлигини аниқлайди (А59-бандга қаранг).
(b) Аудитор 14-бандга мувофиқ аудитнинг асосий масаласини аудиторлик хулосасида етказмасликка қарор қилади ва бошқа масалалар аудитнинг асосий масалалари сифатида аниқланмаган.
(c) Аудитнинг асосий масалалари сифатида аниқланган ягона масалалар 15-бандга мувофиқ етказилган масалалардир.

А58. Агар аудитор етказиш учун аудитнинг асосий масалалари йўқлигини аниқлаган бўлса, аудиторлик хулосасида тақдим этиш қуйидагича кўрсатилади:

Аудитнинг асосий масалалари

[*Шартли (салбий) фикр асоси* бандида ёки *Фаолиятнинг узлуксизлиги билан боғлиқ муҳим ноаниқлик* бандида тавсифланган масаладан ташқари,] биз хулосамизда етказиш учун [бошқа] аудитнинг асосий масалалари йўқлигини аниқладик.

А59. Аудитнинг асосий масалаларини аниқлаш аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қилган масалаларнинг нисбий аҳамияти тўғрисида мулоҳаза юритишни ўз ичига олади. Шу сабабли, листингга кирган ташкилотнинг умумий мақсадли молиявий ҳисобот тўпламининг аудитида аудитор бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилинган масалалардан аудиторлик хулосасида етказиш учун камида битта аудитнинг асосий масаласини аниқламаслиги камдан-кам ҳолат бўлиши мумкин. Бироқ, муайян чекланган ҳолатларда (масалан, жуда чекланган фаолиятга эга биржада рўйхатдан ўтган ташкилот учун), аудитор 10-бандга мувофиқ аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қилган масалалар бўлмаганлиги сабабли аудитнинг асосий масалалари йўқлигини аниқлаши мумкин.

Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот (17-бандга қаранг)

А60. 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитордан бошқарув учун масъул шахслар билан ўз вақтида мулоқот қилишни талаб қилади.[34] Аудитнинг асосий масалалари тўғрисида мулоқот қилиш учун мувофиқ вақт топшириқ шароитларига қараб ўзгариши мумкин. Бироқ, аудитор аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддатини муҳокама қилганда аудитнинг асосий масалалари тўғрисида дастлабки қарашларни билдириши ва аудит натижалари тўғрисида мулоқот қилганда бундай масалаларни янада муҳокама қилиши мумкин. Бу молиявий ҳисобот эълон қилиш учун якунланаётган пайтда аудитнинг асосий масалалари бўйича мустаҳкам икки томонлама мулоқот ўтказишга уринишдаги амалий қийинчиликларни енгиллаштиришга ёрдам бериши мумкин.

А61. Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот уларга аудиторнинг аудиторлик хулосасида етказмоқчи бўлган аудитнинг асосий масалалари ҳақида хабардор бўлиш имконини беради ва зарур бўлганда қўшимча тушунтиришлар олиш имкониятини тақдим этади. Аудитор ушбу муҳокамани енгиллаштириш учун бошқарув учун масъул шахсларга аудиторлик хулосасининг лойиҳасини тақдим этишни фойдали деб билиши мумкин. Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот уларнинг молиявий ҳисобот жараёнини назорат қилишдаги муҳим ролини эътироф этади ва ушбу шахсларга аудитнинг асосий масалалари бўйича аудитор қарорларининг асосларини ва бу масалалар аудиторлик хулосасида қандай тавсифланишини тушуниш имконини беради. Бу, шунингдек, бошқарув учун масъул шахсларга ушбу масалалар аудиторлик хулосасида етказилишини инобатга олиб, янги ёки такомиллаштирилган ёритиб беришлар фойдали бўлиши мумкинлигини кўриб чиқиш имконини беради.

А62. 17(а)-бандда талаб қилинадиган бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот, аудитнинг асосий масаласи деб аниқланган масаланинг аудиторлик хулосасида етказилмайдиган жуда камдан-кам ҳолатларни ҳам кўриб чиқади (14 ва А54-бандларга қаранг).

А63. 17(b)-банддаги аудиторлик хулосасида етказиш учун аудитнинг асосий масалалари йўқлигини аниқлаган аудитор бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилиш талаби аудиторга аудит ва юзага келиши мумкин бўлган муҳим масалалар билан яқиндан таниш бўлган бошқа шахслар (жумладан, агар тайинланган бўлса, топшириқ сифатини кўриб чиқувчи) билан қўшимча муҳокама ўтказиш имконини бериши мумкин. Бу муҳокамалар аудиторни аудитнинг асосий масалалари йўқлиги тўғрисидаги қарорини қайта кўриб чиқишга ундаши мумкин.

Ҳужжатлаштириш (18-бандга қаранг)

---

[34] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 22-банд

A64. 230-сон АХС нинг 8-банди аудитордан аудит билан илгари ҳеч қандай алоқаси бўлмаган тажрибали аудиторга, жумладан, аҳамиятли профессионал мулоҳазаларни тушунишга имкон берадиган етарли аудит ҳужжатларини тайёрлашни талаб қилади. Аудитнинг асосий масалалари контекстида бу профессионал мулоҳазалар бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилинган масалалардан аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қилган масалаларни аниқлашни, шунингдек ушбу масалаларнинг ҳар бири аудитнинг асосий масаласи эканлиги ёки эмаслигини аниқлашни ўз ичига олади. Бу борадаги аудитор мулоҳазалари эҳтимол бошқарув учун масъул шахслар билан аудиторнинг мулоқотларининг ҳужжатлаштирилиши ва ҳар бир алоҳида масалага оид аудит ҳужжатлари (А39-бандга қаранг), шунингдек аудит жараёнида юзага келган муҳим масалаларга оид бошқа айрим аудит ҳужжатлари (масалан, якунлов меморандуми) билан қўллаб-қувватланади. Бироқ, ушбу АХС аудитордан бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилинган бошқа масалалар нега аудиторнинг аҳамиятли диққатини талаб қилмаганлигини ҳужжатлаштиришни талаб қилмайди.

705–СОН АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ (ҚАЙТА ТАҲРИРЛАНГАН)

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИДАГИ ФИКРНИНГ МОДИФИКАЦИЯЛАРИ

(2016 йил 15 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисобот аудити учун амал қилади)

МУНДАРИЖА

Банд

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси 1

Модификацияланган фикрларнинг турлари 2

Кучга кириш санаси 3

Мақсад 4

Таърифлар 5

Талаблар

Аудитор фикрини модификация қилиш талаб қилинадиган ҳолатлар 6

Аудитор фикрининг модификация турини аниқлаш ..... 7−15

Фикр модификация қилинганда аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни ..... 16−29

Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот ўрнатиш 30

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

Модификацияланган фикрларнинг турлари А1

Аудитор фикрини модификациялаши талаб қилинадиган ҳолатлар ..... А2−А12

Аудиторнинг фикрини модификациялаш турини белгилаш ..... А13−А16

Фикр модификацияланганда аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни ..... А17−А26

Бошқарув учун масъул бўлган шахслар билан мулоқот А27

Илова: Фикрга ўзгартиришлар киритилган мустақил аудитор хулосалари намуналари

705-сон Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) (Қайта таҳрирланган), *"Мустақил аудиторнинг хулосасидаги фикрнинг модификациялари",* 200-сон АХС *"Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш"* билан биргаликда ўқилиши лозим.

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси

1. Ушбу Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[1]га мувофиқ фикр шакллантиришда аудитор молиявий ҳисобот бўйича аудитор фикрини модификация қилиш зарур деган хулосага келган ҳолатларда тегишли хулоса чиқариш бўйича аудиторнинг жавобгарлигини кўриб чиқади. Ушбу АХС, шунингдек, аудитор модификацияланган фикр билдирганда аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмунига қандай таъсир қилишини ҳам кўриб чиқади. Барча ҳолатларда, 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги хулоса бериш талаблари қўлланилади ва ушбу АХСнинг талаблари билан аниқ кўриб чиқилмаса ёки ўзгартирилмаса, бу АХСда такрорланмайди.

Модификацияланган фикрларнинг турлари

2. Ушбу АХС модификацияланган фикрларнинг учта турини, яъни шартли фикр, салбий фикр ва фикр билдиришдан воз кечиш тўғрисидаги хулосани белгилайди. Модификацияланган фикрнинг қайси тури мувофиқ эканлиги ҳақидаги қарор қуйидагиларга боғлиқ:

   (a) Модификацияга олиб келадиган масаланинг характери, яъни молиявий ҳисобот муҳим бузиб кўрсатилганлиги ёки, етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имконияти бўлмаган ҳолатда, муҳим бузиб кўрсатилган бўлиши мумкинлиги; ва

   (b) Масаланинг молиявий ҳисоботга таъсири ёки эҳтимолий таъсирининг кенг қамровлиги ҳақидаги аудиторнинг мулоҳазаси. (А1-бандга қаранг)

Кучга кириш санаси

3. Ушбу АХС 2016 йил 15 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисобот аудити учун амал қилади.

Мақсад

4. Аудиторнинг мақсади қуйидаги ҳолатларда зарур бўлган молиявий ҳисобот бўйича тегишли равишда модификацияланган фикрни аниқ ифодалашдан иборат:

   (a) Аудитор олинган аудит далилларига асосланиб, молиявий ҳисобот умуман олганда муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эмас деган хулосага келганда; ёки

   (b) Аудитор молиявий ҳисобот умуман олганда муҳим бузиб кўрсатишлардан холи деган хулосага келиш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаганда.

Таърифлар

5. АХСлар мақсадлари учун қуйидаги атамалар мазкур маъноларга эга:

   (a) Кенг қамровли – бузиб кўрсатишлар контекстида ишлатиладиган, молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини ёки етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имконияти бўлмаганлиги туфайли аниқланмаган, агар ўринли бўлса, бузиб кўрсатишларнинг молиявий ҳисоботга эҳтимолий таъсирини тавсифлаш учун ишлатиладиган атама. Молиявий ҳисоботга кенг қамровли таъсирлар аудиторнинг мулоҳазасига кўра қуйидагилардир:

      (i) Молиявий ҳисоботнинг муайян элементлари, ҳисоблари ёки моддалари билан чекланмаган;
      (ii) Агар шундай чекланган бўлса, молиявий ҳисоботнинг катта қисмини ифодалайди ёки ифодалаши мумкин; ёки
      (iii) Маълумотларни ёритиб беришга нисбатан, фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботни тушуниши учун фундаментал аҳамиятга эга.

   (b) Модификацияланган фикр – молиявий ҳисобот бўйича шартли фикр, салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечиш тўғрисидаги хулоса.

Талаблар

Аудитор фикрини модификация қилиш талаб қилинадиган ҳолатлар

6. Аудитор қуйидаги ҳолатларда аудиторлик хулосасидаги фикрни модификация қилиши лозим:

   (a) Аудитор олинган аудит далилларига асосланиб, молиявий ҳисобот умуман олганда муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эмас деган хулосага келганда; ёки (А2-А7 бандларга қаранг)

   (b) Аудитор молиявий ҳисобот умуман олганда муҳим бузиб кўрсатишлардан холи деган хулосага келиш

[1] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), «Молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш ва ҳисобот бериш»

учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаганда. (А8-А12 бандларга қаранг)

Аудитор фикрининг модификация турини аниқлаш

Шартли фикр

7. Аудитор қуйидаги ҳолатларда шартли фикр билдириши лозим:

(a)Аудитор етарли ва муносиб аудит далилларини олгандан сўнг, бузиб кўрсатишлар, алоҳида ёки жами ҳолда, молиявий ҳисобот учун муҳим, аммо кенг қамровли эмас деган хулосага келганда; ёки

(b) Аудитор фикрни асослаш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаганда, аммо аудитор аниқланмаган бузиб кўрсатишларнинг молиявий ҳисоботга эҳтимолий таъсири, агар ўринли бўлса, муҳим, аммо кенг қамровли бўлмаслиги мумкин деган хулосага келганда.

Салбий фикр

8. Аудитор етарли ва муносиб аудит далилларини олгандан сўнг, бузиб кўрсатишлар, алоҳида ёки жами ҳолда, молиявий ҳисобот учун ҳам муҳим, ҳам кенг қамровли деган хулосага келганда салбий фикр билдириши лозим.

Фикр билдиришдан воз кечиш тўғрисидаги хулоса

9. Аудитор фикрни асослаш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаганда ва аудитор аниқланмаган бузиб кўрсатишларнинг молиявий ҳисоботга эҳтимолий таъсири, агар ўринли бўлса, ҳам муҳим, ҳам кенг қамровли бўлиши мумкин деган хулосага келганда фикр билдиришдан воз кечиши лозим.

10. Аудитор, кўплаб ноаниқликларни ўз ичига олган ўта камдан-кам ҳолатларда, ҳар бир алоҳида ноаниқлик бўйича етарли ва муносиб аудит далилларини олган бўлса ҳам, ноаниқликларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг молиявий ҳисоботга эҳтимолий жамланган таъсири туфайли молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш имконсиз деган хулосага келганда фикр билдиришдан воз кечиши лозим.

Аудитор топшириқни қабул қилгандан сўнг раҳбарият томонидан юклатилган чеклов туфайли етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмасликнинг оқибати

11. Агар, топшириқни қабул қилгандан сўнг, аудитор раҳбарият аудитнинг қўллаш доирасига чеклов қўйгани ва аудитор бу чеклов молиявий ҳисобот бўйича шартли фикр билдириш ёки фикр билдиришдан воз кечиш зарурлигига олиб келиши эҳтимоли юқори деб ҳисоблаши ҳақида хабардор бўлса, аудитор раҳбариятдан чекловни олиб ташлашни сўраши лозим.

12. Агар раҳбарият ушбу АХСнинг 11-бандида кўрсатилган чекловни олиб ташлашдан бош тортса, аудитор, бошқарув учун масъул шахсларнинг барчаси ташкилотни бошқаришда иштирок этмаса,[2] масалани бошқарув учун масъул шахслар билан хабар қилиши ва етарли ва муносиб аудит далилларини олиш учун муқобил тартиб-таомилларни бажариш мумкинлигини аниқлаши лозим.

13. Агар аудитор етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаса, аудитор оқибатларини қуйидагича аниқлаши лозим:

(a) Агар аудитор аниқланмаган бузиб кўрсатишларнинг молиявий ҳисоботга эҳтимолий таъсири, агар бўлса, муҳим, аммо кенг қамровли бўлмаслиги мумкин деган хулосага келса, аудитор фикрни шартли қилиши лозим; ёки

(b) Агар аудитор аниқланмаган бузиб кўрсатишларнинг молиявий ҳисоботга эҳтимолий таъсири, агар бўлса, ҳам муҳим, ҳам кенг қамровли бўлиши мумкин, шунинг учун фикрни шартли қилиш вазиятнинг жиддийлигини хабар қилиш учун етарли бўлмаслиги мумкин деган хулосага келса, аудитор:

(i) Амалда ва қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжатлар бўйича мумкин бўлса, аудитдан воз кечиш; ёки (А13-бандга қаранг)
(ii) Агар аудитор хулосасини чиқаришдан олдин аудитдан воз кечиши амалда ёки мумкин бўлмаса, молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан воз кечиши лозим. (А14-бандга қаранг)

14. Агар аудитор 13(b)(i)-бандда кўриб чиқилганидек фикр билдиришдан воз кечса, ундан олдин, аудитор бошқарув учун масъул шахсларга аудит давомида аниқланган, фикрни модификация қилишга олиб келиши мумкин бўлган бузиб кўрсатишлар билан боғлиқ ҳар қандай масалаларни хабар қилиши лозим. (А15-бандга қаранг)

Салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечиш тўғрисидаги хулоса билан боғлиқ бошқа мулоҳазалар

[2] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), "Бошқарув учун масъул шахслар билан ахборот алмашинуви", 13-банд

15. Аудитор молиявий ҳисобот бўйича умуман салбий фикр билдириш ёки фикр билдиришдан воз кечиш зарур деб ҳисоблаганда, аудиторлик хулосаси шунингдек, худди шу молиявий ҳисобот асосига нисбатан алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг бир ёки бир нечта махсус элементлари, ҳисобварақлари ёки моддалари бўйича модификацияланмаган фикрни ҳам ўз ичига олмаслиги лозим. Бу шароитларда айни шу хулосада[3] бундай модификацияланмаган фикрни киритиш молиявий ҳисобот бўйича умуман аудиторнинг салбий фикри ёки фикр билдиришдан воз кечиш тўғрисидаги хулосасига зид бўлади. (А16-бандга қаранг)

Фикр модификация қилинганда аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни

Аудитор фикри

16. Аудитор фикрни модификация қилганда, аудитор Фикр бўлими учун, тегишли тартибда, "Шартли фикр", "Салбий фикр" ёки "Фикр билдиришдан воз кечиш тўғрисидаги хулоса" сарлавҳасидан фойдаланиши лозим. (А17-А19 бандларга қаранг)

Шартли фикр

17. Аудитор молиявий ҳисоботдаги муҳим бузиб кўрсатиш туфайли шартли фикр билдирганда, аудитор унинг фикрича, Шартли фикр учун асос бўлимида тавсифланган масала(лар) таъсиридан ташқари, қуйидагиларни баён қилиши лозим:

    (a) Ҳаққоний тақдим этиш асосига мувофиқ ҳисобот берганда, илова қилинган молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда [...] [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси]га мувофиқ ҳаққоний тақдим этади (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради); ёки

    (b) Мувофиқлик асосига мувофиқ ҳисобот берганда, илова қилинган молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси]га мувофиқ тайёрланган.

    Модификациялаш етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имконияти бўлмаганлигидан юзага келганда, аудитор модификацияланган фикр учун "масала(лар)нинг эҳтимолий таъсирларидан ташқари ..." деган мос ибора ишлатиши лозим. (А20-бандга қаранг)

Салбий фикр

18. Аудитор салбий фикр билдирганда, аудитор унинг фикрича, Салбий фикр учун асос бўлимида тавсифланган масала(лар)нинг аҳамияти туфайли, қуйидагиларни баён қилиши лозим:

    (a) Ҳаққоний тақдим этиш асосига мувофиқ ҳисобот берганда, илова қилинган молиявий ҳисобот [...] [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси]га мувофиқ ҳаққоний тақдим этмайди (ёки ҳаққоний ва тўғри тасаввур бермайди); ёки

    (b) Мувофиқлик асосига мувофиқ ҳисобот берганда, илова қилинган молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси]га мувофиқ тайёрланмаган.

Фикр билдиришдан воз кечиш тўғрисидаги хулоса

19. Аудитор етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имконияти бўлмаганлиги туфайли фикр билдиришдан воз кечганда, аудитор:

    (a) Аудитор илова қилинган молиявий ҳисобот бўйича фикр билдирмаслигини баён қилиши;

    (b) Фикр билдиришдан воз кечиш учун асос бўлимида тавсифланган масала(лар)нинг аҳамияти туфайли, аудитор молиявий ҳисобот бўйича аудит фикри учун асос тақдим этиш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаганлигини баён қилиши; ва

    (c) 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 24(b)-бандида талаб қилинган, молиявий ҳисобот аудитдан ўтказилганлигини кўрсатадиган баёнотни, аудитор молиявий ҳисоботни аудит қилиш учун жалб қилинганлигини баён қилиш учун ўзгартириши лозим.

Фикр учун асос

20. Аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикрни модификация қилганда, аудитор 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) талаб қиладиган махсус элементларга қўшимча равишда: (А21-бандга қаранг)

    (a) 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 28-бандида талаб қилинган "Фикр учун асос" сарлавҳасини, тегишли тартибда, "Шартли фикр учун асос", "Салбий фикр учун асос" ёки "Фикр билдиришдан воз кечиш учун асос"га ўзгартириши; ва

---

[3] 805-сон АХС (Қайта таҳрирланган), "Махсус мулоҳазалар - алоҳида молиявий ҳисоботлар ва молиявий ҳисоботнинг махсус элементлари, ҳисоблари ёки моддалари аудити", аудитор молиявий ҳисоботнинг бир ёки бир нечта махсус элементлари, ҳисоблари ёки моддалари бўйича алоҳида фикр билдириш учун жалб қилинган ҳолатларни кўриб чиқади.

(b) Бу бўлимда модификацияга олиб келадиган масаланинг тавсифини киритиши лозим.

21. Агар молиявий ҳисоботнинг муҳим бузиб кўрсатилиши молиявий ҳисоботдаги махсус суммаларга (миқдорий маълумотларни ёритиб беришларни ҳам қўшган ҳолда) тегишли бўлса, аудитор Фикр учун асос бўлимига, амалда мумкин бўлмаса бундан ташқари, бузиб кўрсатишнинг тавсифи ва молиявий таъсирларининг миқдорий баҳосини киритиши лозим. Агар молиявий таъсирларни миқдорий баҳолаш амалда мумкин бўлмаса, аудитор бу бўлимда шундай деб баён қилиши лозим. (А22-бандга қаранг)

22. Агар молиявий ҳисоботнинг муҳим бузиб кўрсатилиши сифат маълумотларини ёритиб беришларга тегишли бўлса, аудитор Фикр учун асос бўлимига маълумотларни ёритиб беришлар қандай бузиб кўрсатилганлиги ҳақида тушунтириш киритиши лозим.

23. Агар молиявий ҳисоботнинг муҳим бузиб кўрсатилиши ёритиб берилиши талаб қилинадиган маълумотларнинг ёритиб берилмаслигига тегишли бўлса, аудитор:

(a) Маълумотларни ёритиб бермаслик ҳақида бошқарув учун масъул шахслар билан муҳокама қилиши;

(b) Фикр учун асос бўлимида тушириб қолдирилган маълумотнинг характерини тавсифлаши; ва

(c) Қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан тақиқланмаган бўлса, амалда мумкин бўлса ва аудитор тушириб қолдирилган маълумот ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олган бўлса, тушириб қолдирилган маълумотларни ёритиб беришларни киритиши лозим. (А23-бандга қаранг)

24. Агар модификация етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имконияти бўлмаганлигидан юзага келса, аудитор Фикр учун асос бўлимида бу имконият йўқлигининг сабабларини киритиши лозим.

25. Аудитор шартли ёки салбий фикр билдирганда, аудитор 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 28(d)-бандида талаб қилинган, олинган аудит далиллари аудиторнинг фикри учун асос тақдим этиш учун етарли ва муносиб эканлиги ҳақидаги баёнотни тегишли тартибда, "шартли" ёки "салбий" сўзини киритиш учун ўзгартириши лозим.

26. Аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан воз кечганда, аудиторлик хулосаси 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 28(b) ва 28(d)-бандларида талаб қилинган элементларни ўз ичига олмаслиги лозим. Бу элементлар қуйидагилардир:

(a) Аудиторнинг жавобгарликлари тавсифланган аудиторлик хулосасининг бўлимига ҳавола; ва

(b) Олинган аудит далиллари аудиторнинг фикри учун асос тақдим этиш учун етарли ва муносиб эканлиги ҳақидаги баёнот.

27. Аудитор молиявий ҳисобот бўйича салбий фикр билдирган ёки фикр билдиришдан воз кечган бўлса ҳам, аудитор Фикр учун асос бўлимида аудитор хабардор бўлган, фикрни модификация қилишни талаб қилиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай масалаларнинг сабабларини ва уларнинг таъсирини тавсифлаши лозим. (А24-бандга қаранг)

Аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан воз кечганда молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликларининг тавсифи

28. Аудитор етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имконияти бўлмаганлиги туфайли молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан воз кечганда, аудитор 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 39-41-бандларида талаб қилинган аудиторнинг жавобгарликлари тавсифини фақат қуйидагиларни ўз ичига олиш учун ўзгартириши лозим: (А25-бандга қаранг)

(a) Аудиторнинг жавобгарлиги Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташкилотнинг молиявий ҳисоботи аудитини ўтказиш ва аудиторлик хулосасини чиқариш эканлиги ҳақидаги баёнот;

(b) Бироқ, Фикр билдиришдан воз кечиш учун асос бўлимида тавсифланган масала(лар) туфайли, аудитор молиявий ҳисобот бўйича аудитор фикри учун асос тақдим этиш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаганлиги ҳақидаги баёнот; ва

(c) 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 28(c)-бандида талаб қилинган аудиторнинг мустақиллиги ва бошқа ахлоқий жавобгарликлари ҳақидаги баёнот.

Аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан воз кечганда кўриб чиқиладиган масалалар

29. Қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан талаб қилинмаса, аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан воз кечганда, аудиторлик хулосаси 701-сон АХСга мувофиқ Аудитнинг асосий масалалари бўлимини ёки 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га[4],[5] мувофиқ Бошқа маълумотлар бўлимини ўз ичига

[4] 701-сон АХС, "Мустақил аудитор хулосасида аудитнинг асосий масалалари ҳақида ахборот бериш", 11-13-бандлар
[5] 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган), "Бошқа маълумотларга тегишли аудиторнинг жавобгарликлари", А54-банд

олмаслиги лозим. (А26-бандга қаранг)

Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот ўрнатиш

30. Аудитор аудиторлик хулосасидаги фикрни модификация қилишни кутганда, аудитор бошқарув учун масъул шахслар билан кутилаётган модификацияга олиб келган шароитлар ва модификациянинг матни ҳақида хабар қилиши лозим. (А27-бандга қаранг)

***

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

Модификацияланган фикрларнинг турлари (2-бандга қаранг)

А1. Қуйидаги жадвал модификацияга олиб келадиган масаланинг характери, ва унинг молиявий ҳисоботга таъсири ёки эҳтимолий таъсирининг кенг қамровлиги ҳақидаги аудиторнинг мулоҳазаси ифодаланадиган фикрнинг турига қандай таъсир қилишини кўрсатади.

Модификациялашга сабаб бўлган масаланинг характери	*Аудиторнинг молиявий ҳисоботга таъсирлар ёки мумкин бўлган таъсирларнинг кенг қамровлиги ҳақидаги мулоҳазаси*	
	Муҳим, аммо кенг қамровли эмас	*Муҳим ва кенг қамровли*
Молиявий ҳисобот муҳим даражада бузиб кўрсатилган	Шартли фикр	Салбий фикр
Етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имконияти йўқлиги	Шартли фикр	Фикр билдиришдан воз кечиш

Аудитор фикрини модификациялаши талаб қилинадиган ҳолатлар

Муҳим бузиб кўрсатишларнинг характери (6(а)-бандга қаранг)

А2. 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитордан молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш учун, молиявий ҳисобот умуман олганда муҳим бузиб кўрсатишлардан холими деган масалада оқилона ишонч олинганлиги ҳақида хулоса қилишни талаб қилади.[6] Бу хулоса 450-сон АХСга мувофиқ аудиторнинг молиявий ҳисоботда тузатилмаган бузиб кўрсатишларни, агар мавжуд бўлса, баҳолашини ҳисобга олади.[7]

А3. 450-сон АХС бузиб кўрсатишни молиявий ҳисобот элементининг ҳисобот қилинган суммаси, таснифланиши, тақдим этилиши ёки ёритиб берилиши ва элемент қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосларига мувофиқ бўлиши учун талаб қилинадиган сумма, таснифлаш, тақдим этиш ёки ёритиб бериш ўртасидаги фарқ сифатида белгилайди. Мос равишда, молиявий ҳисоботнинг муҳим бузиб кўрсатилиши қуйидагилар билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин:

(a) Танланган ҳисоб сиёсатларининг мувофиқлиги;

(b) Танланган ҳисоб сиёсатларининг қўлланилиши; ёки

(c) Молиявий ҳисоботдаги ёритиб беришларнинг мувофиқлиги ёки етарлилиги.

Танланган ҳисоб сиёсатларининг мувофиқлиги

А4. Раҳбарият томонидан танланган ҳисоб сиёсатларининг мувофиқлигига нисбатан, молиявий ҳисоботнинг муҳим бузиб кўрсатилиши, масалан, қуйидаги ҳолларда юзага келиши мумкин:

(a) Танланган ҳисоб сиёсатлари қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосларига мос эмас;

(b) Молиявий ҳисобот молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ёки пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдаги аҳамиятли элементга тегишли ҳисоб сиёсатини тўғри тавсифламайди; ёки

(c) Молиявий ҳисобот ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун асосий операциялар ва ҳодисаларни ифодаламайди ёки ёритиб бермайди.

А5. Молиявий ҳисобот асослари аксарият ҳолларда ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва ёритиб бериш бўйича талабларни ўз ичига олади. Агар ташкилот ўзининг аҳамиятли ҳисоб сиёсатлари танловини

[6] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 11-банд

[7] 450-сон АХС, Аудит давомида аниқланган бузиб кўрсатишларни баҳолаш, 11-банд

ўзгартирган бўлса ва бу талабларга риоя қилмаган бўлса, молиявий ҳисоботда муҳим бузиб кўрсатиш юзага келиши мумкин.

Танланган ҳисоб сиёсатларини қўллаш

A6. Танланган ҳисоб сиёсатларини қўллаш билан боғлиқ холда, молиявий ҳисоботда муҳим бузиб кўрсатиш қуйидаги ҳолларда юзага келиши мумкин:

(a) Раҳбарият танланган ҳисоб сиёсатларини молиявий ҳисобот асослари билан изчил қўлламаганда, шу жумладан раҳбарият танланган ҳисоб сиёсатларини даврлар ўртасида ёки ўхшаш ўтказмалар ва ҳодисаларга нисбатан изчил қўлламаганда (қўллашдаги изчиллик); ёки

(b) Танланган ҳисоб сиёсатларини қўллаш усули туфайли (масалан, қўллашдаги эҳтиётсиз хато).

Молиявий ҳисоботлардаги маълумотларни ёритиб беришларнинг тўғрилиги ёки етарлилиги

A7. Молиявий ҳисоботда маълумотларни ёритиб беришлар тўғриликлиги ёки етарлилиги билан боғлиқ холда, молиявий ҳисоботда муҳим бузиб кўрсатишлар қуйидаги ҳолларда юзага келиши мумкин:

(a) Молиявий ҳисобот қўлланиладиган молиявий ҳисобот асослари талаб қиладиган барча маълумотларни ёритиб беришларни ўз ичига олмаганда;

(b) молиявий ҳисоботдаги маълумотларни ёритиб беришлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосларига мувофиқ тақдим этилмаганда; ёки

(c) Молиявий ҳисобот қўлланиладиган молиявий ҳисобот асослари томонидан махсус талаб қилинадиган маълумотларни ёритиб беришдан ташқари, ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни тақдим этмаганда.

450-сон АХСнинг А17-банди сифат жиҳатидан ёритиб беришларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишларнинг қўшимча мисолларини тақдим этади.

Етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлиги характери (6(b)-бандга қаранг)

A8. Аудиторнинг етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлиги (шунингдек аудитнинг қўллаш доирасидаги чеклов сифатида ҳам таърифланади) қуйидагилардан келиб чиқиши мумкин:

(a) Ташкилот назоратидан ташқаридаги ҳолатлар;

(b) Аудиторнинг иши характери ёки муддатларига тегишли ҳолатлар; ёки

(c) Раҳбарият томонидан юклатилган чекловлар.

A9. Агар аудитор муқобил тартиб-таомилларни бажариш орқали етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлса, махсус тартиб-таомилни бажариш имкониятининг йўқлиги аудитнинг қўллаш доирасидаги чекловни ташкил этмайди. Агар бу имконсиз бўлса, тегишлича 7(b) ва 9–10-банд талаблари қўлланилади. Раҳбарият томонидан юклатилган чекловлар аудит учун бошқа оқибатларга эга бўлиши мумкин, масалан, аудиторнинг фирибгарлик рискларини баҳолаши ва келишувни давом эттиришни кўриб чиқиши учун.

A10. Ташкилот назоратидан ташқаридаги ҳолатларга қуйидагилар киради:

- Ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби ёзувлари йўқ қилинган бўлса.
- Муҳим компонентнинг бухгалтерия ҳисоби ёзувлари давлат органлари томонидан ноаниқ муддатга мусодара қилинган бўлса.

A11. Аудиторнинг иши характери ёки муддатларига тегишли ҳолатларга қуйидагилар киради:

- Ташкилот таъсир остидаги ташкилот учун улушли қатнашиш усулига таяниб ҳисоб усулини қўллаши талаб қилинганда ва аудитор улушли қатнашиш усули тўғри қўлланилганлигини баҳолаш учун молиявий маълумотлари ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаганда.
- Аудиторнинг тайинланиш вақти шундайки, аудитор захираларнинг инвентаризациясини кузатиш имкониятига эга бўлмаганда.
- Аудитор фақат моҳиятга кўра тартиб-таомилларни бажариш етарли эмаслигини аниқлаганда, аммо ташкилотнинг назорат воситалари самарали бўлмаганда.

A12. Раҳбарият томонидан юклатилган аудитнинг қўллаш доирасидаги чекловдан келиб чиқадиган етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлигига мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Раҳбарият аудиторга захираларнинг инвентаризациясини кузатишга тўсқинлик қилганда.
- Раҳбарият аудиторга махсус ҳисоб қолдиқларини ташқи тасдиқлашни сўрашга тўсқинлик қилганда.

Аудиторнинг фикрини модификациялаш турини белгилаш

Аудитор келишувни қабул қилгандан кейин раҳбарият томонидан юклатилган чеклов туфайли етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлиги оқибати (13(b)(i)–14-бандларга қаранг)

A13. Аудитдан воз кечишнинг амалийлиги раҳбарият кўлам чекловини юклатган пайтда келишувнинг бажарилиш босқичига боғлиқ бўлиши мумкин. Агар аудитор аудитни якунлаган бўлса, аудитор аудитни имкон қадар тугаллаш, фикр билдиришдан воз кечиш ва воз кечишдан олдин фикр билдиришдан воз кечиш учун асос бўлимида қўллаш доираси чекловини тушунтиришга қарор қилиши мумкин.

A14. Баъзи ҳолатларда, агар аудитор қонун ёки меъёрий ҳужжатлар бўйича аудит топшириғини давом эттириш талаб қилинса, аудитдан воз кечиш имконсиз бўлиши мумкин. Бу давлат секторидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботини аудити учун тайинланган аудитор учун ўринли бўлиши мумкин. Бу шунингдек, аудитор махсус даврни қамраб олувчи молиявий ҳисобот аудити учун тайинланган ёки махсус давр учун тайинланган ва тегишлича ўша молиявий ҳисоботнинг аудити тугашидан олдин ёки ўша давр тугашидан олдин воз кечиш тақиқланган юрисдикциялардаги ҳолат бўлиши мумкин. Аудитор, шунингдек, аудиторлик хулосасига бошқа масалалар бандини киритишни зарур деб ҳисоблаши мумкин.[8]

A15. Аудитор қўллаш доираси чеклови туфайли аудитдан воз кечиш зарур деб хулоса қилганда, аудитор учун топшириқдан воз кечиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи органларга ёки ташкилот эгаларига маълум қилиш бўйича профессионал, юридик ёки меъёрий талаб мавжуд бўлиши мумкин.

Салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечиш билан боғлиқ бошқа мулоҳазалар (15-бандга қаранг)

A16. Қуйидагилар аудиторнинг салбий фикри ёки фикр билдиришдан воз кечишига зид бўлмайдиган хулоса бериш ҳолатларига мисоллардир:

- Муайян молиявий ҳисобот асослари бўйича тайёрланган молиявий ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикрни ифодалаш ва, айни хулосада, ўша молиявий ҳисоботга бошқа молиявий ҳисобот асослари бўйича салбий фикрни ифодалаш.[9]
- Операциялар натижалари ва, тегишли бўлганда, пул маблағлари оқимлари бўйича фикр билдиришдан воз кечишни ва молиявий ҳолат бўйича модификацияланмаган фикрни ифодалаш (510-сон АХСга қаранг[10]). Бунда аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан бош тортмаган.

Фикр модификацияланганда аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни

Аудиторлик хулосалари намуналари (16-бандга қаранг)

A17. Иловадаги 1 ва 2-намуналарда молиявий ҳисобот муҳим бузиб кўрсатилгани учун тегишлича шартли ва салбий фикрлар билан аудиторлик хулосалари келтирилган.

A18. Иловадаги 3-намунада аудитор етарли ва муносиб аудит далилларини ололмагани учун шартли фикр билан аудиторлик хулосаси келтирилган. 4-намунада молиявий ҳисоботнинг битта элементи ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини ололмаслик туфайли фикр билдиришдан воз кечиш келтирилган. 5-намунада молиявий ҳисоботнинг кўп элементлари ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини ололмаслик туфайли фикр билдиришдан воз кечиш келтирилган. Охирги икки ҳолатнинг ҳар иккисида ҳам далил олиш имкониятининг йўқлигининг молиявий ҳисоботга мумкин бўлган таъсирлари ҳам муҳим, ҳам кенг қамровли. 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[11] каби хулоса бериш талабларини ўз ичига олган бошқа АХСларнинг иловаларида ҳам модификацияланган фикрлар билан аудиторлик хулосаларининг намуналари келтирилган.

Аудитор фикри (16-бандга қаранг*)*

A19. Бу сарлавҳани ўзгартириш аудиторнинг фикри модификацияланганлигини ва модификациянинг турини фойдаланувчига аниқ кўрсатади.

Шартли фикр (17-бандга қаранг)

A20. Аудитор шартли фикр билдирганда, фикр бўлимида "юқоридаги тушунтириш билан" ёки "... га боғлиқ ҳолда" каби иборалардан фойдаланиш тўғри бўлмайди, чунки булар етарлича аниқ ёки кучли эмас.

---

[8] 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган), "Мустақил аудиторлик хулосасидаги эътиборни қаратувчи бандлар ва бошқа масалалар бандлари", A10-банд

[9] Бу ҳолатнинг тавсифи учун 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг A31-бандига қаранг.

[10] 510-сон АХС, "Дастлабки аудит келишувлари—бошланғич қолдиқлар", 10-банд

[11] 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган), "Фаолиятни давом эттириш қобилияти"

Фикр учун асос (20, 21, 23, 27-бандларга қаранг)

A21. Аудиторлик хулосасида изчиллик фойдаланувчиларнинг тушунишига ёрдам беради ва ноодатий ҳолатлар юз берганда уларни аниқлашга ёрдам беради. Шунга кўра, модификацияланган фикр ва модификациялаш сабабларининг тавсифи матн таркибида бир хил имконсиз бўлса-да, аудиторлик хулосасининг ҳам шакли, ҳам мазмунида изчиллик мақсадга мувофиқдир.

A22. Аудиторлик хулосасидаги фикр учун асос бўлимида тавсифлаши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишларнинг молиявий таъсирларига мисол, агар захиралар ошириб кўрсатилган бўлса, даромад солиғи, солиққа тортилгунча фойда, соф фойда ва хусусий капиталга таъсирларнинг миқдорий ифодасидир.

A23. Фикр учун асос бўлимида тушириб қолдирилган маълумотни ёритиб бериш қуйидаги ҳолларда амалий эмас:

(a) Ёритиб беришлар раҳбарият томонидан тайёрланмаган ёки ёритиб беришлар бошқача тарзда аудиторга осон топилмайдиган бўлса; ёки

(b) Аудитор мулоҳазасига кўра, ёритиб беришлар аудиторлик хулосасига нисбатан ҳаддан ташқари катта ҳажмга эга бўлиши.

A24. Фикр учун асос бўлимида тавсифланган махсус масала билан боғлиқ салбий фикр ёки фикр билдиришдан воз кечиш аудиторнинг фикрини модификациялашни талаб қиладиган бошқа аниқланган масалаларнинг тавсифини тушириб қолдиришни оқламайди. Бундай ҳолатларда, аудитор хабардор бўлган бундай бошқа масалаларни ёритиб бериш молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун ўринли бўлиши мумкин.

Аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан воз кечганда молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари тавсифи (28-бандга қаранг)

A25. Аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан воз кечганда, қуйидаги баёнотлар мазкур АХСнинг иловасидаги 4–5-намуналарда кўрсатилганидек, аудиторлик хулосасининг молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари бўлимида яхшироқ жойлаштирилади:

- 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 28(a)-бандида талаб қилинган баёнот, аудиторнинг жавобгарлиги АХСларга мувофиқ ташкилотнинг молиявий ҳисоботи аудитини ўтказиш эканлигини айтиш учун ўзгартирилган; ва
- 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 28(c)-бандида талаб қилинган мустақиллик ва бошқа ахлоқий мажбуриятлар ҳақидаги баёнот.

Аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан воз кечганда кўриб чиқиладиган жиҳатлар (29-бандга қаранг)

A26. Аудиторлик хулосасининг фикр билдиришдан воз кечиш учун асос бўлимида аудиторнинг етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлиги сабабларини тақдим этиш фойдаланувчиларга аудитор нима учун молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан воз кечганлигини тушунишда фойдали маълумот тақдим этади ва улардан ноўрин фойдаланишдан қўшимча ҳимоя қилиши мумкин. Бироқ, фикр билдиришдан воз кечишга асос бўлган масала(лар)дан ташқари бошқа аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш, молиявий ҳисобот умуман олганда ўша масалаларга нисбатан мазкур шароитларда мувофиқ бўлган даражадан кўра ишончлироқ деб тахмин қилиниши мумкин, ва бу молиявий ҳисобот бўйича умуман олганда фикр билдиришдан воз кечишга зид бўлади. Шунингдек, 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ аудиторнинг бошқа маълумотларнинг молиявий ҳисобот билан мослигини кўриб чиқишига ишора қилувчи бошқа маълумотлар бўлимини киритиш ҳам ўринли бўлмайди. Шунга кўра, ушбу АХСнинг 29-банди аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан воз кечганда, агар аудитор қонун ёки меъёрий ҳужжатлар бўйича аудитнинг асосий масалаларини маълум қилиш ёки бошқа маълумотлар бўйича ҳисобот бериш талаб қилинмаса, аудиторлик хулосасига аудитнинг асосий масалалари бўлими ёки бошқа маълумотлар бўлимини киритишни тақиқлайди.

Бошқарув учун масъул бўлган шахслар билан мулоқот (30-бандга қаранг)

A27. Аудитор фикрига кутилаётган модификациялашга олиб келадиган ҳолатлар ва модификациялаш бўйича матн таркиби ҳақида бошқарув учун масъул бўлган шахслар билан мулоқот қилиш қуйидагиларга имкон беради:

(a) Аудиторга бошқарув учун масъул бўлган шахсларга кутилаётган модификация(лар) ва модификация(лар) сабаблари (ёки ҳолатлари) ҳақида хабар бериш;

(b) Аудиторга бошқарув учун масъул бўлган шахслардан кутилаётган модификация(лар)га олиб келувчи масала(лар) фактлари бўйича келишувни излаш, ёки раҳбарият билан келишмовчилик масалаларини шундай сифатида тасдиқлаш; ва

(c) Бошқарув учун масъул бўлган шахсларга, тегишли бўлса, кутилаётган модификация(лар)га олиб келувчи масала(лар) бўйича аудиторга қўшимча маълумот ва тушунтиришлар бериш имкониятини тақдим этиш.

Илова

(А17–А18, А25-бандларга қаранг)

Фикрга ўзгартиришлар киритилган мустақил аудитор хулосалари намуналари

- 1-намуна: Молиявий ҳисоботда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда шартли фикрни ўз ичига олган аудиторлик хулосаси.
- 2-намуна: Консолидациялашган молиявий ҳисоботда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда салбий фикрни ўз ичига олган аудиторлик хулосаси.
- 3-намуна: Аудитор чет элдаги таъсир остидаги ташкилот бўйича етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлиги туфайли шартли фикрни ўз ичига олган аудиторлик хулосаси.
- 4-намуна: Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг битта элементи ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлиги туфайли фикр билдиришдан воз кечишни ўз ичига олган аудиторлик хулосаси.
- 5-намуна: Молиявий ҳисоботнинг кўп сонли элементлари ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлиги туфайли фикр билдиришдан воз кечишни ўз ичига олган аудиторлик хулосаси.

1-намуна – Молиявий ҳисоботнинг муҳим бузиб кўрсатилиши туфайли шартли фикр

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси мақсадлари учун қуйидаги ҳолатлар фараз қилинади:

- **Листингга кирган ташкилотнинг ҳаққоний тақдим этиш асосларидан фойдаланиб тўлиқ молиявий ҳисобот тўпламининг аудити. Аудит гуруҳ аудити эмас (яъни 600-сон АХС[1] қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисобот ташкилот раҳбарияти томонидан МҲХСларга мувофиқ (умумий мақсадли асослар) тайёрланган.**
- **Аудит топшириғи шартлари 210-сон АХСда[2] келтирилган молиявий ҳисобот учун раҳбарият жавобгарлигининг тавсифини акс эттиради.**
- **Захиралар бузиб кўрсатилган. Бузиб кўрсатиш молиявий ҳисобот учун муҳим, аммо кенг қамровли эмас деб ҳисобланади (яъни шартли фикр муносиб).**
- **Аудитга нисбатан қўлланиладиган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикция талабларидир.**
- **Олинган аудит далиллари асосида аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолиятни давом эттириш қобилиятига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деб хулоса қилган.**
- **Аудитнинг асосий масалалари 701-сон АХСга мувофиқ ёритилган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва консолидациялашган молиявий ҳисобот бўйича шартли фикрга олиб келган масала бошқа маълумотларга ҳам таъсир қилади.**
- **Молиявий ҳисоботни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Молиявий ҳисобот аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун ҳужжатлари билан талаб қилинадиган бошқа хулоса бериш мажбуриятларига ҳам эга.**

[1] 600-сон АХС, "Махсус мулоҳазалар—гуруҳ молиявий ҳисоботлари аудити (компонент аудиторлари ишини ҳам қўшган ҳолда)"

[2] 210-сон АХС, "Аудит келишувлари шартларини келишиб олиш"

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС Компанияси акциядорларига [ёки бошқа тегишли манзилга]

Молиявий ҳисобот аудити бўйича аудиторлик хулосаси[3]

Шартли фикр

Биз АВС Компаниясининг (Компания) 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдан, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олган молиявий ҳисоботга изоҳлардан иборат молиявий ҳисоботини аудитдан ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, хулосамизнинг "Шартли фикр учун асос" бўлимида тавсифланган масаланинг таъсирларидан ташқари, илова қилинган молиявий ҳисобот Компаниянинг 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра молиявий ҳолатини, шунингдек шу санада тугаган йил учун унинг молиявий натижаларини ва пул маблағлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ ҳаққоний тақдим этади (ёки тўғри ва ҳаққоний кўриниш беради).

Шартли фикр учун асос

Компаниянинг захиралари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ххх миқдорида акс эттирилган. Раҳбарият захираларни таннарх ва соф сотиш қийматидан энг кичиги бўйича кўрсатиш ўрнига уларни фақат таннарх бўйича кўрсатган, бу эса МҲХСлардан четга чиқишни ташкил этади. Компаниянинг ҳисоб ёзувлари кўрсатишича, агар раҳбарият захираларни таннарх ва соф сотиш қийматидан энг кичиги бўйича кўрсатганда, захираларни уларнинг соф сотиш қийматигача камайтириш учун ххх миқдор талаб қилинган бўларди. Мос равишда, сотиш таннархи ххх га ошган бўларди, фойда солиғи, соф фойда ва хусусий капитали эса тегишлича ххх, ххх ва ххх га камайган бўларди.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг *Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари* бўлимида батафсил тавсифланган. Биз [*юрисдикция*]даги молиявий ҳисобот аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз ва биз бу талаблар бўйича бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажарганмиз. Биз олган аудит далиллари шартли фикр учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Бошқа маълумот [ёки "Молиявий ҳисобот ва уларга доир аудитор ҳисоботидан ташқари маълумот" каби бошқа тегишли сарлавҳа]

[*720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) хулоса бериш талабларига мувофиқ хулоса– 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 2-иловасидаги 6-намунага қаранг. 6-намунадаги бошқа маълумот бўлимининг охирги банди бошқа маълумотга ҳам таъсир қиладиган шартли фикрга олиб келган махсус масалани тавсифлаш учун мослаштирилиши керак.*]

Аудитнинг асосий масалалари

Аудитнинг асосий масалалари бизнинг профессионал мулоҳазамизга кўра, жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида юқори аҳамиятли бўлган масалалардир. Бу масалалар молиявий ҳисобот аудити доирасида ва улар бўйича фикр шакллантиришда кўриб чиқилган ва биз бу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз. Шартли фикр учун асос бўлимида тавсифланган масаладан ташқари, биз қуйида тавсифланган масалаларни хулосамизда маълум қилиниши керак бўлган аудитнинг асосий масалалари деб аниқладик.

[701-сон АХСга мувофиқ ҳар бир асосий аудит масаласини тавсифлаш.]

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул бўлган шахсларнинг жавобгарликлари[4]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича хулоса

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

---

[3] "Молиявий ҳисоботлар аудити ҳақида ҳисобот" деган қуйи сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича ҳисобот" деган иккинчи қуйи сарлавҳа қўлланилмайдиган ҳолатларда зарур эмас.

[4] Намунавий аудитор ҳисоботлари давомида "раҳбарият" ва "бошқарув учун масъул бўлган шахслар" атамалари муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий доира контекстида тегишли бўлган бошқа атама билан алмаштирилиши керак бўлиши мумкин.

Ушбу мустақил аудиторнинг хулосасига олиб келган аудит бўйича масъул шерик [исм].

[*Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий исми ёки иккаласи биргаликдаги имзо, муайян юрисдикция учун тегишли бўлганидек*]

[*Аудитор манзили*]

[*Сана*]

2-намуна – Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг муҳим бузиб кўрсатилиши туфайли салбий фикр

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси мақсадлари учун қуйидаги ҳолатлар фараз қилинади:

- **Листингга кирган ташкилотнинг ҳаққоний тақдим этиш асосларидан фойдаланиб тўлиқ консолидациялашган молиявий ҳисобот тўпламининг аудити. Аудит шўъба корхоналари бўлган ташкилотнинг гуруҳ аудитидир (яъни 600-сон АХС қўлланилади).**
- **Консолидациялашган молиявий ҳисобот ташкилот раҳбарияти томонидан МҲХСларга мувофиқ (умумий мақсадли асослар) тайёрланган.**
- **Аудит келишуви шартлари 210-сон АХСда келтирилган консолидациялашган молиявий ҳисобот учун раҳбарият жавобгарлигининг тавсифини акс эттиради.**
- **Консолидациялашган молиявий ҳисобот шуъба корхонани консолидация қилмаслик туфайли муҳим даражада бузиб кўрсатилган. Муҳим бузиб кўрсатиш консолидациялашган молиявий ҳисобот учун кенг қамровли деб ҳисобланади. Бузиб кўрсатишнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботга таъсирини аниқлаш мумкин бўлмагани учун аниқланмаган (яъни салбий фикр муносиб).**
- **Аудитга нисбатан қўлланиладиган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикция талабларидир.**
- **Олинган аудит далиллари асосида аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолиятни давом эттириш қобилиятига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деб хулоса қилган.**
- **701-сон АХС қўлланилади; бироқ, аудитор салбий фикр учун асос бўлимида тавсифланган масаладан ташқари бошқа аудитнинг асосий масалалари йўқ деб аниқлаган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва консолидациялашган молиявий ҳисобот бўйича салбий фикрга олиб келган масала бошқа маълумотларга ҳам таъсир қилади.**
- **Консолидациялашган молиявий ҳисоботни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**

- **Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун ҳужжатлари билан талаб қилинадиган бошқа ҳисобот бериш мажбуриятларига ҳам эга.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС Компанияси акциядорларига [ёки бошқа тегишли манзилга]

Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити бўйича хулоса[5]

Салбий фикр

Биз АВС Компанияси ва унинг шуъба корхоналарининг (Гуруҳ) 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун консолидациялашган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, консолидациялашган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва консолидациялашган пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдан, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олган консолидациялашган молиявий ҳисоботга изоҳлардан иборат консолидациялашган молиявий ҳисоботини аудитдан ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, ҳисоботимизнинг "Салбий фикр учун асос" бўлимида муҳокама қилинган масаланинг аҳамияти туфайли, илова қилинган консолидациялашган молиявий ҳисобот Гуруҳнинг 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра консолидациялашган молиявий ҳолатини, шунингдек шу санада тугаган йил учун унинг консолидациялашган молиявий натижаларини ва консолидациялашган пул маблағлари ҳаракатини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ ҳаққоний тақдим этмайди (ёки тўғри ва ҳаққоний кўриниш бермайди).

Салбий фикр учун асос

Х-изоҳда тушунтирилганидек, Гуруҳ 20X1 йилда сотиб олган XYZ Компанияси шуъба корхонасини консолидация қилмаган, чунки у ҳали шуъба корхонанинг айрим муҳим активлари ва мажбуриятларининг сотиб олиш санасидаги ҳаққоний қийматларини аниқлай олмаган. Шунинг учун бу инвестиция таннарх асосида ҳисобга олинган. МҲХСларга мувофиқ, Компания бу шуъба корхонани консолидация қилиши ва сотиб олишни олдиндан ҳисобланган суммалар асосида ҳисобга олиши керак эди. Агар XYZ Компанияси консолидация қилинганда, илова қилинган консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг кўпгина элементлари муҳим даражада ўзгарган бўларди. Консолидация қилмаслик натижасида консолидациялашган молиявий ҳисоботга таъсирлари аниқланмаган.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз ҳисоботимизнинг "*Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари*" бўлимида батафсил тавсифланган. Биз [*юрисдикция*]даги консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Гуруҳдан мустақилмиз ва биз бу талаблар бўйича бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажарганмиз. Биз олган аудит далиллари салбий фикр учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Бошқа маълумот [ёки "Молиявий ҳисобот ва уларга доир аудиторлик хулосасидан ташқари маълумот" каби бошқа тегишли сарлавҳа]

[720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) хулоса бериш талабларига мувофиқ хулоса– *720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 2-иловасидаги 7-намунага қаранг. 7-намунадаги бошқа маълумот бўлимининг охирги банди бошқа маълумотга ҳам таъсир қиладиган салбий фикрга олиб келган махсус масалани тавсифлаш учун мослаштирилиши керак.*]

Аудитнинг асосий масалалари

Салбий фикр учун асос бўлимида тавсифланган масаладан ташқари, биз хулосамизда маълум қилиниши керак бўлган бошқа аудитнинг асосий масалалари йўқ деб аниқладик.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул бўлган шахсларнинг жавобгарликлари[6]

[*700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 2-намунага қаранг.*]

Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

[*700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 2-намунага қаранг.*]

---

[5] "Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити ҳақида ҳисобот" деган қуйи сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича ҳисобот" деган иккинчи қуйи сарлавҳа қўлланилмайдиган ҳолатларда зарур эмас.

[6] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий доира контекстида тегишли бўлган бошқа атамалар.

Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича ҳисобот

[*700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 2-намунага қаранг.*]

Ушбу мустақил аудитор ҳисоботига олиб келган аудит бўйича масъул шерик [исм].

[*Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий исми ёки иккаласи биргаликдаги имзо, муайян юрисдикция учун тегишли бўлганидек*]

[*Аудитор манзили*]

[*Сана*]

3-намуна – Чет элдаги таъсир остидаги ташкилот бўйича етарли аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлиги туфайли шартли фикр

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси мақсадлари учун қуйидаги ҳолатлар фараз қилинади:

- **Листингга кирган ташкилотнинг ҳаққоний тақдим этиш асосларидан фойдаланиб тўлиқ консолидациялашган молиявий ҳисобот тўпламининг аудити. Аудит шуъба корхоналари бўлган ташкилотнинг гуруҳ аудитидир (яъни 600-сон АХС қўлланилади).**
- **Консолидациялашган молиявий ҳисобот ташкилот раҳбарияти томонидан МҲХСларга мувофиқ (умумий мақсадли асослар) тайёрланган.**
- **Аудит топшириғи шартлари 210-сон АХСда келтирилган консолидациялашган молиявий ҳисобот учун раҳбарият жавобгарлигининг тавсифини акс эттиради.**
- **Аудитор чет элдаги таъсир остидаги ташкилотга инвестиция бўйича етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаган. Етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлигининг мумкин бўлган таъсирлари консолидациялашган молиявий ҳисобот учун муҳим, аммо кенг қамровли эмас деб ҳисобланади (яъни шартли фикр муносиб).**
- **Аудитга нисбатан қўлланиладиган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикция талабларидир.**
- **Олинган аудит далиллари асосида аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолиятни давом эттириш қобилиятига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деб хулоса қилган.**
- **Аудитнинг асосий масалалари 701-сон АХСга мувофиқ маълум қилинган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва консолидациялашган молиявий ҳисобот бўйича шартли фикрга олиб келган масала бошқа маълумотларга ҳам таъсир қилади.**
- **Консолидациялашган молиявий ҳисоботни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун ҳужжатлари билан талаб қилинадиган бошқа хулоса бериш мажбуриятларига ҳам эга.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС Компанияси акциядорларига [ёки бошқа тегишли манзилга]

Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити бўйича хулоса[7]

Шартли фикр

Биз АВС Компанияси ва унинг шуъба корхоналарининг (Гуруҳ) 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун консолидациялашган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, консолидациялашган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва консолидациялашган пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдан, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олган консолидациялашган молиявий ҳисоботга изоҳлардан иборат консолидациялашган молиявий ҳисоботини аудитдан ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, хулосамизнинг "Шартли фикр учун асос" бўлимида тавсифланган масаланинг мумкин бўлган таъсирларидан ташқари, илова қилинган консолидациялашган молиявий ҳисобот Гуруҳнинг 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра молиявий ҳолатини, шунингдек шу санада тугаган йил учун унинг консолидациялашган молиявий натижаларини ва консолидациялашган пул маблағлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ ҳаққоний тақдим этади (ёки тўғри ва ҳаққоний кўриниш беради).

Шартли фикр учун асос

Гуруҳнинг йил давомида сотиб олинган ва улушли қатнашиш усули билан ҳисобга олинган чет элдаги таъсир остидаги ташкилот XYZ Компаниясига қилинган инвестицияси 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ххх миқдорида кўрсатилган, ва АВС компаниясининг XYZ компаниясининг ххх миқдоридаги соф даромаддаги улуши шу йил тугаган йил учун АВС даромадига киритилган. Биз XYZ компаниясининг молиявий маълумотлари, раҳбарияти ва аудиторларига кириш рухсатини ололмаганимиз сабабли 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра АВС компаниясининг XYZ компаниясига қилинган инвестицияси баланс қиймати ва шу йил учун АВС компаниясининг XYZ компанияси соф даромадидаги улуши ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмадик. Натижада, биз бу миқдорларга қандайдир тузатишлар киритиш зарур эканлигини аниқлай олмадик.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Бу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг "Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бўлимида батафсил тавсифланган. Биз [юрисдикция]даги консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Гуруҳдан мустақилмиз ва биз бу талаблар бўйича бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажарганмиз. Биз олган аудит далиллари шартли фикр учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Бошқа маълумот [ёки "Молиявий ҳисобот ва уларга доир аудиторлик хулосасидан ташқари маълумот" каби бошқа тегишли сарлавҳа]

[720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) хулоса бериш талабларига мувофиқ хулоса – 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)нинг 2-иловасидаги 6-намунага қаранг. 6-намунадаги бошқа маълумот бўлимининг охирги банди бошқа маълумотга ҳам таъсир қиладиган шартли фикрга олиб келган махсус масалани тавсифлаш учун мослаштирилиши керак.]

Аудитнинг асосий масалалари

Аудитнинг асосий масалалари бизнинг профессионал мулоҳазамизга кўра, жорий давр консолидациялашган молиявий ҳисоботи аудитида энг аҳамиятли бўлган масалалардир. Бу масалалар консолидациялашган молиявий ҳисобот умуман олганда аудити доирасида ва улар бўйича фикр шакллантиришда кўриб чиқилган ва биз бу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз. Шартли фикр учун асос бўлимида тавсифланган масаладан ташқари, биз қуйида тавсифланган масалаларни хулосамизда маълум қилиниши керак бўлган аудитнинг асосий масалалари деб аниқладик.

[701-сон АХСга мувофиқ ҳар бир асосий аудит масаласини тавсифлаш.]

Консолидациялашган молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул бўлган шахсларнинг жавобгарликлари[8]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 2-намунага қаранг.]

---

[7] "Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити ҳақида ҳисобот" деган қуйи сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича ҳисобот" деган иккинчи қуйи сарлавҳа қўлланилмайдиган ҳолатларда зарур эмас.

[8] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий доира контекстида тегишли бўлган бошқа атамалар.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

[700-сон АҲС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса – 700-сон АҲС (Қайта таҳрирланган)даги 2-намунага қаранг.]

Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича ҳисобот

[700-сон АҲС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса – 700-сон АҲС (Қайта таҳрирланган)даги 2-намунага қаранг.]

Ушбу мустақил аудитор хулосасига олиб келган аудит бўйича масъул шерик [*исм*].

[*Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий исми ёки иккаласи биргаликдаги имзо, муайян юрисдикция учун тегишли бўлганидек*]

[*Аудитор манзили*]

[*Сана*]

4-намуна – Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг битта элементи ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлиги туфайли фикр билдиришдан воз кечиш

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси мақсадлари учун қуйидаги ҳолатлар фараз қилинади:

- **Листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг ҳаққоний тақдим этиш асосларидан фойдаланиб тўлиқ консолидациялашган молиявий ҳисобот тўпламининг аудити. Аудит шуъба корхоналари бўлган ташкилотнинг гуруҳ аудитидир (яъни 600-сон АХС қўлланилади).**
- **Консолидациялашган молиявий ҳисобот ташкилот раҳбарияти томонидан МҲХСларга мувофиқ (умумий мақсадли асослар) тайёрланган.**
- **Аудит келишуви шартлари 210-сон АХСда келтирилган консолидациялашган молиявий ҳисобот учун раҳбарият жавобгарлигининг тавсифини акс эттиради.**
- **Аудитор консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг битта элементи ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаган. Яъни, аудитор ташкилотнинг соф активларининг 90% дан ортиғини ташкил этадиган қўшма корхонага инвестиция ҳақидаги молиявий маълумотлар бўйича ҳам аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаган. Етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлигининг мумкин бўлган таъсирлари консолидациялашган молиявий ҳисобот учун ҳам муҳим, ҳам кенг тарқалган деб ҳисобланади (яъни фикр билдиришдан воз кечиш муносиб).**
- **Аудитга нисбатан қўлланиладиган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикция талабларидир.**
- **Консолидациялашган молиявий ҳисоботни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Аудиторнинг жавобгарликлари бўлимининг чекланганроқ тавсифи талаб қилинади.**
- **Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун ҳужжатлари билан талаб қилинадиган бошқа ҳисобот бериш мажбуриятларига ҳам эга.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС Компанияси акциядорларига [ёки бошқа тегишли манзилга]

Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити бўйича хулоса[9]

Фикр билдиришдан воз кечиш

Биз АВС Компанияси ва унинг шуъба корхоналарининг (Гуруҳ) 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун консолидациялашган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, консолидациялашган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва консолидациялашган пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдан, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олган консолидациялашган молиявий ҳисоботга изоҳлардан иборат консолидациялашган молиявий ҳисоботини аудитдан ўтказиш учун жалб қилинган эдик.

Биз Гуруҳнинг илова қилинган консолидациялашган молиявий ҳисоботи бўйича фикр билдирмаймиз. хулосамизнинг "Фикр билдиришдан воз кечиш учун асос" бўлимида тавсифланган масаланинг аҳамияти туфайли, биз бу консолидациялашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фикри учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмадик.

Фикр билдиришдан воз кечиш учун асос

Гуруҳнинг қўшма корхонаси XYZ Компаниясига қилинган инвестицияси Гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида ххх миқдорида кўрсатилган, бу 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра Гуруҳнинг соф активларининг 90% дан ортиғини ташкил этади. Бизга XYZ Компаниясининг раҳбарияти ва аудиторларига, шу жумладан XYZ Компанияси аудиторларининг аудит ҳужжатларига кириш рухсати берилмади. Натижада, биз Гуруҳнинг биргаликда назорат қиладиган XYZ Компанияси активларидаги мутаносиб улуши, у биргаликда жавобгар бўлган XYZ Компанияси мажбуриятларидаги мутаносиб улуши, XYZ компаниясининг йил давомидаги даромадлари ва харажатларидаги мутаносиб улуши, ва консолидациялашган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда консолидациялашган пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни ташкил этувчи элементлар бўйича қандайдир тузатишлар зарур эканлигини аниқлай олмадик.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул бўлган шахсларнинг жавобгарликлари[10]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса– 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 2-намунага қаранг.]

Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

Бизнинг жавобгарлигимиз Гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботини Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитдан ўтказиш ва аудитор ҳисоботини чиқаришдан иборат. Бироқ, хулосамизнинг "Фикр билдиришдан воз кечиш учун асос" бўлимида тавсифланган масала туфайли, биз бу консолидациялашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фикри учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмадик.

Биз [*юрисдикция*]даги молиявий ҳисобот аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Гуруҳдан мустақилмиз ва биз бу талаблар бўйича бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажарганмиз.

Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича хулоса

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса– 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 2-намунага қаранг.]

[Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий исми ёки иккаласи биргаликдаги имзо, муайян юрисдикция учун тегишли бўлганидек]

[Аудитор манзили]

[Сана]

---

[9] "Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити ҳақида ҳисобот" деган қуйи сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича ҳисобот" деган иккинчи қуйи сарлавҳа қўлланилмайдиган ҳолатларда зарур эмас.

[10] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий доира контекстида тегишли бўлган бошқа атамалар.

5-намуна – Молиявий ҳисоботнинг кўп элементлари ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлиги туфайли фикр билдиришдан воз кечиш

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси мақсадлари учун қуйидаги ҳолатлар фараз қилинади:

- **Листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг ҳаққоний тақдим этиш асосларидан фойдаланиб тўлиқ молиявий ҳисобот тўпламининг аудити. Аудит гуруҳ аудити эмас (яъни 600-сон АХС қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисобот ташкилот раҳбарияти томонидан МҲХСларга мувофиқ (умумий мақсадли асослар) тайёрланган.**
- **Аудит келишуви шартлари 210-сон АХСда келтирилган молиявий ҳисобот учун раҳбарият жавобгарлигининг тавсифини акс эттиради.**
- **Аудитор молиявий ҳисоботнинг кўп элементлари ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаган, яъни аудитор ташкилотнинг захиралари ва дебиторлик қарздорлиги ҳақида ҳам аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмаган. Етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятининг йўқлигининг мумкин бўлган таъсирлари молиявий ҳисобот учун ҳам муҳим, ҳам кенг тарқалган деб ҳисобланади.**
- **Аудитга нисбатан қўлланиладиган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикция талабларидир.**
- **Молиявий ҳисоботни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Аудиторнинг жавобгарликлари бўлимининг чекланганроқ тавсифи талаб қилинади.**
- **Молиявий ҳисобот аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун ҳужжатлари билан талаб қилинадиган бошқа ҳисобот бериш мажбуриятларига ҳам эга.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС Компанияси акциядорларига [ёки бошқа тегишли манзилга]

Молиявий ҳисобот аудити бўйича хулосаси[11]

Фикр билдиришдан воз кечиш

Биз АВС Компаниясининг (Компания) 20Х1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдан, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олган молиявий ҳисоботга изоҳлардан иборат молиявий ҳисоботини аудитдан ўтказиш учун жалб қилинган эдик.

Биз Компаниянинг илова қилинган молиявий ҳисоботи бўйича фикр билдирмаймиз. Хулосамизнинг "Фикр билдиришдан воз кечиш учун асос" бўлимида тавсифланган масалаларнинг аҳамияти туфайли, биз бу молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фикри учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмадик.

Фикр билдиришдан воз кечиш учун асос

Биз Компания аудиторлари сифатида 20Х1 йил 31 декабрдан кейин тайинланганмиз ва шунинг учун йил бошидаги ва охиридаги жисмоний захираларнинг ҳисобини кузатмаганмиз. Биз 20Х0 ва 20Х1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра мавжуд бўлган захиралар миқдори билан боғлиқ ўзимизни муқобил усуллар билан қаноатлантира олмадик, улар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботларда тегишлича ххх ва ххх миқдорида кўрсатилган. Бундан ташқари, 20Х1 йил сентябрда янги компьютерлаштирилган дебиторлик қарздорлиги тизимининг жорий этилиши дебиторлик қарздорлигида кўплаб хатоларга олиб келди. Хулосамиз санасига кўра, раҳбарият ҳали ҳам тизим камчиликларини тузатиш ва хатоларни тўғрилаш жараёнида эди. Биз 20Х1 йил 31 декабрь ҳолатига кўра молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ххх умумий миқдорида кўрсатилган дебиторлик қарздорлигини муқобил усуллар билан тасдиқлаш ёки текшириш имкониятига эга бўлмадик. Бу масалалар натижасида биз ҳисобда акс эттирилган ёки акс эттирилмаган захиралар ва дебиторлик қарздорлиги, шунингдек молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни ташкил этувчи элементлар бўйича қандайдир тузатишлар зарур бўлиши мумкинлигини аниқлай олмадик.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул бўлган шахсларнинг жавобгарликлари[12]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

Бизнинг жавобгарлигимиз Компаниянинг молиявий ҳисоботини Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитдан ўтказиш ва аудиторлик хулосасини беришдан воз кечишдан иборат. Бироқ, хулосамизнинг "Фикр билдиришдан воз кечиш учун асос" бўлимида тавсифланган масалалар туфайли, биз бу молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фикри учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имкониятига эга бўлмадик.

Биз [*юрисдикция*]даги молиявий ҳисобот аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз ва биз бу талаблар бўйича бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажарганмиз.

Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича хулоса

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

[Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий исми ёки иккаласи биргаликдаги имзо, муайян юрисдикция учун тегишли бўлганидек]

[Аудитор манзили]

[Сана]

---

[11] "Молиявий ҳисоботлар аудити ҳақида ҳисобот" деган қуйи сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича ҳисобот" деган иккинчи қуйи сарлавҳа қўлланилмайдиган ҳолатларда зарур эмас.

[12] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий доира контекстида тегишли бўлган бошқа атамалар.

706-СОН АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ (ҚАЙТА ТАҲРИРЛАНГАН)

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИДА АЛОҲИДА МАСАЛАЛАРНИ ТАЪКИДЛАШ БАНДЛАРИ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР БАНДЛАРИ

(2016 йил 15 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисоботлар аудитига нисбатан амал қилади)

МУНДАРИЖА

	Банд
Кириш	
АХСнинг қўллаш доираси	1–4
Кучга кириш санаси	5
Мақсад	6
Таърифлар	7
Талаблар	
Аудиторлик хулосасидаги алоҳида масалалар бандлари	8–9
Аудиторлик хулосасидаги бошқа масалалар бандлари	10–11
Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот ўрнатиш	12
Иловалар ва бошқа изоҳловчи материаллар	
Аудиторлик хулосасидаги алоҳида масалалар бандлари ва аудитнинг асосий масалалари ўртасидаги муносабат	А1–А3
Алоҳида масалалар банди зарур бўлиши мумкин бўлган шароитлар	А4–А6
Аудиторлик хулосасида алоҳида масалалар бандини киритиш	А7–А8
Аудиторлик хулосасидаги бошқа масалалар бандлари	А9–А15
Аудиторнинг хулосасида алоҳида масалалар бандлари ва бошқа масалалар бандларининг жойлаштирилиши	А16–А17
Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот ўрнатиш	А18
1-илова: Алоҳида масалалар бандлари талабларини ўз ичига олган АХСлар рўйхати	
2-илова: Бошқа масалалар бандлари учун талабларни ўз ичига олган АХСлар рўйхати	
3-илова: Мустақил аудиторнинг хулосасининг намунаси, унда аудитнинг асосий масалалари бўлими, алоҳида масалалар банди ва бошқа масалалар банди	
4-илова: Молиявий ҳисоботни тайёрлаш асосидан четланиш туфайли шартли фикрни ўз ичига олган мустақил аудитор хулосасининг намунаси ва у ўз ичига олган алоҳида масалалар бандлари	

706-сон Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) (Қайта таҳрирланган), “*Мустақил аудиторлик хулосасида алоҳида масалаларни таъкидлаш бандлари ва бошқа масалалар бандлари”*, 200-сон АХС “*Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш”* билан биргаликда ўқилиши лозим.

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси

1. Ушбу Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) аудиторлик хулосасида қуйидагилар бўйича қўшимча тарзда хабар беришни аудитор зарур деб ҳисоблаганда қўлланилади:

   (a) Фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботларни тушунишлари учун аҳамиятли бўлган молиявий ҳисоботларда келтирилган ёки ёритиб берилган масалаларга фойдаланувчиларнинг эътиборини қаратиш; ёки

   (b) Фойдаланувчиларнинг эътиборини молиявий ҳисоботларда келтирилган ёки ёритиб берилган масалалардан ташқари, аудит, аудиторнинг жавобгарликлари ёки аудиторлик хулосасига оид тушунчаларга тегишли бўлган ҳар қандай масала ёки масалаларга қаратиш.

2. 701-сон АХС[1] аудитор аудитнинг асосий масалаларини аниқлаганда ва уларни аудиторнинг хулосасида баён этганда талабларни белгилайди ва кўрсатмалар беради. Аудиторлик хулосасида аудитнинг асосий масалалари бўлими киритилганда, ушбу АХСга мувофиқ аудиторлик хулосасидаги аудитнинг асосий масалалари ва ушбу АХСга мувофиқ қўшимча тарзда хабар қилинадиган масалаларга оид муносабатни кўриб чиқади. (А1–А3 бандларга қаранг)

3. 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[2] ва 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[3] аудиторлик хулосасида фаолият узлуксизлиги ва бошқа маълумотларни хабар қилишга оид талабларни ўрнатади ва кўрсатмалар беради.

4. 1 ва 2-иловалар аудиторлик хулосасида алоҳида масалаларни таъкидлаш бандлари ёки бошқа масалалар бандларини киритиш учун аудиторга махсус талабларни ўз ичига олган АХСларни аниқлайди. Шундай шароитларда, бундай бандларнинг шаклига оид ушбу АХСдаги талаблар қўлланилади. (А4 бандга қаранг)

Кучга кириш санаси

5. Ушбу АХС 2016 йил 15 декабрь ёки ундан кейин якунланадиган даврлар учун молиявий ҳисоботлар аудитига нисбатан амал қилади.

Мақсад

6. Аудиторнинг мақсади, молиявий ҳисоботлар бўйича фикр билдирган ҳолда, аудиторнинг мулоҳазасига кўра зарур бўлганда, аудиторлик *хулосаси*да қўшимча тарзда хабар қилиш орқали фойдаланувчиларнинг эътиборини қуйидагиларга қаратишдан иборат:

   (a) Фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботларни тушунишлари учун аҳамиятли бўлган, молиявий ҳисоботларда ўринли тақдим этилган ёки ёритиб берилган масала; ёки

   (b) Аудит, аудиторнинг жавобгарликлари ёки аудиторлик хулосасини тушуниш учун фойдаланувчиларга тегишли бўлган бошқа ҳар қандай масала.

Таърифлар

7. АХС мақсадлари учун қуйидаги атамалар мазкур маъноларга эга:

   (a) Алоҳида масалалар банди – аудиторлик хулосасидаги банд бўлиб, молиявий ҳисоботларда ўринли тақдим этилган ёки ёритиб берилган масалага ишора қилади, бу аудиторнинг мулоҳазасига кўра, у фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботларни тушунишлари учун асосий аҳамиятга эга.

   (b) Бошқа масалалар банди – аудиторлик хулосасидаги банд бўлиб, молиявий ҳисоботларда келтирилган ёки ёритиб берилган масалалардан бошқа масалага тааллуқлидир, бу аудиторнинг мулоҳазасига кўра, аудитни, аудиторнинг жавобгарликларини ёки аудиторлик хулосасини фойдаланувчиларнинг тушуниши учун муҳимдир.

Талаблар

Аудиторлик хулосасидаги алоҳида масалалар бандлари

8. Агар аудитор молиявий ҳисоботларда келтирилган ёки ёритиб берилган бирор масалага фойдаланувчиларнинг

---

[1] 701-сон АХС, *"Мустақил аудиторнинг хулосасида аудитнинг асосий масалаларини хабар қилиш"*

[2] 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Фаолият узлуксизлиги"*

[3] 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарликлари"*

эътиборини қаратишни зарур деб ҳисобласа ва бу масала аудиторнинг мулоҳазасига кўра, у фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботларни тушунишлари учун асосий аҳамиятга эга бўлса, аудитор ўз хулосасида “Алоҳида масалалар банди"ни қўшиши лозим. (А5–А6 бандларга қаранг)

(a) Аудитор мазкур масала натижасида 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[4] га мувофиқ фикрни модификациялаш талаб қилинмайди; ва

(b) 701-сон АХС қўлланилганда, масала аудиторлик хулосасида хабар қилинадиган аудитнинг асосий масаласи сифатида аниқланмаган. (А1–А3 бандларга қаранг)

9. Аудиторлик хулосасида алоҳида масалалар бандини киритганда, аудитор қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

(a) Аудиторлик хулосасининг алоҳида бўлимида "Алоҳида масалалар" атамасини ўз ичига олган тегишли сарлавҳа билан бандни киритиш.

(b) Бандда таъкидланаётган масалага аниқ ишора киритиш ва молиявий ҳисоботларда ушбу масалани тўлиқ баён қилувчи тегишли ёритиб берилган маълумотларни қаердан топиш мумкинлигини кўрсатиш. Банд фақат молиявий ҳисоботларда тақдим этилган ёки ёритиб берилган маълумотларга тааллуқли бўлиши лозим; ва

(c) Аудиторлик фикри таъкидланган масалага нисбатан модификацияланмаганини кўрсатиш. (А7–А8, А16–А17 бандларга қаранг)

Аудиторлик хулосасидаги бошқа масалалар бандлари

10. Агар аудитор молиявий ҳисоботларда тақдим этилган ёки ёритиб берилган масалалардан бошқа бирор масалани хабар қилишни зарур деб ҳисобласа ва бу масала аудиторнинг мулоҳазасига кўра аудит фойдаланувчиларининг аудитни тушунишлари, аудиторнинг жавобгарликлари ёки аудиторлик хулосасига тегишли бўлса, аудиторнинг хулосасида бошқа масалалар бандини киритиши лозим, қуйидаги шартларни инобатга олган ҳолда:

(a) Бу қонун ёки норматив ҳужжат билан тақиқланмаган; ва

(b) 701-сон АХС қўлланилганда, масала аудиторлик хулосасида хабар қилинадиган аудитнинг асосий масаласи сифатида белгиланмаган. (А9–А14 бандларга қаранг)

11. Аудиторлик хулосасида "Бошқа масалалар" бандини киритганда, аудитор бандни алоҳида бўлимда "Бошқа масалалар" ёки бошқа мос сарлавҳа билан киритиши лозим. (А15–А17 бандларга қаранг)

Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот ўрнатиш

12. Агар аудитор аудиторнинг хулосасида "Алоҳида масалалар" ёки "Бошқа масалалар" бандини киритишни кутса, аудитор бу кутилма ва ушбу банднинг матни ҳақида бошқарув учун масъул бўлган шахслар билан мулоқот қилиши лозим. (А18 бандга қаранг)

***

Иловалар ва бошқа изоҳловчи материаллар

Аудиторлик хулосасидаги алоҳида масалалар бандлари ва аудитнинг асосий масалалари ўртасидаги муносабат (2, 8(b) бандларга қаранг)

А1. Аудитнинг асосий масалалари 701-сон АХСда аудиторнинг профессионал мулоҳазасига кўра, жорий давр молиявий ҳисоботларини аудит қилишда энг асосий аҳамиятга эга бўлган масалалар сифатида таърифланади. Аудитнинг асосий масалалари ҳозирги давр молиявий ҳисоботларнинг аудити натижасида олинган аҳамиятли натижаларни ўз ичига олган ҳолда, бошқарув учун масъул бўлган шахслар билан мулоқот қилинган масалалардан танланади.[5] Аудитнинг асосий масалаларини етказиш молиявий ҳисоботларнинг мўлжалланган фойдаланувчиларига аудиторнинг профессионал мулоҳазасида аудитда энг муҳим бўлган масалаларни тушунишда қўшимча маълумот беради ва шунингдек, уларга ташкилотни ва аудит қилинган молиявий ҳисоботлардаги раҳбариятнинг аҳамиятли мулоҳазаларини тушунишда ёрдам бериши мумкин. 701-сон АХС қўлланилганда, алоҳида масалалар бандларидан фойдаланиш алоҳида аудитнинг асосий масалаларини тавсифлаш ўрнини босмайди.

А2. 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалалари деб белгиланган масалалар, аудиторнинг мулоҳазасига кўра, молиявий ҳисоботларни фойдаланувчиларнинг тушуниши учун ҳам муҳим бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масаласи сифатида масалани етказишда аудитор унинг нисбий аҳамиятига

---

4 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *“Мустақил аудиторнинг хулосасидаги фикрни модификациялаш”*

5 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *“Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот”*, 16-банд

урғу бериш ёки янада эътибор қаратишни исташи мумкин. Аудитор буни аудитнинг асосий масалалари бўлимида масалани бошқа масалаларга нисбатан кўпроқ аҳамият бериш орқали (масалан, биринчи масала сифатида) ёки молиявий ҳисоботларни фойдаланувчилар томонидан тушуниш учун масаланинг аҳамиятини кўрсатиш учун аудитнинг асосий масаласининг тавсифига қўшимча маълумот киритиш орқали амалга ошириши мумкин.

A3. 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масаласи деб белгиланмаган, лекин аудиторнинг мулоҳазасига кўра, молиявий ҳисоботларни фойдаланувчиларнинг тушуниши учун муҳим бўлган масала бўлиши мумкин (масалан, ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар). Агар аудитор фойдаланувчиларнинг эътиборини бундай масалага қаратишни зарур деб ҳисобласа, ушбу масала аудиторнинг хулосасидаги алоҳида масалалар бандида ушбу АХСга мувофиқ киритилади.

Алоҳида масалалар банди зарур бўлиши мумкин бўлган шароитлар (4, 8 бандларга қаранг)

A4. 1-иловада айрим ҳолатларда аудиторнинг хулосасида алоҳида масалалар бандларини киритиш учун аудиторга махсус талабларни ўз ичига олган АХСлар кўрсатилган. Бу ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Қонун ёки норматив ҳужжатлар билан белгиланган молиявий ҳисобот концептуал асоси қонун ёки норматив ҳужжатлар билан белгиланганлиги сабабли қабул қилиб бўлмайдиган ҳолат.
- Фойдаланувчиларни молиявий ҳисоботлар махсус мақсадли концептуал асосига мувофиқ тайёрланганлиги ҳақида огоҳлантириш.
- Аудиторлик хулосасининг санасидан кейин аудиторга маълум бўлган фактлар маълум бўлганда ва аудитор янги ёки тузатилган аудиторнинг хулосасини тақдим этганда (яъни, ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар).[6]

A5. Аудитор алоҳида масалалар бандини киритишни зарур деб ҳисоблаши мумкин бўлган ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Алоҳида суд ишлари ёки тартибга солувчи орган ҳаракатлари натижасига боғлиқ келажакдаги ноаниқлик.
- Молиявий ҳисоботлар санаси ва аудиторнинг хулосаси санаси оралиғида содир бўлган аҳамиятли ҳодиса.7
- Молиявий ҳисоботларга аҳамиятли таъсир кўрсатадиган янги ҳисоб стандартини муддатидан аввал қўллаш (рухсат этилган холларда).
- Ташкилот молиявий ҳолатига катта таъсир кўрсатган ёки кўрсатишда давом этаётган фавқулоддаги ҳодисалар.

A6. Бироқ, алоҳида масалалар бандларининг кенг тарқалган қўлланилиши аудиторнинг бундай масалалар ҳақидаги хабар бериши самарадорлигини камайтириши мумкин.

Аудиторлик хулосасида алоҳида масалалар бандини киритиш (9-бандга қаранг)

A7. Аудиторлик хулосасида алоҳида масалалар бандининг киритилиши аудиторлик фикрига таъсир қилмайди. Алоҳида масалалар банди қуйидагиларнинг ўрнини босмайди:

(a) 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ модификацияланган фикр, махсус аудит топшириғи шароитлари талаб қилганда;

(b) Молиявий ҳисобот асоси доираси раҳбарият томонидан молиявий ҳисоботда ёритиб бериш талаб қиландиган, ёки ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун ёритиб берилиши керак бўлган маълумотлар; ёки

(c) 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[8] бўйича ҳисобот бериш, агар бирор бир ҳодиса ёки шароитлар ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлса, муҳим ноаниқлик мавжуд бўлганда амалга оширилади.

A8. A16–A17 бандлар айрим ҳолатларда Алоҳида масалалар бандларини жойлаштириш бўйича қўшимча кўрсатмалар беради.

Аудиторнинг хулосасидаги бошқа масалалар бандлари (10–11 бандларга қаранг)

---

6 560-сон АХС, *"Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар"*, 12(b) ва 16-бандлар

7 560-сон АХС, 6-банд

8 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 22–23-бандлар

Бошқа масала банди зарур бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар

Аудитни тушуниш учун фойдаланувчиларга тегишли маълумотлар

A9. 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган) аудитордан бошқарув учун масъул шахслар билан аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддати ҳақида мулоқот қилишни талаб қилади, бу аудитор томонидан аниқланган аҳамиятли рисклар ҳақида ахборот беришни ичига олади.[9] Ҳар қанча аҳамиятли рискларга оид масалалар аудитнинг асосий масалалари деб белгиланиши мумкин бўлса-да, бошқа режалаштириш ва қамров масалалари (масалан, аудитнинг режалаштирилган кўлами ёки аудит доирасидаги муҳимликни қўллаш) аудитнинг асосий масалалари бўлиши эҳтимолдан йироқ, чунки 701-сон АХСда келтирилган аудитнинг асосий масалалари таърифига мос бўлмайди. Шу билан бирга, қонун ёки норматив ҳужжат аудитордан аудиторнинг хулосасида режалаштириш ва кўлам масалалари ҳақида хабар беришни талаб қилиши мумкин ёки аудитор бундай масалалар ҳақида бошқа масала бандида хабар беришни зарур деб ҳисоблаши мумкин

A10. Раҳбарият томонидан аудиторга аудиторлик доирасига қўйилган чеклов туфайли етарли ва муносиб аудит далилларини олиш имконияти йўқлиги мумкин бўлган таъсир кенг қамровли[10] бўлган ҳолатда ҳам, аудитор текширувдан воз кечиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда, аудитор ўз хулосасида бошқа масалалар бандини киритишни зарур деб ҳисоблаши мумкин. Бу бандда аудиторнинг топшириқдан воз кечиши мумкин эмаслигининг сабаблари тушунтирилади.

Аудиторнинг жавобгарликлари ёки аудиторнинг хулосасини тушуниш учун ўринли фойдаланувчилар.

A11. Юрисдикциядаги қонун, норматив ҳужжат ёки умумий қабул қилинган амалиёт аудитордан молиявий ҳисоботнинг аудитидаги аудиторнинг жавобгарликлари ёки аудиторнинг хулосасининг тушунтиришларини батафсил баён қилишни талаб қилиши ёки рухсат бериши мумкин. Агар бошқа масалалар бўлимида аудиторнинг фикрига кўра аудит фойдаланувчиларининг тушунчаси, аудиторнинг жавобгарликлари ёки аудиторнинг хулосасига тегишли бўлган бир нечта масала мавжуд бўлса, ҳар бир масала учун турли кичик сарлавҳалардан фойдаланиш фойдали бўлиши мумкин.

A12. Бошқа масала банди аудиторнинг АХСлар бўйича масъулиятидан ташқари бошқа хулоса бериш жавобгарликлари мавжуд бўлган ҳолатлар билан боғлиқ эмас (700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) [11] даги бошқа хулоса бериш жавобгарликлари бўлимига қаранг), ёки аудитордан қўшимча белгиланган тартиб-таомилларни бажариш ва хулоса бериш ёки махсус масалалар бўйича фикр билдириш сўралган ҳолатлар билан боғлиқ эмас.

Бир нечта молиявий ҳисобот тўплами бўйича хулоса бериш

A13. Ташкилот умумий мақсадли асосга (масалан, миллий асос) мувофиқ молиявий ҳисоботнинг бир тўпламини ва бошқа умумий мақсадли асосга (масалан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) мувофиқ бошқа молиявий ҳисоботнинг тўпламини тайёрлаши ва аудиторни ҳар икки тўплам бўйича хулоса беришга жалб қилиши мумкин. Агар аудитор тегишли шароитларда асослар қабул қилиниши мумкинлигини аниқлаган бўлса, аудитор ўз хулосасида бошқа масалалар бандини киритиши мумкин, буни эса шу ташкилот томонидан бошқа умумий мақсадли асосга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот тўплами мавжудлиги ва аудитор ушбу молиявий ҳисобот бўйича хулоса берганлигига ҳавола қилиши мумкин.

Аудиторнинг хулосасини тарқатиш ёки фойдаланишга қўйилган чекловлар

A14. Махсус мақсад учун тайёрланган молиявий ҳисобот умумий мақсадли асосга мувофиқ тайёрланиши мумкин, чунки тегишли фойдаланувчилар бундай умумий мақсадли молиявий ҳисобот уларнинг молиявий маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришини аниқлаган. Аудиторнинг хулосаси муайян фойдаланувчилар учун мўлжалланганлиги сабабли, аудитор айрим ҳолатларда бошқа масалалар бандини киритишни зарур деб ҳисоблаши мумкин, яъни аудиторнинг хулосаси фақат тегишли фойдаланувчилар учун мўлжалланганлигини ва бошқа томонларга тарқатилмаслиги ёки улар томонидан фойдаланилмаслиги кераклигини баён этиш.

Аудиторнинг хулосасига бошқа масалалар бандини киритиш

A15. Бошқа масалалар бандининг мазмуни аниқ кўрсатиб турибдики, бундай бошқа масалалар молиявий ҳисоботда тақдим этилиши ва ёритиб берилиши талаб қилинмайди. Бошқа масалалар банди аудиторга қонун, норматив ҳужжат ёки бошқа касбий стандартлар томонидан тақиқланган маълумотларни ўз ичига олмайди, масалан, ахборот махфийлигига оид ахлоқ стандартлар. Бошқа масалалар банди, шунингдек, бошқарув томонидан тақдим этилиши керак бўлган маълумотларни ўз ичига олмайди.

Аудиторнинг хулосасида алоҳида масалалар бандлари ва бошқа масалалар бандларининг жойлаштирилиши (9, 11 бандларга қаранг)

---

[9] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 15-банд

[10] Ушбу ҳолатни муҳокама қилиш учун 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган) 13(b)(ii)-бандига қаранг.

[11] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), “Молиявий ҳисобот бўйича фикрни шакллантириш ва хулоса бериш”, 43–44-бандлар

A16. Аудиторнинг хулосасида "Алоҳида масалалар" ёки "Бошқа масалалар" бандининг жойлашуви, етказилиш лозим бўлган маълумотнинг характери ва ушбу маълумотнинг тегишли фойдаланувчилар учун нисбий аҳамиятига нисбатан аудиторнинг фикрига боғлиқ бўлади, бу эса 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) талабларига мувофиқ хулосада талаб қилинадиган бошқа элементлар билан таққосланади. Масалан:

Алоҳида масалалар бандлари

- Агар алоҳида масалалар бандлари тегишли молиявий ҳисобот бериш асосига тааллуқли бўлса, шу жумладан аудитор қонун ёки норматив ҳужжатлар билан белгиланган молиявий ҳисобот бериш асоси бошқача ҳолда қабул қилиб бўлмайдиган[12] деб ҳисобласа, аудитор ўз фикрига тегишли контекстни таъминлаш учун бандни Фикр учун асос банди ортидан жойлаштиришни зарур деб ҳисоблаши мумкин.

- Аудиторнинг хулосасида аудитнинг асосий масалалари бўлими тақдим этилганда, алоҳида масалалар бандлари аудиторнинг алоҳида масалалар бандидаги маълумотларнинг нисбий аҳамиятига бўлган фикрига кўра, ёки аудитнинг асосий масалалари бўлимидан олдин ёки кейин тақдим этилиши мумкин. Аудитор "Алоҳида масалалар бандлари" сарлавҳасига қўшимча контекст қўшиши мумкин, масалан, "Алоҳида масалалар – Ҳисобот санасидан кейинги ҳодиса", бу орқали "Алоҳида масалалар" бандини аудитнинг асосий масалалари бўлимида баён қилинган алоҳида масалалардан ажратиш мумкин.

Бошқа масалалар бандлари

- Аудиторнинг хулосасида аудитнинг асосий масалалари бўлими тақдим этилганда ва бошқа масалалар банди ҳам зарур деб ҳисобланганда, аудитор "Бошқа масалалар" бандига қўшимча контекст қўшиши мумкин, масалан, "Бошқа масалалар – Аудит доираси", аудитнинг асосий масалалари бўлимида баён қилинган алоҳида масалалардан бошқа масалалар бандини ажратиш учун.

- Аудиторнинг хулосасидаги бошқа хулоса бериш жавобгарликларига тегишли масалага фойдаланувчиларнинг эътиборини қаратиш учун бошқа масалалар банди киритилганда, банд *бошқа ҳуқуқий ва тартибга солувчининг талаблар бўйича хулоса* бўлимида киритилиши мумкин.

- Аудиторнинг барча мажбуриятлари ёки аудиторнинг хулосасини фойдаланувчилар томонидан тушуниш учун муҳим бўлганда, бошқа масалалар банди молиявий ҳисоботни аудит қилиш хулосаси ва бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар хулосасидан кейин алоҳида бўлим сифатида киритилиши мумкин.

A17. 3-илова аудиторнинг хулосасида аудитнинг асосий масалалари бўлими, алоҳида масалалар банди ва бошқа масалалар банди биргаликда тақдим этилганда уларнинг ўзаро таъсирини тасвирлайди. 4-иловадаги хулоса листингга кирмаган ташкилот учун аудиторнинг хулосасидаги алоҳида масалалар банди киритилган бўлиб, унда салбий фикр билдирилган ва аудитнинг асосий масалалари баён қилинмаган.

Бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот ўрнатиш (12 бандга қаранг)

A18. 12-бандда талаб қилинган ахборот етказиш, бошқарув учун масъул шахсларни аудиторнинг хулосасида таъкидланиши мумкин бўлган ҳар қандай махсус масалаларнинг моҳиятидан хабардор қилади ва зарур бўлганда аудитордан қўшимча тушунтириш олиш имкониятини беради. Аудиторнинг хулосасида муайян масала бўйича бошқа масалалар бандини киритиш ҳар бир кейинги аудиторлик топшириғида такрорланса, аудитор қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан бошқача талаб қилинмаган ҳолларда, ҳар бир топшириқда ушбу ахборот беришни такрорлаш шарт эмас деб ҳисоблаши мумкин.

---

[12] Масалан, 210-сон АХС “Аудит топшириқлари шартларини келишиш”, 19-банд ва 800-сон АХС (Қайта таҳрирланган) “Махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудити — махсус мулоҳазалар”, 14-банд талаб қилганидек

1-илова
(4, А4 бандларга қаранг)

Алоҳида масалалар бандлари талабларини ўз ичига олган Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) рўйхати

Ушбу илова айрим ҳолатларда аудиторнинг хулосасида алоҳида масалалар бандини киритишни талаб қиладиган бошқа АХС бандларини белгилайди. Ушбу рўйхат АХСда мавжуд бўлган талабларни, шунингдек қўллаш бўйича тегишли қўлланмани ва бошқа тушунтириш материалларини кўриб чиқиш зарурлигини бекор қилмайди.

- 210-сон АХС, *"Аудит топшириғи шартларини келишиш"* – 19(b)-*банд*
- 560-сон АХС, "*Ҳисобот санасидан кейинги Ҳодисалар"* – 12(b) ва 16-бандлар.
- 800-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Махсус мақсадли доираларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботнинг аудити бўйича махсус кўриб чиқишлар"* – 14-банд

2-илова
(4 бандга қаранг)

Бошқа масалалар бандлари учун талабларни ўз ичига олган АХСлар рўйхати.

Ушбу илова айрим ҳолатларда аудиторнинг хулосасида бошқа масалалар бандини киритишни талаб қиладиган бошқа АХС бандларини аниқлайди. Ушбу рўйхат АХСда мавжуд бўлган талабларни, шунингдек қўллаш бўйича тегишли қўлланмани ва бошқа изоҳловчи материалларини кўриб чиқиш зарурлигини бекор қилмайди.

- 560-сон АХС, "*Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар"* – 12(b) ва 16-бандлар.

- 710-сон АХС, "*Қиёсий маълумотлар* — мос кўрсаткичлар *ва қиёсий молиявий ҳисобот"* – 13–14, 16–17 ва 19-бандлар

3-илова
(А17 бандга қаранг)

Мустақил аудиторнинг хулосасининг намунаси, унда аудитнинг асосий масалалари бўлими, алоҳида масалалар банди ва бошқа масалалар банди

Ушбу намуна аудиторнинг хулосасининг мақсадлари учун қуйидаги ҳолатлар қабул қилинган:

- **Листингга кирган ташкилотнинг молиявий ҳисобот тўпламини ҳаққоний тақдим этиш асосида аудит қилиш. Аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АХС[1] қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисобот ташкилотнинг раҳбарияти томонидан Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) (умумий мақсадли асоси)га мувофиқ тайёрланади.**
- **Аудит топшириқларининг шартлари, 210-сон АХС да молиявий ҳисобот учун бошқарувнинг жавобгарлиги тавсифини акс эттиради.**
- **Аудитор аудиторлик далиллари асосида модификацияланмаган (яъни, "тоза") фикрни мувофиқ деб топди.**
- **Аудитга тааллуқли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикцияга тегишлидир.**
- **Аудит далиллари асосида аудитор хулоса қилди, яъни 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ, ташкилотнинг фаолиятини давом эттириш қобилиятига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас.**
- **Молиявий ҳисобот санаси ва аудиторнинг хулосаси санаси оралиғида, ташкилотининг ишлаб чиқариш иншоотларида ёнғин содир бўлди, бу ташкилот томонидан ҳисобот санасидан кейинги ҳодиса сифатида ёритиб берилди. Аудиторнинг мулоҳазасига кўра, масала долзарбки, у молиявий ҳисоботни фойдаланувчилар томонидан тушуниш учун муҳим. Масала жорий давр молиявий ҳисоботнинг аудитида аудиторнинг аҳамиятли эътиборини талаб қилмади.**
- **Аудитнинг асосий масалалари 701-сон АХСга мувофиқ етказилди.**
- **Аудитор ўз хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва бошқа маълумотда муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаган.**
- **Қиёсий кўрсаткичлар тақдим этилган ва аввалги даврнинг молиявий ҳисоботи олдинги аудитор томонидан текширилган. Аудитор қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан олдинги аудиторнинг қиёсий кўрсаткичлар бўйича хулосасига мурожаат қилишдан ман қилинмаган ва бундай қилишга қарор қилган.**
- **Молиявий ҳисоботни назорат қилиш учун масъул бўлганлар молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун масъул бўлганлардан фарқ қилади.**
- **Молиявий ҳисобот аудитига қўшимча равишда, аудитор маҳаллий қонунчилик талаб қиладиган бошқа хулоса бериш мажбуриятларига ҳам эга.**

[1] 600-сон АХС, *"Гуруҳ молиявий ҳисоботларини аудит қилишда махсус мулоҳазалар (компонент аудиторларининг ишини ўз ичига олган ҳолда)"*

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС Компанияси акциядорларига [ёки Бошқа тегишли манзил эгасига]

Молиявий ҳисобот аудити бўйича хулоса[2]

Фикр

Биз АВС Компаниясининг (Компания) молиявий ҳисоботини текширдик, у 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни, шу йилда якунланган молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботни, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда молиявий ҳисоботга изоҳларни, шу жумладан, муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисобот Компаниянинг 20X1 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳолатини барча муҳим жиҳатлари бўйича ҳаққоний акс эттиради ва унинг молиявий натижалари ҳамда шу йилдаги пул оқимларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (*МҲХС)га мувофиқ тўғри ва холисона* кўрсатади.

Фикр учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Бизнинг жавобгарлигимиз ушбу стандартлар бўйича хулосамиздаги Молиявий ҳисоботни *аудити бўйича* аудиторнинг жавобгарликлари бўлимида батафсил баён этилган. Биз [*юрисдикция*]даги молиявий ҳисобот аудитига тегишли бўлган ахлоқий талабларга мувофиқ компаниядан мустақилмиз ва ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари бизнинг фикримиз учун асос бўлишга етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз

Алоҳида масалалар – Ёнғиннинг таъсири[3]

Биз молиявий ҳисоботнинг X-изоҳига Компаниянинг ишлаб чиқариш иншоотларидаги ёнғиннинг таъсирини баён қилганлигини эътиборга оламиз. Бизнинг фикримиз бу масала натижасида модификацияланмаган.

Аудитнинг асосий масалалари

Аудитнинг асосий масалалари профессионал мулоҳазамизга кўра жорий давр молиявий ҳисоботини аудитида юқори аҳамиятга эга бўлган масалалардир. Бу масалалар молиявий ҳисоботнинг умумий аудити доирасида кўриб чиқилди ва улар бўйича фикримизни шакллантиришда, биз бу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз. Алоҳида масалалар бўлимида баён этилган масаладан ташқари, биз қуйида баён этилган масалаларни хулосамизда хабар қилинадиган аудитнинг асосий масалалари деб белгиладик.

[701-сон АХСга мувофиқ ҳар бир асосий аудит масаласининг тавсифи.]

Бошқа масалалар

АВС компаниясининг 20X0 йил 31 декабрда якунланган йил учун молиявий ҳисоботи бошқа аудитор томонидан текширилди ва у 20X1 йил 31 мартда ушбу ҳисобот бўйича модификацияланмаган фикр билдирди.

Бошқа маълумотлар [ёки агар мос бўлса, "Молиявий ҳисобот ва уларнинг аудиторлик хулосасига тааллуқли бўлмаган маълумотлар"]

[720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги хулоса талабларига мувофиқ хулоса бериш – 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган) нинг 2-иловасидаги 1-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисобот учун бошқарув ва бошқарувга масъул шахсларнинг жавобгарликлари[4]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

Аудиторнинг молиявий ҳисобот аудитига оид жавобгарликлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

---

[2] "Молиявий ҳисобот аудити бўйича хулоса" қўшимча сарлавҳаси "Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса" иккинчи қўшимча сарлавҳаси қўлланилмайдиган ҳолатларда зарур эмас.

[3] А16-бандда қайд этилганидек, алоҳида масалалар банди аудиторнинг алоҳида масалалар бандига киритилган маълумотнинг нисбий аҳамияти ҳақидаги мулоҳазасига асосан аудитнинг асосий масалалари бўлимидан бевосита олдин ёки кейин тақдим этилиши мумкин.

[4] Ушбу намунавий аудиторлик хулосалари матнида қўлланилган раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар атамаларини муайян юрисдикциянинг қонунчилик асослари контекстига мос келадиган бошқа тегишли атамалар билан алмаштириш талаб этилиши мумкин.

Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

Ушбу мустақил аудиторнинг хулосасининг аудит раҳбари [*исм*].

[Аудит фирмасининг номи, аудиторнинг исми ёки ҳар иккаласи, тегишли юрисдикцияга мувофиқ]

[*Аудитор манзили]*

[*Сана*]

4-илова
(А8 бандга қаранг)

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш асосидан четланиш туфайли шартли фикрни ўз ичига олган мустақил аудиторнинг хулосасининг намунаси ва у ўз ичига олган алоҳида масалалар бандлари

Ушбу намуна аудиторнинг хулосасининг мақсадлари учун қуйидаги ҳолатлар қабул қилинган:

- **Листингга кирмаган ташкилотнинг молиявий ҳисобот тўпламини ҳаққоний тақдим этиш асосида аудит қилиш. Аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АХС қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисобот ташкилотнинг раҳбарияти томонидан МҲХС (умумий мақсадли) асосида тайёрланади.**
- **Аудит топшириғининг шартлари, 210-сон АХС да молиявий ҳисобот учун рахбариятнинг жавобгарлиги тавсифини акс эттиради.**
- **Молиявий ҳисобот тайёрлаш асосдан четга чиқиш натижасида шартли фикр билдирилди.**
- **Аудитга тааллуқли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикцияга тегишлидир.**
- **Аудит далиллари асосида аудитор хулоса қилди, яъни 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ, ташкилотнинг фаолиятини давом эттириш қобилиятига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас.**
- **Молиявий ҳисобот санаси ва аудиторнинг хулосаси санаси орасида, ташкилотнинг ишлаб чиқариш иншоотларида ёнғин содир бўлди, бу ташкилот томонидан ҳисобот санасидан кейинги ҳодиса сифатида ёритиб берилган. Аудиторнинг мулоҳазасига кўра, масала долзарбки, у молиявий ҳисоботни фойдаланувчилар томонидан тушуниш учун асосий аҳамиятга эга. Масала жорий даврда молиявий ҳисоботнинг аудитида аудиторнинг аҳамиятли эътиборини талаб қилмади.**
- **Аудитордан талаб қилинмайддиган ва у бошқача қарор қилмаган ҳолда, 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини етказиш мажбурияти йўқ.**
- **Аудитор ўз хулоса санасидан олдин бошқа ҳеч қандай маълумот олмаган.**
- **Молиявий ҳисоботни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Молиявий ҳисоботнинг аудитига қўшимча равишда, аудитор маҳаллий қонунчилик талаб қиладиган бошқа хулоса бериш мажбуриятларига ҳам эга.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС Компанияси акциядорларига [ёки Бошқа тегишли манзил эгасига]

Молиявий ҳисоботнинг аудити бўйича хулоса[1]

Шартли фикр

Биз АВС Компаниясининг (Компания) молиявий ҳисоботини текширдик, у 20Х1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни, шу йилда якунланган молия йили учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек, молиявий ҳисоботга изоҳларни, жумладан, муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, хулосамиздаги шартли фикр а*соси бўлимида баён қилинган масала таъсирларидан ташқари, илова қилинган молиявий ҳисобот Компаниянинг 20Х1* йил 31 *декабр ҳолатидаги молиявий ҳолатини* ва ўша йил учун унинг молиявий натижалари ва пул оқимларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (*МҲХС*) мувофиқ равишда *барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний равишда тақдим этади (ёки тўғри ва ҳаққоний кўрсатади)* тақдим этади.

Шартли фикр учун асослар

Компаниянинг қисқа муддатли бозорда сотиладиган қимматли қоғозлари молиявий ҳолат баёнотида ххх қийматда кўрсатилган. Раҳбарият бу қимматли қоғозларни бозор қийматига мувофиқ баҳоламаган, балки уларни бошланғич қийматда кўрсатган, бу эса МҲХСдан четланишни ташкил қилади. Компаниянинг ёзувлари шуни кўрсатадики, агар раҳбарият бозорда сотиладиган қимматли қоғозларни бозор нархига мувофиқ белгилаганида, Компания ушбу йил учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботида ххх миқдорида амалга оширилмаган зарарни тан олган бўлар эди. 31 декабрь, 20Х1 йилда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида қимматли қоғозларнинг баланс қиймати шу миқдорга камайтирилган бўлар эди ва фойда солиғи, соф даромад ва акциядорлар капиталлари мос равишда ххх, ххх ва ххх га камайтирилган бўлар эди.

Биз ўз аудитимизни Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) асосида ўтказдик. Бизнинг жавобгарлигимиз ушбу стандартлар бўйича хулосамиздаги молиявий ҳисобот *аудити бўйича а*удиторнинг жавобгарликлари бўлимида батафсил баён қилинган. Биз [*юрисдикция*]даги молиявий ҳисоботнинг аудитига тегишли бўлган ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз ва ушбу талабларга мувофиқ бошқа аҳлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари бизнинг шартли фикримиз учун асос яратишга етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Алоҳида масалалар– Ёнғиннинг таъсири

Биз молиявий ҳисоботнинг Х-изоҳига Компаниянинг ишлаб чиқариш объектларидаги ёнғиннинг таъсирлари тавсифланганига эътибор қаратамиз. Бизнинг фикримиз бу масалага натижасида модификацияланмаган.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[2]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

Аудиторнинг молиявий ҳисобот аудитидаги жавобгарликлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш (700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг).]

Бошқа ҳуқуқий ва регулятор талаблар асосида хулоса

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) *даги 1-намунага қаранг.]*

[Аудит фирмасининг номи, аудиторнинг исми ёки ҳар иккаласи, тегишли юрисдикцияга мувофиқ]

[*Аудитор манзили]*

[*Сана*]

---

[1] “Молиявий ҳисобот аудити бўйича хулоса” қўшимча сарлавҳаси “Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса” иккинчи қўшимча сарлавҳаси қўлланилмайдиган ҳолатларда зарур эмас.

[2] Ёки муайян юрисдикциянинг ҳуқуқий асоси контекстида мос келадиган бошқа атамалар.

710-СОН АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ

ҚИЁСИЙ МАЪЛУМОТЛАР—ҚИЁСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА ҚИЁСИЙ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР

(2009 йил 15 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисоботлар аудитига нисбатан амал қилади)

МУНДАРИЖА

	Банд
Кириш	
АХСнинг қўллаш доираси	1
Қиёсий маълумотларнинг характери	2−3
Кучга кириш санаси	4
Мақсадлар	5
Таърифлар	6
Талаблар	
Аудиторлик тартиб-таомиллари	7−9
Аудиторлик хулосаси	10−19
Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар	
Аудиторлик тартиб-таомиллари	А1
Аудиторлик хулосаси	А2−А13
Илова: Мустақил аудиторлар хулосалари намуналари	

710-сон Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) "Қиёсий маълумотлар—қиёсий кўрсаткичлар ва қиёсий молиявий ҳисоботлар" 200-сон АХС "Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш" билан биргаликда ўқилиши лозим.

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси

1. Мазкур Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) молиявий ҳисоботлар аудитида қиёсий маълумотларга оид аудиторнинг жавобгарликларини белгилайди. Агар ўтган даврнинг молиявий ҳисоботлари аввалги аудитор томонидан аудитдан ўтказилган бўлса ёки аудитдан ўтказилмаган бўлса, давр бошига қолдиқларга нисбатан 510-сон АХС[1] талаблари ва кўрсатмалари ҳам қўлланилади.

Қиёсий маълумотларнинг характери

2. Ташкилотнинг молиявий ҳисоботларида тақдим этилган қиёсий маълумотларнинг характери қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосининг талабларига боғлиқ. Бундай қиёсий маълумотларга нисбатан аудиторнинг хулоса бериш жавобгарликлари бўйича икки хил кенг ёндашув мавжуд: қиёсий кўрсаткичлар ва қиёсий молиявий ҳисоботлар. Қабул қилиниши лозим бўлган ёндашув кўпинча қонун ёки норматив ҳужжатлар билан белгиланади, аммо шунингдек, топшириқ шартларида ҳам белгиланиши мумкин.
3. Ёндашувлар ўртасидаги аудит хулосасига оид асосий фарқлар қуйидагилардир:
   (a) Қиёсий кўрсаткичлар учун аудиторнинг молиявий ҳисоботлар бўйича фикри фақат жорий даврга тегишли бўлади; эса
   (b) Қиёсий молиявий ҳисоботлар учун аудиторнинг фикри молиявий ҳисоботлар тақдим этилган ҳар бир даврга тегишли бўлади.

   Ушбу АХС ҳар бир ёндашув учун аудиторнинг хулоса бериш талабларини алоҳида белгилайди.

Кучга кириш санаси

4. Мазкур АХС 2009 йил 15 декабрь ва ундан кейин бошланган даврлар учун молиявий ҳисоботлар аудитига нисбатан амал қилади.

Мақсадлар

5. Аудиторнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:
   (a) Молиявий ҳисоботларга киритилган қиёсий маълумотлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосидаги қиёсий маълумотлар бўйича талабларга мувофиқ тақдим этилганлиги ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олиш; ва
   (b) Аудиторнинг хулоса бериш жавобгарликларига мувофиқ хулоса бериш.

Таърифлар

6. АХСлар мақсадларида қуйидаги атамалар мазкур маъноларга эга:
   (a) Қиёсий маълумотлар – Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосига мувофиқ бир ёки ундан ортиқ ўтган даврларга оид молиявий ҳисоботларга киритилган суммалар ва маълумотларни ёритиб бериш.
   (b) Қиёсий кўрсаткичлар – Ўтган давр учун суммалар ва бошқа маълумотларни ёритиб бериш жорий давр молиявий ҳисоботларининг ажралмас қисми сифатида киритилган ва фақат жорий даврга тегишли суммалар ва бошқа маълумотларни ёритиб беришга нисбатан ўқилиши учун мўлжалланган қиёсий маълумотлар (булар "жорий давр рақамлари" деб аталади). Мос суммалар ва маълумотларни ёритиб беришда тақдим этилган тафсилотлар даражаси асосан уларнинг жорий давр рақамларига тегишлилиги билан белгиланади.
   (c) Қиёсий молиявий ҳисоботлар – Ўтган давр учун суммалар ва бошқа маълумотларни ёритиб бериш жорий давр молиявий ҳисоботлари билан таққослаш учун киритилган, лекин агар аудитдан ўтказилган бўлса, аудиторнинг фикрида кўрсатилган қиёсий маълумотлар. Бундай қиёсий молиявий ҳисоботларга киритилган маълумотлар даражаси жорий давр молиявий ҳисоботларининг маълумотлар даражасига таққосланади.

   Ушбу АХС мақсадлари учун, қиёсий маълумотлар бир даврдан ортиқ даврлар учун суммалар ва маълумотларни ёритиб беришни ўз ичига олса, "ўтган давр" га ҳаволалар "ўтган даврлар" сифатида ўқилиши лозим.

Талаблар

Аудиторлик тартиб-таомиллари

7. Аудитор молиявий ҳисоботлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асоси талаб қиладиган қиёсий маълумотларни ўз ичига олиши ва бундай маълумотлар тегишли равишда таснифланганлигини аниқлаши лозим. Бу мақсадда аудитор қуйидагиларни баҳолаши лозим:
   (a) Қиёсий маълумотлар ўтган даврда тақдим этилган суммалар ва бошқа маълумотларни ёритиб бериш билан мос келиши ёки, тегишли ҳолларда, қайта ҳисобланганлиги; ва
   (b) Қиёсий маълумотларда акс эттирилган ҳисоб сиёсати жорий даврда қўлланилган сиёсатлар билан изчил эканлиги ёки, агар ҳисоб сиёсатида ўзгаришлар бўлган бўлса, бу ўзгаришлар тўғри ҳисобга олинганлиги

[1] 510-сон АХС Дастлабки аудит топшириқлари — давр бошига қолдиқлар

ва тегишли равишда тақдим этилганлиги ва ёритиб берилганлиги.

8. Агар аудитор жорий давр аудитини ўтказиш жараёнида қиёсий маълумотларда эҳтимолий муҳим бузиб кўрсатиш ҳақида хабардор бўлса, аудитор муҳим бузиб кўрсатиш мавжудлигини аниқлаш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олиш учун ҳолатларда зарур бўлган қўшимча аудиторлик тартиб-таомилларини бажариши лозим. Агар аудитор ўтган даврнинг молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказган бўлса, аудитор 560-сон АХС[2] тегишли талабларига ҳам риоя қилиши лозим. Агар ўтган давр молиявий ҳисоботларига ўзгартиришлар киритилган бўлса, аудитор қиёсий маълумотлар ўзгартирилган молиявий ҳисоботларга мос келишини аниқлаши лозим.
9. 580-сон АХС[3] талаб қилганидек, аудитор аудиторнинг фикрида кўрсатилган барча даврлар учун ёзма баёнотларни сўраши лозим. Аудитор, шунингдек, қиёсий маълумотларга таъсир кўрсатадиган ўтган давр молиявий ҳисоботларидаги муҳим бузиб кўрсатишни тузатиш учун қилинган ҳар қандай қайта ҳисоблаш бўйича махсус ёзма баёнот олиши лозим. (А1 бандга қаранг)

Аудиторлик хулосаси

Қиёсий кўрсаткичлар

10. Қиёсий кўрсаткичлар тақдим этилганда, аудиторнинг фикри 11, 12 ва 14-бандларда тавсифланган ҳолатлардан ташқари қиёсий кўрсаткичларга ҳавола қилмаслиги лозим. (А2 бандга қаранг)
11. Агар аввал тақдим этилган ўтган давр бўйича аудиторлик хулосаси шартли фикр, фикр билдиришдан бош тортиш ёки салбий фикрни ўз ичига олган бўлса ва модификацияга сабаб бўлган масала ҳал қилинмаган бўлса, аудитор жорий давр молиявий ҳисоботлари бўйича аудитор фикрини модификация қилиши лозим. Аудиторлик хулосасидаги Модификация учун асос бандида аудитор:
    (a) Модификацияга сабаб бўлган масалани тавсифлашда жорий давр рақамлари ва қиёсий кўрсаткичларга ҳавола қилиши лозим, бунда масаланинг жорий давр рақамларига таъсири ёки эҳтимолий таъсири муҳим бўлганда; ёки
    (b) Бошқа ҳолларда, аудит фикри ҳал қилинмаган масаланинг жорий давр рақамлари ва қиёсий кўрсаткичларнинг таққосланиши бўйича таъсири ёки эҳтимолий таъсири туфайли модификация қилинганлигини тушунтириши лозим. (А3–А5 бандларга қаранг)
12. Агар аудитор илгари модификация қилинмаган фикр билдирилган ўтган давр молиявий ҳисоботларида муҳим бузиб кўрсатиш мавжудлиги ҳақида аудит далилларини олса ва қиёсий кўрсаткичлар тегишли равишда қайта ҳисобланмаган ёки тегишли маълумотлар ёритиб берилмаган бўлса, аудитор жорий давр молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосасида унга киритилган қиёсий кўрсаткичларга нисбатан модификация қилинган шартли фикр ёки салбий фикр билдириши лозим. (А6 бандга қаранг)

Ўтган давр молиявий ҳисоботлари аввалги аудитор томонидан аудитдан ўтказилган

13. Агар ўтган давр молиявий ҳисоботлари олдинги аудитор томонидан текширилган бўлса ва аудиторга қонун ёки меъёрий ҳужжатлар томонидан олдинги аудиторнинг мувофиқ рақамлар бўйича хулосасига ҳавола қилиш тақиқланмаган бўлса ва аудитор шундай қилишга қарор қилса, аудитор аудиторлик хулосасидаги бошқа масалалар бандида қуйидагиларни кўрсатиши керак:
    (a) Ўтган давр молиявий ҳисоботлари аввалги аудитор томонидан аудитдан ўтказилганлиги;
    (b) Аввалги аудитор томонидан билдирилган фикр тури ва, агар фикр модификация қилинган бўлса, бунинг сабаблари; ва
    (c) Ўша хулосанинг санаси. (А7-бандга қаранг)

Ўтган давр молиявий ҳисоботлари аудитдан ўтказилмаган

14. Агар ўтган давр молиявий ҳисоботлари аудитдан ўтказилмаган бўлса, аудитор аудиторлик хулосасидаги Бошқа масалалар бандида қиёсий кўрсаткичлар аудитдан ўтказилмаганлигини баён қилиши лозим. Бироқ, бундай баёнот аудиторни давр бошига қолдиқларда жорий давр молиявий ҳисоботларига муҳим даражада таъсир кўрсатадиган бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслиги ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олиш талабидан озод қилмайди. (А8 бандга қаранг)[4]

Қиёсий молиявий ҳисоботлар

15. Қиёсий молиявий ҳисоботлар тақдим этилганда, аудиторнинг фикри молиявий ҳисоботлар тақдим этилган ва аудит фикри билдирилган ҳар бир даврга ҳавола қилиши лозим. (А9–А10 бандларга қаранг)
16. Жорий давр аудити билан боғлиқ ўтган давр молиявий ҳисоботлари ҳақида хулоса берганда, агар аудиторнинг ўша ўтган давр молиявий ҳисоботлари бўйича фикри аудитор аввал билдирган фикрдан фарқ қилса, аудитор 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[5]га мувофиқ Бошқа масалалар бандида фарқли фикрнинг моҳиятан

---

[2] 560-сон АХС, Ҳисобот санасидан *кейинги ҳодисалар*, 14–17 бандлар
[3] 580-сон АХС, *Ёзма баёнотлар*, 14-банд
[4] 510-сон АХС, 6-банд
[5] 706-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *Мустақил аудиторлик хулосаси (ҳисоботи)даги Муҳим масалани тушунтириш бандлари ва бошқа масала бандлари*, 8-банд

сабабларини ёритиб бериши лозим. (А11 бандга қаранг)

Ўтган давр молиявий ҳисоботлари аввалги аудитор томонидан аудитдан ўтказилган

17. Агар ўтган давр молиявий ҳисоботлари аввалги аудитор томонидан аудитдан ўтказилган бўлса, жорий давр молиявий ҳисоботлари бўйича фикр билдиришдан ташқари, аудитор Бошқа масалалар бандида қуйидагиларни баён қилиши лозим:
    (a) ўтган давр молиявий ҳисоботлари аввалги аудитор томонидан аудитдан ўтказилганлиги;
    (b) аввалги аудитор томонидан билдирилган фикр тури ва, агар фикр модификация қилинган бўлса, бунинг сабаблари; ва
    (c) ўша хулосанинг санаси,

    аввалги аудиторнинг ўтган давр молиявий ҳисоботлари бўйича хулосаси молиявий ҳисоботлар билан бирга қайта эълон қилинган ҳолатлар бундан мустасно.

18. Агар аудитор аввалги аудитор илгари модификацияланмаган хулоса берган ўтган давр молиявий ҳисоботларига таъсир кўрсатадиган муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келса, аудитор бу бузиб кўрсатиш ҳақида раҳбариятнинг тегишли даражаси ва, бошқарув учун масъул шахсларнинг барчаси ташкилотни бошқаришда иштирок этадиган ҳолатлар бундан мустасно[6], бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилиш ва аввалги аудиторни хабардор қилишни сўраши лозим. Агар ўтган давр молиявий ҳисоботларига ўзгартиришлар киритилса ва аввалги аудитор ўтган даврнинг ўзгартирилган молиявий ҳисоботлари бўйича янги аудиторлик хулосасини чиқаришга рози бўлса, аудитор фақат жорий давр бўйича хулоса бериши лозим. (А12 бандга қаранг)

Ўтган давр молиявий ҳисоботлари аудитдан ўтказилмаган

19. Агар ўтган давр молиявий ҳисоботлари аудитдан ўтказилмаган бўлса, аудитор Бошқа масалалар бандида қиёсий молиявий ҳисоботлар аудитдан ўтказилмаганлигини баён қилиши лозим. Бироқ, бундай баёнот аудиторни давр бошига қолдиқларда жорий давр молиявий ҳисоботларига муҳим даражада таъсир кўрсатадиган бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслиги ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олиш талабидан озод қилмайди. (А13 бандга қаранг)[7]

***

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

Аудиторлик тартиб-таомиллари

Ёзма баёнотлар (9-бандга қаранг)

А1. Қиёсий молиявий ҳисоботлар ҳолатида, ёзма баёнотлар аудиторнинг фикрида кўрсатилган барча даврлар учун сўралади, чунки раҳбарият аввал ўтган давр бўйича берган ёзма баёнотлари ҳамон мос эканлигини қайта тасдиқлаши керак. Қиёсий кўрсаткичлар ҳолатида, ёзма баёнотлар фақат жорий давр молиявий ҳисоботлари учун сўралади, чунки аудиторнинг фикри ушбу молиявий ҳисоботларга тегишли бўлиб, улар қиёсий кўрсаткичларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, аудитор қиёсий маълумотларга таъсир қилувчи ўтган давр молиявий ҳисоботларидаги муҳим бузиб кўрсатишни тузатиш учун қилинган ҳар қандай қайта ҳисоблаш бўйича махсус ёзма баёнотни сўрайди.

Аудиторлик хулосаси

Қиёсий кўрсаткичлар

Аудиторнинг фикрида ҳавола келтирилмаслиги (10-бандга қаранг)

А2. Аудиторнинг фикрида қиёсий кўрсаткичларга ҳавола қилинмайди, чунки аудиторнинг фикри қиёсий кўрсаткичларни ўз ичига олган бутун жорий давр молиявий ҳисоботларига тегишли.

Ўтган давр бўйича аудиторлик хулосасидаги модификация ҳал қилинмаган (11-бандга қаранг)

А3. Агар аввал чиқарилган ўтган давр бўйича аудиторлик хулосаси шартли фикр, фикр билдиришдан воз кечиш ёки салбий фикрни ўз ичига олса ва модификацияга сабаб бўлган масала ҳал қилинса ҳамда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосининг қоидаларига мувофиқ молиявий ҳисоботларда тўғри ҳисобга олинса ёки ёритиб берилса, аудиторнинг жорий давр бўйича фикрида аввалги модификацияга ҳавола қилиш талаб қилинмайди.

А4. Агар аудиторнинг ўтган давр бўйича аввал билдирилган фикри модификация қилинган бўлса, модификацияга сабаб бўлган ҳал қилинмаган масала жорий давр рақамларига тегишли бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга, ҳал қилинмаган масаланинг жорий ва қиёсий кўрсаткичларни таққослаш имкониятига таъсири ёки мумкин бўлган таъсири сабабли жорий давр молиявий ҳисоботлари бўйича шартли фикр, фикр билдиришдан воз кечиш ёки салбий фикр (қўлланишига қараб) талаб қилиниши мумкин.

А5. Агар аудиторнинг ўтган давр бўйича хулосаси модификация қилинган фикрни ўз ичига олса ва модификацияга сабаб бўлган масала ҳал қилинмаган бўлса, аудиторлик хулосасининг намунавий намуналари

---

[6] 260-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *Корпоратив бошқарув учун жавобгар шахслар билан алоқа*, 13-банд

[7] 510-сон АХС, 6-банд

Иловадаги 1 ва 2-намуналарда келтирилган.

Ўтган давр молиявий ҳисоботларидаги бузиб кўрсатишлар (12-бандга қаранг)

А6. Агар бузиб кўрсатиш мавжуд бўлган ўтган давр молиявий ҳисоботларига ўзгартириш киритилмаган ва аудиторлик хулосаси қайта чиқарилмаган бўлса, лекин қиёсий кўрсаткичлар тўғри қайта ҳисобланган ёки жорий давр молиявий ҳисоботларида тегишли маълумотлар ёритиб берилган бўлса, аудиторнинг хулосаси вазиятларни тавсифловчи ва молиявий ҳисоботларда масалани тўлиқ тавсифловчи тегишли маълумотларга ҳавола қилувчи Алоҳида масалаларни тушунтириш бандини ўз ичига олиши мумкин (706-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га қаранг).

Ўтган давр молиявий ҳисоботлари аввалги аудитор томонидан аудит қилинган (13-бандга қаранг)

А7. Агар ўтган давр молиявий ҳисоботлари аввалги аудитор томонидан аудит қилинган бўлса ва аудиторга қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан аввалги аудиторнинг қиёсий кўрсаткичлар бўйича хулосасига ҳавола қилиш тақиқланмаган бўлса, аудиторлик хулосасининг намунавий намунаси Иловадаги 3-намунада келтирилган.

Ўтган давр молиявий ҳисоботлари аудит қилинмаган (14-бандга қаранг)

А8. Агар аудитор давр бошига қолдиқлар бўйича етарли ва муносиб аудит далилларини ололмаса, аудитор 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[8]га мувофиқ молиявий ҳисоботлар бўйича шартли фикр билдириши ёки фикр билдиришдан воз кечиши керак. Агар аудитор давр бошига қолдиқларда жорий давр молиявий ҳисоботларига муҳим даражада таъсир кўрсатадиган бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслиги ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олишда катта қийинчиликларга дуч келган бўлса, аудитор буни 701-сон АХС[9] га мувофиқ аудитнинг асосий масалалари деб белгилаши мумкин.

Қиёсий молиявий ҳисоботлар

Аудитор фикрида ҳавола (15-бандга қаранг)

А9. Қиёсий молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик хулосаси тақдим этилган ҳар бир давр учун молиявий ҳисоботларга тегишли бўлгани учун, аудитор шартли фикр ёки салбий фикр билдириши, фикр билдиришдан воз кечиши, ёки бир ёки бир нечта даврларга нисбатан Алоҳида масалаларни тушунтириш бандини қўшиши мумкин, айни пайтда бошқа давр молиявий ҳисоботлари бўйича фарқли аудитор фикрини билдириши мумкин.

А10. Агар аудитордан жорий йил аудити муносабати билан ҳам жорий давр, ҳам ўтган давр молиявий ҳисоботлари бўйича хулоса бериш талаб қилинса ва ўтган давр модификация қилинган фикрни ўз ичига олса ҳамда модификацияга сабаб бўлган масала ҳал қилинмаган бўлса, аудиторлик хулосасининг намунавий намунаси Иловадаги 4-намунада келтирилган.

Ўтган давр молиявий ҳисоботлари бўйича аввалги фикрдан фарқли фикр (16-бандга қаранг)

А11. Жорий давр аудити муносабати билан ўтган давр молиявий ҳисоботлари ҳақида хулоса берганда, ўтган давр молиявий ҳисоботлари бўйича билдирилган фикр, агар аудитор жорий давр аудитини ўтказиш давомида ўтган даврнинг молиявий ҳисоботларига муҳим даражада таъсир кўрсатадиган ҳолатлар ёки ҳодисалардан хабардор бўлса, аввал билдирилган фикрдан фарқ қилиши мумкин. Баъзи юрисдикцияларда, аудитор келажакда ўтган давр молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторнинг аввал чиқарилган хулосасига суянишни олдини олишга қаратилган қўшимча хулоса бериш мажбуриятларига эга бўлиши мумкин.

Ўтган давр молиявий ҳисоботлари аввалги аудитор томонидан аудитдан ўтказилган (18-бандга қаранг)

А12. Аввалги аудитор ўтган давр молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосасини қайта чиқариш имкониятига эга бўлмаслиги ёки буни хоҳламаслиги мумкин. Аудиторлик хулосасининг Бошқа масалалар бандида аввалги аудитор ўзгартиришдан олдин ўтган давр молиявий ҳисоботлари бўйича хулоса берганлигини кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, агар аудиторга аудит ўтказиш топширилган бўлса ва у ўзгартиришнинг мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун етарли ва муносиб аудит далилларини олса, аудиторлик хулосаси қуйидаги бандни ҳам ўз ичига олиши мумкин:

20X2 йил молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказиш доирасида биз шунингдек X изоҳда тавсифланган ва 20X1 йил молиявий ҳисоботларини ўзгартириш учун қўлланилган тузатишларни ҳам аудитдан ўтказдик. Бизнинг фикримизча, бундай тузатишлар ўринли ва тўғри қўлланилган. Биз компаниянинг 20X1 йил молиявий ҳисоботларини тузатишлардан ташқари аудитдан ўтказиш, кўриб чиқиш ёки бирор тартиб-таомилларни қўллаш учун ёлланмаганмиз ва, тегишли равишда, биз 20X1 йил молиявий ҳисоботлари бўйича умуман фикр ёки бошқа шаклдаги ишонч билдирмаймиз.

Ўтган давр молиявий ҳисоботлари аудитдан ўтказилмаган (19-бандга қаранг)

А13. Агар аудитор давр бошига қолдиқлар бўйича етарли ва муносиб аудит далилларини ололмаса, аудитордан 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ молиявий ҳисоботлар бўйича шартли фикр билдириш ёки фикр билдиришдан воз кечиши талаб қилинади. Агар аудитор давр бошига қолдиқларда жорий давр молиявий

---

[8] 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *Мустақил аудиторлик хулосаси (ҳисоботи)даги фикрни модификация қилиш*

[9] 701-сон АХС, *Мустақил аудитор ҳисоботида асосий аудит масалаларини етказиш*

ҳисоботларига муҳим даражада таъсир кўрсатадиган бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслиги ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини олишда катта қийинчиликларга дуч келган бўлса, аудитор буни 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалалари деб белгилаши мумкин.

Илова

(А5, А7, А10-бандларга қаранг)

Мустақил аудиторлар хулосалари намуналари

1-намуна – Қиёсий кўрсаткичлар

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси мақсадлари учун қуйидаги ҳолатлар назарда тутилган:

- **Листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосини қўллаб тайёрланган тўлиқ молиявий ҳисоботлар тўплами аудити. Аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган) қўлланилмайди[1]).**
- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари кенгаши (БҲХСК) томонидан чиқарилган МҲХС бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тайёрланган (умумий мақсадли концептуал асос).**
- **Аудит топшириғининг шартлари молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини 210-сон АХС[2] да ифодалангандек акс эттиради.**
- **Аввал чиқарилган ўтган давр бўйича аудиторлик хулосаси шартли фикрни ўз ичига олган.**
- **Модификацияга сабаб бўлган масала ҳал қилинмаган.**
- **Масаланинг жорий давр рақамларига таъсири ёки эҳтимолий таъсири муҳим ва жорий давр рақамларига нисбатан аудитор фикрига модификация киритишни талаб қилади.**
- **Аудитга тегишли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикциянинг талаблари ҳисобланади.**
- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[3]га мувофиқ ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудитордан 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини хабар қилиш талаб қилинмайди ва у бошқача ҳолда ҳам бундай қарор қилмаган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасигача бошқа ҳеч қандай маълумотларни олмаган.**
- **Молиявий ҳисоботларга назорат қилиш учун жавобгар бўлган шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгар бўлганлардан фарқ қилади.**
- **Молиявий ҳисоботлар аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун талаб қиладиган бошқа ҳисобот бериш мажбуриятларига эга.**

[1] 600-сон АХС, Махсус мулоҳазалар—*Гуруҳ молиявий ҳисоботлари аудити (Компонент аудиторларининг ишини ҳам ўз ичига олган ҳолда)*

[2] 210-сон АХС, *Аудит келишувлари шартларини келишиб олиш*

[3] 570-сон АХС *(Қайта таҳрирланган), Фаолият узлуксизлиги*

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС компанияси акциядорларига [ёки Бошқа тегишли манзил эгасига]

Молиявий ҳисоботлар аудити тўғрисида хулоса[4]

Шартли фикр

Биз АВС компаниясининг (Компания) молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик. Улар 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек, ўша санада тугаган йил учун умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек, муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олган молиявий ҳисоботларга изоҳлардан иборат.

Бизнинг фикримизча, хулосамизнинг *Шартли фикр билдириш учун асослар* бўлимида тавсифланган масаланинг таъсиридан ташқари, илова қилинган молиявий ҳисоботлар Компаниянинг 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолатини, шунингдек, унинг молиявий натижалари ва ўша санада тугаган йил учун пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради).

Шартли фикр билдириш учун асос

Молиявий ҳисоботларга Х изоҳда муҳокама қилинганидек, молиявий ҳисоботларда эскириш ҳисобланмаган, бу IASB томонидан чиқарилган IFRS бухгалтерия ҳисоби стандартларидан четга чиқишни ташкил этади. Бу раҳбарият томонидан ўтган молия йили бошида қабул қилинган қарорнинг натижаси бўлиб, бизни ўша йилга тегишли молиявий ҳисоботлар бўйича аудит фикримизни шартли билдиришимизга сабаб бўлган. Тўғри чизиқли эскириш усули ва бино учун йиллик 5% ҳамда жиҳозлар учун 20% ставкаларига асосланган ҳолда, йил учун зарар 20X1 йилда ххх ва 20X0 йилда ххх миқдорга ошиши, асосий воситалар 20X1 йилда ххх ва 20X0 йилда ххх миқдордаги жамғарилган эскириш ҳисобига камайтирилиши, ҳамда жамғарилган зарар 20X1 йилда ххх ва 20X0 йилда ххх миқдорга ошиши керак.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари бўлимида батафсил тавсифланган. Биз [юрисдикция]да молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли бўлган ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз ва биз ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари изоҳлар билан аудит фикримиз учун асос бўлиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[5]

[*700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)*[6]*га мувофиқ хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.*]

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг мажбуриятлари

[*700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг*.]

Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

[*Аудиторлик ташкилоти номи, аудиторнинг шахсий номи, ёки иккаласи билан имзо, муайян юрисдикция учун мос равишда*]

[Аудитор манзили]

[Сана]

---

[4] "Молиявий ҳисоботлар аудити тўғрисида ҳисобот" кичик сарлавҳаси иккинчи кичик сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича ҳисобот" қўлланилмайдиган ҳолларда керак эмас..

[5] Ушбу намунавий аудитор ҳисоботлари бўйича, "бошқарув раҳбарияти" ва " корпоратив бошқарув учун жавобгар шахслар" атамалари муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий концептуал асосда тегишли бўлган бошқа атама билан алмаштирилиши зарур бўлиши мумкин..

[6] 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *Молиявий ҳисоботлар бўйича фикр шакллантириш ва ҳисобот бериш*

2-намуна – Қиёсий кўрсаткичлар

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси мақсадлари учун қуйидаги ҳолатлар назарда тутилган:

- **Листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосини қўллаб тайёрланган тўлиқ молиявий ҳисоботлар тўплами аудити. Аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган) қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан IASB томонидан чиқарилган IFRS бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тайёрланган (умумий мақсадли концептуал асос).**
- **Аудит топшириғининг шартлари молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини 210-сон АХСда ифодалангандек акс эттиради.**
- **Аввал чиқарилган ўтган давр бўйича аудиторлик хулосаси шартли фикрни ўз ичига олган.**
- **Модификацияга сабаб бўлган масала ҳал қилинмаган.**
- **Масаланинг жорий давр рақамларига таъсири ёки эҳтимолий таъсири муҳимлиги баланд бўлмаган, лекин ҳал қилинмаган масаланинг жорий давр рақамлари ва қиёсий кўрсаткичларнинг таққосланиши бўйича таъсири ёки эҳтимолий таъсири туфайли аудитор фикрига модификация киритишни талаб қилади.**
- **Аудитга тегишли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикциянинг талаблари ҳисобланади.**
- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудитордан 701-сон АХСга мувофиқ асосий аудит масалаларини хабар қилиш талаб қилинмайди ва у бошқача ҳолда ҳам бундай қарор қилмаган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасигача бошқа ҳеч қандай маълумотларни олмаган.**
- **Молиявий ҳисоботларга назорат қилиш учун жавобгар бўлган шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгар бўлганлардан фарқ қилади.**
- **Молиявий ҳисоботлар аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун талаб қиладиган бошқа хулоса бериш мажбуриятларига эга.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС компанияси акциядорларига [ёки Бошқа тегишли манзил эгасига]

Молиявий ҳисоботлар аудити тўғрисида хулоса[7]

Шартли фикр

Биз АВС компаниясининг (Компания) молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик. Улар 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек, ўша санада тугаган йил учун умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек, муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олган молиявий ҳисоботларга изоҳлардан иборат.

Бизнинг фикримизча, хулосамизнинг Шартли фикр билдириш учун асос бўлимида тавсифланган масаланинг қиёсий кўрсаткичларга бўлиши мумкин бўлган таъсиридан ташқари, илова қилинган молиявий ҳисоботлар Компаниянинг 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолатини, шунингдек, унинг молиявий натижалари ва ўша санада тугаган йил учун пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради).

Шартли фикр билдириш учун асос

Биз Компаниянинг аудиторлари этиб 20X0 йилда тайинланганимиз сабабли, биз ўша даврнинг бошида захираларни инвентаризациясини кузатиш ёки бошқа усуллар билан захира миқдорларига ишонч ҳосил қилиш имкониятига эга бўлмадик. Давр бошига қолдиқ захиралари операцион натижаларнинг аниқланишига таъсир қилганлиги сабабли, биз 20X0 йил учун операцион натижалар ва бошланғич тақсимланмаган фойдага тузатишлар киритиш зарур бўлиши мумкинлигини аниқлай олмадик. 20X0 йил 31 декабрда тугаган давр учун молиявий ҳисоботлар бўйича аудит фикримиз тегишли равишда модификация қилинган эди. Жорий давр молиявий ҳисоботлари бўйича фикримиз ҳам ушбу масаланинг жорий давр рақамлари ва қиёсий кўрсаткичларнинг таққосланиши бўйича эҳтимолий таъсири туфайли модификация қилинган.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари бўлимида батафсил тавсифланган. Биз [юрисдикция]да молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли бўлган ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз ва биз ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари изоҳлар билан аудит фикримиз учун асос бўлиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[8]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

[Аудиторлик ташкилоти номи, аудиторнинг шахсий номи, ёки иккаласи билан имзо, муайян юрисдикция учун мос равишда]

[Аудитор манзили]

[Сана]

---

[7] "Молиявий ҳисоботлар аудити тўғрисида ҳисобот" кичик сарлавҳаси иккинчи кичик сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича ҳисобот" қўлланилмайдиган ҳолларда керак эмас.

[8] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий концептуал асосда тегишли бўлган бошқа атамалар.

3-намуна – Қиёсий кўрсаткичлар

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси мақсадлари учун қуйидаги ҳолатлар назарда тутилган:

- **Листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосини қўллаб тайёрланган тўлиқ молиявий ҳисоботлар тўплами аудити. Аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган) қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан IASB томонидан чиқарилган IFRS бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тайёрланган (умумий мақсадли концептуал асос).**
- **Аудит топшириғининг шартлари молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини 210-сон АХСда ифодалангандек акс эттиради.**
- **Аудитор олинган аудит далилларига асосланиб модификация қилинмаган (яъни, "тоза") фикр мувофиқ деган хулосага келган.**
- **Аудитга оид бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикциянинг талаблари ҳисобланади.**
- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудитордан 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини хабар қилиш талаб қилинмайди ва у бошқача ҳолда ҳам бундай қарор қилмаган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасигача бошқа барча маълумотларни олган ва бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш аниқламаган.**
- **Қиёсий кўрсаткичлар тақдим этилган ва ўтган давр молиявий ҳисоботлари аввалги аудитор томонидан аудитдан ўтказилган.**
- **Аудитор қиёсий кўрсаткичлар бўйича аввалги аудиторлик хулосасига ҳавола қилишдан қонун ёки норматив ҳужжатлар билан тақиқланмаган ва шундай қилишга қарор қилган.**
- **Молиявий ҳисоботларга назорат қилиш учун жавобгар бўлган шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгар бўлганлардан фарқ қилади.**
- **Молиявий ҳисоботлар аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун талаб қиладиган бошқа хулоса бериш мажбуриятларига эга.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС компанияси акциядорларига [ёки Бошқа тегишли манзил эгасига]

Молиявий ҳисоботлар аудити тўғрисида хулоса [9]

Фикр

Биз АВС компаниясининг (Компания) молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик. Улар 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек, ўша санада тугаган йил учун умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек, муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олган молиявий ҳисоботларга изоҳлардан иборат.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар Компаниянинг 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолатини, шунингдек, унинг молиявий натижалари ва ўша санада тугаган йил учун пул оқимларини Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари кенгаши (IASB) томонидан чиқарилган IFRS бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради).

Фикр билдириш учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари бўлимида батафсил тавсифланган. Биз [юрисдикция]да молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли бўлган ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз ва биз ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари аудит фикримиз учун асос бўлиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Бошқа масала

Компаниянинг 20X0 йил 31 декабрда тугаган йил учун молиявий ҳисоботлари бошқа аудитор томонидан аудитдан ўтказилган бўлиб, у 20X1 йил 31 март санасида ушбу ҳисоботлар бўйича модификация қилинмаган фикр билдирган.

Бошқа маълумотлар [ёки "Молиявий ҳисоботлар ва улар бўйича аудиторлик хулосасидан ташқари маълумотлар" каби бошқа тегишли сарлавҳа]

[*720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)хулоса бериш талабларига мувофиқ хулоса бериш – 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган)2-иловадаги 1*-намунага қаранг.][10]

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари [11]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг мажбуриятлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса

[*700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1*-намунага қаранг.]

[*Аудиторлик ташкилоти номи, аудиторнинг шахсий номи, ёки иккаласи билан имзо, муайян юрисдикция учун мос равишда*]

[*Аудитор манзили*]

[*Сана*]

---

[9] "Молиявий ҳисоботлар аудити тўғрисида ҳисобот" кичик сарлавҳаси иккинчи кичик сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича ҳисобот" қўлланилмайдиган ҳолларда керак эмас.

[10] 720-сон АХС (Қайта таҳрирланган), Бошқа маълумотларга оид аудиторнинг жавобгарликлари

[11] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий концептуал асосда тегишли бўлган бошқа атамалар.

4-намуна – Қиёсий молиявий ҳисоботлар

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси мақсадлари учун қуйидагилар назарда тутилган:

- **Листингга кирган ташкилотдан бошқа ташкилотнинг ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосини қўллаб тайёрланган тўлиқ молиявий ҳисоботлар тўплами аудити. Аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган) қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан IASB томонидан чиқарилган IFRS бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тайёрланган (умумий мақсадли концептуал асос).**
- **Аудит топшириғининг шартлари молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини 210-сон АХСда ифодалангандек акс эттиради.**
- **Аудитордан жорий йил аудити муносабати билан ҳам жорий давр, ҳам ўтган давр молиявий ҳисоботлари бўйича хулоса бериш талаб қилинади.**
- **Аввал чиқарилган ўтган давр бўйича аудиторлик хулосаси шартли фикрни ўз ичига олган.**
- **Модификацияга сабаб бўлган масала ҳал қилинмаган.**
- **Масаланинг жорий давр рақамларига таъсири ёки эҳтимолий таъсири ҳам жорий давр молиявий ҳисоботлари, ҳам ўтган давр молиявий ҳисоботлари учун муҳим ва аудитор фикрига модификация киритишни талаб қилади.**
- **Аудитга тегишли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикциянинг талаблари ҳисобланади.**
- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолият узлуксизлигига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудитордан 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини хабар қилиш талаб қилинмайди ва у бошқача ҳолда ҳам бундай қарор қилмаган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасигача бошқа ҳеч қандай маълумотларни олмаган.**
- **Молиявий ҳисоботларга назорат қилиш учун жавобгар бўлган шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгар бўлганлардан фарқ қилади.**
- **Молиявий ҳисоботлар аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун талаб қиладиган бошқа хулоса бериш мажбуриятларига эга.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС компанияси акциядорларига [ёки Бошқа тегишли манзил эгасига]

Молиявий ҳисоботлар аудити тўғрисида хулоса[12]

Шартли фикр

Биз АВС компаниясининг (Компания) молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик. Улар 20X1 ва 20X0 йиллар 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек, ўша саналарда тугаган йиллар учун умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботлар, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботлар ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек, муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олган молиявий ҳисоботларга изоҳлардан иборат.

Бизнинг фикримизча, хулосамизнинг Шартли фикр билдириш учун асос бўлимида тавсифланган масаланинг таъсиридан ташқари, илова қилинган молиявий ҳисоботлар Компаниянинг 20X1 ва 20X0 йиллар 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолатини, шунингдек, унинг молиявий натижалари ва ўша саналарда тугаган йиллар учун пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради).

Шартли фикр билдириш учун асос

Молиявий ҳисоботларга X изоҳда муҳокама қилинганидек, молиявий ҳисоботларда эскириш ҳисобланмаган, бу IASB томонидан чиқарилган IFRS бухгалтерия ҳисоби стандартларидан четга чиқишни ташкил этади. Тўғри чизиқли эскириш усули ва бино учун йиллик 5% ҳамда жиҳозлар учун 20% ставкаларига асосланган ҳолда, йил учун зарар 20X1 йилда ххх ва 20X0 йилда ххх миқдорга ошиши, асосий воситалар 20X1 йилда ххх ва 20X0 йилда ххх миқдордаги жамғарилган эскириш ҳисобига камайтирилиши, ҳамда жамғарилган зарар 20X1 йилда ххх ва 20X0 йилда ххх миқдорга ошиши керак.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари бўлимида батафсил тавсифланган. Биз [юрисдикция]да молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли бўлган ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз ва биз ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари изоҳлар билан аудит фикримиз учун асос бўлиш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[13]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг мажбуриятлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1-намунага қаранг.]

Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича хулоса

[*700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)даги 1*-намунага қаранг.]

[*Аудиторлик ташкилоти номи, аудиторнинг шахсий номи, ёки иккаласи билан имзо, муайян юрисдикция учун мос равишд*]

[*Аудитор манзили*]

[*Сана*]

[12] "Молиявий ҳисоботлар аудити тўғрисида ҳисобот" кичик сарлавҳаси иккинчи кичик сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича ҳисобот" қўлланилмайдиган ҳолларда керак эмас.

[13] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий концептуал асосда тегишли бўлган бошқа атамалар.

720-СОН АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ
(ҚАЙТА ТАҲРИРЛАНГАН)

АУДИТОРНИНГ БОШҚА МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

(2016 йил 15 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисоботлар аудитига нисбатан амал қилади)

МУНДАРИЖА

	Банд
Кириш	
АХСнинг қўллаш доираси	1–9
Кучга кириш санаси	10
Мақсадлар	11
Таърифлар	12
Талаблар	
Бошқа маълумотларни олиш	13
Бошқа маълумотларни ўқиш ва кўриб чиқиш	14–15
Муҳим номувофиқлик мавжуд бўлиб кўринганда ёки бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиб кўринганда жавоб бериш	16
Аудитор бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мавжуд деб хулоса қилганда жавоб бериш	17–19
Молиявий ҳисоботларда муҳим даражада бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда ёки аудиторнинг ташкилот ва унинг муҳити ҳақидаги тушунчасини янгилаш талаб этилганда жавоб бериш	20
Хулоса бериш	21–24
Ҳужжатлаштириш	25
Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар	
Таърифлар	A1–A10
Бошқа маълумотларни олиш	A11–A22
Бошқа маълумотларни ўқиш ва кўриб чиқиш	A23–A38
Муҳим номувофиқлик мавжуд бўлиб кўринганда ёки бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиб кўринганда жавоб бериш	A39–A43
Аудитор бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мавжуд деб хулоса қилганда жавоб бериш	A44–A50
Молиявий ҳисоботларда муҳим даражада бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда ёки аудиторнинг ташкилот ва унинг муҳити ҳақидаги тушунчасини янгилаш талаб этилганда жавоб бериш	A51
Хулоса бериш	A52–A59
1-илова: Бошқа маълумотларга киритилиши мумкин бўлган суммалар ёки бошқа моддалар мисоллари	
2-илова: Бошқа маълумотларга оид мустақил аудитор хулосаларининг намуналари	

720-сон Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) (Қайта таҳрирланган), “*Бошқа маълумотларга оид аудиторнинг жавобгарликлари”*, 200-сон АХС *“Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш”* билан бирга ўқилиши лозим.

Кириш

АХСнинг қўллаш доираси

1. Мазкур Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) аудиторнинг бошқа маълумотларга, яъни ташкилотнинг йиллик ҳисоботида киритилган молиявий ёки номолиявий ахборотга (молиявий ҳисобот ва уларга оид аудитор хулосасидан ташқари) оид жавобгарликларини белгилайди. Ташкилотнинг йиллик ҳисоботи битта ҳужжат ёки бир хил мақсадга хизмат қилувчи ҳужжатлар комбинацияси бўлиши мумкин.

2. Ушбу АХС мустақил аудитор томонидан молиявий ҳисобот аудити контекстида ёзилган. Шунга кўра, ушбу АХСдаги аудиторнинг мақсадлари 200-сон АХСнинг[1] 11-бандида баён этилганидек, аудиторнинг умумий мақсадлари контекстида тушунилиши лозим. АХСдаги талаблар аудиторга АХСларда кўрсатилган мақсадларга, шу орқали аудиторнинг умумий мақсадларига эришиш имконини бериш учун мўлжалланган. Аудиторнинг молиявий ҳисобот бўйича фикри бошқа маълумотларни қамраб олмайди, шунингдек ушбу АХС аудитордан молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш учун талаб этиладиган аудит далилларидан ташқари аудит далилларини олишни талаб қилмайди.

3. Ушбу АХС аудитордан бошқа маълумотларни ўқиб чиқиш ва кўриб чиқишни талаб қилади, чунки молиявий ҳисобот ёки аудит давомида олинган аудиторнинг билимига муҳим тарзда зид бўлган бошқа маълумотлар молиявий ҳисоботда муҳим бузиб кўрсатиш мавжудлигини ёки бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжудлигини кўрсатиши мумкин, уларнинг ҳар иккиси ҳам молиявий ҳисобот ва уларга оид аудитор хулосасининг ишончлилигини заифлаштириши мумкин. Бундай муҳим бузиб кўрсатишлар, шунингдек, аудитор хулосаси тайёрланган фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига ноўрин таъсир кўрсатиши мумкин.

4. Ушбу АХС, шунингдек, аудиторга аудиторнинг фикрича, муҳим даражада нотўғри ёки чалғитувчи баёнотни, эҳтиётсизлик билан тақдим этилган баёнотлар ёки маълумотларни ўз ичига олган, ёки талаб қилинган маълумотларни тушириб қолдирадиган ёки хиралаштирадиган ахборот билан онгли равишда боғлиқ бўлишдан қочишни талаб қиладиган тегишли ахлоқий талабларга[2] риоя қилишда ёрдам бериши мумкин, агар бундай тушириб қолдириш ёки хиралаштириш чалғитувчи бўлса.

5. Бошқа маълумотлар молиявий ҳисоботдаги суммалар ёки бошқа моддалар билан бир хил бўлиши, уларни умумлаштириши ёки улар ҳақида батафсилроқ маълумот бериши мўлжалланган суммалар ёки бошқа моддаларни ҳамда аудитор аудит давомида билим олган бошқа суммалар ёки бошқа моддаларни ўз ичига олиши мумкин. Бошқа маълумотлар, шунингдек, бошқа масалаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

6. Бошқа маълумотларга оид аудиторнинг жавобгарликлари (қўлланиладиган ҳисобот бериш жавобгарликларидан ташқари), бошқа маълумотлар аудитор томонидан аудитор хулосаси санасидан олдин ёки кейин олинишидан қатъи назар қўлланилади.

7. Ушбу АХС қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

   (a) Молиявий ахборотнинг дастлабки эълонлари; ёки

   (b) Рисолаларни ўз ичига олган қимматли қоғозларни таклиф қилиш ҳужжатлари.

8. Ушбу АХС бўйича аудиторнинг жавобгарликлари бошқа маълумотлар бўйича ишончлилик тўғрисидаги топшириқни ташкил этмайди ёки аудиторга бошқа маълумотлар бўйича ишончлилик олиш мажбуриятини юкламайди.

9. Қонун ёки норматив ҳужжатлар аудиторга бошқа маълумотларга нисбатан ушбу АХС доирасидан ташқарида қўшимча мажбуриятларни юклаши мумкин.

Кучга кириш санаси

10. Ушбу АХС 2016 йил 15 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисобот аудити учун кучга киради.

Мақсадлар

11. Бошқа маълумотларни ўқиб чиққан аудиторнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

   (a) Бошқа маълумотлар ва молиявий ҳисобот ўртасида муҳим номувофиқлик мавжуд ёки йўқлигини кўриб чиқиш;

   (b) Бошқа маълумотлар ва аудит давомида олинган аудиторнинг билими ўртасида муҳим номувофиқлик мавжуд ёки йўқлигини кўриб чиқиш;

---

[1] 200-сон АХС, *"Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш"*

[2] Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари кенгашининг "Профессионал бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ кодекси (шу жумладан Халқаро мустақиллик стандартлари)" (БХАСК Кодекси), R111.2-банд

(c) Аудитор бундай муҳим номувофиқликлар мавжуд бўлиб кўринганда ёки аудитор бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилганлигидан хабардор бўлганда тегишли равишда жавоб бериш; ва

(d) Ушбу АХСга мувофиқ ҳисобот бериш.

Таърифлар

12. АХСлар мақсадлари учун қуйида атамалар мазкур маъноларга эга:

(a) Йиллик ҳисобот – одатда қонун, норматив ҳужжат ёки одатга мувофиқ раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар томонидан йиллик асосда тайёрланган ҳужжат ёки ҳужжатлар комбинацияси бўлиб, унинг мақсади мулкдорларга (ёки шунга ўхшаш манфаатдор томонларга) ташкилотнинг фаолияти ва молиявий ҳисоботларда баён этилганидек, ташкилотнинг молиявий натижалари ва молиявий ҳолати ҳақида маълумот беришдан иборат. Йиллик ҳисобот молиявий ҳисоботлар ва уларга оид аудиторлик хулосасини ўз ичига олади ёки улар билан биргаликда тақдим этилади ва одатда ташкилотнинг ривожланиши, унинг келажак истиқболлари ва рисклари ҳамда ноаниқликлари, ташкилотнинг бошқарув органи баёноти ва бошқарув масалаларини қамраб олувчи ҳисоботлар ҳақида маълумотни ўз ичига олади. (А1–А5 бандларга қаранг)

(b) Бошқа маълумотларни бузиб кўрсатиш – бошқа маълумотлар нотўғри баён қилинганда ёки бошқача тарзда чалғитувчи бўлганда (шу жумладан, бошқа маълумотларда ошкор этилган масалани тўғри тушуниш учун зарур бўлган маълумотни туширib қолдиргани ёки хиралаштиргани сабабли) бошқа маълумотларнинг бузиб кўрсатилиши мавжуд бўлади. (А6–А7 бандларга қаранг)

(c) Бошқа маълумотлар – ташкилотнинг йиллик ҳисоботига киритилган молиявий ёки номолиявий ахборот (молиявий ҳисобот ва уларга оид аудитор хулосасидан ташқари). (А8–А10 бандларга қаранг)

Талаблар

Бошқа маълумотларни олиш

13. Аудитор қуйидагиларни бажариши лозим: (А11–А22 бандларга қаранг)

(a) Раҳбарият билан муҳокама орқали, қайси ҳужжат(лар) йиллик ҳисоботни ташкил этишини ва бундай ҳужжат(лар)ни чиқариш усули ва муддатларини аниқлаш;

(b) Раҳбарият билан ўз вақтида ва, иложи бўлса, аудитор хулосаси санасидан олдин йиллик ҳисоботни ташкил этувчи ҳужжат(лар)нинг якуний версиясини олиш учун тегишли келишувларни амалга ошириш; ва

(c) (а) бандда аниқланган ҳужжат(лар)нинг баъзилари ёки барчаси аудитор хулосаси санасидан кейин мавжуд бўлмайдиган ҳолларда, раҳбариятдан ҳужжат(лар)нинг якуний версияси мавжуд бўлганда ва ташкилот томонидан чиқарилишидан олдин аудиторга тақдим этилиши ҳақида ёзма баёнот беришини сўраш, бу орқали аудитор ушбу АХС талаб қиладиган тартиб-таомилларни тугатиши мумкин. (А22 бандга қаранг)

Бошқа маълумотларни ўқиш ва кўриб чиқиш

14. Аудитор бошқа маълумотларни ўқиб чиқиши ва шундай қилиш жараёнида қуйидагиларни бажариши лозим: (А23–А24 бандларга қаранг)

(a) Бошқа маълумотлар ва молиявий ҳисобот ўртасида муҳим номувофиқлик мавжуд ёки йўқлигини кўриб чиқиш. Бу муҳокама учун асос сифатида, аудитор уларнинг мослигини баҳолаш учун бошқа маълумотлардаги танланган суммалар ёки бошқа моддаларни (молиявий ҳисоботдаги суммалар ёки бошқа моддалар билан бир хил бўлиши, уларни умумлаштириши ёки улар ҳақида батафсилроқ маълумот бериши мўлжалланган) молиявий ҳисоботдаги шундай суммалар ёки бошқа моддалар билан таққослаши лозим; ва (А25–А29 бандларга қаранг)

(b) Аудит давомида олинган аудит далиллари ва чиқарилган хулосалар контекстида, бошқа маълумотлар ва аудит давомида олинган аудиторнинг билими ўртасида муҳим номувофиқлик мавжуд ёки йўқлигини кўриб чиқиш. (А30–А36 бандларга қаранг)

15. 14-бандга мувофиқ бошқа маълумотларни ўқиш жараёнида, аудитор молиявий ҳисоботга ёки аудит давомида олинган аудиторнинг билимига боғлиқ бўлмаган бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилганлиги белгиларига эътиборли бўлиши лозим. (А24, А37–А38 бандларга қаранг)

Муҳим номувофиқлик мавжуд бўлиб кўринганда ёки бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиб кўринганда жавоб бериш

16. Агар аудитор муҳим номувофиқлик мавжуд бўлиб кўринганлигини аниқласа (ёки бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиб кўринганлигидан хабардор бўлса), аудитор масалани раҳбарият билан муҳокама қилиши ва, зарур бўлса, қуйидагилар бўйича хулоса чиқариш учун бошқа тартиб-таомилларни бажариши лозим: (А39–А43 бандларга қаранг)

    (a) Бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мавжуд;

    (b) Молиявий ҳисоботларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мавжуд; ёки

    (c) Аудиторнинг ташкилот ва унинг муҳити ҳақидаги тушунчасини янгилаш талаб этилади.

Аудитор бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мавжуд деб хулоса қилганда жавоб бериш

17. Агар аудитор бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деб хулоса қилса, аудитор раҳбариятдан бошқа маълумотларни тўғрилашни сўраши лозим. Агар раҳбарият:

    (a) Тузатишни киритишга рози бўлса, аудитор тузатиш киритилганлигини аниқлаши лозим; ёки

    (b) Тузатиш киритишдан бош тортса, аудитор бу масалани бошқарув учун масъул бўлган шахслар билан муҳокама қилиши ва тузатиш киритишни сўраши лозим.

18. Агар аудитор аудитор хулосаси санасидан олдин олинган бошқа маълумотларда муҳим даражада бузиб кўрсатиш мавжуд деб хулоса чиқарса, ва бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқотдан сўнг ҳам бошқа маълумотлар тузатилмаса, аудитор қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда тегишли чораларни кўриши лозим: (А44 бандга қаранг)

    (a) Аудиторлик хулосасига таъсирини кўриб чиқиш ва аудиторнинг аудитор хулосасида муҳим бузиб кўрсатишни қандай ҳал қилишни режалаштираётгани ҳақида бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот қилиш (22(e)(ii) бандга қаранг); ёки (А45 бандга қаранг)

    (b) Қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжатлар бўйича имкони бўлса, топшириқдан воз кечиш. (А46–А47 бандларга қаранг)

19. Агар аудитор аудитор хулосаси санасидан кейин олинган бошқа маълумотларда муҳим даражада бузиб кўрсатиш мавжуд деб хулоса чиқарса, аудитор:

    (a) Агар бошқа маълумотлар тузатилса, ҳолатларга кўра зарур бўлган тартиб-таомилларни бажариши лозим; ёки (А48 бандга қаранг)

    (b) Агар бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқотдан сўнг ҳам бошқа маълумотлар тузатилмаса, аудиторнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини инобатга олган ҳолда, тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатиш аудитор хулосаси тайёрланган фойдаланувчиларнинг эътиборига тегишли равишда етказилишини таъминлаш учун тегишли чораларни кўриши лозим. (А49–А50 бандларга қаранг)

Молиявий ҳисоботларда муҳим даражада бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда ёки аудиторнинг ташкилот ва унинг муҳити ҳақидаги тушунчасини янгилаш талаб этилганда жавоб бериш

20. Агар 14–15-бандлардаги тартиб-таомилларни бажариш натижасида аудитор молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд ёки аудиторнинг ташкилот ва унинг муҳити ҳақидаги тушунчасини янгилаш талаб этилади деб хулоса чиқарса, аудитор бошқа АХСларга мувофиқ тегишли равишда жавоб бериши лозим. (А51 бандга қаранг)

Хулоса бериш

21. Аудитор хулосаси ушбу хулоса санасида қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда "Бошқа маълумотлар" сарлавҳаси ёки бошқа тегишли сарлавҳа остида алоҳида бандни ўз ичига олиши лозим:

    (a) Листингга киритилган ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари аудити учун, аудитор бошқа маълумотларни олган ёки олишни кутаётган бўлса; ёки

    (b) Листингга киритилмаган ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари аудити учун, аудитор бошқа маълумотларнинг базисини ёки барчасини олган бўлса. (А52 бандга қаранг)

22. Аудитор хулосаси 21-бандга мувофиқ Бошқа маълумотлар бандини ўз ичига олиши талаб этилганда, бу банд қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: (А53 бандга қаранг)

    (a) Раҳбарият бошқа маълумотлар учун жавобгар эканлиги ҳақида баёнот;

(b) Қуйидагиларни аниқлаш:

(i) Мавжуд бўлса, аудитор хулосаси санасидан олдин аудитор томонидан олинган бошқа маълумотлар; ва

(ii) Листингга киритилган ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари аудити учун, мавжуд бўлса, аудитор хулосаси санасидан кейин олиниши кутилаётган бошқа маълумотлар;

(c) Аудиторнинг фикри бошқа маълумотларни қамраб олмаслиги ва, тегишли равишда, аудитор унга нисбатан аудит фикри ёки бирор ишончлилик хулосасини ифодаламаслиги (ёки ифодаламайдиган бўлиши) ҳақида баёнот;

(d) Ушбу АХС томонидан талаб қилинганидек, бошқа маълумотларни ўқиш, кўриб чиқиш ва ҳисобот беришга оид аудиторнинг жавобгарликларининг тавсифи; ва

(e) Бошқа маълумотлар аудитор хулосаси санасидан олдин олинган бўлса, қуйидагилардан бири:

(i) Аудиторнинг ҳисобот бериш учун ҳеч нарсаси йўқлиги ҳақида баёнот; ёки

(ii) Агар аудитор бошқа маълумотларнинг тузатилмаган муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мавжуд деб хулоса чиқарган бўлса, бошқа маълумотларнинг тузатилмаган муҳим даражада бузиб кўрсатилишини тавсифловчи баёнот.

23. Аудитор 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га[3] мувофиқ шартли ёки салбий фикр билдирганда, аудитор фикрни модификация қилишга сабаб бўлган масаланинг 22(e) бандда талаб қилинган баёнотга таъсирини кўриб чиқиши лозим. (A54–A58 бандларга қаранг)

Қонун ёки норматив ҳужжатлар билан белгиланган хулоса бериш

24. Агар аудитордан махсус юрисдикциядаги қонун ёки норматив ҳужжатлар билан аудитор хулосасида махсус шакл ёки сўз бирикмаларидан фойдаланган ҳолда бошқа маълумотларга ҳавола қилиш талаб этилса, аудитор хулосаси Аудитнинг халқаро стандартларига фақат аудитор хулосаси камида қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда ҳавола қилиши мумкин: (A59 бандга қаранг)

(a) Аудитор хулосаси санасидан олдин аудитор томонидан олинган бошқа маълумотларни аниқлаш;

(b) Бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарликларининг тавсифи; ва

(c) Ушбу мақсад учун аудиторнинг иши натижасини акс эттирувчи аниқ баёнот.

Ҳужжатлаштириш

25. Ушбу АХСга қўлланиладиган 230-сон АХС[4] талабларига жавоб беришда, аудитор аудит ҳужжатларига қуйидагиларни киритиши лозим:

(a) Ушбу АХС бўйича бажарилган тартиб-таомилларнинг ҳужжатлаштирилиши; ва

(b) Аудитор ушбу АХС бўйича талаб қилинган ишни бажарган бошқа маълумотларнинг якуний версияси.

***

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

Таърифлар

Йиллик ҳисобот (12(a) бандга қаранг)

A1. Қонун, норматив ҳужжат ёки одатда маълум юрисдикциядаги ташкилотлар учун йиллик ҳисоботнинг мазмунини ва у қандай ном билан юритилишини белгилаши мумкин; бироқ, мазмун ва ном юрисдикция ичида ва бир юрисдикциядан бошқасига фарқ қилиши мумкин.

A2. Йиллик ҳисобот одатда йиллик асосда тайёрланади. Бироқ, аудит қилинаётган молиявий ҳисоботлар бир йилдан кам ёки кўп давр учун тайёрланганда, молиявий ҳисоботлар даврини қамраб олган йиллик ҳисобот ҳам тайёрланиши

---

[3] 705-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Мустақил аудитор хулосасидаги фикрга ўзгартиришлар киритиш"*

[4] 230-сон АХС, "*Аудит ҳужжатлари", 8–11-бандлар*

мумкин.

А3. Баъзи ҳолларда, ташкилотнинг йиллик ҳисоботи битта ҳужжат бўлиши ва "йиллик ҳисобот" номи ёки бошқа бирор ном билан аталиши мумкин. Бошқа ҳолларда, қонун, норматив ҳужжат ёки одатда ташкилотдан мулкдорларга (ёки шунга ўхшаш манфаатдор томонларга) ташкилотнинг фаолияти ва молиявий ҳисоботларда баён этилганидек ташкилотнинг молиявий натижалари ва молиявий ҳолати ҳақида (яъни, йиллик ҳисобот) битта ҳужжат ёки биргаликда бир хил мақсадга хизмат қиладиган иккита ёки ундан кўп алоҳида ҳужжатлар орқали ҳисобот беришни талаб қилиши мумкин. Масалан, маълум юрисдикциядаги қонун, норматив ҳужжат ёки одатга қараб, қуйидаги ҳужжатлардан бири ёки бир нечтаси йиллик ҳисоботнинг бир қисмини ташкил этиши мумкин:

- Раҳбарият ҳисоботи, раҳбарият шарҳи, ёки операцион ва молиявий кўриб чиқиш ёки бошқарув учун масъул шахслар томонидан шунга ўхшаш ҳисоботлар (масалан, директорлар ҳисоботи).
- Раис баёноти.
- Корпоратив бошқарув баёноти.
- Ички назорат ва рискни баҳолаш ҳисоботлари.

А4. Йиллик ҳисобот фойдаланувчиларга босма шаклда ёки электрон тарзда, шу жумладан ташкилотнинг веб-сайтида тақдим этилиши мумкин. Ҳужжат (ёки ҳужжатлар комбинацияси) фойдаланувчиларга қандай тақдим этилиш усулидан қатъи назар, йиллик ҳисобот таърифига мос келиши мумкин.

А5. Йиллик ҳисобот ўзининг характери, мақсади ва мазмуни жиҳатидан бошқа ҳисоботлардан, масалан, маълум манфаатдор томонлар гуруҳининг ахборот эҳтиёжларини қондириш учун тайёрланган ҳисобот ёки маълум бир норматив ҳисобот бериш мақсадига мувофиқлик учун тайёрланган ҳисоботдан (ҳатто бундай ҳисобот оммага очиқ бўлиши талаб этилса ҳам) фарқ қилади. Алоҳида ҳужжатлар сифатида чиқарилганда, йиллик ҳисоботни ташкил этувчи ҳужжатлар комбинациясининг бир қисми бўлмайдиган (қонун, норматив ҳужжат ёки одатга боғлиқ равишда) ва шунинг учун ушбу АХС доирасидаги бошқа маълумотлар ҳисобланмайдиган ҳисоботларга қуйидагилар мисол бўлади:

- Алоҳида соҳа ёки норматив ҳисоботлар (масалан, капитал етарлилиги ҳисоботлари), масалан, банк, суғурта ва пенсия соҳаларида тайёрланиши мумкин бўлган ҳисоботлар.
- Корпоратив ижтимоий масъулият ҳисоботлари.
- Барқарорлик ҳисоботлари.
- Хилма-хиллик ва тенг имкониятлар ҳисоботлари.
- Маҳсулот масъулияти ҳисоботлари.
- Меҳнат амалиёти ва меҳнат шароитлари ҳисоботлари.
- Инсон ҳуқуқлари ҳисоботлари.

Бошқа маълумотларни бузиб кўрсатиш (12(b) бандга қаранг)

А6. Бошқа маълумотларда маълум бир масала ошкор этилганда, бошқа маълумотлар ўша масалани тўғри тушуниш учун зарур бўлган маълумотни тушириб қолдириши ёки хиралаштириши мумкин. Масалан, агар бошқа маълумотлар раҳбарият томонидан қўлланиладиган асосий самарадорлик кўрсаткичларини ёритишини даъво қилса, раҳбарият томонидан қўлланиладиган асосий самарадорлик кўрсаткичининг тушириб қолдирилиши бошқа маълумотларнинг чалғитувчи эканлигини кўрсатиши мумкин.

А7. Муҳимликлик концепцияси бошқа маълумотларга қўлланиладиган доиравий асосларда муҳокама қилиниши мумкин ва, агар шундай бўлса, бундай доиравий асос аудиторга ушбу АХС бўйича муҳимликлик ҳақида мулоҳаза юритишда маълумот манбаи вазифасини бажариши мумкин. Кўп ҳолларда, бироқ, бошқа маълумотларга қўлланиладиган муҳимликлик концепциясини муҳокама қиладиган қўлланиладиган доиравий асос мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда, қуйидаги хусусиятлар аудиторга бошқа маълумотларнинг бузиб кўрсатилиши муҳим эканлигини аниқлашда маълумот манбаи вазифасини бажаради:

- Муҳимликлик гуруҳ сифатида фойдаланувчиларнинг умумий ахборот эҳтиёжлари контекстида кўриб чиқилади. Бошқа маълумотлар фойдаланувчилари молиявий ҳисоботлар фойдаланувчилари билан бир хил бўлиши кутилади, чунки бундай фойдаланувчилар молиявий ҳисоботларга контекст тақдим этиш учун бошқа маълумотларни ўқиши кутилиши мумкин.

- Муҳимликлик ҳақидаги мулоҳазалар бузиб кўрсатишнинг ўзига хос ҳолатларини, фойдаланувчилар тузатилмаган бузиб кўрсатиш таъсирида қолиш-қолмаслигини ҳисобга олади. Барча бузиб кўрсатишлар фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир қилмайди.

- Муҳимликлик ҳақидаги мулоҳазалар ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатларини ўз ичига олади. Шунга кўра, бундай мулоҳазалар ташкилотнинг йиллик ҳисоботи контекстида бошқа маълумотлар ёритадиган моддаларнинг табиати ёки миқдорини ҳисобга олиши мумкин.

Бошқа маълумотлар (12(c) бандга қаранг)

A8. 1-илова бошқа маълумотларга киритилиши мумкин бўлган суммалар ёки бошқа моддаларга мисолларни ўз ичига олади.

A9. Баъзи ҳолларда, қўлланиладиган молиявий ҳисобот асослари махсус маълумотларни ёритиб беришни талаб қилиши, лекин уларни молиявий ҳисоботлардан ташқарида жойлаштиришга рухсат бериши мумкин.[5] Бундай маълумотларни ёритиб бериш қўлланиладиган молиявий ҳисобот асослари томонидан талаб қилингани учун, улар молиявий ҳисоботларнинг бир қисмини ташкил қилади. Шунга кўра, улар ушбу АХС мақсадлари учун бошқа маълумотлар ҳисобланмайди.

A10. Кенгайтирилган бизнес ҳисоботи тили (eXtensible Business Reporting Language ёки XBRL) белгилари ушбу АХСда таърифланган бошқа маълумотларни ифодаламайди.

Бошқа маълумотларни олиш (13-бандга қаранг)

A11. Йиллик ҳисоботни ташкил этадиган ҳужжат(лар)ни аниқлаш кўпинча қонун, норматив ҳужжат ёки одатга асосланиб аниқ бўлади. Кўп ҳолларда, раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар одатда йиллик ҳисоботни ташкил этувчи ҳужжатлар тўпламини чиқарган бўлиши ёки бунга мажбурият олган бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда, бироқ, қайси ҳужжат(лар) йиллик ҳисоботни ташкил этиши аниқ бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда, ҳужжатларнинг муддати ва мақсади (ва улар кимлар учун мўлжалланганлиги) аудиторга қайси ҳужжат(лар) йиллик ҳисоботни ташкил этишини аниқлашда ўринли масалалар бўлиши мумкин.

A12. Йиллик ҳисобот қонун ёки норматив ҳужжатга мувофиқ бошқа тилларга таржима қилинганда (масалан, юрисдикцияда бирдан ортиқ расмий тил мавжуд бўлганда), ёки турли қонунчилик доирасида бир нечта "йиллик ҳисобот" тайёрланганда (масалан, ташкилот бирдан ортиқ юрисдикцияда листингга киритилганда), битта ёки бир нечта "йиллик ҳисобот" бошқа маълумотларнинг бир қисмини ташкил этиш-этмаслигини кўриб чиқиш зарур бўлиши мумкин. Маҳаллий қонун ёки норматив ҳужжатлар бу борада қўшимча кўрсатмаларни тақдим этиши мумкин.

A13. Раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар йиллик ҳисоботни тайёрлаш учун жавобгардир. Аудитор раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар билан қуйидагиларни муҳокама қилиши мумкин:

- Аудиторнинг аудитор хулосаси санасидан олдин ўз вақтида йиллик ҳисоботнинг якуний версиясини (шу жумладан биргаликда йиллик ҳисоботни ташкил этувчи ҳужжатлар комбинациясини) олиш билан боғлиқ кутишлари, бунда аудитор ушбу АХС талаб қиладиган тартиб-таомилларни аудитор хулосаси санасидан олдин тугаллаши мумкин бўлади, ёки агар бу имконсиз бўлса, иложи борича тезроқ ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ташкилот томонидан бундай маълумотни чиқаришидан олдин.

- Бошқа маълумотлар аудитор хулосаси санасидан кейин олинганда юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар.

A14. A13-бандда кўрсатилган мулоқотлар, масалан, қуйидаги ҳолларда айниқса ўринли бўлиши мумкин:

- Бошланғич аудит топшириқларида.

- Раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахсларда ўзгариш бўлганда.

- Бошқа маълумотлар аудитор хулосаси санасидан кейин олиниши кутилганда.

A15. Бошқа маълумотлар ташкилот томонидан чиқарилишидан олдин бошқарув учун масъул шахслар томонидан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларда, бундай бошқа маълумотларнинг якуний версияси бошқарув учун масъул шахслар томонидан чиқариш учун тасдиқланган версиядир.

A16. Баъзи ҳолларда, ташкилотнинг йиллик ҳисоботи қонун ёки норматив ҳужжатга ёки ташкилотнинг ҳисобот бериш

---

[5] Масалан, 7-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС), "*Молиявий инструментлар: Ошкор этишлар",* МҲХС томонидан талаб қилинадиган маълум ошкор этишларни молиявий ҳисоботларда ёки молиявий ҳисоботлардан бошқа баёнотга, масалан, бошқарув шарҳи ёки хавф ҳисоботига, кўрсатма орқали киритишга рухсат беради, бу молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларига молиявий ҳисоботлар билан бир хил шартларда ва бир вақтда мавжуд бўлади.

амалиётига мувофиқ ташкилотнинг молиявий ҳисобот даври тугагандан кейин тез орада чиқариладиган битта ҳужжат бўлиши мумкин, бу ҳолда у аудитор хулосаси санасидан олдин аудиторга тақдим этилади. Бошқа ҳолларда, бундай ҳужжатни кейинроқ вақтда ёки ташкилот томонидан танланган вақтда чиқариш талаб қилинмаслиги мумкин. Шунингдек, ташкилотнинг йиллик ҳисоботи бир нечта ҳужжатлардан иборат бўлиб, ҳар бири чиқариш вақти бўйича ташкилотнинг турли талаблари ёки ҳисобот бериш амалиётига тегишли бўлиши мумкин.

A17. Аудитор хулосаси санасида ташкилот ўзининг йиллик ҳисоботининг бир қисми бўлиши мумкин бўлган ҳужжатни (масалан, манфаатдор томонларга ихтиёрий ҳисобот) ишлаб чиқишни кўриб чиқаётган, лекин раҳбарият аудиторга бундай ҳужжатнинг мақсади ёки муддатини тасдиқлай олмайдиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Агар аудитор бундай ҳужжатнинг мақсади ёки муддатини аниқлай олмаса, ҳужжат ушбу АХС мақсадлари учун бошқа маълумотлар деб ҳисобланмайди.

A18. Бошқа маълумотларни аудитор хулосаси санасидан олдин ўз вақтида олиш молиявий ҳисобот, аудитор хулосаси ёки бошқа маълумотларда улар чиқарилишидан олдин зарур деб топилган ҳар қандай тузатишларни киритиш имконини беради. Аудит топшириғи хати[6] раҳбарият билан аудиторга бошқа маълумотларни ўз вақтида ва имкон бўлса, аудитор хулосаси санасидан олдин тақдим этиш бўйича келишувга ҳавола қилиши мумкин.

A19. Бошқа маълумотлар фойдаланувчиларга фақат ташкилотнинг веб-сайти орқали тақдим этилганда, ташкилотдан олинган бошқа маълумотларнинг версияси, ташкилотнинг веб-сайтидан бевосита эмас, балки аудитор ушбу АХСга мувофиқ тартиб-таомилларни бажариши лозим бўлган тегишли ҳужжат ҳисобланади. Аудиторнинг ушбу АХС бўйича бошқа маълумотларни, шу жумладан ташкилотнинг веб-сайтида бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни қидириш ёки бошқа маълумотларнинг ташкилотнинг веб-сайтида тўғри жойлаштирилганлигини ёки бошқача тарзда электрон тарзда тўғри узатилган ёки кўрсатилганлигини тасдиқлаш учун ҳар қандай тартиб-таомилларни бажариш мажбурияти йўқ.

A20. Аудитор бошқа маълумотларнинг айрим қисмини ёки барчасини олмаган бўлса ҳам, аудитор хулосасига сана қўйиш ёки уни чиқаришдан чекланмаган.

A21. Бошқа маълумотлар аудитор хулосаси санасидан кейин олинганда, аудитордан 560-сон АХС[7] нинг 6 ва 7-бандларига мувофиқ бажарилган тартиб-таомилларни янгилаш талаб этилмайди.

A22. 580-сон АХС [8] ёзма баёнотлардан фойдаланиш бўйича талабларни белгилайди ва кўрсатмалар тақдим этади. 13(c) бандда фақат аудитор хулосаси санасидан кейин мавжуд бўладиган бошқа маълумотлар билан боғлиқ сўралиши талаб этиладиган ёзма баёнот аудиторга бундай маълумотга нисбатан ушбу АХС томонидан талаб этиладиган тартиб-таомилларни тугаллаш қобилиятини қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, аудитор бошқа ёзма баёнотларни сўрашни фойдали деб топиши мумкин, масалан:

- Раҳбарият аудиторга бошқа маълумотларни ўз ичига олиши мумкин бўлган, чиқаришни режалаштирган барча ҳужжатлар ҳақида хабар берган;
- Молиявий ҳисобот ва аудитор хулосаси санасидан олдин аудитор томонидан олинган бошқа маълумотлар бир-бирига мос келади ва бошқа маълумотлар муҳим бузиб кўрсатишларни ўз ичига олмайди; ва
- Аудитор томонидан аудиторлик хулосаси санасидан олдин олинмаган бошқа маълумотларга нисбатан, раҳбарият бундай бошқа маълумотларни тайёрлаш ва чиқаришни ва бундай чиқаришнинг кутилган муддатларини режалаштирган.

Бошқа маълумотларни ўқиш ва кўриб чиқиш (14–15 бандларга қаранг)

A23. 200-сон АХС[9] талабига кўра аудитни режалаштириш ва ўтказишда профессионал скептицизм билан иш тутиши лозим. Бошқа маълумотларни ўқиш ва кўриб чиқишда профессионал скептицизмни сақлаш, масалан, раҳбарият ўз режаларининг муваффақияти ҳақида ҳаддан ташқари оптимистик бўлиши мумкинлигини тан олиш ва қуйидагиларга зид бўлиши мумкин бўлган маълумотларга ҳушёр бўлишни ўз ичига олади:

(a) Молиявий ҳисоботлар; ёки

(b) Аудиторнинг аудит давомида олган билими.

A24. 220-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ, топшириқ шериги топшириқ гуруҳи аъзоларини бошқариш ва назорат қилиш ҳамда уларнинг ишини[10] кўриб чиқиш учун жавобгарликни олиши талаб этилади ва бошқариш, назорат қилиш

---

6 210-сон АХС, *"Аудит топшириқлари шартларини келишиш"*, A24-банд

7 560-сон АХС, "*Кейинги ҳодисалар"*

8 580-сон АХС, "*Ёзма баёнотлар"*

9 200-сон АХС, 15-банд

10 220-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Молиявий ҳисоботлар аудити учун сифат бошқаруви"*, 29–30-бандлар

ва кўриб чиқишнинг характери, муддати ва кўлами фирманинг сиёсати ёки тартиб-таомиллари, профессионал стандартлар ва қўлланиладиган қонуний ва норматив талабларга мувофиқ режалаштирилганлиги ва бажарилганлигини аниқлаши лозим.[11] Ушбу АХС контекстида, 14–15-бандлар талабларини бажариш учун мос топшириқ гуруҳи аъзоларини аниқлашда инобатга олиниши мумкин бўлган омилларга қуйидагилар киради:

- Топшириқ гуруҳи аъзоларининг нисбий тажрибаси.
- Берилган вазифаларни бажариши кутилаётган топшириқ гуруҳи аъзолари бошқа маълумотлар ва бу билим ўртасидаги номувофиқликларни аниқлаш учун аудит давомида олинган тегишли билимга эга эканлиги.
- 14–15-бандлар талабларини бажаришда мулоҳаза даражаси. Масалан, молиявий ҳисоботлардаги суммалар билан бир хил бўлиши мўлжалланган бошқа маълумотлардаги суммаларнинг мувофиқлигини баҳолаш учун тартиб-таомилларни бажариш камроқ тажрибали топшириқ гуруҳи аъзолари томонидан бажарилиши мумкин.
- Гуруҳ аудити ҳолатида, ўша компонентга тегишли бошқа маълумотларни кўриб чиқишда компонент аудиторидан сўровлар ўтказиш зарур эканлиги.

Бошқа маълумотлар ва молиявий ҳисоботлар ўртасида муҳим номувофиқлик мавжудлигини кўриб чиқиш (14(а) бандга қаранг)

А25. Бошқа маълумотлар молиявий ҳисоботлардаги суммалар ёки бошқа моддалар билан бир хил бўлиши, уларни умумлаштириши ёки улар ҳақида батафсилроқ маълумот бериши мўлжалланган суммалар ёки бошқа моддаларни ўз ичига олиши мумкин. Бундай суммалар ёки бошқа моддаларга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Молиявий ҳисоботлардан олинган парчаларни ўз ичига олган жадваллар, диаграммалар ёки графиклар.
- Молиявий ҳисоботларда кўрсатилган баланс ёки ҳисоб ҳақида батафсилроқ маълумот берадиган ёритиб бериш, масалан, "20X1 йилдаги тушум X маҳсулотидан XXX миллион ва Y маҳсулотидан YYY миллионни ташкил этди."
- Молиявий натижалар тавсифи, масалан, "20X1 йилда тадқиқот ва ишланмалар бўйича жами харажатлар XXX ни ташкил этди."

А26. Бошқа маълумотлардаги танланган суммалар ёки бошқа моддаларнинг молиявий ҳисоботлар билан мувофиқлигини баҳолашда, аудитордан бошқа маълумотлардаги барча суммалар ёки бошқа моддаларни, яъни молиявий ҳисоботлардаги суммалар ёки бошқа моддалар билан бир хил бўлиши, уларни умумлаштириши ёки улар ҳақида батафсилроқ маълумот бериши мўлжалланган суммалар ёки бошқа моддаларни молиявий ҳисоботлардаги шундай суммалар ёки бошқа моддалар билан таққослаш талаб этилмайди.

А27. Таққослаш учун суммалар ёки бошқа моддаларни танлаш касбий мулоҳаза масаласидир. Бу мулоҳаза учун ўринли омилларга қуйидагилар киради:

- Сумма ёки бошқа модданинг у тақдим этилган контекстдаги аҳамияти, бу фойдаланувчилар сумма ёки бошқа моддага қандай аҳамият беришига таъсир қилиши мумкин (масалан, асосий коэффициент ёки сумма).
- Миқдорий бўлса, суммани улар тегишли бўлган молиявий ҳисоботлардаги ёки бошқа маълумотлардаги ҳисоблар ёки моддалар билан таққослаганда нисбий ҳажми.
- Бошқа маълумотлардаги маълум суммалар ёки бошқа моддаларнинг сезгирлиги, масалан, юқори раҳбарият учун акцияларга асосланган тўловлар.

А28. 14(а) банд талабини бажариш учун тартиб-таомилларнинг характери ва ҳажмини аниқлаш касбий мулоҳаза масаласидир, бунда ушбу АХС бўйича аудиторнинг жавобгарликлари бошқа маълумотлар бўйича ишончлилик тўғрисидаги топшириқни ташкил этмаслиги ёки бошқа маълумотлар бўйича ишончлилик олиш мажбуриятини юкламаслигини тан олиш лозим. Бундай тартиб-таомилларга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Молиявий ҳисоботлардаги маълумот билан бир хил бўлиши мўлжалланган маълумотлар учун, маълумотни молиявий ҳисоботлар билан таққослаш.
- Молиявий ҳисоботлардаги ёритиб берилган маълумотлар билан бир хил маънони ифодалаш мўлжалланган маълумотлар учун, қўлланилган сўзларни таққослаш ва қўлланилган сўзлардаги фарқларнинг аҳамиятини кўриб чиқиш ҳамда бундай фарқлар турли маъноларни англатиши мумкинлиги.

---

[11] 220-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 30(а)-банд

- Раҳбариятдан бошқа маълумотлардаги сумма ва молиявий ҳисоботлар ўртасидаги солиштиришни олиш ва:

- Солиштиришдаги моддаларни молиявий ҳисоботлар ва бошқа маълумотлар билан таққослаш; ва

- Солиштиришдаги ҳисоб-китобларнинг арифметик жиҳатдан аниқлигини текшириш.

A29. Бошқа маълумотлардаги танланган суммалар ёки бошқа моддаларнинг молиявий ҳисоботлар билан мувофиқлигини баҳолаш, бошқа маълумотларнинг характерига қараб ўринли бўлганда, уларнинг тақдим этилиш усулини молиявий ҳисоботлар билан таққослашни ўз ичига олади.

Бошқа маълумотлар ва аудит давомида олинган аудиторнинг билими ўртасида муҳим номувофиқлик мавжудлигини кўриб чиқиш (14(b) бандга қаранг)

A30. Бошқа маълумотлар аудит давомида олинган аудиторнинг билимига боғлиқ суммалар ёки моддаларни (14(a) банддагилардан ташқари) ўз ичига олиши мумкин. Бундай суммалар ёки моддаларга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Ишлаб чиқарилган бирликлар ҳақида маълумот бериш ёки бундай ишлаб чиқаришни географик ҳудудлар бўйича умумлаштирувчи жадвал.

- "Компания йил давомида X маҳсулоти ва Y маҳсулотини тақдим этди" деган баёнот.

- Ташкилотнинг асосий фаолият жойларининг қисқача тавсифи, масалан, "ташкилотнинг асосий фаолият маркази X мамлакатида жойлашган ва Y ва Z мамлакатларида ҳам фаолият олиб борилади."

A31. Аудит давомида олинган аудиторнинг билими 315-сон АХС (2019 йилда Қайта таҳрирланган)га мувофиқ олинган[12] ташкилот ва унинг муҳити, қўлланиладиган молиявий ҳисобот асослари ва ташкилотнинг ички назорат тизими ҳақидаги аудиторнинг тушунчасини ўз ичига олади. 315-сон АХС (2019 йилда қайта таҳрирланган) аудитордан талаб қилинадиган тушунчани белгилайди, бу тушунча қуйидагилар ҳақида тушунча олишни ўз ичига олади:

(a) Ташкилотнинг ташкилий тузилмаси, мулкчилиги ва бошқаруви, ва унинг бизнес модели, шу жумладан бизнес модели АТдан фойдаланишни қанчалик ўз ичига олиши;

(b) Тегишли соҳа, норматив ва бошқа ташқи омиллар; ва

(c) Ташкилотнинг молиявий фаолиятини баҳолаш учун ички ва ташқи фойдаланиладиган тегишли ўлчовлар.

A32. Аудит давомида олинган аудиторнинг билими истиқболли характердаги масалаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бундай масалаларга, масалан, аудитор гудвилл каби номоддий активларга қадрсизланиш тестларини бажаришда раҳбарият томонидан фойдаланилган тахминларни баҳолашда ёки раҳбариятнинг ташкилотнинг фаолиятни давом эттириш қобилиятини баҳолашини кўриб чиқишда ҳисобга олган бизнес истиқболлари ва келажакдаги пул оқимлари киради.

A33. Бошқа маълумотлар ва аудит давомида олинган аудиторнинг билими ўртасида муҳим номувофиқлик мавжудлигини кўриб чиқишда, аудитор бошқа маълумотлардаги етарлича аҳамиятли бўлган масалаларга эътибор қаратиши мумкин, чунки бу масалаларга нисбатан бошқа маълумотларнинг бузиб кўрсатилиши муҳим бўлиши мумкин.

A34. Бошқа маълумотлардаги кўплаб масалаларга нисбатан, аудиторнинг аудитда олинган аудит далиллари ва чиқарилган хулосалар ҳақидаги хотираси аудиторга бошқа маълумотлар ва аудит давомида олинган аудиторнинг билими ўртасида муҳим номувофиқлик мавжудлигини кўриб чиқиш учун етарли бўлиши мумкин. Аудитор қанчалик тажрибали ва аудитнинг асосий жиҳатларига қанчалик таниш бўлса, аудиторнинг тегишли масалалар ҳақидаги хотираси етарли бўлиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Масалан, аудитор раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар билан ўтказилган муҳокамалар ёки директорлар кенгаши баённомаларини ўқиш каби аудит давомида бажарилган тартиб-таомиллар натижаларининг хотираси асосида бошқа чора кўрмасдан бошқа маълумотлар ва аудит давомида олинган аудиторнинг билими ўртасида муҳим номувофиқлик мавжудлигини кўриб чиқиши мумкин.

A35. Аудитор муҳим номувофиқлик мавжудлигини кўриб чиқиш учун асос сифатида тегишли аудит ҳужжатларига мурожаат қилиш ёки топшириқ гуруҳининг тегишли аъзолари ёки тегишли компонент аудиторларидан сўров ўтказишни ўринли деб аниқлаши мумкин. Масалан:

- Бошқа маълумотлар асосий маҳсулот линиясини тўхтатиш режасини тавсифлаганда ва, аудитор бу тўхтатиш режаси ҳақида хабардор бўлса-да, аудитор тавсиф аудит давомида олинган аудиторнинг билимига муҳим даражада зид эмаслигини кўриб чиқишни қўллаб-қувватлаш учун бу соҳада аудит тартиб-таомилларини

[12] 315-сон АХС (2019 йилда қайта кўриб чиқилган), *"Муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш"*, 19–27-бандлар

бажарган топшириқ гуруҳининг тегишли аъзосидан сўров ўтказиши мумкин.

- Бошқа маълумотлар аудитда кўриб чиқилган судлашувнинг муҳим тафсилотларини тавсифлаганда, лекин аудитор уларни етарлича эслай олмаса, аудиторнинг хотирасини қўллаб-қувватлаш учун бу тафсилотлар умумлаштирилган аудит ҳужжатларига мурожаат қилиш зарур бўлиши мумкин.

A36. Аудитор тегишли аудит ҳужжатларига мурожаат қилиш ёки топшириқ гуруҳининг тегишли аъзолари ёки тегишли компонент аудиторларидан сўров ўтказиш зарурлиги ва, агар зарур бўлса, бунинг даражаси касбий мулоҳаза масаласидир. Шунга қарамасдан, аудитор учун бошқа маълумотларда ўз ичига олинган ҳар қандай масала бўйича тегишли аудит ҳужжатларига мурожаат қилиш, ёки топшириқ гуруҳининг тегишли аъзолари ёки тегишли компонент аудиторларидан сўров ўтказиш зарур бўлмаслиги мумкин.

Бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиб кўринганлиги ҳақидаги бошқа белгиларга эътиборли бўлиш (15-бандга қаранг)

A37. Бошқа маълумотлар молиявий ҳисоботларга боғлиқ бўлмаган масалаларни муҳокама қилишни ўз ичига олиши ва аудит давомида олинган аудиторнинг билимидан ташқарига чиқиши мумкин. Масалан, бошқа маълумотлар ташкилотнинг иссиқхона газлари чиқиндилари ҳақидаги баёнотларни ўз ичига олиши мумкин.

A38. Молиявий ҳисоботларга ёки аудит давомида олинган аудиторнинг билимига боғлиқ бўлмаган бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиб кўринганлиги ҳақидаги бошқа белгиларга эътиборли бўлиш аудиторга аудитор ўзи муҳим даражада нотўғри ёки чалғитувчи баёнот, эҳтиётсизлик билан тақдим этилган баёнот ёки зарур маълумотни тушириб қолдирадиган ёки хиралаштирадиган маълумотни ўз ичига олган деб ҳисоблайдиган бошқа маълумотлар билан онгли равишда боғлиқ бўлишдан қочишни талаб қиладиган тегишли ахлоқий талабларга риоя қилишда ёрдам беради[13]. Бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиб кўринганлиги ҳақидаги бошқа белгиларга эътиборли бўлиш аудитор қуйидаги масалаларни аниқлашига олиб келиши мумкин:

- Бошқа маълумотларни ўқиган топшириқ гуруҳи аъзосининг аудитда олинган билимдан ташқари, умумий билими ва бошқа маълумотлар ўртасидаги фарқлар, бу аудиторни бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиб кўринади деб ҳисоблашга олиб келади; ёки

- Бошқа маълумотларнинг ички номувофиқлиги, бу аудиторни бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиб кўринади деб ҳисоблашга олиб келади.

Муҳим номувофиқлик мавжуд бўлиб кўринганда ёки бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиб кўринганда жавоб бериш (16-бандга қаранг)

A39. Муҳим номувофиқлик ҳақида (ёки муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиб кўринган бошқа маълумотлар ҳақида) раҳбарият билан аудиторнинг муҳокамаси раҳбариятдан бошқа маълумотлардаги раҳбарият баёнотларининг асосини қўллаб-қувватловчи далилларни тақдим этишни сўрашни ўз ичига олиши мумкин. Раҳбариятнинг қўшимча маълумотлари ёки тушунтиришлари асосида, аудитор бошқа маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилмаган деб қаноатланиши мумкин. Масалан, раҳбарият тушунтиришлари фикрларнинг ўринли фарқлари учун оқилона ва етарли асосларни кўрсатиши мумкин.

A40. Аксинча, раҳбарият билан муҳокама бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мавжуд деган аудиторнинг хулосасини қўллаб-қувватловчи қўшимча маълумотларни тақдим этиши мумкин.

A41. Аудитор учун фактик характердаги масалаларга қараганда мулоҳаза масалаларида раҳбариятга эътироз билдириш қийинроқ бўлиши мумкин. Бироқ, аудитор бошқа маълумотлар молиявий ҳисоботлар ёки аудит давомида олинган аудиторнинг билимига мос келмайдиган баёнотни ўз ичига олади деб хулоса чиқарадиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Бу ҳолатлар бошқа маълумотлар, молиявий ҳисоботлар ёки аудит давомида олинган аудиторнинг билими ҳақида шубҳа туғдириши мумкин.

A42. Бошқа маълумотларнинг мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатилишлари кенг доирада бўлганлиги сабабли, бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мавжуд эканлиги ҳақида хулоса чиқариш учун аудитор бажариши мумкин бўлган бошқа тартиб-таомилларнинг характери ва ҳажми ҳолатларда аудиторнинг касбий мулоҳазаси масаласидир.

A43. Агар масала молиявий ҳисоботларга ёки аудит давомида олинган аудиторнинг билимига боғлиқ бўлмаса, аудитор аудиторнинг сўровларига раҳбариятнинг жавобларини тўлиқ баҳолай олмаслиги мумкин. Шунга қарамасдан, раҳбариятнинг қўшимча маълумотлари ёки тушунтиришлари асосида, ёки раҳбарият томонидан бошқа маълумотларга киритилган ўзгартиришлардан кейин, аудитор муҳим номувофиқлик энди мавжуд бўлиб кўринмаслигига ёки бошқа маълумотлар энди муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиб кўринмаслигига қаноат ҳосил қилиши мумкин. Аудитор муҳим номувофиқлик энди мавжуд бўлиб кўринмаслиги ёки бошқа маълумотлар энди муҳим даражада бузиб

[13] БХАСК Кодекси, R111.2-банд

кўрсатилган бўлиб кўринмаслиги ҳақида хулоса чиқара олмаганда, аудитор раҳбариятдан малакали учинчи томон билан (масалан, раҳбарият эксперти ёки юридик маслаҳатчи) маслаҳатлашишини сўраши мумкин. Баъзи ҳолларда, раҳбариятнинг маслаҳатлашуви натижасидаги жавобларни кўриб чиққандан сўнг, аудитор бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мавжуд ёки йўқлиги ҳақида хулоса чиқара олмаслиги мумкин. Шунда аудитор кўриши мумкин бўлган чораларга қуйидагилардан бири ёки бир нечтаси киради:

- Аудиторнинг юридик маслаҳатчисидан маслаҳат олиш;
- Аудитор хулосаси учун оқибатларни кўриб чиқиш, масалан, раҳбарият томонидан қўйилган чекловлар мавжуд бўлганда ҳолатларни тавсифлаш лозимлиги; ёки
- Қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжатлар бўйича имкони бўлса, аудитдан воз кечиш.

Аудитор бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мавжуд деб хулоса қилганда жавоб бериш

Аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин олинган бошқа маълумотларда муҳим даражада бузиб кўрсатиш мавжуд деб хулоса қилганда жавоб бериш (18-бандга қаранг)

А44. Агар бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқотдан кейин ҳам бошқа маълумотлар тузатилмаса, аудитор қўллайдиган чоралар аудиторнинг касбий мулоҳазаси масаласидир. Аудитор тузатишни амалга оширмаслик учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар томонидан келтирилган асос-мотивлар раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахсларнинг яхлитлиги ёки ҳалоллиги ҳақида шубҳа туғдириш-туғдирмаслигини ҳисобга олиши мумкин, масалан, аудитор чалғитиш ниятидан гумонсираганда. Аудитор, шунингдек, юридик маслаҳат олишни ўринли деб ҳисоблаши мумкин. Баъзи ҳолатларда, аудитордан қонун, норматив ҳужжат ёки бошқа профессионал стандартлар билан масалани тартибга солувчи орган ёки тегишли профессионал органга хабар бериш талаб қилиниши мумкин.

Хулоса бериш оқибатлари (18(a) бандга қаранг)

А45. Камдан-кам ҳолатларда, раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг яхлитлиги ҳақида бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилишини тузатишдан воз кечиш туфайли умуман аудит далилларининг ишончлилигига шубҳа туғдирувчи даражада шубҳа туғдирганда, молиявий ҳисоботлар бўйича фикр билдиришдан воз кечиш ўринли бўлиши мумкин.

Топшириқдан воз кечиш (18(b) бандга қаранг)

А46. Қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжатлар бўйича имкони бўлса, топшириқдан воз кечиш бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилишини тузатишдан воз кечиш атрофидаги ҳолатлар раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг яхлитлиги ҳақида аудит давомида улардан олинган баёнотларнинг ишончлилигига шубҳа туғдирувчи даражада шубҳа туғдирганда ўринли бўлиши мумкин.

Давлат секторидаги ташкилотларга хос мулоҳазалар (18(b) бандга қаранг)

А47. Давлат секторида топшириқдан воз кечиш имконсиз бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, аудитор қонун чиқарувчи органга масала тафсилотларини ўз ичига олган ҳисоботни тақдим этиши ёки бошқа тегишли чораларни кўриши мумкин.

Аудитор аудиторлик хулосаси санасидан кейин олинган бошқа маълумотларда муҳим даражада бузиб кўрсатиш мавжуд деб хулоса қилганда жавоб бериш (19-бандга қаранг)

А48. Агар аудитор аудиторлик хулосаси санасидан кейин олинган бошқа маълумотларда муҳим даражада бузиб кўрсатиш мавжуд деб хулоса чиқарса, ва бундай муҳим даражада бузиб кўрсатиш тузатилган бўлса, ҳолатларда зарур бўлган аудитор тартиб-таомиллари тузатиш киритилганлигини аниқлашни (17(a) бандга мувофиқ) ўз ичига олади ва агар илгари чиқарилган бўлса, бошқа маълумотларни олганларга қайта кўриб чиқиш ҳақида хабар бериш учун раҳбарият томонидан кўрилган чораларни кўриб чиқишни ўз ичига олиши мумкин.

А49. Агар бошқарув учун масъул шахслар бошқа маълумотларни қайта кўриб чиқишга рози бўлмаса, тузатилмаган бузиб кўрсатиш аудитор хулосаси тайёрланган фойдаланувчиларнинг эътиборига тегишли равишда етказилишини таъминлаш учун тегишли чораларни кўриш касбий мулоҳазани талаб қилади ва юрисдикциядаги тегишли қонун ёки норматив ҳужжатлар таъсирида бўлиши мумкин. Шунга кўра, аудитор аудиторнинг қонуний ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида юридик маслаҳат олишни ўринли деб ҳисоблаши мумкин.

А50. Бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилиши тузатилмай қолганда, қонун ёки норматив ҳужжатлар рухсат берганда, тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатиш аудитор хулосаси тайёрланган фойдаланувчиларнинг эътиборига тегишли равишда етказилишини таъминлаш учун аудитор кўриши мумкин бўлган тегишли чоралар, масалан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Раҳбариятга 22-бандга мувофиқ ўзгартирилган бандни ўз ичига олган янги ёки ўзгартирилган аудитор хулосасини тақдим этиш ва раҳбариятдан бу янги ёки ўзгартирилган аудитор хулосасини ушбу хулоса тайёрланган фойдаланувчиларга тақдим этишни сўраш. Бунда аудитор АХСлар ёки қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, янги ёки ўзгартирилган аудиторлик хулосаси санасига, агар бўлса, таъсирни ҳисобга олиши лозим бўлиши мумкин. Аудитор, шунингдек, раҳбарият томонидан бундай фойдаланувчиларга янги ёки ўзгартирилган аудитор хулосасини тақдим этиш учун кўрилган чораларни кўриб чиқиши мумкин;

- Бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилишини аудитор хулосаси тайёрланган фойдаланувчилар эътиборига етказиш (масалан, акциядорларнинг умумий йиғилишида масалани кўриб чиқиш орқали);

- Тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатиш ҳақида тартибга солувчи орган ёки тегишли профессионал орган билан мулоқот қилиш; ёки

- Топшириқни давом эттириш учун оқибатларни кўриб чиқиш (А46 бандига ҳам қаранг).

Молиявий ҳисоботларда муҳим даражада бузиб кўрсатиш мавжуд бўлганда ёки аудиторнинг ташкилот ва унинг муҳити ҳақидаги тушунчасини янгилаш талаб этилганда жавоб бериш (20-бандга қаранг)

А51. Бошқа маълумотларни ўқиш жараёнида, аудитор қуйидагиларга таъсир кўрсатадиган янги маълумотдан хабардор бўлиши мумкин:

- Аудиторнинг ташкилот ва унинг муҳити, молиявий ҳисобот асослари ва ташкилотнинг ички назорат тизими ҳақидаги тушунчаси, ва шунга кўра, аудиторнинг риск баҳолашини қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатиши мумкин.[14]

- Аудиторнинг аниқланган бузиб кўрсатишларнинг аудитга таъсирини ва, агар мавжуд бўлса, молиявий ҳисоботларга тузатилмаган бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш бўйича жавобгарлиги[15]

- Аудиторнинг кейинги ҳодисаларга боғлиқ жавобгарликлари.[16]

Хулоса бериш (21–24 бандларга қаранг)

А52. Листингга киритилмаган ташкилотнинг молиявий ҳисоботи аудити учун, аудитор хулосасида аудитор аудиторлик хулосаси санасидан кейин олишни кутаётган бошқа маълумотларни аниқлаш ушбу АХС бўйича аудитор жавобгарликларига тегишли бўлган бошқа маълумотлар ҳақида қўшимча шаффофликни таъминлаш учун ўринли бўлиши мумкин деб ҳисоблаши мумкин. Аудитор буни, масалан, раҳбарият аудиторга бундай бошқа маълумотлар аудиторлик хулосаси санасидан кейин чиқарилиши ҳақида баёнот бера олганда, ўринли деб ҳисоблаши мумкин.

Намунавий баёнотлар (21–22 бандларга қаранг)

А53. Аудитор хулосаси "Бошқа маълумотлар" бандининг намунавий мисоллари 2-иловада келтирилган.

Аудиторнинг молиявий ҳисобот бўйича фикри шартли ёки салбий бўлганда хулоса бериш оқибатлари (23-бандга қаранг)

А54. Молиявий ҳисобот бўйича шартли ёки салбий аудитор фикри, агар аудиторнинг фикри ўзгартирилган масала бошқа маълумотларда киритилмаган ёки бошқача тарзда кўриб чиқилмаган бўлса ва масала бошқа маълумотларнинг бирор қисмига таъсир қилмаса, 22(е) банд томонидан талаб қилинган баёнотга таъсир кўрсатмаслиги мумкин. Масалан, қўлланиладиган молиявий ҳисобот асослари талаб қилганидек, директорлар мукофотини ёритиб бермаслик туфайли молиявий ҳисоботлар бўйича шартли фикр ушбу АХС бўйича талаб қилинадиган ҳисобот бериш учун ҳеч қандай оқибатга эга бўлмаслиги мумкин. Бошқа ҳолатларда, А55–А58 бандларда тавсифланганидек, бундай хулоса бериш учун оқибатлар бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисоботлардаги муҳим даражада бузиб кўрсатиш туфайли шартли фикр

А55. Аудитор фикри шартли бўлган ҳолатларда, бошқа маълумотлар ҳам молиявий ҳисоботлар бўйича шартли фикрга сабаб бўлган масала билан бир хил ёки унга боғлиқ масала бўйича муҳим даражада бузиб кўрсатилганлиги тўғрисида мулоҳаза қилиниши мумкин.

Кўлам чекланганлиги туфайли шартли фикр

А56. Молиявий ҳисоботлардаги муҳим модда бўйича кўлам чекланган бўлганда, аудитор бу масала ҳақида етарли ва

---

[14] 315-сон АХС (2019-йилда қайта таҳрирланган), 19–26 ва 37-бандлар

[15] 450-сон АХС, *"Аудит ўтказиш жараёнида аниқланган бузиб кўрсатишларни баҳолаш"*

[16] 560-сон АХС, 10 ва 14-бандлар

муносиб аудит далилларини олмаган бўлади. Бу ҳолатларда, аудитор бошқа маълумотлардаги бу масалага тегишли суммалар ёки бошқа моддалар бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилишига олиб келган ёки келмаганлиги ҳақида хулоса чиқара олмаслиги мумкин. Шунга кўра, аудиторга 22(е) банд талаб қиладиган баёнотни, Шартли фикр учун асос бандида тушунтирилганидек, аудиторнинг молиявий ҳисоботлар бўйича фикри шартли бўлган масала бўйича бошқа маълумотларда раҳбариятнинг тавсифини кўриб чиқиш имконсизлигига ҳавола қилиш учун ўзгартириш зарур бўлиши мумкин. Шунга қарамасдан, аудитордан аниқланган бошқа маълумотларнинг бошқа ҳар қандай тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатишлари ҳақида ҳисобот бериш талаб қилинади.

Салбий фикр

A57. Салбий фикр учун асос бандида тавсифланган маълум масала(лар)га боғлиқ молиявий ҳисоботлар бўйича салбий фикр аудитор 22(е)(ii) бандга мувофиқ аудитор хулосасида аниқлаган бошқа маълумотларнинг муҳим бузиб кўрсатишлари ҳақида ҳисобот беришни тушириб қолдиришни оқламайди. Молиявий ҳисобот бўйича салбий фикр билдирилганда, масалан, бошқа маълумотлардаги суммалар ёки моддалар молиявий ҳисобот бўйича салбий фикрга сабаб бўлган масала ёки унга боғлиқ масала учун муҳим даражада бузиб кўрсатилганлигини кўрсатиш учун аудиторга 22(е) банд талаб қиладиган баёнотни тегишли равишда ўзгартириш зарур бўлиши мумкин.

Фикр билдиришдан воз кечиш

A58. Аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан воз кечганда, аудит ҳақида қўшимча маълумотлар бериш, шу жумладан бошқа маълумотларга оид банд киритиш, молиявий ҳисобот бўйича умумий фикр билдиришдан воз кечишни соя остида қолдириши мумкин. Шу сабабли, ушбу шароитларда, АХС 705 (Қайта таҳрирланган) талабларига мувофиқ, аудиторлик хулосасида ушбу АХС бўйича ҳисобот бериш талабларини қамраб олган банд мавжуд эмас.

Қонун ёки меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган ҳисобот бериш (24-бандга қаранг)

A59. 200-сон АХС[17] аудитордан АХСдан ташқари қонуний ёки меъёрий талабларга риоя қилиш талаб қилиниши мумкинлигини тушунтиради. Бундай ҳолатда аудитор мазкур АХСда баён этилганидан фарқ қиладиган махсус макет ёки сўзларни аудиторлик хулосасида қўллашга мажбур бўлиши мумкин. Аудиторлик хулосасида мувофиқлик, агар аудит Халқаро аудиторлик стандартларига мувофиқ ўтказилган бўлса, глобал бозорда ишончлиликни оширади, чунки жаҳон миқёсида тан олинган стандартларга мувофиқ ўтказилган аудитларни осонроқ аниқлаш имконини беради. Аудиторлик хулосасида бошқа маълумотларга нисбатан ҳисобот бериш бўйича ҳуқуқий ёки меъёрий талаблар ва ушбу АХС ўртасидаги фарқлар фақатгина аудиторлик хулосасидаги жойлашув ва сўзлашга тааллуқли бўлса ва 24-бандда кўрсатилган ҳар бир элемент камида аудиторлик хулосасида мавжуд бўлса, аудитор хулосаси Аудитнинг халқаро стандартига мурожаат қилиши мумкин. Шунингдек, бундай шароитларда аудиторнинг ҳисоботидаги жойлашув ва сўзлаш тартиби қонуний ёки меъёрий ҳисобот талаблари билан белгиланган бўлса ҳам, аудитор ушбу АХС талабларига риоя қилган деб ҳисобланади.

[17] 200-сон АХС, А60-банд

1-Илова
(14, А8 бандларга қаранг)

Бошқа маълумотларга киритилиши мумкин бўлган суммалар ёки бошқа моддалар мисоллари

Қуйида бошқа маълумотларга киритилиши мумкин бўлган суммалар ва бошқа моддаларнинг мисоллари келтирилган. Бу рўйхат тўлиқ эмас.

Суммалар

- Асосий молиявий натижалар қисқача тавсифидаги моддалар, масалан, соф даромад, бир акцияга тўғри келадиган фойда, дивидендлар, сотишлар ва бошқа операцион тушумлар, ҳамда харидлар ва операцион харажатлар.

- Танланган операцион маълумотлар, масалан, асосий операцион соҳалар бўйича давом этаётган операциялардан олинган даромад, ёки географик сегмент ёки маҳсулот линияси бўйича сотишлар.

- Махсус моддалар, масалан, активларни тасарруф этиш, суд жараёнлари бўйича захиралар, активларни қадрсизланиши, солиқ тузатишлари, атроф-муҳит тозалаш захиралари, ва қайта тузиш ва қайта ташкил этиш харажатлари.

- Ликвидлик ва капитал ресурслари ҳақида маълумот, масалан, пул маблағлари, пул маблағлари эквивалентлари ва сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар; дивидендлар; ва қарз, капитал ижара ва миноритар манфаатлар мажбуриятлари.

- Сегмент ёки банд бўйича капитал харажатлар.

- Балансдан ташқари тузилмаларда иштирок этган суммалар ва уларнинг боғлиқ молиявий таъсири.

- Кафолатлар, шартномавий мажбуриятлар, юридик ёки экологик талаблар ва бошқа шартли ҳолатларда иштирок этган суммалар.

- Молиявий ўлчовлар ёки коэффициентлар, масалан, ялпи рентабеллик, ишлатилган ўртача капиталга қайтиш, ўртача акциядорлар капиталига қайтиш, жорий ликвидлик коэффициенти, фоиз қоплаш коэффициенти ва қарз коэффициенти. Буларнинг баъзилари молиявий ҳисоботлар билан бевосита солиштирилиши мумкин.

Бошқа моддалар

- Муҳим ҳисоб баҳоларининг ва боғлиқ тахминларнинг тушунтиришлари.

- Боғлиқ томонларни аниқлаш ва улар билан операцияларнинг тавсифи.

- Ташкилотнинг товар, валюта ёки фоиз ставкаси рискларини, масалан форвард шартномалар, фоиз ставкаси своплари ёки бошқа молиявий инструментлар орқали бошқариш сиёсати ёки ёндашувининг ифодаси.

- Балансдан ташқари тузилмаларнинг характери тавсифи.

- Кафолатлар, товон тўловлари, шартномавий мажбуриятлар, суд жараёнлари ёки атроф-муҳит бўйича жавобгарлик ҳолатлари ва бошқа шартли ҳолатлар тавсифи, шу жумладан ташкилотнинг боғлиқ рискларга дучорлиги ҳақида раҳбариятнинг сифатли баҳолашлари.

- Қонуний ёки норматив талаблардаги ўзгаришлар тавсифи, масалан, ташкилотнинг операциялари ёки молиявий ҳолатига муҳим таъсир кўрсатган, ёки ташкилотнинг келгусидаги молиявий истиқболларига муҳим таъсир кўрсатадиган янги солиқ ёки экологик норматив ҳужжатлар.

- Давр давомида кучга кирган, ёки кейинги даврда кучга кирадиган янги молиявий ҳисобот стандартларининг ташкилотнинг молиявий натижалари, молиявий ҳолати ва пул оқимларига таъсири ҳақида раҳбариятнинг сифатли баҳолашлари.

- Бизнес муҳити ва истиқболлар ҳақида умумий тавсифлар.

- Стратегия ҳақида умумий маълумот.

- Асосий товарлар ёки хом ашёлар бозор нархларидаги тенденциялар тавсифи.

- Географик ҳудудлар ўртасида таклиф, талаб ва норматив шароитларнинг таққосланиши.

- Аниқ сегментларда ташкилотнинг фойдалилигига таъсир этувчи аниқ омиллар тушунтиришлари.

2-Илова
(21-22, А53 бандларга қаранг)

Бошқа маълумотларга оид мустақил аудитор хулосаларининг намуналари

- 1-намуна: Листингга киритилган ёки киритилмаган ҳар қандай ташкилотнинг аудитор хулосаси бўлиб, унда модификацияланмаган фикр мавжуд, аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилишини аниқламаган.

- 2-намуна: Листингга киритилган ташкилотнинг аудитор хулосаси бўлиб, унда модификацияланмаган мавжуд, аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин бошқа маълумотларнинг бир қисмини олган, бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилишини аниқламаган ва аудитор хулосаси санасидан кейин бошқа маълумотларни олишни кутмоқда.

- 3-намуна: Листингга киритилмаган ташкилотнинг аудитор хулосаси бўлиб, унда модификацияланмаган фикр мавжуд, аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин бошқа маълумотларнинг бир қисмини олган, бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилишини аниқламаган ва аудитор хулосаси санасидан кейин бошқа маълумотларни олишни кутмоқда.

- 4-намуна: Листингга киритилган ташкилотнинг аудитор хулосаси бўлиб, унда модификацияланмаган фикр мавжуд, аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин ҳеч қандай бошқа маълумотларни олмаган, лекин аудитор хулосаси санасидан кейин бошқа маълумотларни олишни кутмоқда.

- 5-намуна: Листингга киритилган ёки киритилмаган ҳар қандай ташкилотнинг аудиторлик хулосаси бўлиб, унда модификацияланмаган мавжуд, аудитор аудитор хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва бошқа маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мавжуд деб хулоса қилган.

- 6-намуна: Листингга киритилган ёки киритилмаган ҳар қандай ташкилотнинг аудитор хулосаси бўлиб, унда шартли фикр мавжуд, аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва консолидациялашган молиявий ҳисоботлардаги муҳим модда бўйича кўлам чекланган, бу ҳам бошқа маълумотларга таъсир қилади.

- 7-намуна: Листингга киритилган ёки киритилмаган ҳар қандай ташкилотнинг аудитор хулосаси бўлиб, унда салбий фикр мавжуд, аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва консолидациялашган молиявий ҳисоботлар бўйича салбий фикр бошқа маълумотларга ҳам таъсир қилади.

1-намуна – Бошқа маълумотларни аудиторлик хулосаси санасидан олдин олган ва бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатишларни аниқламаган, листингга кирган ёки листингга кирмаган ҳар қандай ташкилотнинг модификацияланмаган аудиторлик хулосаси.

Ушбу намунавий аудиторлик хулосаси учун қуйидаги ҳолатлар тахмин қилинади:

- **Листингга кирган ёки кирмаган ҳар қандай ташкилотнинг ҳаққоний тақдим этиш концепциясидан фойдаланган тўлиқ молиявий ҳисоботлари аудити. Аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АХС(Қайта таҳрирланган)[1] қўлланилмайди).**

- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан МҲХСларга мувофиқ тайёрланган (умумий мақсадли концепция).**

- **Аудиторлик топшириғи шартлари 210-сон АХСда молиявий ҳисоботларга нисбатан раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифини акс эттиради.**

- **Аудитор олинган аудит далилларига асосланиб, ўзгартирилмаган (яъни, "тоза") фикр мувофиқ деган хулосага келган.**

- **Аудитга қўлланиладиган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикция талабларидир.**

- **Олинган аудит далилларига асосланиб, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[2]га мувофиқ ташкилотнинг фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига нисбатан жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**

- **701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалалари хабар қилинган.[3]**

- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасидан олдин барча бошқа маълумотларни олган ва бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатишларни аниқламаган.**

- **Молиявий ҳисоботларни назорат қилиш учун масъул бўлганлар, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун масъул бўлганлардан фарқ қилади.**

- **Молиявий ҳисоботлар аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун талаб қиладиган бошқа хулоса бериш жавобгарликларига эга.**

---

1 600-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Махсус мулоҳазалар–Гуруҳ молиявий ҳисоботлари аудити (Компонент аудиторларининг ишини ўз ичига олган)"*

2 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *"Фаолиятнинг узлуксизлиги"*

3 701-сон АХС, Мустақил аудиторнинг ҳисоботида аудитнинг асосий масалаларини хабар қилиш. Аудитнинг асосий масалалари бўлими фақат листингга олинган ташкилотлар учун талаб қилинади.

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС компанияси акциядорларига [ёки бошқа тегишли манзилга]

Молиявий ҳисоботларнинг аудити бўйича хулоса[4]

Фикр

Биз АВС Компаниясининг (Компания) молиявий ҳисоботларини текширдик, улар 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни, шу йилда якунланган молия натижалари тўғрисидаги ҳисоботни, капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек, молиявий ҳисоботларга изоҳларни, жумладан, муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар Компаниянинг 20X1 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳолатини ва шу йилдаги молиявий натижаларини ҳамда пул оқимларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (*МҲХС)га мувофиқ равишда барча муҳим жиҳатлари бўйича* ҳаққоний *ва тўғри акс* эттиради.

Фикр учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг "Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бандида батафсил тавсифланган. Биз [юрисдикция]даги молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз, ва биз ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари фикримиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг асосий масалалари[5]

Аудитнинг асосий масалалари - бу бизнинг касбий мулоҳазамизга кўра, жорий давр молиявий ҳисоботлари аудитида энг аҳамиятли бўлган масалалардир. Бу масалалар молиявий ҳисоботлар аудити доирасида ва ушбу ҳисоботлар бўйича фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган, ва биз бу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

[Ҳар бир аудитнинг муҳим масаласи 701-сон АХСга мувофиқ тавсифланади.]

Бошқа маълумотлар [ёки мосроқ бўлган бошқа сарлавҳа, масалан “Молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасидан ташқари маълумотлар”]

Раҳбарият[6] бошқа маълумотлар учун жавобгардир. Бошқа маълумотлар [X ҳисоботида киритилган маълумотлардан[7] иборат, лекин молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосамизни ўз ичига олмайди.]

Молиявий ҳисоботлар бўйича бизнинг фикримиз бошқа маълумотларни қамраб олмайди ва биз уларга нисбатан ҳеч қандай шаклдаги ишонч хулосасини билдирмаймиз.

Молиявий ҳисоботлар аудити билан боғлиқ равишда, бизнинг жавобгарлигимиз бошқа маълумотларни ўқиш ва буни амалга оширишда бошқа маълумотлар молиявий ҳисоботлар ёки аудитда олинган билимларимиз билан муҳим даражада мос келмаслигини ёки бошқача муҳим бузиб кўрсатилганлигини кўриб чиқишдан иборат. Агар биз бажарган ишимиз асосида бу бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келсак, биз бу фактни хабар қилишимиз талаб этилади. Бизнинг бу борада хабар қиладиган ҳеч нарсамиз йўқ.

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[8]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган)[9] бўйича хулоса бериш –700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

---

4 “Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича ҳисобот” кичик сарлавҳаси иккинчи кичик сарлавҳа “Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича ҳисобот” қўлланилмайдиган ҳолатларда керак эмас.

5 Аудитнинг асосий масалалари бўлими фақат рўйхатга олинган ташкилотлар учун талаб қилинади.

6 Ёки муайян юрисдикция ҳуқуқий доирасида мос келадиган бошқа атамалар

7 “Раҳбарият ҳисоботи ва раис баёноти” каби бошқа маълумотларни аниқроқ тавсифлаш бошқа маълумотларни аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин.

8 Ушбу намунавий аудитор хулосалари давомида раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар атамалари муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий доирага мувофиқ бошқа тегишли атама билан алмаштирилиши керак бўлиши мумкин.

9 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), *“Молиявий ҳисоботлар бўйича фикрни шакллантириш ва ҳисобот бериш”*

Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича хулоса

[*700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.*]

[Ушбу мустақил аудиторлик хулосасига олиб келган аудит бўйича масъул партнёр [исм][10]

[*Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий номи ёки иккаласи, муайян юрисдикция учун тегишли ҳолда*]

[*Аудитор манзили*]

[*Сана*]

[10] Рўйхатга олинган ташкилотларнинг умумий мақсадли молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўплами аудити учун аудитор ҳисоботида топшириқ бўйича ҳамкорнинг номи киритилади, камдан-кам ҳолларда, бундай ошкор этиш шахсий хавфсизликка жиддий таҳдид туғдириши асосли равишда кутилган ҳоллар бундан мустасно (700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 46-бандга қаранг).

2-намуна – Листингга кирган ташкилотнинг аудиторлик хулосаси, модификацияланмаганни ўз ичига олган, аудитор аудитор хулосаси санасигача бошқа маълумотларнинг бир қисмини олган, бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаган ва аудитор хулосаси санасидан кейин бошқа маълумотларни олишни кутаётган ҳолат учун.

Ушбу аудитор хулосаси намунаси учун қуйидаги ҳолатлар назарда тутилган:

- **Листингга кирган ташкилотнинг молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламини ҳаққоний тақдим этиш асосида аудит ўтказиш. Бу аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АХС қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан МҲХСга мувофиқ (умумий мақсадлар асоси) тайёрланган.**
- **Аудит топшириғи шартлари 210-сон АХСда келтирилган молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифига мос келади.**
- **Аудитор олинган аудит далиллари асосида ўзгартирилмаган (яъни, "тоза") фикр мувофиқ деган хулосага келган.**
- **Аудитга тегишли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикция доирасидаги талаблардир.**
- **Олинган аудит далиллари асосида, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ ташкилотнинг фаолиятни давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдирадиган ҳодисалар ёки шароитларга оид муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудитнинг асосий масалалари 701-сон АХС га мувофиқ мулоқот қилинган.**
- **Аудитор аудитор хулосаси санасигача бошқа маълумотларнинг бир қисмини олган, бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаган ва аудитор хулосаси санасидан кейин бошқа маълумотларни олишни кутаётган.**
- **Молиявий ҳисоботларни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Молиявий ҳисоботлар аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун талаб қиладиган бошқа ҳисобот бериш мажбуриятларига эга.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ ХУЛОСАСИ

АВС компанияси акциядорларига [ёки бошқа тегишли манзилга]

Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича хулоса[11]

Фикр

Биз АВС Компанияси (Компания) молиявий ҳисоботларини аудит қилдик, улар 2021 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек молиявий ҳисоботларга изоҳлар, шу жумладан муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатлардан ҳаққоний тақдим этилган (ёки ҳаққоний ва тўғри тасвирлайди) Компаниянинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолатини ва шу санада тугаган йил учун молиявий натижалари ва пул оқимларини Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (IASB) томонидан чиқарилган МҲХС Бухгалтерия ҳисоби стандартларига (МҲХС) мувофиқ ҳолда тайёрланган.

Фикр учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг "Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бандида батафсил тавсифланган. Биз [юрисдикция]даги молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз, ва биз ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари фикримиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг асосий масалалари

Аудитнинг асосий масалалари - бу бизнинг касбий мулоҳазамизга кўра, жорий давр молиявий ҳисоботлари аудитида энг аҳамиятли бўлган масалалардир. Бу масалалар молиявий ҳисоботлар аудити доирасида ва ушбу ҳисоботлар бўйича фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган, ва биз бу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

[*701-сон АХСга мувофиқ ҳар бир аудитнинг муҳим масаласи тавсифи.*]

Бошқа маълумотлар [ёки мосроқ бўлган бошқа сарлавҳа, масалан "Молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасидан ташқари маълумотлар"]

Раҳбарият[12] бошқа маълумотлар учун жавобгардир. Бошқа маълумотлар ушбу аудитор хулосаси санасигача олинган Х ҳисоботини[13] (лекин молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасини ўз ичига олмайди) ва ўша санадан кейин бизга тақдим этилиши кутилаётган Y ҳисоботини ўз ичига олади.

Молиявий ҳисоботлар бўйича бизнинг фикримиз бошқа маълумотларни қамраб олмайди ва биз уларга нисбатан ҳеч қандай шаклдаги ишонч хулосасини билдирмаймиз.

Молиявий ҳисоботлар аудити билан боғлиқ равишда, бизнинг жавобгарлигимиз юқорида аниқланган бошқа маълумотларни ўқиш ва буни амалга оширишда бошқа маълумотлар молиявий ҳисоботлар ёки аудитда олинган билимларимиз билан муҳим даражада мос келмаслигини ёки бошқача муҳим бузиб кўрсатилганлигини кўриб чиқишдан иборат.

Агар биз ушбу аудитор хулосаси санасига қадар олган бошқа маълумотлар бўйича бажарган ишимиз асосида, бу бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келсак, биз бу фактни хабар қилишимиз талаб этилади. Бизнинг бу борада хабар қиладиган бирор жиҳат мавжуд эмас.

[Y ҳисоботини ўқиганимизда, агар унда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келсак, биз бу масалани бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилишимиз ва [юрисдикцияда қўлланиладиган ҳаракатларни тавсифлаш] талаб этилади.][14]

---

[11] "Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича ҳисобот" кичик сарлавҳаси иккинчи кичик сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича ҳисобот" қўлланилмайдиган ҳолатларда керак эмас.

[12] Ёки муайян юрисдикция ҳуқуқий доирасида мос келадиган бошқа атамалар

[13] "Раҳбарият ҳисоботи ва раис баёноти" каби бошқа маълумотларни аниқроқ тавсифлаш бошқа маълумотларни аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин.

[14] Бу қўшимча банд аудитор аудитор ҳисоботи санасидан кейин олинган бошқа маълумотларда тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатишни аниқлаган ва жавоб бериш учун аниқ ҳаракатларни амалга оширишга қонуний мажбурияти бўлганда фойдали бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[15]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича ҳисобот

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

Ушбу мустақил аудиторлик хулосасига олиб келган аудит бўйича масъул партнёр [исм].[16]

[Аудиторлик ташкилоти номи, аудиторнинг шахсий номи ёки иккаласи, муайян юрисдикция учун тегишли ҳолда]

[Аудитор манзили]

[*Сана*]

---

15 Ёки муайян юрисдикция ҳуқуқий доирасида мос келадиган бошқа атамалар.

16 Рўйхатга олинган ташкилотларнинг умумий мақсадли молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўплами аудити учун аудитор ҳисоботида топшириқ бўйича ҳамкорнинг номи киритилади, камдан-кам ҳолларда, бундай ошкор этиш шахсий хавфсизликка жиддий таҳдид туғдириши асосли равишда кутилган ҳоллар бундан мустасно (700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 46-бандга қаранг).

3-намуна – Листингга кирмаган ташкилотнинг аудиторлик хулосаси, модификацияланмаганни ўз ичига олган, аудитор аудиторлик хулосаси санасигача бошқа маълумотларнинг бир қисмини олган, бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаган ва аудиторлик хулосаси санасидан кейин бошқа маълумотларни олишни кутаётган ҳолат учун.

Ушбу аудитор хулосаси намунаси учун қуйидаги ҳолатлар назарда тутилган:

- **Листингга кирмаган ташкилотнинг молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламини ҳаққоний тақдим этиш асосида аудит ўтказиш. Бу аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АХС қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан МҲХСга мувофиқ (умумий мақсадлар асоси) тайёрланган.**
- **Аудит топшириғи шартлари 210-сон АХСда келтирилган молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифига мос келади.**
- **Аудитор олинган аудит далиллари асосида ўзгартирилмаган (яъни, "тоза") фикр мувофиқ деган хулосага келган.**
- **Аудитга тегишли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикция доирасидаги талаблардир.**
- **Олинган аудит далиллари асосида, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолиятни давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдирадиган ҳодисалар ёки шароитларга оид муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудитор 701-сон АХСга мувофиқ аудитнинг асосий масалаларини мулоқот қилиш талаб этилмайди ва бошқача тарзда қарор қилмаган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасигача бошқа маълумотларнинг бир қисмини олган, бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатишни аниқламаган ва аудитор хулосаси санасидан кейин бошқа маълумотларни олишни кутаётган.**
- **Молиявий ҳисоботларни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Аудиторнинг қонун ёки меъёрий ҳужжатлар бўйича бошқа ҳисобот бериш мажбуриятлари йўқ.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

АВС Компанияси акциядорларига [ёки бошқа тегишли манзилга]

Фикр

Биз АВС Компанияси (Компания) молиявий ҳисоботларини аудит қилдик, улар 2021 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек молиявий ҳисоботларга изоҳлар, шу жумладан муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар Компаниянинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолатини ва шу санада тугаган йил учун молиявий натижалари ва пул оқимларини Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (IASB) томонидан чиқарилган МҲХС Бухгалтерия ҳисоби стандартларига (МҲХС) мувофиқ ҳолда барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этилган (ёки ҳаққоний ва тўғри тасвирлайди).

Фикр учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг "Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бандида батафсил тавсифланган. Биз [юрисдикция]даги молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз, ва биз ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари фикримиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Бошқа маълумотлар [ёки мосроқ бўлган бошқа сарлавҳа, масалан "Молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасидан ташқари маълумотлар"]

Раҳбарият[17] бошқа маълумотлар учун жавобгардир. Ушбу аудитор хулосаси санасида олинган бошқа маълумотлар [Х ҳисоботидаги маълумотлар[18] бўлиб, молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасини ўз ичига олмайди]

Молиявий ҳисоботлар бўйича бизнинг фикримиз бошқа маълумотларни қамраб олмайди ва биз уларга нисбатан ҳеч қандай шаклдаги ишонч хулосасини билдирмаймиз.

Молиявий ҳисоботлар аудити билан боғлиқ равишда, бизнинг жавобгарлигимиз бошқа маълумотларни ўқиш ва буни амалга оширишда бошқа маълумотлар молиявий ҳисоботлар ёки аудитда олинган билимларимиз билан муҳим даражада мос келмаслигини ёки бошқача муҳим бузиб кўрсатилганлигини кўриб чиқишдан иборат.

Агар биз ушбу аудитор хулосаси санасига қадар олган бошқа маълумотлар бўйича бажарган ишимиз асосида, бу бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келсак, биз бу фактни хабар қилишимиз талаб этилади. Бу борада хабар қиладиган бирор жиҳат мавжуд эмас.

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[19]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

[Аудиторлик ташкилоти номи, аудиторнинг шахсий номи ёки иккаласи, муайян юрисдикция учун тегишли ҳолда]

[*Аудитор манзили]*

[*Сана*]

---

17 Ёки муайян юрисдикция ҳуқуқий доирасида мос келадиган бошқа атамалар.

18 “Раҳбарият ҳисоботи ва раис баёноти” каби бошқа маълумотларни аниқроқ тавсифлаш бошқа маълумотларни аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин.

19 Ёки муайян юрисдикция ҳуқуқий доирасида мос келадиган бошқа атамалар

4-намуна – Листингга кирган ташкилотнинг аудиторлик хулосаси, модификацияланмаган фикрни ўз ичига олган, аудитор аудиторлик хулосаси санасигача бошқа маълумотларни олмаган, лекин аудиторлик хулосаси санасидан кейин бошқа маълумотларни олишни кутаётган ҳолат учун.

- **Ушбу аудитор хулосаси намунаси учун қуйидаги ҳолатлар назарда тутилган:**
- **Листингга кирган ташкилотнинг молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламини ҳаққоний тақдим этиш асосида аудит ўтказиш. Бу аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АХС қўлланилмайди).**
- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан МҲХСга мувофиқ (умумий мақсадлар асоси) тайёрланган.**
- **Аудит топшириғи шартлари 210-сон АХС да келтирилган молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифига мос келади.**
- **Аудитор олинган аудит далиллари асосида модификацияланмаган (яъни, "тоза") фикр мувофиқ деган хулосага келган.**
- **Аудитга тегишли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикция доирасидаги талаблардир.**
- **Олинган аудит далиллари асосида, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ ташкилотнинг фаолиятни давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдирадиган ҳодисалар ёки шароитларга оид муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**
- **Аудитнинг асосий масалалари 701-сон АХС га мувофиқ мулоқот қилинган.**
- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасигача бошқа маълумотларни олмаган, лекин аудиторлик хулосаси санасидан кейин бошқа маълумотларни олишни кутаётган.**
- **Молиявий ҳисоботларни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**
- **Молиявий ҳисоботлар аудитидан ташқари, аудитор маҳаллий қонун талаб қиладиган бошқа хулоса бериш мажбуриятларига эга.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

АВС компанияси акциядорларига [ёки бошқа тегишли манзилга]

Молиявий ҳисоботларнинг аудити бўйича хулоса[20]

Фикр

Биз АВС Компаниясининг (Компания) молиявий ҳисоботларини текширдик, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни, шу йилда якунланган молия йили учун умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботни, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек, молиявий ҳисоботларга изоҳларни, жумладан, муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар Компаниянинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолатини ва шу санада тугаган йил учун молиявий натижалари ва пул оқимларини Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (IASB) томонидан чиқарилган МҲХС Бухгалтерия ҳисоби стандартларига (МҲХС) мувофиқ ҳолда барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этилган (ёки ҳаққоний ва тўғри тасвирлайди).

Фикр учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг "Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бандида батафсил тавсифланган. Биз [юрисдикция]даги молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз, ва биз ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари фикримиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг асосий масалалари

Аудитнинг асосий масалалари - бу бизнинг касбий мулоҳазамизга кўра, жорий давр молиявий ҳисоботлари аудитида энг аҳамиятли бўлган масалалардир. Бу масалалар молиявий ҳисоботлар аудити доирасида ва ушбу ҳисоботлар бўйича фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган, ва биз бу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

[701-сон АХСга мувофиқ ҳар бир аудитнинг муҳим масаласи тавсифи.]

Бошқа маълумотлар [ёки мосроқ бўлган бошқа сарлавҳа, масалан "Молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасидан ташқари маълумотлар"]

Раҳбарият[21] бошқа маълумотлар учун жавобгардир. Бошқа маълумотлар [Х ҳисоботидаги маълумотлар[22] лекин молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасини ўз ичига олмайди]. Х ҳисоботи ушбу аудитор хулосаси санасидан кейин бизга тақдим этилиши кутилмоқда.

Молиявий ҳисоботлар бўйича бизнинг фикримиз бошқа маълумотларни қамраб олмайди ва биз уларга нисбатан ҳеч қандай шаклдаги ишонч хулосасини билдирмаймиз.

Молиявий ҳисоботлар аудити билан боғлиқ равишда, бизнинг жавобгарлигимиз юқорида аниқланган бошқа маълумотларни у мавжуд бўлганда ўқиш ва буни амалга оширишда бошқа маълумотлар молиявий ҳисоботлар ёки аудитда олинган билимларимиз билан муҳим даражада мос келмаслигини ёки бошқача муҳим бузиб кўрсатилганлигини кўриб чиқишдан иборат.

[Х ҳисоботини ўқиганимизда, агар унда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келсак, биз бу масалани бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилишимиз ва [юрисдикцияда қўлланиладиган ҳаракатларни тавсифлаш] талаб этилади.][23]

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[24]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

---

[20] "Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича ҳисобот" кичик сарлавҳаси иккинчи кичик сарлавҳа "Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича ҳисобот" қўлланилмайдиган ҳолатларда керак эмас.

[21] Ёки муайян юрисдикция ҳуқуқий доирасида мос келадиган бошқа атамалар

[22] "Раҳбарият ҳисоботи ва раис баёноти" каби бошқа маълумотларни аниқроқ тавсифлаш бошқа маълумотларни аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин.

[23] Бу қўшимча банд аудитор аудитор ҳисоботи санасидан кейин олинган бошқа маълумотларда тузатилмаган муҳим бузиб кўрсатишни аниқлаган ва жавоб бериш учун аниқ ҳаракатларни амалга оширишга қонуний мажбурияти бўлганда фойдали бўлиши мумкин.

[24] Ёки муайян юрисдикциянинг ҳуқуқий доирасида мос келадиган бошқа атамалар.

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

Бошқа ҳуқуқий ва меъёрий талаблар бўйича хулоса

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

Ушбу мустақил аудиторлик хулосасига олиб келган аудит бўйича масъул партнёр [исм].

[Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий номи ёки иккаласи, муайян юрисдикция учун тегишли ҳолда]

[*Аудитор манзили]*

[*Сана*]

5-намуна – Ҳар қандай ташкилотнинг аудиторлик хулосаси, листингга кирган ёки листингга кирмаган, модификацияланмаган фикрни ўз ичига олган, аудитор аудиторлик хулосаси санасигача барча бошқа маълумотларни олган ва бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келган ҳолат учун.

Ушбу аудиторлик хулосаси намунаси учун қуйидаги ҳолатлар назарда тутилган:

- **Листингга кирган ёки листингга кирмаган ҳар қандай ташкилотнинг молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламини ҳаққоний тақдим этиш асосида аудит ўтказиш. Бу аудит гуруҳ аудити эмас (яъни, 600-сон АҲС қўлланилмайди).**

- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан МҲҲСга мувофиқ (умумий мақсадлар асоси) тайёрланган.**

- **Аудит топшириғи шартлари 210-сон АҲСда келтирилган молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифига мос келади.**

- **Аудитор олинган аудит далиллари асосида ўзгартирилмаган (яъни, "тоза") фикр мувофиқ деган хулосага келган.**

- **Аудитга тегишли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикция доирасидаги талаблардир.**

- **Олинган аудит далиллари асосида, аудитор 570-сон АҲС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ ташкилотнинг фаолиятни давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдирадиган ҳодисалар ёки шароитларга оид муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**

- **Аудитнинг асосий масалалари 701-сон АҲСга мувофиқ мулоқот қилинган.**

- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасигача барча бошқа маълумотларни олган ва бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келган**

- **Молиявий ҳисоботларни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**

- **Аудиторнинг қонун ёки меъёрий ҳужжатлар талаб қиладиган бошқа хулоса бериш мажбуриятлари йўқ.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

АВС компанияси акциядорларига [ёки бошқа тегишли манзилга]

Фикр

Биз АВС Компанияси (Компания) молиявий ҳисоботларини аудит қилдик, улар 2021 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек молиявий ҳисоботларга изоҳлар, шу жумладан муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар Компаниянинг 2021 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолатини ва шу санада тугаган йил учун молиявий натижалари ва пул оқимларини Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (IASB) томонидан чиқарилган МҲХС Бухгалтерия ҳисоби стандартларига (МҲХС) мувофиқ ҳолда барча муҳим жиҳатлардан ҳаққоний тақдим этилган (ёки ҳаққоний ва тўғри тасвирлайди).

Фикр учун асос

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг "Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бандида батафсил тавсифланган. Биз [юрисдикция]даги молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Компаниядан мустақилмиз, ва биз ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари фикримиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Бошқа маълумотлар [ёки мосроқ бўлган бошқа сарлавҳа, масалан "Молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасидан ташқари маълумотлар"]

Раҳбарият[25] бошқа маълумотлар учун жавобгардир. Бошқа маълумотлар [Х ҳисоботидаги маълумотлар[26], лекин молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасини ўз ичига олмайди] дан иборат.

Молиявий ҳисоботлар бўйича бизнинг фикримиз бошқа маълумотларни қамраб олмайди ва биз уларга нисбатан ҳеч қандай шаклдаги ишонч хулосасини билдирмаймиз.

Молиявий ҳисоботлар аудити билан боғлиқ равишда, бизнинг жавобгарлигимиз бошқа маълумотларни ўқиш ва буни амалга оширишда бошқа маълумотлар молиявий ҳисоботлар ёки аудитда олинган билимларимиз билан муҳим даражада мос келмаслигини ёки бошқача муҳим бузиб кўрсатилганлигини кўриб чиқишдан иборат.

Агар биз бажарган ишимиз асосида бу бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келсак, биз бу фактни хабар қилишимиз талаб этилади. Қуйида тавсифланганидек, биз бундай бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келдик.

[Бошқа маълумотларнинг муҳим бузиб кўрсатилишининг тавсифи]

[Аудитнинг асосий масалалари][27]

Аудитнинг асосий масалалари - бу бизнинг касбий мулоҳазамизга кўра, жорий давр молиявий ҳисоботлари аудитида энг аҳамиятли бўлган масалалардир. Бу масалалар молиявий ҳисоботлар аудити доирасида ва ушбу ҳисоботлар бўйича фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган, ва биз бу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

[701-сон АХСга мувофиқ ҳар бир аудитнинг муҳим масаласи тавсифи.]

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[28]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 1-намунага қаранг.]

---

25 Ёки муайян юрисдикция ҳуқуқий доирасида мос келадиган бошқа атамалар.

26 “Раҳбарият ҳисоботи ва раис баёноти” каби бошқа маълумотларни аниқроқ тавсифлаш бошқа маълумотларни аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин.

27 Аудитнинг асосий масалалари бўлими фақат рўйхатга олинган ташкилотлар учун талаб қилинади.

28 Ёки муайян юрисдикция ҳуқуқий доирасида мос келадиган бошқа атамалар

[Ушбу мустақил аудиторлик хулосасига олиб келган аудит бўйича масъул партнёр [исм].[29]

[Аудиторлик ташкилоти номи, аудиторнинг шахсий номи ёки иккаласи, муайян юрисдикция учун тегишли ҳолда]

[*Аудитор манзили]*

[*Сана*]

[29] Рўйхатга олинган ташкилотларнинг умумий мақсадли молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўплами аудити учун аудитор ҳисоботида топшириқ бўйича ҳамкорнинг номи киритилади, камдан-кам ҳолларда, бундай ошкор этиш шахсий хавфсизликка жиддий таҳдид туғдириши асосли равишда кутилган ҳоллар бундан мустасно (700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 46-бандга қаранг).

6-намуна – Ҳар қандай ташкилотнинг аудиторлик хулосаси, листингга кирган ёки листингга кирмаган, ўзгартирилган фикрни ўз ичига олган, аудитор аудиторлик хулосаси санасигача барча бошқа маълумотларни олган ва консолидациялашган молиявий ҳисоботларда бошқа маълумотларга ҳам таъсир қиладиган муҳим модда билан боғлиқ текшириш кўлами чекланган ҳолат учун.

Ушбу аудитор хулосаси намунаси учун қуйидаги ҳолатлар назарда тутилган:

- **Листингга кирган ёки листингга кирмаган ҳар қандай ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламини ҳаққоний тақдим этиш асосида аудит ўтказиш. Бу аудит гуруҳ аудитидир (яъни, 600-сон АХС қўлланилади).**

- **Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан МҲХСга мувофиқ (умумий мақсадлар асоси) тайёрланган.**

- **Аудит топшириғи шартлари 210-сон АХСда келтирилган консолидациялашган молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифига мос келади.**

- **Аудитор чет элдаги шуъба компанияга инвестиция бўйича етарли ва муносиб аудит далилларини ола олмаган. Етарли ва муносиб аудит далилларини ололмасликнинг мумкин бўлган таъсирлари консолидациялашган молиявий ҳисоботлар учун муҳим, лекин кенг тарқалмаган деб ҳисобланади (яъни, ўзгартирилган фикр мувофиқдир).**

- **Аудитга тегишли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикция доирасидаги талаблардир.**

- **Олинган аудит далиллари асосида, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ ташкилотнинг фаолиятни давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдирадиган ҳодисалар ёки шароитларга оид муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**

- **Аудитнинг асосий масалалари 701-сон АХС га мувофиқ мулоқот қилинган.**

- **Аудитор аудиторлик хулосаси санасигача барча бошқа маълумотларни олган ва консолидациялашган молиявий ҳисоботлар бўйича ўзгартирилган фикрга сабаб бўлган масала бошқа маълумотларга ҳам таъсир қилади.**

- **Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**

- **Аудиторнинг қонун ёки меъёрий ҳужжатлар талаб қиладиган бошқа ҳисобот бериш мажбуриятлари йўқ.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

АВС компанияси акциядорларига [ёки бошқа тегишли манзилга]

Шартли фикр

Биз АВС Компанияси ва унинг шуъба корхоналари (Гуруҳ) консолидациялашган молиявий ҳисоботларини аудит қилдик, улар 2021 йил 31 декабр ҳолатига консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун консолидациялашган умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, консолидациялашган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва консолидациялашган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек консолидациялашган молиявий ҳисоботларга изоҳлар, шу жумладан муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, ҳисоботимизнинг "Шартли фикр учун асос" бандида тавсифланган масаланинг мумкин бўлган таъсирларидан ташқари, илова қилинган консолидациялашган молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатлардан ҳаққоний тақдим этилган (ёки ҳаққоний ва тўғри тасвирлайди) Гуруҳнинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолатини ва шу санада тугаган йил учун унинг консолидациялашган молиявий натижалари ва консолидациялашган пул оқимларини Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (IASB) томонидан чиқарилган МҲХС Бухгалтерия ҳисоби стандартларига (МҲХС) мувофиқ ҳолда.

Ўзгартирилган фикр учун асос

Гуруҳнинг йил давомида сотиб олинган ва ҳиссадорлик усули билан ҳисобга олинган XYZ Компаниясига (хорижий шуъба компания) қилинган инвестицияси 2021 йил 31 декабрь ҳолатига консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ххх миқдорида кўрсатилган, ва АВС нинг XYZ соф даромадидаги улуши ххх миқдорида АВС нинг шу йил учун даромадига киритилган. Биз 2021 йил 31 декабрь ҳолатига АВС нинг XYZ га қилинган инвестициясининг баланс қиймати ва шу йил учун АВС нинг XYZ нинг соф даромадидаги улуши ҳақида етарли ва муносиб аудит далилларини ололмадик, чунки бизга XYZ нинг молиявий маълумотлари, раҳбарияти ва аудиторларига кириш имконияти берилмади. Оқибатда, биз бу суммаларга қандай тузатишлар киритиш зарурлигини аниқлай олмадик.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг "Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бандида батафсил тавсифланган. Биз [юрисдикция]даги консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Гуруҳдан мустақилмиз, ва биз ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари модификацияланган фикримиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Бошқа маълумотлар [ёки мосроқ бўлган бошқа сарлавҳа, масалан "Молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасидан ташқари маълумотлар"]

Раҳбарият[30] бошқа маълумотлар учун жавобгардир. Бошқа маълумотлар [Х ҳисоботидаги маълумотлар[31], лекин консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасини ўз ичига олмайди] дан иборат.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар бўйича бизнинг фикримиз бошқа маълумотларни қамраб олмайди ва биз уларга нисбатан ҳеч қандай шаклдаги ишонч хулосасини билдирмаймиз.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити билан боғлиқ равишда, бизнинг жавобгарлигимиз бошқа маълумотларни ўқиш ва буни амалга оширишда бошқа маълумотлар консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ёки аудитда олинган билимларимиз билан муҳим даражада мос келмаслигини ёки бошқача муҳим бузиб кўрсатилганлигини кўриб чиқишдан иборат.

Агар биз бажарган ишимиз асосида бу бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келсак, биз бу фактни хабар қилишимиз талаб этилади. Юқоридаги "Шартли фикр учун асос" бандида тавсифланганидек, биз 2021 йил 31 декабр ҳолатига АВС нинг XYZ га қилинган инвестициясининг баланс қиймати ва шу йил учун АВС нинг XYZ нинг соф даромадидаги улуши ҳақида етарли ва муносиб далилларни ола олмадик. Шунга кўра, биз бошқа маълумотлар бу масала бўйича муҳим бузиб кўрсатилганми ёки йўқми, хулоса чиқара олмаймиз.

[Аудитнинг асосий масалалари][32]

Аудитнинг муҳим масалалари - бу бизнинг касбий мулоҳазамизга кўра, жорий давр консолидациялашган молиявий ҳисоботлари аудитида энг аҳамиятли бўлган масалалардир. Бу масалалар консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити доирасида ва ушбу ҳисоботлар бўйича фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган, ва биз бу масалалар бўйича алоҳида

---

30 Ёки муайян юрисдикциянинг ҳуқуқий доирасида мос келадиган бошқа атамалар.

31 Бошқа маълумотларни аниқлаш учун “менежмент ҳисоботи ва раиснинг баёноти” каби аниқроқ тавсифдан фойдаланиш мумкин.

32 Аудитнинг асосий масалалари бўлими фақат листингга киритилган ташкилотлар учун талаб қилинади.

фикр билдирмаймиз. “Ўзгартирилган фикр учун асос” бандида тавсифланган масаладан ташқари, биз қуйида тавсифланган масалаларни ҳисоботимизда мулоқот қилиниши лозим бўлган аудитнинг асосий масалалари деб аниқладик.

[701-сон АХСга мувофиқ ҳар бир аудитнинг муҳим масаласи тавсифи.]

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[33]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 2-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 2-намунага қаранг.]

[Ушбу мустақил аудиторлик хулосасига олиб келган аудит бўйича масъул партнёр [исм.[34]]

[Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий номи ёки иккаласи, муайян юрисдикция учун тегишли ҳолда]

[*Аудитор манзили*]

[*Сана*]

[33] Ёки муайян юрисдикциянинг ҳуқуқий доирасида мос бўлган бошқа атамалар.

[34] Аудитор ҳисоботида листингга киритилган ташкилотларнинг умумий мақсадли молиявий ҳисоботлар тўпламларини аудити учун топшириқ бўйича ҳамкорнинг номи киритилади, агарда камдан-кам ҳолатларда бундай ошкор қилиш шахсий хавфсизликка жиддий таҳдид туғдириши мумкин бўлса (700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 46-бандга қаранг).

7-намуна – Ҳар қандай ташкилотнинг аудиторлик хулосаси, листингга кирган ёки листингга кирмаган, салбий фикрни ўз ичига олган, аудитор аудитор хулосаси санасигача барча бошқа маълумотларни олган ва консолидациялашган молиявий ҳисоботлар бўйича салбий фикр бошқа маълумотларга ҳам таъсир қиладиган ҳолат учун.

Ушбу аудиторлик хулосаси намунаси учун қуйидаги ҳолатлар назарда тутилган:

- **Листингга кирган ёки листингга кирмаган ҳар қандай ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўпламини ҳаққоний тақдим этиш асосида аудит ўтказиш. Бу аудит гуруҳ аудитидир (яъни, 600-сон АХС қўлланилади).**

- **Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан МҲХСга мувофиқ (умумий мақсадлар асоси) тайёрланган.**

- **Аудит топшириғи шартлари 210-сон АХСда келтирилган консолидациялашган молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги тавсифига мос келади.**

- **Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар шуъба корхонанинг консолидациялашмаганлиги туфайли муҳим тарзда бузиб кўрсатилган. Муҳим бузиб кўрсатиш консолидациялашган молиявий ҳисоботларга кенг тарқалган деб ҳисобланади. Бузиб кўрсатишнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботларга таъсири амалда буни аниқлаш имконияти бўлмаганлиги сабабли аниқланмаган (яъни, салбий фикр мувофиқдир).**

- **Аудитга тегишли бўлган тегишли ахлоқий талаблар юрисдикция доирасидаги талаблардир.**

- **Олинган аудит далиллари асосида, аудитор 570-сон АХС (Қайта таҳрирланган) га мувофиқ ташкилотнинг фаолиятни давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдирадиган ҳодисалар ёки шароитларга оид муҳим ноаниқлик мавжуд эмас деган хулосага келган.**

- **Аудитнинг асосий масалалари 701-сон АХСга мувофиқ мулоқот қилинган.**

- **Аудитор аудитор хулосаси санасигача барча бошқа маълумотларни олган ва консолидациялашган молиявий ҳисоботлар бўйича салбий фикрга сабаб бўлган масала бошқа маълумотларга ҳам таъсир қилади.**

- **Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун масъул бўлган шахслардан фарқ қилади.**

- **Аудиторнинг қонун ёки меъёрий ҳужжатлар талаб қиладиган бошқа хулоса бериш мажбуриятлари йўқ.**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

АВС компанияси акциядорларига [ёки бошқа тегишли манзилга]

Салбий фикр

Биз АВС Компанияси ва унинг шуъба корхоналари (Гуруҳ) консолидациялашган молиявий ҳисоботларини аудит қилдик, улар 2021 йил 31 декабрь ҳолатига консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, шу санада тугаган йил учун консолидациялашган умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, консолидациялашган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва консолидациялашган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек консолидациялашган молиявий ҳисоботларга изоҳлар, шу жумладан муҳим ҳисоб сиёсати маълумотларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, ҳисоботимизнинг "Салбий фикр учун асос" бандида муҳокама қилинган масаланинг аҳамиятлилиги туфайли, илова қилинган консолидациялашган молиявий ҳисоботлар Гуруҳнинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатига консолидациялашган молиявий ҳолатини ва шу санада тугаган йил учун унинг консолидациялашган молиявий натижалари ва консолидациялашган пул оқимларини Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (IASB) томонидан чиқарилган МҲХС Бухгалтерия ҳисоби стандартларига (МҲХС) мувофиқ ҳаққоний тақдим этмайди (ёки ҳаққоний ва тўғри тасвирламайди).

Салбий фикр учун асос

Х-изоҳда тушунтирилганидек, Гуруҳ 2021 йилда сотиб олинган XYZ Компанияси шуъба корхонасини консолидациялашмаган, чунки ҳали шуъба корхонанинг айрим муҳим активлари ва мажбуриятларининг сотиб олиш санасидаги ҳаққоний қийматларини аниқлаш имконияти бўлмаган. Шунинг учун бу инвестиция бошланғич қиймат усулида ҳисобга олинган. МҲХСга мувофиқ, Гуруҳ бу шуъба корхонани консолидациялаши ва сотиб олишни вақтинчалик суммалар асосида ҳисобга олиши лозим эди. Агар XYZ Компанияси консолидациялашган бўлса, илова қилинган консолидациялашган молиявий ҳисоботларнинг кўп элементлари муҳим даражада таъсирланган бўларди. Консолидациялашмаганлик натижасида консолидациялашган молиявий ҳисоботларга таъсирлари аниқланмаган.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бўйича бизнинг жавобгарликларимиз хулосамизнинг "Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари" бандида батафсил тавсифланган. Биз [юрисдикция]даги консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудитига тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ Гуруҳдан мустақилмиз, ва биз ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларимизни бажардик. Биз олган аудит далиллари салбий фикримиз учун асос таъминлаш учун етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Бошқа маълумотлар [ёки мосроқ бўлган бошқа сарлавҳа, масалан "Молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасидан ташқари маълумотлар"]

Раҳбарият[35] бошқа маълумотлар учун жавобгардир. Бошқа маълумотлар [Х ҳисоботидаги маълумотлар[36], лекин консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва уларга доир аудиторлик хулосасимизни ўз ичига олмайди] дан иборат.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар бўйича бизнинг фикримиз бошқа маълумотларни қамраб олмайди ва биз уларга нисбатан ҳеч қандай шаклдаги ишонч хулосасини билдирмаймиз.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити билан боғлиқ равишда, бизнинг жавобгарлигимиз бошқа маълумотларни ўқиш ва буни амалга оширишда бошқа маълумотлар консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ёки аудитда олинган билимларимиз билан муҳим даражада мос келмаслигини ёки бошқача муҳим бузиб кўрсатилганлигини кўриб чиқишдан иборат. Агар биз бажарган ишимиз асосида бу бошқа маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд деган хулосага келсак, биз бу фактни хабар қилишимиз талаб этилади. Юқоридаги "Салбий фикр учун асос" бандида тавсифланганидек, Гуруҳ XYZ Компаниясини консолидациялаши ва сотиб олишни вақтинчалик суммалар асосида ҳисобга олиши лозим эди. Биз XYZ Компаниясини консолидациялашдаги камчилик туфайли Х ҳисоботидаги суммалар ёки бошқа моддаларга таъсир қилган шу сабабга нисбатан бошқа маълумотлар ҳам муҳим бузиб кўрсатилган деган хулосага келдик.

[Аудитнинг асосий масалалари][37]

Аудитнинг асосий масалалари - бу бизнинг касбий мулоҳазамизга кўра, жорий давр консолидациялашган молиявий ҳисоботлари аудитида энг аҳамиятли бўлган масалалардир. Бу масалалар консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудити доирасида ва ушбу ҳисоботлар бўйича фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган, ва биз бу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз. "Салбий фикр учун асос" бандида тавсифланган масаладан ташқари, биз қуйида тавсифланган масалаларни ҳисоботимизда мулоқот қилиниши лозим бўлган аудитнинг асосий масалалари деб аниқладик.

---

35 Ёки муайян юрисдикция ҳуқуқий доирасида мос келадиган бошқа атамалар

36 "Раҳбарият ҳисоботи ва раис баёноти" каби бошқа маълумотларни аниқроқ тавсифлаш бошқа маълумотларни аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин.

37 Аудитнинг асосий масалалари бўлими фақат рўйхатга олинган ташкилотлар учун талаб қилинади.

[701-сон АХСга мувофиқ ҳар бир аудитнинг муҳим масаласи тавсифи.]

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарликлари[38]

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 2-намунага қаранг.]

Молиявий ҳисоботлар аудити учун аудиторнинг жавобгарликлари

[700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) бўйича хулоса бериш – 700-сон АХС (Қайта таҳрирланган) даги 2-намунага қаранг.]

[Ушбу мустақил аудиторлик хулосасига олиб келган аудит бўйича масъул партнёр [исм].[39]

[Аудиторлик фирмаси номи, аудиторнинг шахсий номи ёки иккаласи, муайян юрисдикция учун тегишли ҳолда]

[*Аудитор манзили]*

[*Сана*]

[38] Ёки муайян юрисдикция ҳуқуқий доирасида мос келадиган бошқа атамалар

[39] Рўйхатга олинган ташкилотларнинг умумий мақсадли молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўплами аудити учун аудитор ҳисоботида топшириқ бўйича ҳамкорнинг номи киритилади, камдан-кам ҳолларда, бундай ошкор этиш шахсий хавфсизликка жиддий таҳдид туғдириши асосли равишда кутилган ҳоллар бундан мустасно (700-сон АХС (Қайта таҳрирланган), 46-бандга қаранг).